Луқмон БЎРИХОН

ОЛОВ ТУТГАН ОДАМ

821.512.133-94
Б99 | 2019/30
4

Дўриҳон Л.
Олов тутган
одам

Т-2018 240 б.
ISBN 978-9943-01-200-6

2019/30
4

ЛУҚМОН БЎРИХОН

ОЛОВ ТУТГАН ОДАМ

Роман

Биринчи китоб

Тошкент
«Университет»
2018

821.512.133 - 94
323(5Ў).1 (092)

КБК 83.3(5Ў)
УЎК 821.512.133(092)
Н 79

Бўрихон, Луқмон
Олов тутган одам / Л.Бўрихон. – Тошкент: «Университет», 2018. - 384 б.

Н 79 ISBN 978-9943-5280-1-7 КБК 83.3(5Ў)
УЎК 821.512.133(092)

Ушбу асарда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов ҳаёти ва фаолиятининг муҳим бир даври акс этган. Роман драматик, қизиқарли лавҳаларга, тасвирларга бой. Буларда ўша оғир йиллар нафаси сезилиб туради. Мутолаа жараёнида бош қаҳрамон китобхон кўз ўнгида қаттиққўл, талабчан раҳбар қиёфасидагина эмас, балки қалби кувончу қайғуларга лиммо-лим, куйинчак, ҳайрихоҳ, оддий инсон сифатида ҳам намоён бўлади. Ўқувчини ўз изтиробларига, эзгу ҳис-туйғуларига ошно этади. Мазкур асар муҳтарам китобхонларимизни, бадиий сўз ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

2019/30 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK 4

ISBN 978-9943-5280-1-7
© Бўрихон Луқмон. «Олов тутган одам» 2018
© «Университет» нашриёти, Тошкент, 2018.

Буюк шахс ҳақида роман

Бу асар қўлёзмаси билан илк танишиб чиққан ўқувчилардан бири, ҳойнаҳой, мен бўлсам керак. Ўша воқеага ҳам, адашмасам, етти-саккиз йилдан ошиб қолди. Ўшанда Ёзувчилар уюшмаси томонидан қўлимга оғиргина бир жилд тутқазишди. Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятида раҳбарлик қилган даври ҳақида ёзилган роман, ўқиб, фикр билдирсангиз, дейишди. Очиғи, аввалига анчагина ажабландим, уларнинг гапларига ишонмагандай бўлдим. Ахир бу ўта жиддий ва масъулиятли мавзу, ҳар ким ҳам бу мавзуда қоғоз қоралашга журъат этолмайди, деган ўй хаёлимдан ўтди. Бемаслаҳат, бекенгаш шундай залварли юкни елкасига олгани учун ёзувчи Луқмон Бўрихонни ич-ичимда койиб ҳам қўйдим, унинг қилган меҳнатига ачиндим. Ахир не бир номдор адиблар ҳам бу мавзуга ботина олишмаган. Луқмон Бўрихон улар олдида анча ёш, тажрибасиз туюларди, назаримда. Хуллас, шундай кайфиятда қўлёзмани варақлашга тутиндим. Аммо шуҳба-гумонларим беҳуда экан. Қўлёзманинг сўнгги саҳифасини ўқиб чиққан пайтимда кўнглимда қандайдир қувонч, завқ пайдо бўлди: Луқмон Бўрихон уддалабди! Унинг

асари мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнга, шунингдек, адабиётнинг азалий талабларига деярли жавоб берарди. Албатта, маромига етмаган, яна бир карра тер тўкишга ундайдиган жиҳатлар ҳам талайгина эди. Биз ёзувчига бу борада фикр ва таклифларимизни билдирдик. Луқмон йўл-йўриқларимизни инобатга олиб, ўз асарини икки-уч марта қайта ишлади. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, атоқли давлат ва жамоат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳаёти ва фаолиятига оид пишиқ-пухта, ҳужжатли-бадиий роман дунёга келди. Бугун у кенг ўқувчилар оммасига ҳавола этилмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-90-йилларида собиқ Иттифоқ ўз умрининг ўта танг, таҳликали даврини бошидан кечирарди. Бу нохуш ҳолни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча тармоқларида кузатиш мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, улкан империя парчаланиш арафасида эди. Ўша машъум йиллар, айниқса, Ўзбекистон бошига оғир, азобли ташвишлар олиб келди. Халқимизга маломат тошлари отилди. Ўзбекистонда порахўрлик, кўзбўямачилик, хиёнат, боқимандалик каби жиноятлар илдиз отган, деган баҳона билан Марказ томонидан бу ерга гуруҳ-гуруҳ «адолатпеша амалдорлар», тафтишчилар, терговчилар юборилди. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деган ҳақоратомуз иборалар пайдо бўлди. Оқибатда, юзлаб, минглаб юртдошларимиз ноҳақдан-ноҳақ қамоққа ташланди, қувғин қилинди. Эл-улусда тушкунлик, ишончсизлик, умидсизлик кайфияти устувор эди. Луқмон Бўрихоннинг «Олов тутган одам» романида худди шу давр, худди шу ижтимоий ҳолат маҳорат билан очиб берилган.

«Боғ-роғлар азалий одатга хилоф бир тарзда август адоқларидаёқ хазон фаслига юз тутди. Муқаррар жудолик ҳукмига бўйсунган дов-дарахтлар сарғиш-қизил япроқларини дув-дув тўкиб, титраб-қақшаб турарди.

Тошкент тобора қоронғилик қурумига қоришиб бормоқда. Бефайз, беҳаловат кўча-кўй чироқлари бирин-кетин милт-

милт ёна бошлади. Иш-юмушдан қайтаётган ҳорғин ва карахт одамлар йўлакларда, бекатларда худди шарпалардек судралишади. Автомобиллар, трамвай-троллейбуслар алланечук асабий ва серзарда чинқириб, у ён-бу ён ўтиб, қайтади».

Асарнинг илк саҳифаларидаёқ юқоридаги каби бадиий сербўёқ сатрларни ўқирканмиз, ўша давр, ўша машъум кунлар кайфиятини, руҳиятини теранроқ ҳис этамиз. Шунингдек, асардаги Зубайда, Шаймардон, Нортожи Эгамов каби қаҳрамонларнинг ҳаётида юз берган изтиробли воқеалар ҳам бизга ўша давр фожиаларини чуқурроқ англатади. Худди шундай дилгир, пароканда, изтиробли бир даврда Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига раҳбар этиб тайинланди. Қашқадарё ўша кезлар республикадаги энг қолоқ, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ночор ҳудуд эди. Бу ерда истиқомат қилувчи, турмуш машаққатлари гирдобида қолган халқлар, эл-элатлар ўзаро ички низоларга берилган, муаммоларни уруш-жанжаллар ёрдамида ҳал қилишга мойил бир кайфиятга тушган эди. Ислом Каримов Қашқадарёда раҳбарлик вазифасига киришаркан, ишни оқилона ташкил этди. У, энг аввало, одамларда эртанги кунга ишонч, умид уйғотиш зарурлигини тўғри англади ва айнан шу йўналиш бўйича илк фаолиятини бошлади. Ўша даврда ҳукм сурган қоғозбозлик, буйруқбозлик, баландпарвозлик каби иллатларга барҳам беришга уринди, халқ билан юзма-юз гаплашди, муаммоларни очи
бартараф этиш юзасидан кенг
софатидан жабр кўрган оилаларга ёрдам қўлини чўзди, уларнинг дардига малҳам бўлишга интилди. Чунончи, «Олов тутган одам»даги Зубайда, Шаймардон каби персонажларнинг танг тақдири, уларнинг бошига тушган мусибатлар, вилоят раҳбарининг бу оилага кўрсатган кўмаги, илиқ муносабати каби манзараларни ўқувчига ёрқин тасвирлаб беради. Албатта, Ислом Каримов олиб бораётган хайрли ишлар, ислоҳотлар ҳаммага ҳам бирдек ёқавермас эди. Кўпгина амалдорлар уни қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига халал бе-

ришга, фитна-фасод қўзғашга, одамларни гижгижлашга уриндилар. Асардаги, Восиқ Болтаев, Анастасов, Элчибоев образлари орқали мазкур жиҳатлар рўй-рост ёритиб берилган. Шунингдек, баъзи бир баланд курси соҳибларининг риёкорлиги, манфаатпарастлиги ҳам жонли ва тиниқ ифодаланганки, биз буни романдаги «Жиян амалдор», яъни Валижонов образи мисолида кузатамиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бундай нохолис муносабатларнинг сабаби нимада? Юқорида тилга олинган образлар нега бош қаҳрамонга ёрдам беришни исташмади? Аксинча, ҳар соҳада унга панд беришга уринишди? Чунки уларнинг асл мақсади Қашқадарё вилоятини ривожлантириш, гуллаб-яшнатиш бўлмаган. Гарчанд бу ҳақда оғизда гапириб, қоғозда ёзишса-да, асл мақсадлари Ўзбекистоннинг улкан имкониятларидан фойдаланиб, уни саноатлашган республикага айлантиришни, халқни фаровон турмушга олиб чиқишни кўзлаб режалар тузган, ҳисоботлар ёзган Ислом Каримовни чалғитиш, уни марказдан узоқлаштириш, охир-оқибат, қолоқ вилоятдаги муаммолар гирдобида қолдириб, ими-жимида сафдан чиқариш эди. Аммо улар ғаразли мақсадларига эриша олмадилар. Аксинча, Ислом Каримов Қашқадарёда ишлаган кезлари яна бир карра ҳаёт мактабида қайнади, аччиқ ва аянчли турмушни ўз кўзи билан кўрди, натижада, овлоқ дала-даштга қадалган экин уруғларига қўшилиб унинг ҳам юрагида, онгида мустақилликнинг илк ғоялари униб чиқа бошлади. Чекка вилоятдаги раҳбарлик фаолияти давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий танг аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилиб кўрди, гоҳ изтиробга тушди, гоҳ қувонди, охир-оқибатда, Ўзбекистон учун нажот йўли битта, у ҳам бўлса, Мустақиллик эканлигини теран англаб етди. Бу англаш, бу иқрор, айниқса, Ислом Каримов ёшлар билан суҳбатлашган чоғлари тез-тез тилига кучарди. У ўз дилидагини очиқ-ошкора бўлмаса-да, имо-ишоралар, серҳикмат нақллар орқали уқтиришга ҳаракат қиларди. Нима учун айнан ёшлар

даврасида бундай нозик ва қалтис мавзуларда гаплашишга уринарди? Чунки Ислом Каримов тазйиқ-таҳдидлардан зада, ҳуркак, шўроча фикрий қолипларга сингишиб кетган катта авлод вакилларидан кўра навқирон авлодга кўпроқ ишонарди, ўз қалбининг туб-тубида етилиб келаётган улуғвор ғояларни ёшларгина эрта-индин рўёбга чиқариши мумкинлигини қалбан ҳис этарди. Бош қаҳрамоннинг асардаги Шаймардон, Толиб каби навқирон авлод вакиллари билан бўлган суҳбатида, эндигина истиқлол ғояларига қизиқиш билдираётган гуруҳ билан бўлган учрашувида ўша ҳис-туйғулар яққол кўринади.

Шу ўринда бир савол туғилади: ёзувчи Луқмон Бўрихон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий асар яратар экан, нега айнан у киши Қашқадарё вилоятида ишлаган даврни мавзу қилиб олди? Чунки мустақиллик, озодлик ғоялари бу инсонда илк бор ўша кезлари куртак ота бошлаган эди. Бу ҳақда, кейинчалик, Ислом Каримовнинг ўзи катта йиғинларда сўзлаганидан, айрим асарларида қайд этганидан кўпчилик хабардор. Ўша даврда вилоят раҳбари қашқадарёликлар мисолида бутун Ўзбекистон халқининг дардини, муаммоларини кўра билди. Пахта яккаҳокимлигини, барча шарт-шароитлар мавжуд бўлса-да, республикани ривожлантириш масаласига марказдагилар атай панжа орасидан қараётганлигини англаб етди. Бу қуллик ва қарамликдан қутилиш йўли битта, у ҳам бўлса, мустақилликни қўлга киритиш керак эканлигини бутун борлиғи билан ҳис этди. Ислом Каримов шундай улуғвор кечинмалар, орзу-истаклар оғушида юрган кезлари Ўзбекистон раҳбарлигига сайланади.

Ёзувчи Луқмон Бўрихон Ислом Каримов сиймосини бадиий адабиётга олиб кираркан, одатда, шу тоифадаги асарларда кўп учрайдиган, баландпарвозликдан, қасидабозликдан қочади. Ёзувчи бош қаҳрамоннинг сиёсий-ижтимоий портретини бўрттириб кўрсатишдан кўра унинг инсоний-

лик қиёфасини чизишга, оддий одамийлик фазилатларини тасвирлашга ҳаракат қилади. Романда Ислом Каримов юрт қисмати билан боғлиқ залварли юкни елкасига олган улкан шахс, салоҳиятли раҳбар тимсолида кўриниши баробарида унинг ҳам ҳамдардликка, хайрихоҳликка, дилкашликка мойил инсон эканлигига гувоҳ бўламиз. Москвадан янги вазифани зиммасига олиб қайтгач, ўз хонадонида бўлиб ўтган суҳбат, Аллаевлар оиласи билан учрашувлар, дарз кетган дамба атрофидаги воқеалар, изтироблар, ўйлар акс этган бобларда худди шу жиҳатлар ёрқин ифода этилган.

Луқмон Бўрихоннинг «Олов тутган одам» романи ўзининг бадиияти, тилдаги равонлик, ширадорлик, ифодадаги тиниқлик, сербўёқлик каби хусусиятлари билан ҳам ўқувчи эътиборини тортади. Ёзувчи, айниқса, қаҳрамон руҳиятини табиат манзаралари билан уйғун чизишда ўз маҳоратини кўрсата билган.

«Тун. Шаҳар қоп-қора ниқобга бурканган қароқчи қўлида милтираб-титраб турган митти шамчироқдек тобора сўниб бормоқда.»

Ҳар бир сўз, ҳар бир қарашидан таҳдид, найранг, фитна нафаси уфуриб турган марказ амалдорлари ҳузуридан чиққан, теварагига безовта кўз ташлаган бош қаҳрамон кайфиятини Луқмон шу тарзда ифодалайди. Бу тасвирда тунги шаҳар манзараси қароқчинамо вакиллар билан бўлган учрашувдан кейинги руҳий ҳолатга ишора бўлиб, у милтираб турган митти чироқдек сўнгги умид-илинжнинг ҳам сўниб, ўлиб бораётганини англатади. Умуман, «Олов тутган одам»да жозиба билан рамзий ишора ўлароқ чизилган тун манзаралари кўп учрайди. Уларнинг ҳар бири ёзувчи қаламга олаётган воқеликни янада таъсирчан ва ёрқин чиқишига кўмаклашади.

«Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Ҳаво ўз ҳароратидан ўзи димиқиб ётибди. Гўё қимирлашдан қўрққандек, қилт этган эпкин ҳам йўқ.»

«Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Кўк тўла ғуж-ғуж юлдузлар! Йўқ, булар юлдузлар эмас, унинг сарғайиб-сўлган, саробга айланган орзулари!»

«Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Азим шаҳар ҳозиргина тўкилган кул уюмига ўхшайди. У ер-бу ерда чала ўчган чўғлардек чироқлар милтиллаб турибди.»

Ушбу мисоллар дабдурустдан такрор, тасвирий тавтологиядай туюлади. Бироқ улар қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларига рамзий маънода муқояса этилиб, таассуротни қуюқлаштиради. Ёзувчи ҳақсизлик, разолат, зулм авж олган ўша тузум қиёфасини тун тимсоли орқали ўқувчи онгига сингдиришга ҳаракат қилади. Албатта, булардан ташқари ҳам ёзувчининг маҳоратидан, иқтидоридан дарак берувчи, бадиий пишиқ-пухта тасвир ва чизгиларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Худди бошқа асарларида бўлганидек, Луқмон Бўрихон «Олов тутган одам» романида ҳам қаҳрамон ва персонажларнинг характери, ташқи қиёфаси, ички дунёси, хатти-ҳаракатларини жонли, тиниқ, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини бўрттириб, ёрқин кўрсатишга аҳамият берган. Асарда Ислом Абдуғаниевични сервиқор, жиддий, ўз ички туғёнларини шунчаки сиртга чиқаравермайдиган, босиқ, мулоҳазакор раҳбар сифатида кўрсак, бунинг зиддига Восиқ Болтаевни доимо асабий, юз-кўзида нафрат балққан, устомон амалдор қиёфасида тасаввур этамиз. Шаймардон, Валижонов, шўрбулоқлик аризабозлар каби персонажларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракатлари ҳам кўз олдимизда аниқ, жонли намоён бўлади. Албатта, асардаги бундай хусусиятлар ўқувчини завқлантиради.

Бугун мустақиллигимиз қутлуғ 27 ёшга қадам қўйди. Бироқ, минг афсуски, республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов энди орамизда йўқ. Айрилиқ алами ҳали-ҳануз юракларимизни зирқиратади. Аммо у

инсоннинг руҳи бутун мамлакат бўйлаб кезиб юрибди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Зеро, истиқлолни қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш, юртда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мазкур буюк шахс номи билан боғлиқдир. Айни кунларда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ва ҳукуматимиз томонидан Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир қанча кўча ва муассасалар у кишининг номи билан аталди, пойтахтимизда, Самарқанд ва Қарши шаҳрида ҳайкаллари ўрнатилди. Муҳташам музей-мемориал комплекси бунёд этилди. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш жоизки, бундай хайрли тадбирлардан юртимиз ижодкорлари ҳам четда эмас. Буюк шахслар сиймосини кишилар қалбига муҳрлашда бадиий сўз, бадиий асар – муҳим восита. Айни кунларда шоиру адибларимиз Ислом Каримов сиймосини бадиий сўз орқали жонлантириш борасида изланишлар олиб бормоқдалар... Ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Олов тутган одам» романи шундай изланишларнинг дастлабки самараси. Мазкур асар адабиётга ихлосманд, республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга ҳурмат-эҳтироми баланд ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Шуҳрат РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди

Муқаддима: илоҳий мужда

Минг тўққиз юз саксон олтинчи йилнинг саратонида роппа-роса саксон ёшни ҳатлаб ўтган ғилонлик Саййид Салоҳиддинхон эшон Иброҳимхон ўғли зулматга ғарқ тунларнинг бирида, субҳи содиққа яқин бир маҳал чўчиб уйғонди. Балки, «уйғонди» демоқлик ножоиздир, ки ҳазрат бир муддат аввал уйғонган, икки ракаат нафл намозини адо этиш ниятида эндигина тўшакдан турмоққа, таҳорат тадоригини кўрмоққа чоғланган эди. Буёғи не бир синоат юз берди, у кишига ноаён. Туш кўрдими ёхуд каромат зоҳир бўлдими, англай олмай қолди. Ва лек андак аввалроқ кўрган манзараси ҳали-ҳануз кўз ўнгида лоп-лоп жонланиб турарди.

Саййид Салоҳиддинхон ажиб бир ҳаяжондан енгил титраган кўйи теварагига кўз югуртирди.

Тоғ қишлоқларига хос пастаккина ҳужра. Дераза токчасига қўйилган фонус милтирабгина турибди. Унинг оқ-сарғиш шуъласи ичкарини хира ёритади. Девордаги михга осиғлиқ узун-калта кийимлар, тахмондаги учтўрт кўрпа-ёстиқ, ўртадаги хонтахта, хонтахта устидаги китоб-рисолалар ола-чалпоқ кўзга ташланади. Пойгак-

роққа солинган тўшакда қалин кўрпага бурканган кўйи ўн беш яшар ўспирин – ҳазратнинг суюкли набираси Билолхон ширингина ухлаб ётибди... У ҳамиша бобосининг хизматига ҳозиру нозир. Ҳужрага қанд-қурс, чойнон ташийди, зарур пайтлар илиққина таҳорат суви тайёрлайди, кечалари ҳам бобосини ёлғизлатмай ёнида тунайди.

Саййид Салоҳиддинхон шу неварасига алоҳида меҳр қўйган. Ўспириннинг қош-қабоғи, хатти-ҳаракати унга ўша олис ўтмишда қолган бўз болалик пайтларини эслатади. Ўша соҳир дамларни хотирларкан, отаси Иброҳимхон эшон, онаси Хадичабиби, опалари худди тирикдек кўз ўнгидан лип-лип ўтади. Ўша қора, қоп-қора кунлар хотирасида жонланган кезлар юрак-бағри қайта ва қайта сирқирайди. Беихтиёр маъюс тортиб қолади.

Саййид Салоҳиддинхон асли самарқандлик. Асрнинг биринчи чорагидаги қизил қуюн, тўс-тўполон уни баланд тоғлар бағридаги худди шу овлоқ Ғилон қишлоғига улоқтириб ташлаган эди.

Ҳамма-ҳаммаси ўша мудҳиш санада, қаҳратон қиш тунларининг бирида бошланди.

Кун сайин, дам сайин кучайиб бораётган Шўро ҳукуматининг қиличидан қон томиб турган давр. Қизил қатағон авж палласига кирган. Гоҳ у, гоҳ бу ҳудудда элнинг ор талашган, кайвони оқсоқоллари, давлатмандлари, илму ирфонга эш зиёлилари ҳар хил баҳоналар билан маҳкамага тортилар, қамалар, қувғин-қирғин қилинар эди. Бутун Туркистон ўлкасини ваҳшат-ваҳима, ташвиш-таҳлика қоплаган. Ўша пайтлар эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган Салоҳиддинхон чор атрофда кечаётган қаҳрли қатағоннинг маъно-моҳиятини ҳали тузукроқ англаёлмас, бу ёвуз ур-калтак тезроқ тугаб, карманалик аммасининг қизига тезроқ уйланиш дардида юрарди.

Ўша йили қиш қисир келди. Ёғин-сочиндан дарак йўқ. Лекин қора совуқ, изғирин кўз очиргани қўймайди. Чор атроф тарашадек музлаган.

Эндигина хуфтон намозини адо этган Саййид Иброҳимхон эшон оппоқ соқолларини тутамлаб, хона ўртасида бир зум хаёлчан туриб қолди. Сўнг андак совиб қолган сандал ёнига ўтириб, қалин чийдухоба кўрпа билан то белигача бурканди.

Гажакдор соябонли хитойи чироқ уй ичини хирагина ёритади. Силлиқ девор бўйлаб у-бу нарсаларнинг қора кўланкаси лип-лип аксланади.

Саййид Иброҳимхон эринибгина интилиб, сандал устидаги шамни ёқди. Хона ичи яна тиниқроқ ёришгандай бўлди. Нақшинкор тўсинлар, вассажуфтлар яққолроқ кўзга ташланиб қолди. Қария ҳануз паришон қиёфада сандал устидаги қалингина, қизғиш жилдли рисолага узалди. Хонанинг бир бурчида қалин кўрпага бурканиб, ташқаридаги изғиринниинг аянчли увиллашига қулоқ солиб ётган Салоҳиддин отасини жимгина кузатарди.

Саййид Иброҳимхон нафақат Самарқандда, балки бутун Туркистон ўлкасида маълуму машҳур уламолардан эди. Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан саналарди. Ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни мукаммал эгаллаган. Айниқса, фиқҳ, ақида бобида у кишининг олдига тушадигани яқин музофотларда топилмасди. Тақводорлиги, обидлиги шарофатидан каромат соҳибига айланган, дея таърифлашарди уни кўплар. Айтишларича, даму дуо билан руҳий хасталарни бир чилла ичида тузатиб юборишда бу зотнинг олдига тушадиганларни мардум яқин давр ичида учратмаган экан. Ҳатто қай бир йили Зарафшон тошиб, шаҳар хавф остида қолганида, оқсоқолу аъёнлар Саййид Иброҳимхонга илтижо билан келишибди, «Ўзингиз бир кори ҳолини қилинг, ҳазрат», дейишибди. Ўшанда Саййид Иб-

роҳимхон икки ракаат нафл намозини адо этгач, бир ҳовуч тупроққа дам уриб, тугунчага тугиб, оқсоқолларга тутқазган эмиш. Буни дарё устига сепиб юборинг, деб тайинлабди. Гувоҳларнинг шоҳидлик беришича, уламонинг айтганларини адо этганлар ўшанда ҳайратдан лол қотиб қолган экан! Ахир, дам урилган тупроқ ихлос ила сепиб юборилгач, қутуриб тошаётган дарё кўп ўтмай ўз ўзанига қайтган экан-да! Алалхусус, худди шундай соҳиби кароматлиги боис эл-улус ул зотни ҳаққа етишган авлиёлардан санаб, беҳад эъзоз-эҳтиром кўрсатарди. Бироқ Саййид Иброҳимхон халқнинг ҳайратомуз эътирофларидан заррача ҳаволанмас, билъакс, хокисоргина жилмайиб, хокисоргина умргузаронлик қиларди.

Бир гал ғалати воқеа юз берди. Бунга Салоҳиддиннинг ўзи ҳам гувоҳ бўлган.

Шаҳарнинг олд савдогарларидан бири ўн яшар ўғлини елкасида опичлаб ҳазратникига келди. Шўрликнинг юз-кўзида хавотир, ҳадик, ташвиш-таҳлика. «Эшонжон, ўғлим ўлиб қолади, кеча туни билан оғриқдан тиришиб чиқди. Илтимос, ўзингиз ёрдам қилинг, молу дунём сизники, пирим, боламни тузатинг!» дея ҳазратга илтижо қилди.

Саййид Иброҳимхон боланинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечиргач: «Буни Артём дўхтирга олиб боринг», деди дабдурустдан. Савдогар ҳангу манг қотди. Эшон темир йўл депосига қарашли касалхонада ишловчи ўрис дўхтирни тилга олганини у жуда яхши англаганди. Қулоқларига ишонмагандай, тағин қайта ботинмайгина сўради. Ҳазрат яна такрорлади. «Тезроқ олиб боринг, эсам кеч бўлади», деб қўшиб қўйди. Савдогар эшоннинг маслаҳатига кўнди. Артём дўхтир жарроҳлик йўли билан кўричакни олиб ташлагач, бола соғайиб кетди. Савдогар муқаррар бир кулфатдан қутулди-ю, бироқ Саййид Иброҳимхон минг бир мишмишларга тутилди. Уни, ҳатто, шаккок-

ликда, муртадликда айблашгача бориб етишди. Айниқса, шаҳар бош имоми саналмиш Умматхўжа аъламнинг жазаваси дунёи дунга сиғмасди. У, ҳатто, бир неча муллаваччаларни эргаштириб, эшонникига бостириб келди. «Нега мўмин бир бандани кофирнинг илкидан кўмак олгани даъват этдингиз, ё ўзингиз ҳам ўшаларданму?», дея очиқ-ойдин дағдағага ўтди. Саййид Иброҳимхон аъламнинг айюҳанносларини хотиржамлик билан охиригача тинглади. Сўнг худди шу хотиржам қиёфада, нимтабассум ила деди: «Аввало, ким кофир, ким мўминлиги фақат Парвардигорга аён. Қолаверса, ул савдогар имонэътиқоддан масала талашибмас, қорин оғриғидан шикоят этиб олдимга келди. Мен уни тиб илмининг бир билимдони ҳузурига юбордим, холос. Ҳазратим, илм барча башарият учун баробар. Уни ўзингизнинг тушунчангиз билан аралаштириб, мардумни чалғитманг. Билъакс, халқни жаҳолатдан қутулишга чақиринг».

Ўша куни баҳс-мунозара хийла вақтгача давом этди. Охири, Умматхўжа аълам ғазабдан чўғи кетиб, кули қолган ўчоқдай қорайиб, минг бир пўписаю минг бир огоҳлантириш билан ортга қайтди. Ҳазрат унинг ортидан афсусланган кўйи, маъюс тикилиб қолди.

Ҳа, Саййид Иброҳимхон худди шундай тараққийпарвар, янгиликларга хайрихоҳ инсон. Салоҳиддин шундай тақводор, илмли, қалби дарё одамнинг зурриёди. Ундан аввал туғилган икки ўғил фарзанд гўдаклигидаёқ нобуд бўлган. Салоҳиддиннинг уч опаси бор. Улар аллақачон уйли-жойли бўлиб кетишган. Икки йилча илгари онаси – Хадичабиби қазо қилди. Бу кутилмаган кулфат, айрилиқ Саййид Иброҳимхонни хийлагина букиб қўйди. Шу жудоликдан сўнг у тез қариётгандек эди. Ҳайҳотдек ҳовлида Салоҳиддин иккиси, Очил исмли хизматкори билан қолишди. Илгаригидек пурвиқор, серсавлат юришлар йўқолди. Ҳазрат анча маъюс ва ўйчан тортган.

Мана, ҳозир ҳам сандал устидаги қалингина китобни оҳиста варақлар экан, юз-кўзларида паришонлик, ғусса зоҳир.

Салоҳиддин қалин кўрпага бурканиб, отасини кузатиб ётаркан, юрак-бағри алланечук алам ва хўрликдан ўртаниб кетди. Отам ёлғизликдан қийналяпти, уйлансалар яхши бўларди, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди.

Саййид Иброҳимхон худди ўғлининг кўнгил кечинмаларини англаган янглиғ оҳиста у томон юзланди.

– Ҳали ҳам ухламадингизми, ўғлим?

– Йўқ, – деб қўйди Салоҳиддин беихтиёр қалққан кўз ёшларини шоша-пиша артиб.

– Ёнимга келсангиз.

Салоҳиддин ўрнидан туриб, тавозе билан отаси томон юрди.

– Қани, ўтиринг, – деди ҳазрат сандал биқинига ишора қилиб.

Ўғил ўша жойга оҳиста чўкди. Енгил қўзғалган эпкиндан милтираб турган шам шуъласи титраб кетди. Ташқарида изғириннинг аянчли увлаши баттар кучайди.

– Қандай китоб ўқияпсиз, ота? – деб сўради Салоҳиддин азбаройи ўртага тушган ноқулай жимликни бузиш учун.

– Бу... сиз ҳозирча англаёлмайсиз... ҳикмат китоби...

Салоҳиддин ноўрин савол берганини пайқаб хижолатга тушди. Кафтини оғзига тутиб, енгил-енгил томоқ қириб қўйди.

– Ўғлим, – Саййид Иброҳимхон туйқус шундай дея ўспиринга илкис бурилди, – Салоҳиддинхон, гапларимни яхшилаб эшитиб олсангиз... мана, улғайиб, оқ-қорани танийдиган даражага етдингиз, яхшигина илм олдингиз.

Ота чуқур тин олиб бир лаҳза кўзларини юмди. Сўнг ўша оҳангда яна давом этди:

– Мамлакатда не содир бўлаётганидан ҳам хабарингиз бор. Эл-улус бошига бало дориди. Юрт узра зулмат чўкди. Тонг узоқ, оппоқ тонггача ҳали жуда-жуда узоқ, болам...

Салоҳиддин отасига далда бўлишга, унинг кўнглини кўтаришга шошилди:

– Отажон, умидсизликка тушманг. Насиб этса, ёруғ кунлар яқин. Эшитишимча, Очил додхоҳ, Иброҳимбек қўрбошидек ботирлар ҳозир қизил қўшиннинг роса додини беришяпти экан. Айтишларича, Амир ҳазратлари тез кунда яна Бухоро тахтини эгаллаб, раиятни мусулмонобод қиларкан...

– Салоҳиддинхон, – дея ҳазрат ўғлининг гапини бўлди, – маишатпараст, жоҳил амирнинг қайтишидан не наф? Ундан Шўро авлороқ. Сиз айтган қўрбошилар ҳам энди ҳеч нарса қилолмайди, – Саййид Иброҳимхон сандал устидаги китобни силаб қўйди, – қисмат ёзуғи шундай. Шўролар узоқ давр ҳукм ўтказишади. Миллат, уммат хароб бўлади.

Ота туйқус жим қолиб, кўзларини юмган кўйи енгил тебраниб, анча пайт хаёлга чўмди. Салоҳиддин ҳалигина эшитган даҳшатли сўзлардан кўнглига ваҳима, қўрқув оралаган эса-да, отасини безовта қилиб, бирор нарса сўрашга ботинолмади.

Ташқарида изғириннинг увлаши тобора кучаймоқда. Аҳён-аҳён муз қотган шох-шаббаларнинг шамол забтидан қарсиллаб сингани қулоққа чалинади.

– Ва лек, – дея туйқус кўзларини катта-катта очди Саййид Иброҳимхон, – ва лек пайти етиб зулмат тарк бўлгуси, шерюрак, собит ирода инсонлар бу юртга эрк, истиқлол олиб келгуси...

– Улар қайдан келурлар?! Қудратли қўшин тортиб келурларми? – дея ҳовликиб сўради Салоҳиддин.

2019/30 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK 4

– Йўқ, сизга айтганларим шу юртдан чиққан марди майдонлардир. Ва лек қон тўкишни, тажовузкорликни севмайдилар.

– Қон тўкмаса... тажовуз этмаса, – дея ажабланди ўспирин, – қандай қилиб Шўро зулмини бартараф этади?

– Оқилу донишлик, тафаккур билан бартараф этилади. Ул халоскорларда тағин бир хислат аён. Аввало, кўнгилларида Соҳибқирони муаззам Темурхонга ҳурмат бениҳоя юксак бўлади. Сўнгра, шу заминда униб-ўсган авлиёи киромларга ғоят ихлосманд, уларни ардоқловчи бўладилар. Худди шу улуғлар дуосига умид боғлайдилар.

– Ота, – деди Салоҳиддин ботинолмайгина, – ўша халоскор инсонларнинг кураш майдонига чиққанини қандай аломатлардан пайқаш мумкин?

Саййид Иброҳимхон худди ухлаб қолгандай бошларини қуйи солиб яна хийла вақт жимиб қолди. Сўнг ногоҳ қад ростлаб, Салоҳиддинга хаёлчан юзланди.

– Ўғлим, сиз худди аждодларингиздек тақво, обидлик йўлини маҳкам тутсангиз, иншаоллоҳ, сизга ўша аломатлар зоҳир бўлғуси. Буни ўзингиз ҳам сезасиз.

– Иншаоллоҳ, иншаоллоҳ, – деб қўйди Салоҳиддин ҳаяжонланиб.

– Энди... гап бундай, ўғлим, – деди ота оппоқ соқолини бир-бир силаб, – ҳозирги айтар сўзларимни яхшилаб уқиб олинг... Ўғлим, тақдири азалга кўнмоқ керак. Ҳаёт ўзи шунақа, инсон машаққат ичида яралгандур, ҳаммаҳаммасига сабр ва шукроналик билан бардош бермоқ керак...

Салоҳиддин отасининг тобора васият, сўнгсўзмонанд жаранглаётган гапларидан сергакланди. Кўнгли алланечук ғаш тортди.

– Биз ҳаммамиз бандамиз, яралганмиз, – дея гапини оҳиста давом эттирди Саййид Иброҳимхон, – ва бир кун яна Эгамизнинг ҳузурига қайтамиз. Бироқ ёруғ юз,

пок имон билан қайтмоғимиз лозим. Гапларимни яхшилаб уқиб олинг, ўғлим. Мен мол-дунё, бойлик йиғмадим, лекин ҳар қандай олмосу гавҳардан-да қиммат-роқ китоблар йиғдим. Бундан ўзингиз ҳам хабардорсиз, ўғлим. Худди шу китобларни асраб-авайлаб келажак наслларга етказмоқ вазифасини сизга юклайман. Сиз жума куниёқ йўлга чиқасиз.

– Қаёққа? – беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Салоҳиддиннинг.

– Ғилонга.

– Ғилонга?!

– Ҳа, китобларни, бошқа лаш-лушларни ортмоқлаб Ғилонга борасиз. У ерда ихлоси баланд, садоқатли мурид-мухлисларимиз кўп. Иншаоллоҳ, сизга кўмак беришади.

– Ота... – деди аранг Салоҳиддин юраги гурс-гурс урган кўйи, –бундай ташвиш, безовталик нечун?! Ахир...

Саййид Иброҳимхон маъюс жилмайиб, ўрнидан аранг қўзғалган кўйи ўғли томон интилди.

– Салоҳиддинхон, болагинам... Ҳозир... ўн-ўн беш дақиқадан сўнг ҳаммасини билиб оласиз. Келинг, бир видолашиб олайлик, ўғлим. Мендан рози бўлинг, ўгитларимни унутманг. Мени рози бўлсин десангиз, орқангизга қайрилмай Ғилонга боринг, айтганларимни бажаринг. Салоҳиддин, сизни уйлаб қўёлмаганим учун маъзур кўринг. Нима қилай, тақдир ёзуғи шу экан...

– Ота...

Саййид Иброҳимхон ўғлини маҳкам бағрига босди. Юз-кўзларидан ўпди. Бошларини меҳр билан силади.

– Алвидо, болажоним... маҳшар куни ёруғ юз билан учрашгунча...

– Ота... отажон!

Шу пайт эшик ғийқ этиб очилдию, хизматкор Очил қўрқа-писа бош суқди. Афт-ангоридан қаттиқ безовта экани сезилиб турибди.

– Пирим, – деди у хирқироқ бир товушда, – дарвоза ёнида сизни сўрашяпти.

– Бошлаб киравер, бўтам... бошлаб киравер, – деди Саййид Иброҳимхон ўғлини қучоғидан бўшатиб.

Салоҳиддин карахт бир ҳолда ҳангу манг қотиб қолди. Бир пайт хона эшиги қарсиллаб очилиб, икки-уч баланд бўй, яғриндор, устига қоп-қора пўстин, бошига қоракўл чўгирма кийган кимсалар бостириб кирди.

– Ассалому алайкум, ваалайкум ассалом, – дея ўзи салом бериб, ўзи алик олди ҳазрат.

Қалин мўйлов, қалин қош кимса енгил бош ирғаб пўнғиллади.

– Саййид Иброҳимхон деганлари сизми?

– Ҳа, мен, тасаддуқ.

– Биз билан боришингизга тўғри келади.

– Хўп, бўтам, хўп...

Саййид Иброҳимхон апил-тапил чакмонини, иссиқ қулоқчинини кийиб, чекистлар олдига тушди. Эшикдан чиқа-чиқа Салоҳиддинга енгил табассум билан бош ирғади.

– Сизни Раббимнинг паноҳига топширдим, ўғлим, алвидо! Айтганларимни унутманг...

Салоҳиддин ҳануз ҳангу манг қотиб турарди. Эшик ёнида титраб-қақшаб, эгилиб-букилиб турган Очил хизматкор ўкириб йиғлаб юборди.

– Пирим, биздан рози бўлинг! Ҳаққимизга дуо қилинг.

Саййид Иброҳимхон хизматкорининг елкасини оҳиста силади.

– Парвардигорим сенга ҳам яхшиликларни ато этсин. Очилбой, мендан рози бўл.

– Етар, бўлди, – деб тўнғиллади ўша мўйловдор, – вақт зиқ, бизни кутишяпти.

Салоҳиддин қўққис уйқудан уйғонгандай эшик томон илкис интилди.

– Ота! Отажон!

Аммо зўравонлардан бири уни ортга силтаб ташлади. Салоҳиддин қалқиб орқага чалқанча йиқилди. Чала очиқ қолган эшикдан юзига совуқ шамол урилди.

Салоҳиддин шу-шу отасини қайтиб кўрмади. Аммо онгу шуурида ўша ҳикматли ўгитлар бот-бот жаранглаб турарди.

Ўша мудҳиш тундан сўнг, жумага ўтар кечаси, субҳи содиқдан андак аввал дарвоза оҳиста тақиллагандай бўлди. Отасини ўйлаб, ухлаёлмай тўлғаниб ётган Салоҳиддин сергак тортди. Дарвоза аввалгидан қаттиқроқ тақиллади. Йигитча ирғиб ўрнидан турди.

«Ким у? Наҳотки отаси қайтиб келган бўлса?!»

Салоҳиддин ҳаяжону ҳадик исканжасида дарвоза томон юрди. Дарвоза яна қаттиқроқ тақиллади.

– Ким?! – деб сўради йигитча овози хирқираб.

– Бу мен...

Келган киши бўғиқ бир овозда нимадир деди. Афтидан, Абдувалими, Абдуғаними, деб исмини айтди. Салоҳиддин яхши англаёлмай қолди. Дағ-дағ титраётган қўллари билан дарвоза даричасини қия очди.

Ташқарида қалин кийимларга бурканиб олган бир шарпа бетоқат турарди.

– Ассалому алайкум. Салоҳиддинхон, – деди у тавозе билан, сўнг теварагига бир аланглаб олди. – Қўрқманг, сизга кўмакка келдим.

– Қанақа кўмак?

– Сиз бугунок довондан ошиб Ғилонга кетишингиз керак. Ё унутдингизми?

Йўқ, унутган эмас. Ҳамма кўч-кўронини тайёрлаб қўйибди. Фақатгина Очил бироз бетоб бўлиб қолди. Шунга шанба ё якшанба йўлга чиқсамми, деган хаёлда эди.

– Нега жимсиз? – деди кимса бетоқатланиб, – кун ёришгунча Омонқўтонга етиб олишимиз керак, нариёғи хавфсизроқ. Мен сизларни довондан ўтказиб қўяман.

Бу хайрихоҳ, самимий инсонни Худонинг ўзи етказган экан. Йўқса, Салоҳиддин қандай қилиб, қай йўл билан шаҳардан чиқиб кетишини билолмай гарангсиб юрганди.

Яхшиямки, шундай холис, савобталаб одамлар ҳам бор экан. Кимса ғоят абжирлик, тадбиркорлик кўрсатди. Қизилларнинг у-бу ердаги соқчилик қўналғасига сездирмай, уч эшакдан иборат карвонни эсон-омон олиб ўтиб, тоғ йўлига бошлади. Улар қоқ пешин пайти довондан ошиб ўтишди. Ўша жойда хайрлашдилар.

Ўша йили қишнинг қуруқ келгани хўб асқотди. Одатда ҳамиша қор қоплаб оладиган Тахти Қорача довони ҳам қорайиб, қақшаб ётарди. Йўл очиқ. Салоҳиддин отаси билан худди шу довон оша Ғилонга кўп қатнаган. Шу боис йўлнинг бу ёғига у қадар қийналишмади. Очилбой ҳам бетоблигига қарамай, дадил-дадил одимларди. Улар хуфтон маҳали ниҳоят Ғилонга, тўппа-тўғри Ҳалимбой деган оқсоқолникига кириб келишди. Қишлоқ аҳли Саййид Иброҳимхонни ўз пирлари деб билар, ҳамиша хизматига ҳозиру нозир турар эди. Салоҳиддинхондан бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларни эшитган ғилонликлар уввос тортиб йиғлашди. Ҳатто, бир неча қизиққон йигитлар Самарқандга от солиб, Саййид Иброҳимхонни қутқариб келмоқчи ҳам бўлишди. Бироқ мулоҳазакор оқсоқоллар уларни бу шаштидан қайтардилар. Ҳарнечук, Худонинг марҳаматидан умидвор бўлиш маъқул кўринди. Лекин уларнинг Салоҳиддинхонга эъзозэҳтиромининг чеки йўқ эди. Уй-жой қилиб беришди. Орадан уч йил ўтиб, Салоҳиддинхон ўша карманалик аммасининг қизига уйланди. Охир-оқибат шу ерда палак отди. Лекин отасининг ўгитларини бир лаҳза ҳам унутмади. Тақво ва обидлик билан ҳаёт кечирди. Саййидлик мақомини маҳкам тутди. Бироқ у ҳар гал

ибодатга чоғланганда отасининг ўша мудҳиш тундаги мунгли сўзлари онг-шуурида қайта-қайта акс-садо беради: «...пайти етиб зулмат тарк бўлғуси, бу юртга эрк, истиқлол етиб келур... иншаоллоҳ, сизга ўша аломатлар зоҳир бўлғуси...»

Саййид Салоҳиддинхон отасининг башоратлари муқаррар бўлишини нақ олтмиш йил зор-интизор, интиқилҳақ кутди. Ибодат чоғлари узундан-узун дуо-илтижолар қилди. Ва ниҳоят ўша саодатманд фурсат оз қолганга ўхшайди!

– Ҳа, оз қолди! Алҳамдулиллаҳ, ҳурлик дарвоза қоқиб турибди!

Дилидаги беихтиёр тилига кўчиб, Саййид Салоҳиддинхон шундай дея ўз-ўзига эҳтирос билан пичирлади. Шундагина у соҳир хотиралар гирдобида анчагина хаёл суриб ўтирганини пайқади. Каловланиб ўрнидан турди.

Бобосининг тимирскиланишидан Билолхон ҳам уйғониб кетди.

– Таҳорат оласизми, бобо? – деди у шоша-пиша тўшагидан қўзғаларкан.

Ҳануз ҳис-ҳаяжон оғушидаги ҳазрат:

– Ҳа, болам, – деб қўйди аранг.

Билолхон илиқ сув тайёрлаб келишга чоғланди.

Ўша айрилиқ тунида отаси уни дарҳол Ғилонга жўнаб кетишига беҳуда қистамаган экан. Шанбага ўтар кечаси Саййид Иброҳимхон хонадонига яна қизил қузғунлар дорибди. Улар китоблар излагани аниқ. Ёш Салоҳиддинни ҳам банди қилишни режалаштирганлар. Бироқ Яратганнинг иноятн ила бундай кўргиликдан қутулиб кетди. Аждодлардан мерос китобларни ҳам сақлаб қололди.

– Бобожон, таҳорат суви тайёр.

Тағин хотиротларга берилиб кетган ҳазратни неварасининг гапи андак сергак торттирди.

– Боракалло, болам, боракалло, – деди у паришон юзларига табассум қалқиб.

Чўнг тоғлар қўйнидаги Ғилон қишлоғи ҳали ширин уйқуда эди. Қуюқ боғлар субҳнинг муздек шамоли билан сирлашиб, маъюс шитирлайди. Қоп-қора осмон гумбази узра юлдузлар марварид доналаридек сочилган. Аллақаердадир хўроз кетма-кет қичқирди.

Саййид Салоҳиддинхон енгил таҳорат олиб, ҳужрага қайтиб кирди. Калимаю дуолардан пичирлаб такрорлаганича момиқ сочиққа қуюқ оппоқ соқол қоплаган юзкўзларини артди. Сўнг невараси ёйиб қўйган жойнамоз узра қад ростлади.

Саййид Салоҳиддинхон ҳали-ҳануз ажиб бир ҳаяжон, жўшқинлик оғушида. Ҳалигина тушидами, ҳушидами кўрган аломат манзарадан ичу таши ёп-ёруғ бўлиб турарди. Ҳатто ибодат чоғи ҳам ўша кўрганлари кўз ўнгида бот-бот жонланаверди.

Ёш Салоҳиддин Самарқанднинг Регистон майдонида дон сепиб юрган эмиш. Теварак ғалати бир сукунат, ором оғушида. Шу пайт қаршисида оппоқ, ҳарир либосга бурканган отаси пайдо бўлибди. Ёнида тағин бешолти нафар, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, бўйлари баланд-баланд ҳамроҳлари бор экан. «Болам, тонг отяпти, мана, биз қайтдик», – дебди отаси хушхандон кулиб. Ёш Салоҳиддин қўққис отасини учратганидан довдираб қолибми, нуқул салом беришдан нарига ўтмас эмиш.

Шу пайт Шердор мадрасасининг пештоқидаги шер тасвири ногоҳ ҳаракатга келибди! Қудратли ўкириб Регистон майдонига сакраб тушибди. Лекин у узун ва мустаҳкам занжир билан боғланган экан. Бу занжир шу қадар узун эканки, Самарқанд миноралари оша узоқ-узоқларга чувалиб кетган экан. Ҳайбатли шер тағин бир наъра тортиб силкинган чоғ чўғдек қип-қизил (ҳа,

ҳа, айнан қип-қизил!) занжир парча-парча бўлиб сочилиб кетибди. Занжир парчалари оловга айланиб, чор атрофни шу қадар ёритиб юборибдики, кўзлар қамашиб, юзларга ҳарорат урилибди. Бир пайт ёш Салоҳиддин шафақланган кўзларини бир-икки юмиб-очса, қаршисида ҳазрати Соҳибқирон Амир Темурнинг совутдубулғасини кийган, ўткир нигоҳлари узоқ-узоқларга қадалган бир сервиқор инсон турган эмиш. Шу пайт қаердандир отасининг: «Халоскорларга пешвоз чиқинг, пешвоз чиқинг», деган овози элас-элас эшитилибди.

Саййид Салоҳиддинхон шу аснода чўчиб кўз очди. Юраги гурс-гурс урарди. Не аломат содир бўлганини англаёлмай хийла пайт карахт қотди. Сўнг ичу таши бир ғалати ҳаяжонга, ғалати бир қувончга тўлиб-тошганини пайқади. Худди шу ҳис-ҳаяжон, мана, ибодат чоғи ҳам уни сира тарк этмади.

Саййид Салоҳиддинхон нафл намозини адо этиб, ихлосу эҳтирос билан қўлини дуога очди:

– Ё Раббим, ўзинг бизга берган сабр-тоқат, имон-эътиқод учун беадад шукр! Ё Парвардигор, бугун кўрсатган аломатингни муқаррар этгил! Ўзинг даргоҳингдан ноумид қилма! Ё Раббий...

Саййид Салоҳиддинхон пичирлаб-шивирлаб дуо ўқир экан, ногоҳ кафтлари ғалати бир тарзда қизиб бораётганини, шундоққина ёнгинасида отаси, яна ўша нуроний кишилар фотиҳага қўл очиб турганини сезди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Сургун

I

Минг тўққиз юз саксон олтинчи йилнинг кузи анча эрта келди. Боғ-роғлар, азалий одатга хилоф бир тарзда, август адоқларидаёқ сарғайиб, сўла бошлади. Табиатнинг шафқатсиз ҳукмига бўйсунган дов-дарахтлар сарғиш-қизил япроқларини дув-дув тўкиб, титраб-қақшаб турарди.

Тошкент тобора қоронғилик қурумига қоришиб бормоқда. Бефайз, беҳаловат кўча-кўй чироқлари биринкетин милт-милт ёна бошлади. Иш-юмушдан қайтаётган ҳорғин ва карахт одамлар йўлакларда, бекатларда худди шарпалардек судралишади. Автомобиллар, трамвай-троллейбуслар алланечук асабий ва серзарда чинқириб, у ён-бу ён ўтиб қайтади.

Шаҳарнинг қоқ белига танғилган кумуш камардек оқиб ётган Анҳор қирғоғи бўйлаб баланд бўйли, тик қоматли, ёши қирқни қийиб ўтган киши вазмин ва хомуш одимлайди. Юз-кўзлари тўла хаёл. Гўё ич-ичини куйдириб ётган изтироб оловига сепиб ором олишни истагандек, сумбуладан тиниқ тортган Анҳор сувига узоқ-узоқ термилади. Хўрсинади.

Нима уни бу қадар безовта қиляпти? Қандай дардиз-тироб уни Анҳор қирғоғига бошлаб келди? Нега шундай овлоқ, сокин гўшаларни тез-тез қўмсайдиган, гоҳо оқар сув билан, гоҳо хилват боғ билан сирлашадиган бўлиб қолган? У ошиқи беқарорми? Ё шоири девонами? Ранг-рўйига қараганда мартабаси юксак, нуфузли раҳбарга ўхшайди. Ҳарнечук, дасти дароз, сўзи кескир бўлса керак. Ҳузур қилиб, даври-даврон суриб юрмайдими? Мунча ғам-ғуссанинг боиси не?

Боиси бор эди. Бу инсон – тафаккур асири. Ҳар сония, ҳар лаҳзада фикр, хаёлот қуршовида юради. Фикрларки, гоҳ сокин, гоҳ туғёнли, фикрларки, гоҳ нурдай ёруғ, гоҳ тиғдай кескир. Нурлисидан шуур кўзи қамашиб-қамашиб, тиғлисидан юраги тилиниб-тилиниб ором олади.

«Инсон зоти нақадар буюк ва нақадар ожиз, – дея изтироб билан ўйларди у айни маҳал. – Буюклиги шундаки, энг муқаддас, энг олий тушунчалар унинг онг-шуурида пайдо бўлади, ожизлиги шундаки, ўша муқаддас, олий тушунчаларга гоҳо ўзи нолойиқ ҳисобланади...»

Ҳа, инсон ҳаётининг яна бир сирли ва жозибали томони шундаки, унга тирикликнинг энг муҳим омилларини танлаш ҳуқуқи берилмаган. Масалан, онани, Ватанни одам ёруғ дунёга келмасдан аввал сайлаб ололмайди. Уни туққан аёл – она, у туғилган жой – Ватан! Инсон худди шу икки маъвони олий ва муқаддас санайди. Она олдида, Ватан олдида фарзандлик бурчини ўташ, уларни жондан ортиқ севиш фақат буюк қалб эгаларига хосдир.

Мана унинг Ватани! Жондан азиз Ўзбекистон! Қадимда гоҳ Турон, гоҳ Туркистон, гоҳ Мовароуннаҳр номи билан машҳур бўлган ўлканинг қоқ юраги! «Мовароуннаҳр» атамаси арабчадан таржима қилинганда «Икки дарё оралиғи» деган маънони берар экан. Тарих-

чилар бу диёр Аму ва Сир ўртасида жойлашгани учун ҳам худди шундай номга эга бўлган дея таърифлашади. Қизиқ, араб тилини чуқур ва теран тушунадиган уламолар эса «Икки дарё» ибораси замирида моддий ва маънавий бойликлар дарё каби оқиб туришига ишора борлигини эътироф этишган.

«Назаримда, шу талқин ҳақиқатга яқиндай, – дея мулоҳаза юритарди ўша ўйчан инсон тип-тиниқ Анҳор мавжларидан кўз узмай, – ана, даҳоларимиз, аллома аждодларимиз яратган, дунё илму фанида, адабиёт ва санъатида муносиб ўрин олган асарлар, битиклар айнан ўша хазиналар эмасми? Бироқ... минг афсус...»

Ҳа, минг афсус, бу замин ҳамиша ётларнинг оч нигоҳида бўлди. Улар бу юрт бойликларини талаб, халқини итоатда сақлаш иштиёқида ёндилар. Кимлардир ғаразли мақсадларига эришди, кимлардир ҳануз ўз улушини олишга кўз тикиб юрибди. Айниқса, яқин ўтмиш бу юртни оғир фожиалар гирдобига ташлади.

«Эҳ, XX аср, XX аср! – дея хаёлан хитоб қилди Анҳор қирғоғидаги киши, – сен аввалига инсониятда катта умидлар уйғотдинг! Тинчлик, тараққиёт, тенглик асри бўлишингга барча ишонган эди! Айниқса, шу қадим юртнинг жамики эл-элатлари сенга улкан орзу-ниятлар билан термулган эди! Лекин барча-барчаси сароб бўлиб чиқди...»

Ҳа, ҳа, айнан шундай бўлди! Бунга, ана, инграб ётган яқин тарих гувоҳ! Ўн еттинчи йилда содир бўлган инқилоб дунёни ларзага келтирди. Русия тасарруфидаги Туркистон ҳам бир чайқалиб олди. Бу ердаги зиёли қатлам юз берган инқилобга хайрихоҳ қаради. Ахир янги ҳукуматнинг ер – деҳқонларга, саноат – ишчиларга, барча халқ, миллатлар тенг, чекка ўлкаларга озодлик каби бир-биридан чиройли, сержилва шиорлари уларда ҳам умид уйғотган эди-да. Аммо умидлар пучга чиқ-

ди. Барча гўзал ҳайқириқлар, қизил тарғиботлар халқни ўз ортларидан эргаштириш учун бир найранг экан, холос. Туркистон озод бўлмади, аксинча, занжири яна ҳам мустаҳкам боғланди. Ота болага, бола отага, оға инига, ини оғага қарши қайралди, улар орасига фитна-фасод уруғи қадалиб, фуқаролар уруши олови ёқилди. Эрк ва озодлик учун қўлига қурол олган марду майдонлар «босмачи», «жоҳил» дея маломат қилинди. Миллат бирлигига рахна солинди. Шу тарзда Туркистонда Шўро ҳукумати тантана қилди. Қатағон қиличи қайта яланғочланди. Миллатнинг фикрли, зиёли, имони бут асл фарзандлари «халқ душмани» тамғаси остида қирғин-қувғин қилинди. Динга, тафаккурга, маънавиятмаданиятга тажовуз этилди. Нима учун? Чунки босқинчилар бу замин тарихини бу ерда истиқомат қилувчи халқлардан ҳам яхшироқ билишарди. Улар Туркистон эл-элатларининг илму фан, адабиёт ва санъат жабҳасидаги юксак салоҳиятига, иқтидорига, қобилиятига ҳамиша ҳушёр қараб келишган. Ва яна ўз тажрибаларидан яхши билишадики, бундай бепоён маънавий-маърифий оламга эга халқни бўйсундириш осон эмас. Унинг етук алломаларини, зиёлиларини, довюрак ботирларини бирор баҳона билан қирғин-қувғин қилиб туриш керак. Минг афсуски, худди шундай ғаразли режалар амалга оширилди. Ана, машъум ўттиз еттинчи йилларда ўзбек элининг жуда кўп алломалари, етук сиёсатчилари, иқтисод илмининг билимдонлари маҳв этилгани шундан далолат. Улар орасида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний каби маърифатнинг, адабиёт ва санъатнинг улуғ вакиллари, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев сингари оқил сиёсатчилар, давлат арбоблари бор эди. Энг даҳшатлиси, жамики қирғинлар, тазйиқлар гўёки юрт манфаатлари кўзланиб, халқ номидан амалга оширилди.

Ўша инсон баҳайбат чинор танасига суянган кўйи, «Менинг Ватанимга асло шафқат қилинмади, оловдан олиб оловга солинди, жодидан олиб жодига қўйилди!..», – дея ҳорғин пичирлади.

Ҳа, ҳа, айнан шундай бўлди. Ўттиз еттинчи йилларнинг жароҳатлари ҳали битмай туриб, Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Шўролар Иттифоқига ҳитлерчи фашистлар бостириб кирди. Даҳшатли уруш нақ тўрт йил давом этди. Ўзбек халқи ҳам бошқа, қардош миллат вакиллари билан елкама-елка туриб жанг қилди, ўт-олов кечди. Юзлаб, минглаб ўғлонлар қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Эл-улус фронт ортида ҳам мардонавор меҳнат қилди. Тўрт йиллик урушдан сўнг узундан-узоқ тикланиш даври бошланди. Тикланиш йилларида ҳам худди уруш пайтларидаги сингари халқнинг қорни оч, усти юпун эди. Аммо руҳи баланд, фикрати чақиндай эди. Бу ҳудуддан илму фан, адабиёт ва санъат, сиёсат ва иқтисодиёт бобида яна етук мутахассислар, йирик намояндалар етишиб чиқа бошлади. Бироқ минг афсуски, эллигинчи йилларда авж олган яна бир қатағон оқибатида ўзбек халқининг кўплаб зиёлилари, оқсоқоллари қамоқ-қувғинга ҳукм этилди. Адабиёт ва санъат, илму фан даргоҳлари тағин бир карра ҳувиллаб қолди. Зиёлилар ўртасида қўрқув, ваҳима шарпалари оралади. Албатта, бундай таҳдид-тазйиқлар ҳамишагидек «порлоқ келажак», «фаровон ҳаёт» номидан қилинарди. Бироқ, афсуски, фаровон ҳаёт шунчаки хомхаёл экан. Мана, халқ ҳали-ҳануз пахта пайкалларида ҳақ-ҳуқуқсиз, ноинсоний шарт-шароитларда тер тўкяпти, улкан давлатга энг бебаҳо бойлик, пахта хомашёсини етказиб беряпти. Ғўза пайкалларидаги ўта машаққатли меҳнат, қишлоқ хўжалигида қўлланаётган кимёвий, заҳарли ўғитлар, паст ва қолоқ маиший ҳаёт миллат соғлиғига путур етказди. Республикада турли касалликлар авж

олди. Айниқса, болалар ўртасида ўлим даражаси кескин ортди...

«Эҳ, бугун бу ҳақда бировга гапириш нақадар оғир, – дея изтироб билан ўйлади Анҳор қирғоғидаги киши у ёнбу ён юриб, – қиличлар ҳали ғилофига киргани йўқ! Халқ бошидаги шунча кўргиликлар кам экан, шекилли, ана, марказдаги ҳукмронлар яна тўс-тўполон бошлашди...»

Ҳа, айнан шундай бўлди. Бунинг ҳаммаси маҳобатли давлатни бошқариб турган КПСС Марказий Комитети Бош котиби Л.И.Брежневнинг ўлимидан сўнг бошланди. СССР бўйлаб эсган ошкоралик шамоли неча-неча йиллардан бери мамлакатни қоплаб турган темир пардаларни илкис кўтариб юбордию, совет турмуш тарзининг асл башараси кўриниб қолди. Давлат бошқарувининг энг юқори қаватларидан тортиб энг қуйи табақасигача порахўрлик, кўзбўямачилик, алдов, найрангбозлик каби иллатларга кўмилгани ҳақида очиқ-ошкора гапирила бошлади. Негадир диққат-эътибор яна Ўзбекистонга қаратилди. Мажлис-машваратларда Ўзбекистон ҳақида кўп гапириладиган, матбуотда у ҳақда кўп ёзиладиган бўлиб қолди. Бутун Иттифоқ бўйлаб барча порахўрлик, кўзбўямачилик, давлатга хиёнат, алдов фақат шу республикада юз бергандек алдамчи таассурот уйғотилди. Ўша кезлар Ўзбекистонга раҳбарлик қилиб турган Шароф Рашидов бундай иснодларни кўтара олмади, туйқус, саломатлиги ёмонлашиб ҳаётдан кўз юмди. Аммо шўрлик ўлиб ҳам қутула олмади. Унинг номига, шаънига лой чапланди, ёмонотлиқ қилинди. Тошкент марказидаги қабри чекка жойга кўчирилди, «рашидовчилик» деган бир атама пайдо бўлди, шу уйдирма тамғаси остида республикадаги жуда кўп раҳбарлар, арбоблар, зиёлилар маломатга учради. Лекин, минг шукрки, ёруғ бир ҳақиқат кўнгилларга таскин беради. Совет ҳукумати нечоғлик уринмасин, Шароф Рашидов хотирасини Ўзбекистон халқи қалбидан

асло юлиб ташлай олмайди. Чунки шу буюк инсон, шу салоҳиятли раҳбар туфайли республика халқаро нуфузга, салмоқли ютуқларга, сезиларли тараққиётга эришди. Мирзачўлнинг, Қарши, Шеробод қўриқларининг ўзлаштирилиши, боғу бўстонга айлантирилиши, мамлакатда кўпгина маиший-маданий иншоотлар қурилиши, жумладан, Тошкент метрополитенининг барпо этилиши Шароф Рашидов номи билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг барчаси унинг халқпарвар, ватанпарвар, фидойи раҳбар бўлганидан дарак беради. Қолаверса, бу ҳассос қалб инсон оташнафас, ўткир қалам ижодкори сифатида бадиий адабиётда ҳам ўз ўрнига эга эди. У киши ўз асарларида халқ дардини, орзу-армонларини ифода этди. Шароф Рашидов гарчанд реализм йўналишида қалам тебратган бўлса-да, унинг қисса-романларида романтик руҳ, романтик дунёқараш бўртиб турарди. Афсуски, халқ меҳрини, муҳаббатини қозонган бу улуғ йўлбошчи, донишманд адиб шаънига туҳматлар килинди. Лекин офтоб ҳеч қачон булутлар панасида қолиб кетмайди. Бир кун келиб ҳақиқат қарор топади. Шароф Рашидов номи яна оқланади. Аммо бугун-чи? Бугун юртда ваҳимали, сирли талотўп, фитналар авж олмоқда. Ўзбек халқи устида яна қатағон қиличи ўйнай бошлади. Бу «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган шармандали номлар билан аталмоқда! Нечанеча замонлардан бери ўзи емай ўзгага тутган, ўзи киймай ўзгани кийинтирган ўзбек халқи «текинхўр», «боқиманда» деган иснод гапга қолди. Гўё бу юртда тартиб ўрнатиш, иллатлардан тозалаш учун Москвадан махсус кадрлар, орган ходимлари сафарбар этилди. Жумладан, СССР Бош прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчилари Т. Гдлян ва И. Иванов бошчилигидаги бир гуруҳ, асосан, Москва, Ленинград каби йирик ҳудудлардаги прокуратура идораларидан йиғилган изқуварлар, терговчилар, криминалистлардан иборат «десант» Ўзбе-

кистонга юборилди. Аммо бу қатағон гуруҳига кирган терговчиларнинг асосий қисми тузукроқ билим ва тажрибага эга бўлмаган, ноқонуний хатти-ҳаракатларга мойил, топшириқларни кўр-кўрона бажарадиган ходимлар экани тез орада маълум бўлди. Афсуски, уларга Марказ томонидан катта имтиёзлар, ваколатлар берилган экан. Гдлян ва Иванов тўдаси республикада иш бошлаган илк дамларданоқ «Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради» деган иддаога таянган ҳолда ҳар қандай қонун-қоидани четлаб ўтиб, тергов жараёнларида туҳмат, иғволар уюштириш, далилларни сохталаштириш, кишиларни ёлғон кўрсатма беришга мажбурлаш, ўзларига номаъқул шахслардан ўч олиш йўлидан борди. Т. Гдлян, И. Иванов ва уларнинг гумашталари тергов-қидирув ишларини очиқдан-очиқ айблов йўналишида олиб бордилар. Оғир жисмоний ва маънавий қийноқлардан сўнг қамоққа олинганлар ўз «жиноятлари»га иқрор бўлишган... Афсус, минг афсуски, ноқонуний ҳибсга олинганлар орасида кўп фарзандли оналар, ҳомиладор аёллар, вояга етмаган болалар ҳам бўлган. Энг шармандали яна бир жиҳат шулки, «десантчи» терговчиларнинг фаолиятини марказий матбуот кўкларга кўтариб мақтар, улар гўёки фош этган жиноятлар ҳақида саҳифа-саҳифа мақолалар берар, телекўрсатувлар намойиш этилар эди. Гдлянчилар, ивановчилар зимдан берилган топшириққа кўра, республикада ваҳима ва таҳликага асосланган маънавий муҳитни ҳосил қилишни, ўзбек халқининг кўзини кўрқитиб қўйишни истарди.

«Ҳа, уларнинг асл нияти ҳам шу! – тағин хаёлан хитоб қилди Анҳор лабидаги безовта инсон. – Марказдан кўрсатма-уқтирма шундай бўлган! Ўзбек халқининг қаддини букиб, ғурурини ерга уришни мақсад қилишган!»

У шу хил изтироблар оғушида ўртанаркан, беихтиёр бир неча йиллар аввал махсус гуруҳ билан Ҳиндистон-

га борганини эслади. Ўшанда маҳаллий мутахассислар чилва деб аталадиган, танасидан фармацевтика саноати учун ўта ноёб шарбат олинадиган дарахтни кўрсатишди. Чилвани йилига икки марта каллаклаб турамиз, акс ҳолда, ундан шарбат ололмаймиз, бу ажойиб модда бутун танасига ёйилиб, чилва осмонўпар бўлиб кетади, дейишди ўша ишбилармонлар керилиб.

«Ҳа, шўрлик халқим худди ўша чилвага ўхшайди, – деб пичирлади маъюс инсон, – зўравонлар уни тез-тез каллаклаб, шарбатини сўриб олишни хоҳлайдилар!»

Балки бундай кўргиликлар моҳиятини оддий одам чуқур англай билмас, лекин баланд тоғдан чор атроф яккол кўзга ташланганидай, ўз юқори лавозими айвонидан бу инсон мусибатларнинг барча-барчасини кўриб-билиб, англаб турарди. Ҳа, дунёда англашдан-да ортиқроқ оғриқ ва азоб бўлмаса керак. Англаш, бу – онг-шуур билан тушуниб, юрак билан ҳис қилиш.

Анҳор бўйидаги маъюс инсонни овлоқ ва хилват гўшаларга чорлаб, изтиробли ўй-хаёлларга ғарқ этаётган мушкулот айнан шу эди. У ҳақорат ва зулм остида эзилаётган она халқи дардига дармон, қайғусига чора излаш билан овора эди.

«Йўқ, бундай бедодликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Топтаб ташлашларига лоқайд қараб туришга сира ҳаққимиз йўқ! – яна хаёлан ҳайқирди у қўлларини мушт қилиб, – халқнинг бошида турган ҳар бир раҳбар, элнинг олдида юрган ҳар бир зиёли юртни оғир аҳволдан қутқариш учун масъулият билан жиддий ишлар қилиши лозим...»

Ҳа, бундан беш-олти ой илгари бу инсон амалий бир тадбирга қўл урди. Ўз қўл остидаги билимдон, тажрибали ходимлар билан «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари» деган режа-лойиҳа тайёрлаб республика раҳбариятига топширди. Чунки у халқнинг эгик қаддини тиклаш учун, энг

аввало, республикани иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан юксалтириб олиш зарур деб ҳисобларди. Тўғри, бу ердаги қўғирчоқ раҳнамолар ўз-ўзларича бирор нимани ҳал қила олмайди, бунга ўхшаш режаларни дарров Москва ҳукмига ҳавола этиб, нўши май айлаб ўтираверадилар.

Мана, режа-лойиҳа топширилганига ҳам уч ойдан ошиб қолди. Лекин ҳали-ҳануз жавобдан дарак йўқ. Агар ушбу ҳужжат ижобий кўриб чиқилиб, тасдиқланса борми, Ўзбекистон яқин беш-ўн йил ичида қаддини тиклаб, тараққиёт йўлига киради. Халқ турмуши фаровон, келажаги чароғон бўлади. Бироқ, минг афсуски, раҳбарлар ҳозирча лом-мим дейишмаяпти. Ё шу пайтгача Москвадан жавоб келмадимикан?

Қоронғилик буткул қуюқ тортди. Кўкда бир-икки митти юлдуз милтирабгина кўзга ташланади. Қирғоқ бўйлаб чўзилиб кетган дарахтзор қорайиб, ҳурпайиб алланечук ваҳимали кўринади. Ҳалигина қулоқларни қоматга келтираётган чумчуқ-чуғурчуқларнинг чирқиллаши ҳам аллақачон тинган. Катта кўча бўйлаб гулдурос солиб бораётган трамвайнинг тарақа-туруқ товуши ҳам худди ер қаъридан келаётгандек туюлади.

Бир пайт дарахтзор ортидан чиққан қора кўланкалар шу томонга қараб юрди. Ўрта бўй, чорпахил, хумдек бошига шляпасини дол қўндирган кимса икки сатанг қизни икки ёнида қўлтиқлаб келарди. Ўз эзгин хаёллари билан ўзи андармон киши эса уларга заррача эътибор бермади. Бироқ ўткинчилар эътибор беришди. Ҳалиги хумбош қирғоқдаги маъюс одамга тикилиб-тикилиб қаради. Ҳатто нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, тағин фикридан қайтиб, йўлида давом этди.

Бу одам Марказқўмнинг масъул амалдорларидан бири Восиқ Асадович Болтаев эди. Айни пайтда сирли бир зиёфат дардида йўлга чиққан. Ишхонадагиларнинг кўзини шамғалат қилиш учун сайргоҳни кесиб ўтиб,

сўнг машинага ўтирмоқчи эди. Қарангки, ногоҳ қирғоқдаги ҳалиги одамга йўлиқиб қолди. Хайрият, хаёлларга ғарқ бўлиб турган экан, буларни кўрмади.

– Бу кишини танийсизми? – деб шивирлади қизлардан бири қирғоқ томон кўз билан имо қилиб.

Болтаев истамайгина минғирлаб қўйди:

– Ҳа, танийман.

– Вой, балки дўстингиздир, нега ёнидан индамай ўтиб кетдингиз?

Болтаев жавоб бермай, тиржайиб қўйди.

– Агар дўстингиз бўлса, у кишини ҳам зиёфатга олиб борайлик, – деди ўша қиз кўнгилчан бир кайфиятда. – Қаранг, нимадандир эзилиб юрибди.

– Рост, дўстингизни ҳам таклиф қилинг, – деб тантиқланди иккинчи қиз ҳам.

Болтаев қадамларини илдамлатди.

– У менинг дўстим эмас.

Шарпалар лаҳза ўтмай қоронғилик қаърига сингиб кетди.

II

Бугун пешин маҳали Москвадан учиб келган вакилларнинг димоғидан қурт ёғарди. Ҳалигина тугаган тушлик чоғи ҳам енгилгина тамаддидан нарига ўтишмади, ранг-баранг ичкиликлардан бир қултум ҳам оғизларига олишмади. Айниқса, шу ҳол тажрибали мезбонни, республика Марказқўмининг иккинчи котиби Александр Петрович Анастасовни хийла ташвишлантириб қўйди. Афтидан, бу икки вакил ўта жиддий топшириқ билан келганга ўхшайди.

Александр Петрович зиёфатдан сўнг уларни ўзининг ҳайҳотдек кабинетига бошлаб кираркан, юраги ҳадик-ха-

вотир ичида гурс-гурс урарди: «Ишқилиб, бирор ишкал юз бермаган бўлсин-да, ҳаммаси яхшилик билан тугасин-да».

Семиз бағбақалари қат-қат, сочлари сийрак, кўзойнаги остидан истеҳзоли боқувчи меҳмон ҳарсиллаган кўйи ўзини ўнг тарафдаги юмшоқ ўриндиққа ташлади. Бу зот – Антон Иванович Голицин, Кремлдаги курсиси баланд, масъул амалдорлардан. Кўп ҳолларда ғоят жиддий масалалар юзасидан Ўрта Осиё республикаларига жўнатиладиган ишончли чопар.

– Эшикни маҳкам ёпинг, Анастасов, – деди тўнг бир товушда иккинчи меҳмон – Геннадий Власов.

Тарашадек озғин ва чайир, мовий кўзлари қош-қабоқ ўртасига чуқур ботган, хушбичим бурунли бу одам Иттифоқ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг бош мутахассиси. Алоҳида, муҳим ишлар юзасидан кўпинча Голицинга ҳамроҳлик қилиб юради.

Москвадаги унча-мунча мансабдорлардан ҳайиқмайдиган Анастасов одатда мана бундай чопарлар олдида ўзини бемалол тутар, ҳатто тортинмай ҳазил-ҳузул, аскиябозлик қила олар эди. Аммо, айни пайтда, меҳмонларни зимдан кузатаркан, худди кўнгли қандайдир нохушликни сезгандай таҳликага тушиб, бармоқлари билинар-билинмас титрар эди.

– Хуллас, – деди Голицин қоп-қора дипломати ичидан бир даста қоғоз чиқариб ялтироқ стол устига қўяркан, – гап бундай, Александр Петрович, Москва сизни Ўзбекистонга ишонч билан юборган, ўғри-муттаҳамларнинг жазосини бериб, республикада тартиб ўрнатишингиз учун йўллаган.

Анастасов тобора асабий тус олаётган вакилнинг гапларини бош ирғаб маъқуллаб турарди.

– Ўзбекистондаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир кадр сизнинг назоратингиз остида бўлиши керак, – дея кўзойнагини тўғрилаб олди Голицин, –партиямиз, ҳукуматимиз

чизиб берган чизиқдан чиқишмасин, ҳамиша Марказнинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилишсин.

–Тўғри, тўғри, – деб ғудранди Александр Петрович.

– «Тўғри, тўғри», деб минғирлашни биласиз, лекин амалда атрофингизда нималар кечаётганидан мутлақо бехабарсиз! Қўл остингиздагилар аллақачон назоратингиздан чиқиб кетишган!

Анастасов ногоҳ устидан совуқ сув сепгандай чўчиб тушди.

– Кечирасиз, Антон Иванович, – деди кўзларини катта-катта очиб, – нимани назарда тутяпсиз, нимани? Мен ҳеч нарса тушунолмадим.

– Тушунолмадим?! – дарғазаб Голицин ўрнидан бир сапчиб тушди. – Мана бу нима? Хўш, бу нима, севги мактубими?

Антон Иванович шундай дея бир даста қоғозни мезбон олдига ташлади. Александр Анастасов қалт-қалт титраб, баданини совуқ тер босганича сочилиб кетган варақларни тез-тез кўздан кечира бошлади.

Бу роппа-роса уч ой аввал, Республика Министрлар Совети раиси ўринбосари Ислом Каримов томонидан тақдим этилган, республикани қолоқликдан олиб чиқиш, ривожлантириш бўйича ишланган режа-лойиҳа эди.

– Бу битиклар билан таниш бўлсангиз керак, ҳойна-ҳой, – деб истеҳзоли илжайди Голицин.

Анастасов нима деб жавоб берарини билмай талмовсиради. «Танишман» деса ҳам бир дард, рад этса ҳам бир дард. Ҳар иккиси ҳам унинг лоқайдлигини кўрсатади.

Очиғи, иккинчи котибнинг ўзи бу режа-лойиҳага эътиборсизлик билан қараганди. Одатдаги ҳужжат-қоғозларга қўшиб имзо чекиб юборган, Москвага жўнатишга рози бўлган эди.

– Бу режа-лойиҳада инқилоб ҳиди бор. Шуни биласизми?! – дея тағин ўшқирди Голицин.

Власов эса худди бу гапларнинг унга сира алоқаси йўқдай, сигарет тутатган қўйи дераза томон термилиб ўтирарди.

– Бу режа-лойиҳада, – дея бироз шаштидан тушиб гап бошлади Антон Иванович, – Ўзбекистонни буткул саноатлаштириш кўзда тутилган. Енгил саноат, нефть ва газни қайта ишлаш учун бу ерда барча шароитлар мавжудлигига урғу берилган. Худди биз бундан бехабардай. Биласиз, Александр Петрович, ҳозирги пайтда бундай масалалар билан бош қотириш мавриди эмас. Марказда ҳам долзарб муаммолар тиқилиб ётибди. Москва атрофида бешта, Урал томонда яна шунча ҳали қурилиши тугалланмаган йирик корхоналаримиз бор. Шундай тиқилинч бир шароитда қўлингиздаги... талабистак жуда кулгили туюлади.

–Тушунаман... тушунаман, – деб ғудранди Анастасов.

– Лекин тан олиш керак, режа-лойиҳани тайёрлаган одам чиндан ҳам иқтисодни, ижтимоий аҳволни чуқур биларкан.

– Бу Ислом Каримовнинг иши! – дея тантанавор хитоб қилди Анастасов, – ҳозир у билимдонни чақиртириб, адабини бераман. Эртагаёқ бу ерларда қорасини ҳам кўрсатмайдиган қилиб қўяман!

Иккинчи котиб чап тирсагидаги стол устида қатор тизилиб турган телефонлардан бирига иштиёқ билан интилди.

– Бироз шошилманг!

Бу таҳдидомуз овоз илк бор гапга аралашган Геннадий Власовники эди. У ҳануз дераза томонга тикилиб ўтирарди.

Анастасов худди электр токи ургандай, қўлини телефондан тортди.

– Ҳозирча ҳовлиқманг, – деди Голицин оғир пишқириб. – Бу Ислом Каримов раҳнамолигида тайёр-

ланганини биз ҳам биламиз. Унинг қобилиятидан, салоҳиятидан Москва ҳам хабардор. Каримовнинг ана шу хислатларидан қандай қилиб унумли фойдаланса экан, шу масалада сиз билан маслаҳатлашиб олгани келдик.

– Мен билан-а?! Мен... нима ҳам дейишим мумкин... балки Москвадаги ўртоқларда маъқулроқ фикр бордир.

– Ҳа, умуман... бор. Каримовни бирор бир чекка, қолоқ вилоятда ишлатиш режаси кўриляпти.

Анастасов гап индаллосини тузукроқ англаёлмай бир Голицинга, бир анови индамас Власовга жонсарак тикилди.

– Қашқадарё вилоятини бироз таърифлаб берсангиз, – дея пўнғиллади Голицин дабдурустдан.

– Ижтимоий-иқтисодий аҳволи анча танг чекка бир вилоят, Самарқанддан сал нарида, – деди Анастасов ғижинганнамо афтини тириштириб, – лекин у ҳудудда ерости бойликларининг жуда катта захираси бор.

– Марказда Ислом Каримовни Қашқадарё вилоятига биринчи котиб этиб тайинлаш ҳақида гап боряпти, – деди Голицин дона-дона қилиб. – Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

– Мен...билмадим, албатта, Москва нима деса, биз шунга рози, қўллаб-қувватлаймиз. Лекин... нега энди айнан Каримовни...

– Тошкент катта, пойтахт шаҳар. Каримовдай ҳурфикр, довюрак кадрларнинг чекка жойларда кўпроқ фойдаси тегади. Доҳиймиз Ильич ҳам ўз асарларида бу нарсани кўп таъкидлаган. Тушундингиз-а?

– Ҳа, энди тушундим.

Александр Петрович ҳануз хавотирини босолмай ғужанак тортиб ўтирар, қўл-оёқлари қалт-қалт титрарди.

Власов шеригига сирли бир кўз ташлаб, бош ирғади. Голицин мақсадни англади, шекилли, Анастасовга деди:

– Энди ўша билимдонни чақирсангиз бўлаверади. Биз ҳам би-ир танишиб қўяйлик.

Анастасов шоша-пиша телефонга ёпишди.

Иккинчи котибнинг хос хонаси алланечук совуқ ва бефайз эди. Анастасов ўтирган юмшоқ курси ортидаги деворда Ленининг ўзидан ҳам ҳайбатли портрети осилган. Чап томонда махсус йиғинлар учун узун, ялтироқ стол-стуллар қўйилган. Стол устида турли газета ва журналлар.

Ўртага ўнғайсиз бир жимлик инди. Анастасов алланеларнидир тез-тез қоғозга қайд этишга киришди. Меҳмонлардан бири сигарет тутатди, иккинчиси эса чақиртирилган ўша ташаббускор инсоннинг таржимаи ҳоли битилган расмий варақни яна бир карра кўздан кечира бошлади:

«Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йилнинг 30 январида Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти – олий. 1960 йилда Ўрта Осиё политехника институтини, 1967 йилда эса Тошкент халқ хўжалиги институтини тугаллаган. У меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида мастер ёрдамчилигидан бошлади. Кейинчалик мазкур корхонада мастер, технолог вазифаларида ишлади. 1961-1966 йиллар оралиғида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор лавозимларида хизмат қилди. 1966 йилда Ўзбекистон Давлат план қўмитасида бош мутахассис сифатида иш бошлаб, ушбу қўмита раисининг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ислом Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия вазири лавозимига тайинланди. 1986 йилдан бери Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари – Республика план қўмитаси раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Оилали. Икки нафар фарзанди бор...»

Орадан ўттиз дақиқалар ўтгач, эшик қия очилиб, сочлари баланд турмакланган ёрдамчи аёл кўринди.

– Александр Петрович, чақиртирилган Каримов келди.

– Айтинг, кирсин!

Кўп ўтмай эшикдан ўша – Анҳор бўйида хаёлчан юрган, тик қоматли, кенг пешонаси остидан кўзлари маънодор боқувчи, қиёфаси жиддий ва сервиқор киши кириб келди. Кириб келдию Власов биринчилардан бўлиб чалиштириб ўтирган оёқларини беихтиёр тушириб, сипо тортди. Голицин шоша-пиша қўлидаги сигаретини кулдонга босди. Сўнг ҳар учаласи ҳам худди буйруқ берилгандай баб-баравар ўринларидан туриб кетишди.

III

Қоқ туш пайти, қишлоқнинг қоқ киндигида, қоқ қаншарига тушган мушт Восиқнинг кўзини мошдай очди. Ўшанда у эндигина бир мучалдан ҳатлаб ўтган, тўрт мучаси соппа-соғ, отасининг топганидан кекириб юрган арзанда эди. Арзимаган баҳона сабаб бошланган жанжал унинг тузуккина калтакланиши билан якун топди. Тўғрисини тан олиш керак, ҳамма-ҳаммасига Восиқнинг ўзи айбдор эди. Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қочадиган бу жанжалкаш синфга яқиндагина келиб қўшилган Сафар исмли болага хиралик қилди, бу ҳам етмагандай, катта танаффус пайти унинг устига туфлаб юборди. Теваракда йиғилиб турган томошаталаб болалар нафасларини ичга ютиб, юз бериши муқаррар ғаройиб воқеани сабрсизлик билан кутишарди.

– Ҳой, тозалаб ол, – деди Сафар кўзлари ёниб.

Восиқ сурбетларча тиржайиб тураверди:

– Тозалаб олмасам-чи.

– Тозалаб ол, – дея тағин такрорлади Сафар.

Восиқ намойишкорона яна туфлади. Бу гал тупуги ҳавога сачраб кетди.

Сафар киприклари сийрак, тарғилтус кўзини ярим юмиб, боши билан секин кўча томон ишора қилди.

– Юр, ташқарига чиқамиз.

– Бемалол, – деди Восиқ ҳали-ҳануз тиржайган кўйи, сўнг қаддини ғоз тутганича ташқарига одимлади.

Ҳар иккисини ўраб олган томошаталаб болалар ҳам тобора кучаяётган ғала-ғовур билан кўча ёққа қўзғалишди.

Май ойларининг адоғи эди. Кунлар аллақачон қизиб кетган. Баҳор сарғайиб-сўлиб шитоб билан чекиниб борарди. Қуёшнинг мўл-кўл ҳароратидан безиб қолган кишилар ўзларини соя-салқин жойга урган эди.

Болалар қору ёмғирдан деворлари нураб, майдони қовжироқ ўт-ўлан билан қопланган мактаб стадионига чиқишди. Рақиблар бир-бирига юзландилар. Восиқ бир зарбдаёқ масалани ҳал қилиб, одатдагидай ғолиблик нашидасини суришга ошиқарди. Шу сабаб шундоққина қаршисида турган Сафарнинг нақ даҳанини мўлжаллаб мушт солди. Аммо мушти ҳавони кесиб ўтди, холос. Қолганини Восиқ аниқ-тиниқ эслай олмайди. Элас-элас эсида қолгани шулки, қошларининг қоқ ўртасига тушган зарбадан кўз ўнги лопиллаб, бутун гавдаси ердан илкис узилиб, чалпак бўлиб тушди. Тамом, у ҳушидан кетди. Восиқ шу алфозда қанча ётганини билмайди. Билгани шулки, қачонлардир қабоғини аранг йириб, теваракка хиёл назар ташлаганида ўнлаб, юзлаб кўзлар унга масхараомуз, мамнун-масрур тикилиб турганини кўрди. Қизиқ, томошаталаблар нигоҳидаги худди шу ифода Восиққа аллақандай куч бахш этди. У ирғиб ўрнидан турди. Ва ҳеч нарса бўлмагандай, қаддини ғоз тутиб тўппа-тўғри уйига жўнаб қолди.

РайПО хўжайинининг эркатой ўғли бўлмиш Восиқ, нафсиламрини айтганда, ёмон бола эмасди. Жанжалкашликка, зўравонликка у ўзини шунчаки ҳақли деб ўйларди. Чунки ҳар тонг бойвачча отаси, бойбичча онаси чўнтагига тиқиб юборадиган пуллар ҳисобидан синфдошларини, ён-веридаги бошқа болаларни ҳам тез-тез сийлаб турарди. Сийловларига очкўзлик ва ялтоқлик билан ташланишларини кўриб Восиқ ўзини ўта зарур, ўта аҳамиятли одам ҳис этарди. Бола-бақралар теварагида ҳамиша ғужғон ўйнаб, унга ёқиш дардида куйиб-пишиб юришарди. Шу сабаб ҳам Восиқ ўзини мустаҳкам бир қўрғон ичида юргандек ҳис этарди. Сафар билан жанжал чиққан пайтда ҳам ўз кучидан кўра, теварагидагиларнинг қўллаб-қувватлашига буткул ишонганди. Аммо...

Қоқ туш пайти, қоқ қаншарига тушган мушт унинг кўзларини мошдай очди. Очилган кўзлар Восиқ хайрихоҳларим деб билган дўст-ўртоқлари нигоҳидаги масхарани, мамнуниятни кўрди.

Бу жирканч нигоҳлар уни бир умр таъқиб қилиб юрди. Ва таъқиб қилиш баробарида Восиқнинг ичичидаги аллақандай куч-қувватни, беадоқ истакни жунбишга келтирарди. Аллақандай ҳис-туйғуларни бўрондек қўзғайди. Аммо Восиқ бу ҳис-туйғулар қандай аталишини билмайди. Билгани шулки, ҳамма-ҳаммани босиб-янчиб ўтишни, топтаб ташлашни ва бу қилмишидан қаҳ-қаҳ отиб кулишни хоҳлайди.

Ўша муштлашувдан сўнг Восиқ кескин ўзгарди. Район марказидаги Магомед исмли авар йигит мураббийлик қиладиган бокс тўгарагига қатнай бошлади. Унда чиндан ҳам қобилият бор экан. Бокснинг анча-мунча ҳадисини фавқулодда тез ўзлаштириб олди. Икки-уч йил ичида районнинг энг ёш, энг моҳир боксчисига айланди. Восиқнинг кучи танасига сиғмасди. Аҳён-аҳён

тўй-ҳашамларда, байрам-тантаналарда атай жанжал чиқариб, бир ўзи бирваракайига уч-тўрттасини ур-калтак қиладиган ва бундан беадад ҳузурланадиган одат чиқарди. Тўққизинчи синфни битириш арафасида мураббий Магомед уни овлоққа тортди.

«Дўстим, муштлашувга қобилиятинг зўр, ҳаммамиз кўриб турибмиз. Лекин, дўстим... нималигини билмадим-у, сенда ҳақиқий бокс спортига ёт бўлган қандайдир... қандайдир кайфият бор. Илтимос, хафа бўлма, иккимиз бундан буён бирга шуғуллана олмаймиз...»

Восиқ ҳайдалганини билди. Лекин ялинмади. Устозига сурбетларча тиржайиб қаради. Бу тиржайишда Восиқ қандай аталишини билмайдиган ўша ҳис-туйғулар қалқиб турарди: «Ҳамма-ҳаммани босиб-янчиб ўтаман, топтаб ташлайман ва қаҳ-қаҳ отиб куламан...»

Отаси уни мактабни битирган йилиёқ бирор бир нуфузли институтга жойлаб қўйиш иштиёқида эди. Аммо Восиқ қатъий бош тортди. Аввал армияга бориб келаман, деди. Ота-онаси охир-оқибат кўнишди. Айниқса, отаси ўғлининг қатъиятидан, мустақил хатти-ҳаракатидан мамнун эди.

Восиқ ҳарбий хизматни олис Уралдаги шаҳарларнинг бирида ўтади. У бориб тушган полкда миллатчилик, айирмачилик авжига чиққан экан. Кавказликлар бир тараф, ўртаосиёликлар бир тараф, тағин бошқалар бир тараф экан. Бокс билан шуғуллангани Восиққа жуда қўл келди. У ҳали барра аскарлик пайтиёқ бир баҳайбат кавказликни калтаклаб, дарров эътиборга тушди. Бундан, айниқса, ўртаосиёликлар хўб қувонишди. Деновлик Зариф деган аскар унга чиппа ёпишиб олди: «Ака, сиз бизларга бош бўлинг, ҳаммамизни жипслаштиринг».

Юртдошининг илтимос-илтижолари аввал Восиқни андак ийдиргандай бўлди. Сўнг ўша туш пайти боши узра энгашган масхара, мамнуниятга тўла нигоҳлар

яна кўз олдида қўққис жонландию қандай аталиши ўзига номаълум ўша ҳис-туйғулар тағин жунбишга келиб, сурбетларча тиржайди: «Қани, кўрамиз...»

Асли пензалик Ливан Марков деган аскар рота омборчиси эди. Бир куни Восиқ уни ур-калтакдан қутқариб қолди. «Бундан буён Ливан менинг ҳимоямда», деб эълон қилди. Зўравонлар писиб қолишди.

Ўшанда Восиқ ғоят оқилона иш тутганига кейинчалик минг бора иқрор бўлди ва минг бора Яратганга шукроналар айтди.

Сапчаюз, ингичкақош, хушбичим, қиррабурун Ливан жисмонан анчагина нозик бўлса-да, фаҳм бобида, муомала, маданият масаласида беқиёс экан. У Ливаннинг ҳар бир ўгит-маслаҳатларига анграйиб қулоқ соларди. Оқибатда ундан кўп нарса ўрганди. Ақлига ақл қўшилгандай бўлди.

Восиқ юртдошлар ҳимоясини ёлчитмади. Уларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Бироқ юртдошлар шундай билаги бақувват, полкда ўз иззатига эга юртдошлари борлигидан фахрланишар, уйларидан юборилган ноз-неъматлар билан уни тез-тез сийлаб туришарди. Бу ҳолни Восиқ бадхоҳларча талқин этар, «Менга хушомад қилишяпти», деган фикрга борар, сийловларни гўё хушламай, минг бир таманно билан қабул қилар эди. Қарангки, Ливан бу ҳолни кузатиб, пайқаб юрар экан. Бир куни у Восиқни гапга тутди:

– Болтаев, сен миллатчи эмассан, бу яхши. Сенда юртдошларингга нисбатан бир... бир кайфият бор...

– Лекин қандай кайфият эканини аниқ билмайсан. Шундайми? – дея унинг гапини бўлди Восиқ бир пайтлар мураббийнинг худди шундай чайналганлари эсига тушиб.

– Йўқ, мен биламан, лекин айтмайман. Сен агар бундай кайфиятда юришни маъқул кўрсанг, менинг маслаҳатим бор.

– Қанақа маслаҳат?

– Касал тишни оғритиб ҳам, оғритмай ҳам суғуриб ташлаш мумкин, тўғрими? Менимча, оғритмай олган маъқул. Масала шундай экан, кайфиятни ошкора кўрсатиш – бемаънилик.

Восиқ зеҳнли, фаҳм-фаросатли эди. Ливан нимага шама қилаётганини дарров илғади. Шу-шу юртдошларига қўрс, нописанд муомала қилишни ташлади. Сурбетларча тиржайиб турса-да, ўзини жонкуяр, ғамхўр кўрсатди. Бундан обрўси ошгандан ошди-ю, лекин ҳеч бир юртдошига арзигулик нафи тегмади. Аммо унинг жисмоний кучи, уддабуронлиги, ҳарбий ишга бўлган қобилияти қўмондонларга ҳам ёқиб қолган эди. Болтаевни аввал кичик бир бўлинмага командир, сўнг взвод командирига ўринбосар қилиб тайинлашди. Хизматни оддий аскарликдан бошлаган Восиқ муддат сўнгида старшиналик погонлари ялтираб турган мундирда уйига қайтди.

Ҳарбийдан қайтгач, Восиқ Болтаев Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Ливаннинг бутун хизмат давомида берган ўгитларига амал қилди. Восиқ яна бир карра амин бўлдики, ўша ур-калтакдан Ливанни эмас, ўз-ўзини, ўз келажагини қутқариб қолган экан.

Таҳсил тамом бўлгач, Восиқ Болтаев ўзи туғилиб ўсган тумандаги йирик бир хўжаликка оддий мироб бўлиб борди. Орадан йил ўтмай, бош миробликка кўтарилди. Тағин бир йил ўтиб, вилоят партия қўмитасида қишлоқ хўжалиги бўйича инструктор сифатида пайдо бўлди. Москва Олий партия мактабида ҳам таҳсил олди. Ўзининг киришимлилиги, очиққўллиги боис дасти дароз, сўзи ўткир «акахонлар» назарига тушди. Кейинчалик шу назаркардалар кўмаги билан озроқ муддат кичик бир район партия қўмитасини бошқарди.

«Ёмон эмассан, лекин илм қилиб қўйишни унутма», деб ёзиб юборди Ливан галдаги мактубларининг бирида.

Восиқ Болтаев бир юмалаб пойтахт илмий текшириш институтларининг бирида тадқиқотчи мақомида пайдо бўлди. Шу баробарида Москвада орттирган ошна-оғайниларидан қўл узиб кетмади, кези келганда уларга суянди. Охир-оқибат, бундай уриниш-суринишлар ўз самарасини берди: Восиқ Болтаев қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлди. Шундай кунларнинг бирида Ливан Тошкентда пайдо бўлди. Тўғрироғи, унинг Ўзбекистонга келганини Восиқ телевизордан кўриб билди. Билдию таажжубдан тиришибгина қолди. Республиканинг кўпгина раҳбарлари Ливаннинг теварагида оёғи куйган товуқдек типирчилаб юришарди. Ҳолбуки, дўсти билан ора-чора хат ёзишиб турадиган Ливан ўзининг амалдор бўлиб кетгани ҳақида лом-мим деган эмас. Восиқ дўстининг пишиқ-пухталигига яна бир карра қойил қолди. На билимдонлик, на уддабуронлик бобида уни ҳеч қачон қувиб ўтолмаслигини ич-ичидан тан олди.

Болтаев ўшанда гоҳ у, гоҳ бу идорадаги танишларини ишга солиб, собиқ қуролдошни топиб учрашишга эришди. Ливан Марков чиндан ҳам мафкура соҳасида катта амалдор экан. Уларнинг дўстлигини билиб кўпгина амалдорлар, ҳойнаҳой, ҳавасу ҳасадда ёнди. Ушбу учрашув натижаси шундан иборат бўлдики, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Восиқ Болтаев Марказий қўмита қишлоқ хўжалиги секторига масъул бўлиб келди.

Мана, ўшанга ҳам ҳаш-паш дегунча тўрт йил бўлибди. Тўрт йилдан бери Восиқ Асадович республика қишлоқ хўжалигини титратиб юрибди. Жойлардаги раҳбарлар унинг номини эшитгандаёқ ҳушёр тортишади. Хўжаликларни жонсарак кезиб, камчиликларни тузатишга, Болтаевнинг қаҳрига учрамасликка ҳаракат қилишади.

Ўтган йилнинг адоқларида ҳамтовоқ, ҳамшиша оғайнилардан бири ғалати гап қўзғаб қолди:

– Восиқ Асадович, сизда катта имкониятлар бор, негадир ундан унумли фойдалана олмаяпсиз.

– Нимани назарда тутаяпсиз? – деб сўради қизиқсиниб Восиқ Асадович.

– Масалан, сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, бирор вилоят биринчи котиблигини қўлга киритган бўлардим.

Улфатнинг таклифи Болтаевни анча қизиқтириб қўйди. Ётса ҳам, турса ҳам шу ҳақда ўйлайдиган бўлиб қолди. Рост, бирор вилоят партия қўмитасига биринчи котиб бўлишга нима етсин! Қозон ҳам, чўмич ҳам ўзингники! Балки яхши хизмат кўрсатиб энг олий раҳбарларнинг назарига тушиб қолса, яна ҳам кўтарилиб кетиши мумкин!

Восиқ Болтаев охир-оқибат бир қарорга келди: обкомлик курсиси учун олға! Қай йўл билан бўлса-да, бу лавозимга эришмай қўймайди. У шундай қатъий қарор қабул қиларкан, бир пайтлардагидек сурбетларча тиржайди, ич-ичидан ўша таниш, ўзи ҳам қандай аталишини билмайдиган ҳис-туйғу бўтанадай қалқиб чиқди: «Ҳамма-ҳаммасини босиб янчиб ўтаман, топтаб ташлайман ва қаҳ-қаҳ отиб ҳузурланаман...»

Восиқ Болтаев дарҳол олисдаги олампаноҳи Ливан Марковга мактуб йўллади, учрашув чоғи берган рақамлари бўйича қўнғироқлар қилди. Бироқ, минг афсуски, ҳожатбарор дўстини топа олмади. У қайси бир мамлакатга элчи этиб юборилган экан. Тағин икки йилча Москвага қайтмас эмиш. Восиқнинг ҳафсаласи пир бўлди. Лекин осонликча оқ байроқ кўтаришни истамасди. Ҳартугул, Тошкентдаги раҳбарлар орасидаги анча-мунча «кузир»ларнинг ҳам эътиборига тушган. Ўшалар билан иш битирса ҳам бўлаверарди.

– Туя билан гаплашинг, – дея шивирлади маслаҳатгўйлардан бири.

– Рост айтасиз, шундай қиламан, – деди Болтаев чеҳраси ёришиб.

Туя деганлари қишин-ёзин, кечаю кундуз бошидан туя жунли шляпа, ўркачсимон қаншаридан қоп-қора кўзойнак тушмайдиган, андак букчайиб, туядай вазмин лўкиллаб одимлайдиган, бирор кимса на ёшини, на исм-шарифини, на лавозимини аниқ-тиниқ айтиб бера оладиган, хуллас, сиру синоатга лиммо-лим ғалати бир нусха эди. У ўз лақабига ўзи ҳам шу қадар кўникиб кетганки, бировларнинг «Туя ака», «Туя тоға» дея мурожаат қилишларини сира малол олмайди, аксинча, бу лақабдан ҳузур-ҳаловат топаётгандай гоҳ сирли илжайиб, гоҳ димоғида пишқириб қўяди. Ҳатто бир гал аллаким унинг исм-шарифини тилга олиб, мурожаат этгану балога қолган. Туя унга қайрилиб ҳам қарамаган, гапларини эшитишни ҳам истамаган.

– Жуда ҳурматли одамнинг ўғли эди, нега бундай қилдингиз? – дея эҳтиёткорлик билан сўраган ёнидаги ҳамроҳи.

– Исм-шарифим ҳар кимларнинг оғзида сақичдай чайналишини истамайман, майли, лақабим билан атайверишсин, менга шуниси тузук, – дебди Туя фақат ўзигагина хос хирқироқ товушда.

Сўзсиз тан олиш керак, у тили ҳам, қўли ҳам узун одамлар сирасидан эди. Туя аралашса, ҳар қандай муаммо ҳал бўлмай қолмайди, кимки унинг қаҳрини келтирса, муқаррар балога йўлиқади, кимки меҳрини ийдирса, бахти кулиб боқади.

Болтаев пайт пойлаб-пайт пойлаб худди шу «қора фаришта»га дардини айтди. Ҳамма хизматларга шайлигини қистириб ўтди.

– Бўпти, ҳаракат қиламиз, – деб тўнғиллади Туя.

Унинг қисқа ва совуққон муомаласидан Восиқнинг

ичига муз ўрмалади. «Тамом, энди ишим битмайди», деган шубҳа-гумонга борди. Йўқ, адашган экан. Мана, орадан бир ҳафтача ўтиб, Болтаев эндигина хизматга отланиб турган маҳал йўлакдаги телефон бўғиқ жиринглаб қолди. Восиқ ҳафсаласизлик билан гўшакни кўтарди. Кўтардию, ҳам ҳаяжондан, ҳам аллақандай қўрқувдан тиззалари қалтираб кетди. Маълуму машҳур хирқироқ, бўғиқ товуш аввал «Восиқмисан?» деб сўради, тасдиқ олгач, ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир оҳангда, «Чаман»да тараддуд кўриб тур, кеч соат фалонда бораман», – дедию алоқани узди.

Болтаев тажрибали, кўпни кўрган амалдорларга хос ички сезги билан муаммо ечим топаётганини пайқади. Оёғини қўлига олиб «Чаман»га югурди. «Чаман» – шаҳар чеккасидаги, овлоқ, ташландиқ маҳалладаги чойхона эди. Мишмишларга қараганда, Туя фақатгина шу ерда дам олишни хуш кўраркан. Ўзига маъқул жойни тайинладими, демак, ов бароридан келганга ўхшайди.

Восиқ Асадович чойхона хизматчиларига буюртма бериб, идорага қайтди. Аммо кечга яқин андак кўнгилсизлик рўй берди. Болтаевга хўб яхши таниш икки ишрат маликаси, шўхликлари тутган шекилли, рухсатномалар хонасидан Болтаевга қўнғироқ қилиб «Адашиб шўтга кепқопмиза» дея тантиқланиб қиқир-қиқир кулишди. Восиқ Асадовичнинг жон-пони чиқиб кетди. Дарҳол пастга тушди. Бирор таниш-паниш кўриб қолишидан чўчиб, ҳайдовчига Ўрда ёнида кутиб туришни тайинладию ўзи қизлар билан етаклашиб, Анҳор бўйидаги дарахтзорларни кесиб ўтишга қарор қилди. Аммо яна-тағин муаммо. Ҳеч кутилмаганда Министрлар Совети Раиси ўринбосари Ислом Каримовга йўлиқиб қолса-я?! Яхшиям у киши ўз хаёллари билан ўзи андармон бўлиб турган экан. Буларни пайқамади.

Восиқ Асадович Болтаев – Марказқўмдаги масъул амалдор, янги лавозим ишқида ёниб, шаҳар чеккасида-

ги чойхонанинг хуфёна ҳужрасида, нозу неъматларга лиммо-лим дастурхон ёнида Туя тоғани кутиб ўтираркан, ўтмиши, кечмишлари шу тахлит бирма-бир хаёлидан ўтарди.

Негадир Туя тоға кечикяпти. Қизлар ҳам бетоқат. Енг-этаклари калта кўйлаклари остидаги гўзал таналарини кўз-кўз қилиб, ён-атрофни ўткир атир ҳидига буркаб, гоҳ хона бурчагидаги кўзгу ёнига бориб таранишади, гоҳ ҳардамхаёл ўтирган Болтаевнинг қитиқ патига тегиб суйкалишади. Ҳатто, улардан бири қадаҳига қуйиб қўйилган мусалласдан аҳён-аҳён ҳўплайвериб, бироз ширакайф ҳам бўлиб қолди.

– Эй, қизлар, – деди Восиқ Асадович гўзалларнинг хатти-ҳаракатидан хавотирланиб, – санларга яна бир марта тайинлайман, ҳозир бўтга меҳмон келади, улар билан гаплашиб бўлганимча санлар нариги ҳужрага ўтиб яшириниб турасанлар. Окахонлар кетгач, маишатни давом эттирамиз. Хўпми?

– Ҳў-ўп... намунча қайтараверасиз, ёдимиздан чиққани йў-ўқ... – деб минғирлади қизлардан бири.

Бир пайт хизматчи йигитлардан бири секин ичкари кирди.

– Чиқаркансиз, – деб шивирлади у Восиқ Асадович томон энгашиб.

Болтаев гўзаллар томон илтижоли тикилди.

– Қани, қизлар, нариги хонага ўтинглар, илтимос.

Қизлар ишора қилинган томон йўрғалашди. Ирғиб ўрнидан турган Болтаев ташқари томон отилди. Чойхонанинг тор, кичик ҳовлиси пештоқдаги лампа чироқ ёғдусидан хира ёришиб турарди. Ҳаммаёқ жимжит. Ошхона тарафда куймалаётганларнинг қўланкаси ғира-шира кўзга ташланади.

Восиқ Асадович юраги дук-дук урганича дарвоза ташига чиқди. Ҳаммаёқ зим-зиё. Гўё бутун тирик

жонни зулмат ютиб юборгандай. Болтаев пайпасланиб, икки-уч қадам ташлади. Шундагина чойхонанинг пастқам деворига тақалиб турган қоп-қора «Волга»ни илғади.

– Келавер, – деган таниш хирқироқ товуш эшитилди машина ичидан. Ва орқа эшик ширқ этиб очилди.

Болтаев тимирскиланиб бориб, очиқ эшикдан бош суқди.

– Ассалому алайкум.

– Ўтир.

Восиқ Асадович ҳовлиққан кўйи орқа ўриндиққа Туя тоғанинг ёнига чўкди. Машина ичи ҳам қоп-қоронғи эди.

– Ичкарига кирсак бўларди, – деди у ботинмайгина.

– Вақт йўқ. Маишатингни ўзинг қилавер.

Болтаев Туя тоғанинг муддаосини англаёлмай, аъзои бадани совуқ тер босди. Орадаги бир лаҳзалик жимлик гўё бир аср давом этгандай туюлди. Шу орада Восиқ машина ичида ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини илғади.

– Муаммоинг ҳақида Бировга айтдим. Иш силжиди.

– Раҳмат, тоға, раҳмат, – деб ғудранди Болтаев.

– Тараддудинг борми, ишқилиб?

– Ҳа, бор.

– Дуруст. Калланг бут экан санинг. Қани, олдинги ўриндиққа ташлаб қўй.

Болтаев бугун кун бўйи биқинига ботиб-ботиб юрган, қалин қоғозга ўралган нарсани чўнтагидан чиқариб, қоп-қора бўшлиқ томон ташлади.

– Бўпти, боравер энди, – деб ҳирқиради Туя тоға, – роппа-роса бир ойдан сўнг конкрет жавоб оласан. Сани қатга тайинлашларини айтаман.

Болтаев машинадан сидрилиб тушаркан, хаяжондан овози титраб кетди:

– Раҳмат, тоға, раҳмат. Ҳамиша хизматингиздаман.

Шу пайт ердан чиқдими, осмонда тушдими, ҳайбатли бир шарпа пайдо бўлдию ҳайдовчилик жойини эгаллади. Болтаев беихтиёр орқага тисарилди.

Зум ўтмай шитоб билан қўзғалган қоп-қора «Волга» зулмат қаърига сингиб кетди.

IV

У серҳашам қабулхонадан чиққанида вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

Тун. Шаҳар қоп-қора ниқобига бурканган қароқчи қўлтиғида милтираб-титраб турган митти шамчироқдек тобора сўниб бормоқда. Эшилиб эсган тун эпкини теварақдаги дов-дарахтлар билан маҳзун шивирлашади. Пешиндан сўнг шивалаб ўтган ёмғирдан намиққан ердан тупроқ, ўт-ўланларнинг ажиб иси таралади.

Ислом Абдуғаниевич йўлак бўйлаб ҳорғин одимлаб келаркан, шу жойда бир зум оёқ илди. Кўкайини тўлдириб-тўлдириб чуқур нафас олди. Шу тахлит изтиробли ўйлар исканжасидан халос бўлишни истади. Бироқ эплай олмади. Бутун онг-шуурини беаёв ғажиб ётган хаёллар баттар жунбишга келди, баланд-паст устунлардаги неон чироқлардан таралаётган заъфарон ёғдулар кўзига, кўнглига наштардек санчилди. Назарида тун зулмати уни тобора ўз домига тортиб кетаётгандек туюлди. Минг бир шаҳарнинг минг бир чироғи ҳам айни чоғда унинг ичини заррача ёритмасди. Гўё ҳалигина қабулхонада қўр тўккан кишилар ортидан худди қора кўланка мисол тиркашиб келаётгандек туюлар, бўлиб ўтган суҳбат қулоқлари остида ҳали-ҳануз бўғиқ бир акс садо берар, туссиз нигоҳлар, сохта табассумлар кўз ўнгида лип-лип жонланар эди.

Ислом Каримов қабулхонага кириб боргач, ишора қилинган жойга ўтирди. Анастасов гапни нимадан бош-

лашни билмагандек кафтларини бир-бирига ишқалаб андак саросималаниб турди. Москвадан ташриф буюрган амалдорлар ўзларига ғоят шуҳбали туюлган режа-лойиҳа муаллифини қизиқсиниб-қизиқсиниб зимдан кузатишар, гоҳо ўзаро кўз уриштириб, бир-бирларига маънодор имо-ишоралар қилишарди.

– Хуллас гап бундай, Ислом Абдуғаниевич, – деб гап бошлади Анастасов, – сизнинг иштирокингизда тайёрланган «Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари» режа-лойиҳаси билан танишиб чиқилди. Бу Москвадаги раҳбариятни ҳам анча қизиқтириб қўйди...

Гап шу ерга етганда Анастасов сўзларининг нечоғли тўғри эканлигини тасдиқлатиб олмоқчи бўлгандай меҳмонлар томон ҳадиксираб кўз ташлаб қўйди. Бироқ москваликларнинг совуқ ва ҳиссиз афтидан бирор нимани англаб бўлмади. Анастасов ўнғайсиз бир ҳолатда устма-уст томоқ қириб олгач, яна сўзидан давом этди.

– Лекин, Ислом Абдуғаниевич, гап бошқа, ҳаёт бошқа, қуруқ лойиҳа билан иш битмайди. Ҳеч бўлмаганда, унинг қандайдир бирор қисмини амалда исботлаб кўрсатиш керак.

– Албатта... албатта, – деб қўйди Ислом Каримов, гарчанд раҳбарнинг сўзларидан ҳали ҳеч вақо англамаган бўлса ҳам. Лекин гап ўзи анчадан бери жавобини интизор кутаётган режа-лойиҳа устида бораётганидан қувонди, ҳаяжонланди.

– Дейлик, масалан, – деди Анастасов унга синовчан кўз ташларкан, – сизлар кўзда тутган ўша тараққиётни, ўша ривожлантиришни бирор вилоят миқёсида синаб кўрилса... айтмоқчиманки, бирор қолоқ вилоятни ўша сизлар ишлаб чиққан йўл-йўриқлар асосида қолоқлик ботқоғидан олиб чиқилса... қалай бўларкан...

Ислом Абдуғаниевич Иккинчи котибнинг мақсад-муддаосини барибир тузукроқ англаёлмай мужмал

елка қисиб қўяқолди. Лекин гап оҳангидаги алланечук киноя, истеҳзо дилига бир ғашлик олиб кирди.

Шу пайт Анастасовнинг адоқсиз чайналишлари тоқатини тоқ қилди шекилли Голицин томдан тараша ташлагандай бирдан мақсад-муддаога кўчди:

– Марказий раҳбарият сизни Қашқадарё вилояти биринчи котиблиги лавозимига тавсия этишни режалаштириб турибди!

Жез жаранги янглиғ бу товушдан ҳайҳотдек хона зириллаб кеттандай бўлди. Ислом Абдуғаниевич ялт этиб, Голицинга юзланди. Юзландию ич-ичида гувраниб келган норозилик биргина сўзга айланиб, туйқус оғзидан чиқди:

– Мени?!

– Ҳа, сизни, – деди Голицин тантанавор тиржайиб, – ё эътирозлар борми?

Ислом Каримов ногоҳ қалқиб чиққан норозилигини, ҳис-ҳаяжонини теваракка сездириб қўйганидан ўнғайсизланди. Ўнғайсизланганидан баттар аччиғи чиқди. Чунки у бундай ҳолат, бундай кечинмаларни ожизлик белгиси деб биларди.

– Йў-ўқ, нега... – деди у аранг ўзини қўлга олиб жилмайишга ҳаракат қиларкан, – лекин... ҳамма нарса тартиб-қоидаси билан бўлиши керакмиди...

– Нимани назарда тутяпсиз? – деб сўради Голицин, азбаройи асабийлашганидан бурун катаклари пир-пир учиб.

– Мен ҳали Марказқўмнинг стажировкасидан, синов муддатидан ўтишим керак. Қолаверса...

– Қолаверса, ҳаммасини Марказнинг ўзи ҳал қилади, – деб истеҳзоли тиржайди Голицин.

Баҳс-мунозара тобора қизиб, дағал гап-сўз кўпайишидан чўчиган Анастасов шоша-пиша вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди:

– Ислом Абдуғаниевич, ҳозир муҳокама мавриди эмас. Сиз яхшиси ҳозир уйга бориб дам олинг, сафарга

тараддуд кўринг. Тайинланган куни Москвага учамиз. Ҳа, майли, бу ҳақда эртага бафуржа гаплашсак ҳам бўлаверади. Ўзим чақиртираман.

Ислом Каримов шу тахлит таҳдидли кечган ғалати суҳбатни бир-бир хаёлида жонлантираркан, қай вақт хизмат машинаси ёнига келганини, қай вақт орқа ўриндиққа ҳорғин чўкканини пайқамай қолди.

Оппоқ «Волга» оқ мато ёпилган беланчакдек оҳиста чайқалиб, бир маромда елиб борарди. Қатор устунлардаги қатор чироқлар хира ва зардобтус ёғдуга чулғаган кенг кўча бўм-бўш, жимжит. Аҳён-аҳёнда яккам-дуккам енгил уловлар у ён-бу ён худди ёв қувгандай елиб ўтиб қолади.

– Ия, тўхтанг, бир минутга тўхтатинг-чи машинани, – деб қолди бир пайт Ислом Абдуғаниевич. У андак энгашган кўйи ўнг томондаги муюлиш ёққа диққат билан тикиларди.

Ҳайдовчи ҳам «Волга»ни шоша-пиша тўхтатаркан, ўша ёққа ажабсиниб алангади.

Тор бир кўчага қайрилиш жойда, тарвақайлаб кетган баҳайбат дарахт биқинида ранг-тусидан милицияга тегишли эканлиги кўриниб турган УАЗ русумли машинанинг эшиклари ланг очиқ турарди. Икки нафар мундирли ходим ёш бир жувоннинг икки тарафидан тортқилаб, уни машинанинг панжарали қисмига ўтқазиш учун зўр бериб уринишарди. Аёл эса жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар, алланелардир дея қарғанар, заиф ва хирилдоқ бир товушда бақир-чақир қилишга тиришарди. Миттигина болакай унинг қишлоқ аёлларига хос кенг-мўл кўйлагининг этакларига ёпишиб чинқирар, учинчи бир ходим мурғакнинг белидан қучиб аёлдан ажратиб олишга ҳаракат қилар эди.

– Қани, бориб кўрайлик-чи, нима гап, – деди Ислом Абдуғаниевич машинадан сидрилиб тушаркан, унинг

овозидан, ҳаракатларидан мутаассир бўлгани, жаҳли чиққани шундоққина сезилиб турарди.

Тенгсиз олишувда куйиб-пишиб ётган милиция ходимлари «ТНО» белгили, махсус давлат рақамли «Волга» тўхтаганини, ундан ораста костюм-шимли, тик қоматли киши тушганини кўриб, ҳар эҳтимолга қарши жувонни қўйиб юборib, ўз уст-бошларини тузатишга киришди. Мундиридан сержантлар қавмидан эканлиги сезилиб турган йўғон гавдали, ялпоқ юз йигит, афтидан Ислом Абдуғаниевични таниган ҳам бўлса керак, андак довдираган кўйи унга пешвоз юрди.

– Ассалому алайкум, раис бува.

– Ваалайкум... ҳорманглар, йигитлар, – деди Ислом Каримов бироз кесатиб. Сўнг бетон йўлкага чўк тушиб, боласини маҳкам бағрига босган, димоғида алланима дея ғудранаётган аёлга разм солди. Аёл даг-даг титрар, худди нажот излагандай теварагига тез-тез жонсарак кўз ташлаб қўяр, қуруқшоқ лаблари беихтиёр: «Адолат қилинг, ёрдам беринг», деган сўзларни шивирлаб такрорларди. Оҳорсиз, рўдапо кийими, тарашадек озғин, қоп-қора қўллари, кун иссиқ бўлишига қарамай бошига ташлаб олган беўхшов каттакон рўмоли унинг олис бир овулдан келиб қолганидан дарак берарди.

– Нима гап?! – деб гап қотди Ислом Абдуғаниевич юраги туз сепгандай ачишаркан. – Бу қандай масхарабозлик?

Сержант «Раис бува»нинг кесатиқлари, зардали сўровлари шак-шуҳбасиз аёлга тегишли деган хаёлга борди шекилли, томоқ қириб ҳисоб беришга киришди:

– Раис бува, жуда жонга тегди бу хотин. Ўлардай қайсар экан...

Сержантнинг куйиб-пишиб тушунтиришларидан маълум бўлдики, бу ўжар аёл «Эримни чиқариб беринглар, уни ноҳақ қамадиларинг», деб Ички ишлар

вазирлиги қабулхонасида анчадан бери тўполон қилиб юраркан. Бу ҳам камдай, кеча «Эрим қўйиб юборилмагунча ҳеч қаёққа жилмайман», деб вазирлик остонасига қайсарларча ялпайиб ўтириб олибди. На яхши гапга, на дўқ-пўписага кўнар эмиш. Охири тоқати тоқ бўлган раҳбарият: «Олиб бориб, уч-тўрт соат қамаб қўйинглар, яхшилаб қўрқитинглар, токи бундан кейин идорама-идора чопиб юрмайдиган бўлсин», деб буйруқ берибди. Табиийки, мана бу шоввозлар дарҳол ҳукмни ижро этишга киришган. Бироқ бир амаллаб машинага тиқилган аёл, худди шу муюлишга етган чоғ, светофорга тўхталганидан фойдаланиб, қандайдир йўллар билан эшикни очибдию жон ҳолатда сакраганича машинадан тушиб қолибди. Жафокаш ҳуқуқ-тартибот ходимлари мана хийла вақтдан бери бу ўжар аёлни тағин машинага ўтқиза олмай ҳалак экан.

– Эри нега қамалган? –деб сўради Ислом Каримов паст товушда.

– Э, нимасини сўрайсиз, Раис бува, – деб яна илҳомланди сержант, – У ҳам ҳалиги ўғри-муттаҳамлардан бири бўлса керак-да... «Пахта иши» билан қамалган...

Ўзининг сиёсий ҳушёрлиги, қама-қамаларга хайрихоҳлиги билан муқаррар мақтов эшитаман деб чамалаган сержант «Раис бува»нинг дарғазаб, жирканганнамо қараб турганини кўрдию дами ичига тушиб кетди. Ғужанак тортиб турган шериклари томон саросимали кўз ташлаб олди.

– Бу аёлни менга қўйиб беринглар, – деди Ислом Абдуғаниевич деярли шивирлаб, – уни ўзим тинчитаман.

– Майли-ку-я... лекин бошлиғимизга... – деб минғиллади сержант ботинмайгина.

– Зарурат бўлса, уларга ўзим қўнғироқ қилиб қўяман.

Сержант мужмал елка қисган кўйи ортга тисарилди.

Ислом Каримов елкасига тоғ қулаган баҳодирдай[1] зўрға бир-икки қадам ташлаб, ерпарчин бўлиб ўтирган она-бола ёнига чўнқайди.

– Кечирасиз, – деди у томоғига данакдек тиқилган алланимани зўрға ютаркан, – исмингиз ким, синглим?

– Зубайда... Нормўминова Зубайда, – деди жувон эзгин, ҳорғин бир товушда.

– Тошкентга қаердан келдингиз?

– Қашқадарёдан...

– Қашқадарёдан?!

– Ҳа...

Зубайда ортиқ гапиролмай, яна беихтиёр юм-юм йиғлашга тушди. Болакай эса шундоққина ёнгиналарида чўнқайиб ўтирган, оппоқ кийимли, эртаклардаги паҳлавонлардай елкадор амакига алланечук ҳайрат, алланечук ажабланиш билан тикилиб турарди.

– Йиғламанг, синглим, – деди Ислом Каримов ўйчан, алланималарнидир чамалаган кўйи, – ҳозир на кўзёшдан, на бундай оворагарчиликдан наф бор. Келинг, яхшиси иккаламиз бошқача келишамиз.

Зубайда офтобдан ранги униққан рўмолини юзига босиб, афт-ангорини артган бўлди-да, оғир бир хўрсиниб у томон ботинмайгина кўз қирини ташлади.

– Сиз ҳозир менга адресингизни, эрингиз ҳақидаги маълумотларни тўлиқ, аниқ ёзиб берасиз, – деди

---

[1] Мўғул афсоналарида айтилишича, "Талвоч баҳодир" исмли бир қаҳрамон ёв қирғинига учраган уруғдошлари ичида тирик қолган яккаю ягона она-болани муқаррар ўлимдан сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр эканини душманга баён айлайди. Шунда ёв хоқони улкан бир тоғни ортмоғлаб уч кечаю уч кундуз туришга буюради. Душман лашкари бир неча кун тоғу тошларини ташиб, Талвоч баҳодирнинг орқасига юклашади. Бироқ паҳлавон бундай залварли юкни кутара олмайди. У она-бола ёнига чўнқайиб қолади. У чўнқайган жойда баҳайбат тоғ пайдо бўлади. Она-болани ўлдиришни ният қилган ёв тоғни айланиб ўта олмайди. Охир-оқибат Талвоч баҳодир ҳам, она-бола ҳам омон қолибди. Бу ерда шу афсонага ишора бор.

Ислом Абдуғаниевич ҳар бир сўзни ҳижжалаб тушунтираркан, – мен сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

У худди аёлнинг айниб қолишидан қўрққандай, шоша-пиша костюми чўнтагидан шапалоқдеккина ён дафтарчасини, сарғиш қалпоқчали ручкасини чиқарди.

– Қани, айтинг, синглим, мен ёзиб олишга тайёрман.

Зубайда ўша ҳорғин ва хирқироқ товушда манзилини, эрининг исм-шарифини, бошига тушган кулфатни айтишга тутинди.

Қоп-қора тун чодрасига бурканган шаҳар бедаво бемордай беором тўлғаниб ётибди. Тентиб юрган тентак шамол қовжираб тўкилган япроқларни шитирлатиб, у ён-бу ён тўзғитади. Кеч куз ҳавоси шитоб билан совиб борарди. Андак наридаги дарахтзор ортидан ғира-шира кўзга ташланиб турган, яккам-дуккам деразаларида чироқлар милтиллаб кўринаётган кўп қаватли уй нимаси биландир тубсиз қора тўфон тубига ғарқ бўлаётган каттакон кемани эслатарди. Аллақаердандир маъюс, эзгин мусиқа саси элас-элас қулоққа чалинади.

Ислом Абдуғаниевич маълумотларни қайд қилиб, ёндафтарчани чўнтагига солиб қўйгач, ҳали-ҳануз ўзига ажабсиниб тикилиб турган болакайни даст кўтариб олди. Зубайда ҳам шоша-пиша ўрнидан туриб, уст-бошларини қоққан бўлди.

– Исминг нима, полвон? – деб сўради Ислом Каримов болакайнинг бошини силаб.

Болакай муғомбирона жилмайди.

– Полвон сиз-ку, мелисаларни қўрқитдингиз...

– Оббо, маҳмадона-ей, – деб завқ билан кулди Ислом Абдуғаниевич, – шунақа дегин ҳали. Бўпти, сен айтганча бўлақолсин, лекин исмингни айтсанг, сен мендан ҳам полвон бўлиб кетасан. Қани, айт-чи...

– Собир...

– Уҳ, бунақа чиройли исминг бор экан, ким қўйган буни?

Болакай уялганнамо бармоқ тишлаб, бош чайқади.

– Бобоси қўйган, – дея ўша-ўша хирқироқ товушда изоҳ берган бўлди аёл.

Улар шу тахлит суҳбатлашган кўйи «Волга» томон юришди. Милиция ходимлари нима қилишларини билмай, ўзаро сўзсиз кўз уриштириб, ҳануз саросималаниб турардилар.

– Гап бундай, синглим, – деди Ислом Каримов машина ёнига етишгач, болакайни ерга қўяркан, Зубайдага юзланиб, – менинг машинам сизларнинг хизматларингизда. Ҳозир шофёрга тайинлайман. Сизларни овқатлантириб, сўнг поездга чиқариб юборади. Қашқадарёга қайтиб кетасизлар. Хўпми? Муаммоларингиз билан ўзим шуғулланаман. Уйларингизга ўзим бораман. Хўпми?

– Қачон борасиз? – деб сўради Зубайда оёқ остидаги хазонлардан кўз узмай.

Ислом Абдуғаниевич дабдурустдан нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Чин-да, қачон бориши мумкин? Умуман, нима учун бундай катта ваъдалар беряпти? Нимага, кимга ишониб бундай муаммоларни ҳал қилмоқчи бўляпти?

– Нима десам экан... хў-ўш, – Ислом Абдуғаниевич муносиброқ жавоб излаб, бироз тараддудланиб қолди. – Икки ой ичида сизларникига бораман, яхшими?

– Ваъда берасизми?

– Ваъда бераман. Лекин сизлар ҳам менга бир нарсага сўз беришларингиз керак.

Зубайда савол назари билан қаради.

– Мени кутиб турасизлар, – деди Ислом Каримов бир қўли билан болакайнинг бошини силаб тураркан, – бошқа бунақа сарсон бўлиб юришлар бўлмасин. Хўп... келишдикми?

Зубайда бош ирғаб, розилик билдирган бўлди.

– Ана бу бошқа гап, – деди Ислом Абдуғаниевич, сўнг сал нарида бетоқат турган ҳайдовчига юзланди. – Мен буёғига яёв кетавераман, яқин қолди. Қани, сиз меҳмонларни машинага ўтқазинг-чи.

Ҳайдовчи минғирлаган кўйи ўзича эътироз билдирмоқчи бўлди. Лекин бошлиқ қўл ишораси билан уни тўхтатди.

– Нима демоқчи эканингизни биламан... ортиқча гапга ўрин бўлмасин.

Ноилож қолган ҳайдовчи машина эшигини очди. Каримов пайтдан фойдаланиб чўнтагидан пул чиқариб, кичкинтойнинг қўлига тутқазди.

– Полвон бола, мана бунга музқаймоқ олиб ейсиз, хўпми!

Кичкинтой бир пулга, бир ажойиб амакига кўз ташлаб илжайди. Онаси эса ожизона эътироз кўрсатган бўлди:

– Овора бўлманг... керакмас...

– Ҳечқиси йўқ, – деб бетоқат қўл силтади Ислом Каримов, – сизлар ҳали йўл юрасизлар, тўсатдан керак бўлиб қолиши мумкин.

– Раҳмат... – дея пичирлаб қўйди Зубайда.

Ҳайдовчи «Волга»ни ўт олдирди. Болакай чопқиллаб бориб, орқа ўриндиққа ўзини урди. Аёл алланечук саросималаниб, хаёлчан одимлади.

– Тезроқ бўлларинг, – деб тўнғиллаб қўйди ҳайдовчи.

«Волга» жилди. Машинанинг қип-қизил орқа чироқлари бамисли қип-қизил чўққа айланиб, бўғзини куйдираётгандай Ислом Абдуғаниевич шошқин бир тарзда галстуги тугунларни бўшатиб, кўйлагининг юқори тугмасини чиқариб юборди. Беихтиёр оғир бир хўрсинди.

V

Москвалик тўраларни тунги самолётда учириб юборган Анастасов ўлгудай чарчаган эди. Лекин уйига боргиси келмади. Яна ҳайҳотдек ишхонасига қайтди. Бўлиб ўтган антиқа воқеалар унинг ақлини шошириб қўйганди. Шу сабабли ҳам ҳамма-ҳаммасини бир бошдан, яхшилаб ўйлаб, таҳлил қилиб кўриш дардида эди.

Александр Петрович қабулхона деразасини очиб юборди. Тунги муздек шабада ичкарига ёпирилиб кирди. Жигарранг, ялтироқ стол устидаги аллақандай қоғозларни, газета тахламларини шитирлатиб ўтди. Қалин дарпардалар оҳиста чайқалиб қўйди.

Анастасов мавҳум бир сукунат, жимлик қаърига ғарқ бўлган кенг-мўл кабинет ўртасида шими чўнтакларига қўл тиқиб бир зум ивирсиб туриб қолди. Кўз ўнгида ўша авзойи бузуқ москвалик амалдорлар бот-бот жонланди. Кутилмаган нохуш вазиятдан осон қутулганидан хурсанд бўлди. Буни, албатта, нишонлаш керак.

Иккинчи котиб тўрдаги мўъжазгина хонага кирди. Бу ерда дам олиш, овқатланиш учун ҳамма шарт-шароит бор эди. Бурчакдаги бўйчангина музлатгич ичи егулик-ичкиликларга лиммо-лим. Ўртада пастак, бежирим емак столи, стол биқинида деворга тақаб икки-уч юмшоқ, чарм қопламали ўриндиқ қўйилган. Сал нарида ҳарир ёпинчиқли ётоқ дивани кўзга ташланади.

Анастасов ўйчан қиёфада бўсағада тураркан, хона чироғини ёқишга ошиқмади. Айни пайтда лампочкадан тараладиган ўткир нурлар тиғига тобу тоқати йўқ эди. Одатда, бундай кезлар унинг кўнглига тунчироқнинг қизғиш-сарғиш ёғдулари хуш ёқади. Шу сабаб ич-

карироқ кирди-да, диван панасидаги ёқар тугмачани пайпаслаб босди. Хона бўзранг тусда хиёл ёришди.

Александр Петрович музлатгич ичидан андак ичилган коньяк, ширинликлар олиб стол устига қўйди. Тағин бирпас алланеларнидир чамалаб тургач, енгил қўл силтаб бежиримгина қадаҳчага қаҳрабо тус коньякдан қуйди-да, енгил бир ҳаракат билан тахир таъм суюқликни сипқариб юборди.

Томоғидан то ичкаригача куйдириб борган суюқлик бутун таҳлика-ташвишларини ювиб кетгандай бўлди. Тунчироқнинг қизғиш ёғдулари гўё кўзларида порлаётгандай туюлди.

Анастасов иккинчи қадаҳни ҳам ташналик билан бўшатгач, патнисдаги сархил мевалар орасида бир дона қип-қизил олма олиб, қарсиллатиб тишлади. Юмшоқ ўриндиққа оёқларини чалиштириб ўтирган кўйи мулоҳазаларга берилди.

У Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ислом Каримовни жуда яхши танирди. Билимдонлигига, ҳалол ва тўғрисўзлигига кўп гувоҳ бўлган. Ташига чиқармаса-да, ичида қайта ва қайта қойил қолган. Лекин шу инсонни бугун яна қайта кашф этгандай бўлди!

Анастасов, мана, уч йиллардан бери Ўзбекистонда ишлаяпти. Ҳалиги москвалик тўралар таъбири билан айтганда, тартиб-интизом ўрнатяпти, ҳар бир воқеа-ҳодисага кўз-қулоқ бўлиб турибди. Олис ўрмонлар ортидаги баъзи яқин танишлари, қавм-қариндошлари даврасида бу юртни, бу ернинг одамларини беш бармоқдай билиши билан бемалол мақтанадиган бўлиб қолди. Албатта, ўзбек халқи ҳақида гап кетганида худди ғийбатчи хотинлардай андак сирли, андак ваҳимали қилиб: «ҳаммаси сотқин», «ҳаммаси қўрқоқ», дея писанда қилишдан ҳеч тап тортмайдиган одат чиқарди. Энг ёмони, ўз гапларига ўзи ҳам чиппа-чин ишонарди!

Мана, ҳайҳотдай кабинетининг дам олиш ҳужрасида ичимлик галдаги лиммо-лим қаҳработус қадаҳни бўшатаркан, теварагида таъзим қилиб турувчи маҳаллий амалдорларнинг ҳаммаси ҳам ўзи тасаввур этгандек майда манфаатлар кетидан ғимирлаб юрган, ўғри-каззоб эмаслигига ич-ичида иқрор бўлди.

Ислом Каримов! Бу одам сиймоси кўз ўнгида ботбот жонланаркан, Александр Петрович бугунги учрашув пайти юз берган икки ҳолдан ҳам ажабланар, ҳам аччиқланар эди. Биринчиси шуки, Каримовни масхараомуз кутиб олишга, энг иқирт сўзлар билан ҳақоратлаб беобрў қилишга, шунинг баробарида, москвалик меҳмонларга ўзини нақадар қаттиққўл, муросасиз раҳбар эканини кўрсатиб қўйишга чоғланган Анастасов Ислом Абдуғаниевич кўрингандаёқ беихтиёр тавозе билан ўрнидан туриб кетди. Энг ғалатиси, катта ваколатга эга ҳалиги амалдорлар ҳам туйқус баодоб, беозор нусхаларга айланиб қолдилар.

– Ҳа, бу одамда бир гап бор, – дея ғудранди Александр Петрович олий нав тамакили сигарет бурқситиб, – аллақандай сирлилик бор.

Уни ажаблантирган, аччиқлантирган иккинчи ҳол шуки, вилоят партия қўмитаси биринчи котиблиги жуда катта лавозим! Бундай мартабага фақат Марказнинг хоҳиш-иродаси билангина тайинланади! Ҳолбуки, вилоят нари турсин, бирор-бир туман партия қўмитасига котиб бўлишга илҳақ-интизор, бу мақсад қўйида ҳеч бир пасткашликдан қайтмайдиган нусхалар қанча?! Ана, биттаси Восиқ Болтаев деганлари. Александр Петрович ҳали унинг башарасини ҳам тузукроқ кўрмаган. Ўша нусха гоҳ Ленинграддаги танишини пеш қилиб, гоҳ маҳаллий олғирларни орага қўшиб бирор вилоят партия қўмитасига бош бўлиш илинжида юрибди! Аммо... аммо Ислом Каримов-чи?!

Анастасов суҳбат чоғи, москваликларнинг ҳукмини эшитган пайти, Ислом Абдуғаниевичнинг қиёфаси норизо ўзгариб кетганини эслаб, беихтиёр оромкурсидан ирғишлаб туриб кетди.

– Жуда ғалати, жуда ғалати, – дея ғудранди у шиша тубида қолган ичкиликни қадаҳга қуяркан, – бу одам, очиқчасига тан олганда, ҳар қандай лавозим-амалга лойиқ, лекин уни мансаблар кўп ҳам маҳлиё қилмаганга ўхшайди. У ҳолда...

Қизиқ, у ҳолда Каримовни ҳалигидай мукаммал, ҳар қандай мутахассиснинг ҳам ақлини шоширадиган режа-лойиҳа ишлаб чиқишга нима мажбур қилди? Одатда, амалдорлар юқоридаги хўжайинларнинг диққат-эътиборини тортиш, мансаб пиллапояларидан бирин-кетин кўтарилиш дардида ўзларини шунақа жонкуяр, ишбилармон кўрсатишга ҳаракат қилишади. Лекин... лекин, гар бирор шахсий манфаат кўзламаган экан, Ислом Каримовни шундай улкан ташаббускорликка қандай сирли куч ундади? Наҳотки у мана шу ночор Ўзбекистонни ривожлантирмоққа чинакамига бел боғлаган бўлса?! Қипқизил донкихотлик-ку бу! Ё...

Миясига урилган нохуш ўйданми ё армани майдан анчагина нўш этиб қўйганиданми, ҳарқалай, Анастасовнинг кўз олди тиниб, боши айланиб кетгандай бўлди. Кутилмаган кўк йўталдай, туйқус ташриф буюрган ҳалиги амалдорларнинг пўписасидан анча-мунча ташвиш, саросима силқиб турганини эслади. Шу баробарида хаёли узоқ-узоқларга, Иттифоқнинг ғарбий сарҳадлари томон учди. «Қайта қуриш» қўшиғи бошлангандан бери Болтиқбўйи республикалари томондан «Мустақиллик», «Озодлик» деган ғалати-ғалати, эшитганни эсанкиратадиган гап-сўзлар чиқиб қолди. Марказий маъмурият уларнинг оғзига уришга, дамини кесишга ҳаракат қиляпти. Яна ким билсин... Балки... балки ўшандай фикр-ғоялар Ўзбекистонда ҳам...

Александр Петрович ўз хаёлидан ўзи чўчиб, теварагига аланг-жаланг қаради. Бутун вужуди қулоққа айланиб, нималарнидир жон-жаҳди билан тинглаган бўлди. Сирли бир сукунат пайпасланиб юрган кенг, серҳашам хоналар алланечук шубҳали туюлди. Назарида, теварагидан қандайдир шарпалар ўтиб қайтаётгандек эди.

Анастасов «Беҳуда ваҳимага тушяпман» деган ўй билан жойига қайтиб ўтирди. Хумдек бошини панжалари орасига олди. Лекин алғов-далғов хаёллар хуружидан барибир қутулиб кетолмади. Кўз ўнгида гоҳ асабий бўғриққан москвалик амалдорлар, гоҳ нигоҳларида жиддият, виқор балққан Ислом Каримов лоп-лоп жонланиб турди.

Александр Петрович ўқимишли, тарих илмидан ҳам тузуккина хабардор кишилардан эди. Чўнтагида алвонранг партия билети, тилида қип-қизил шиорнамо гаплари бўлса-да, барча ҳукмрон раҳбарлар қатори у ҳам на коммунизмга, на Ленин ғояларига ишонарди. Бундай тинчлигу тенглик, биродарлик ва баркамоллик тарғиб этувчи сиёсат сийратида қандай найранглар борлигини жуда яхши биларди.

«Юқоридагилар ҳам анойи эмас, – дея хаёлидан ўтди Анастасовнинг, – етти ўлчаб бир кесишади. Ҳа, бундай мустақил фикрлайдиган, мушоҳадаси кенг кадрлар Марказдан узоқроқда бўлгани маъқул. Йўқса, Худо кўрсатмасин, теварагига тағин уч-тўртта ўзига ўхшаган заковатли одамни йиғиб олса, Москва сиёсатига буткул бўйсунмай қўйишлари мумкин. Агар чекка-чеккада юрса, бир кун эмас, бир кун ўз бошига ўзи етади. Ахир жойлардаги муаммоларни ҳал қилишнинг ўзи бўлмайди-да, истайдими-истамайдими, оёқлари ботқоққа ботиб бораверади. Ана ўшанда бундай билимдон, мустақил одамлардан осонгина, силлиққина қутулса бўлади. Қойилман, Москва сиёсатига қойилман... ҳаммасини ипидан-игнасигача ўйлаб қўйган улар...»

Александр Петрович маккорона тиржайган кўйи кўзига Кремлдек кўринаётган шиша томон интилди. Бироқ мастона қалтираётган қўллари ҳавода пайпаслана-пайпаслана стол устига тап этиб тушди. «Яшасин буюк давлатимиз!» – шундай дея бор овозда ҳайқирмоқчи бўлди у. Бироқ ўмганини ёғ босган ғоздай аранг ғийқиллаган, ғудранган бир товуш чиқара олди, холос. Хумдай боши стол устига гурсиллаб қулади. Зарба зўридан кремлмонанд коньяк шишаси илкис чайқалдию ерга учиб тушди. Анастасов баралла хириллаган кўйи уйқуга кетди.

Бу пайтда халоскор жангчининг дубулғасидай осмон тоқини оқартириб тонг отиб келарди.

VI

Зубайда бир пайтлар қишлоғининг олд қизларидан эди. Жингиртоб сочлари тақимини ўпадиган, сарвқад, қийиққош, кийиккўз бу сулувга кимлардир ҳавас билан, кимлардир ҳасад билан қарарди. Зубайда саккизинчи синфда ўқиб юрган пайтларидаёқ гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона севги изҳорларига кўмилиб кетди. Қишлоқнинг жайдари, жанжалкаш бўз болалари у учунгина сипо ва пўрим, қаҳрамон, олижаноб кўринишга тиришардилар. Йигитлар ўртасида тез-тез юз бериб турадиган муштлашув, олишувлар сабабчиси ҳам кўпинча Зубайда бўлиб чиқарди. Бу хил тўқнашувларнинг айримлари қўшни қишлоқлардан, туман марказларидан келган ошиғу шайдолар билан кечишини ҳисобга олинса, қоратиканлик гўзал қизнинг довруғи нечоғли достон бўлгани аён бўлади-қўяди.

Зубайда ўнинчи синфни тугаллар-тугалламас Ҳиммат муаллим хонадонига олис-яқиндан совчилар бостириб кела бошлашди. Қишлоқ мактабида физикадан

сабоқ берувчи, табиатан хийла бўшанг, кўнгилчан ота чинакамига шошиб қолди. Қудачиликка кимни танлашни билмасди. Чунки эшик турумини бузиб келаётганларнинг аксари нуфузли, иззат-обрўли, ўзига тўқ хонадон аҳиллари эди. Шу сабаб Ҳиммат муаллимнинг боши қотди. Гоҳ у, гоҳ бу қариндошиникига маслаҳатга йўрғалади. Аслида, Ҳиммат муаллимнинг Зубайдани, етти фарзандининг энг кенжасини ҳали эрга бериш режаси йўқ эди. Бирор институтда ўқитишни ният қилганди. Аммо бир умр қашшоқликда, муҳтожликда кун кўриб келган қишлоқ ўқитувчиси имкониятни қўлдан чиқармасликни, Худонинг берганини олишни истарди. Ахир, қизини бирор бир нуфузли, бой-бадавлат хонадонга узатса нимаси ёмон? Зубайда ўқиб, олий маълумотли бўлганида нимага ҳам эришарди? Қолаверса, қишлоқларда ўқиган, шаҳар кўрган қизларга шубҳа билан қараш иллати бор. Бу ҳам унга кейинроқ панд бериши мумкин. У ҳам ҳамма оталар қатори қизини тўкин-сочин хонадоннинг эрка келини сифатида кўришни хоҳлайди. Бахтли, ўзидан тинган бўлишини истайди. Қарангки, Зубайда ҳам шундай ўй-фикрда экан. Ота-онаси уни қулай бир пайт гапга солиб, совчилар ҳақида сўз бошлашганда, Зубайда: «Ихтиёр ўзларингизда, сизлар нима десаларингиз шу», деб ичкарига чопиб кириб кетди. Ҳиммат муаллим очиғи қизидан бундай жўнгина жавобни кутмаганди. Унингча, Зубайда «Мен ҳали эрга тегмайман, мен ҳали институтда ўқийман», деб юлқиниши, хархаша қилиши, ота-она уни кўндиролмай, измларига сололмай хийла хуноб бўлишлари керак эди. Ҳолбуки, воқеа жуда бошқача тус олди. Ҳиммат муаллимга совчилардан бирини танлашгина қолди, холос.

Йўқ, Зубайда аслида бу қарорга жўнгина, осонгина келгани йўқ. Сиртида кулса-да, ичида куйиб юрадиган қизлардан эди. Ўзларининг, опа-акаларининг ҳеч ўнг-

ланмайдиган турмуши, ҳеч оқармайдиган косаси уни қаттиқ ўкситарди. «Йўқ, мен бундай яшолмайман, менга бундай ҳаёт асло керакмас» деган ожизгина исён қизнинг ич-ичидан милтиллаб турарди. У изтироб чекар, ўйланар, бахт деб аталувчи қасрга элтувчи энг осон, энг қулай йўлни изларди.

Ўша ўнинчи синф тугаллаган, эшиклари ёнида совчилар ғужғон ўйнаб ётган кунларнинг бирида ота-онаси Рашид юборган одамларга розилик билдириб юборишди.

Рашид – тумандаги автобаза бош инженери Арзиевнинг ўғли эди. Ҳиммат муаллим таъбири билан айтганда, тўкин-сочин рўзғор фарзанди. Зубайда эса уни тўкин-сочин севги мактублари муаллифи сифатида биларди. Лекин ўзи билан ҳеч қачон учрашиб гаплашмаган. Аҳён-аҳён дуч келиб қолган чоғлари Рашид алланималардир дейишга чоғланарди-ю, лекин ботинолмай тағин каловланиб узоқлашарди. Зубайда уни буткул севиб қолди, дейиш қийин. Лекин йигит ҳар жиҳатдан маъқул бўлди: паҳлавон қоматли, жиддий ва сипо. Энг муҳими, Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида таҳсил оларкан. Унаштириш маросимидан сўнг, бу икки ёш эмин-эркин учрашиб туришар, бир дунё орзулар ҳақида завқ-шавқ билан сўзлашар, тўйларидан кейин пойтахтга кўчиб кетиш борасида пинҳона режалар тузишарди. Афсуски, тўй икки йилга кечиктирилди. Ҳар хил баҳоналар билан аскарлик хизматидан тайсаллаб юрган Рашидни тўсатдан ҳарбий комиссариат чорлаб қолди. Ва уни наридан-бери текшириб, ими-жимида армияга жўнатиб юборишди. Ўшанда минг тўққиз юз етмиш тўққизинчи йилнинг ёзи эди. Аммо орадан уч ой ўтар-ўтмас Рашид қандай тўсатдан жўнаб кетган бўлса, худди шундай тўсатдан қайтиб келди. Тўғрироғи, қош-кабоқлари уюлган, заҳилюз бир

неча ҳарбий уни ногиронлар аравачасида келтирди. Рашиднинг икки оёқ, бир қўли кесиб ташланган эди. Чала куйган кундадай қорайиб, аллақандай дорилар исига қоришиб кетган бу тасқаранинг фақатгина кўзлари чақнаб-чарақлаб турар, теваракка алланечук ташналик, ҳарислик билан аланглари. Ўша куни Арзиевлар хонадони тўс-тўполон бўлиб кетди. Қий-чув, дод-фарёд кўкка ўрлади. Қишлоқ қандайдир ваҳима, даҳшат исканжасида қолди. Ҳарбийлар бир бахтсиз ҳодиса туфайли Рашид Арзиев шу ҳолга тушганини ботбот такрорлаб, қишлоқ оқсоқолларига уқтириб ва аллақандай қоғозларга қўл қўйдириб кетган эса-да, орадан бир-икки ойча вақт ўтиб асл ҳақиқат аён бўлди. Ўшанда Чори исмли, қоматдор, бироқ бир қўли, бир кўзи йўқ чоржўйлик туркман йигит Рашидни кўргани келганди. У барча огоҳлантиришларни ҳам унутиб бўлган воқеаларни очиқ-ойдин гапириб берибди.

Ўша йили Шўролар ҳукумати Афғонистон ҳудудида уруш бошлаб юборган, аммо бу мудҳиш ҳодиса элу халқдан қаттиқ сир тутилган экан.

«Бизни шошилинч йиғишди, – дебди Чори алам-изтиробдан титраб-қақшаб. – Кушкада бир ойча ўқув бўлди. Сўнг самолётда Афғонистонга олиб ўтишди. Ҳаммамиз ўртаосиёлик қоракўз, қорақош болалар эдик. Кейин билсак, афғонларга қиёфамиз ўхшагани учун атай бизни йиғишган экан. Ҳарбий маскировка эмиш. Бизларни Қандаҳор деган жойга, олдинги маррага ташлашди. Ит эгасини танимайди. Тўс-тўполон, уруш. Биз нима ҳам қила олардик? Ҳаммамиз ёш, ғўр аскарчалар...»

Чори ортиқ гапиролмай ўкириб йиғлашга тушибди.

Ўшанда нақ қиёмат қоим бўлган экан. Биринчи жангдаёқ ўттиз нафар аскар ҳалок бўлибди. Яна аллақанчаси майиб-мажруҳ.

Қаллиғини келтиришган куни Зубайда қўриқ туманларидан бирининг пайкалларида сон-саноқсиз ҳашарчилар қатори пахта териб юрарди. Мудҳиш хабар қулоғига етдию эгатлар орасида беҳол ўтириб қолди. Худди кимдир бошига гурзи билан аёвсиз ургандай, кўз олди тиниб, қулоқлари шанғиллаб кетди. Нимадир бўғзини оловдай куйдирарди.

Зубайда қишлоғига қайтди. Қаттиққўл бригадир терим кампаниясининг шафқатсиз талабларига қарамай, қизнинг ҳол-аҳволига ачиниб Қоратиканга қайтишига рухсат берди. Зубайда қишлоғига кириб келди-ю, бу ёғига нима қилишини билмай гангиди. Ногоҳ у қаллиғи билан учрашишни истамаётганини англаб етди. Тўғрироғи, абгор, даҳшатли аҳволини кўришдан қўрқаётган эди. Зубайда бахтиқаро бўлганини, ожизлигини чуқур ҳис қилиб, ўксиб-ўксиб йиғлашдан нарига ўтмади.

Уфқ қонга ботган этакдай ҳилпираб турган шомларнинг бирида қия очиқ дарвоза оҳиста чертилди. Зубайда шундоққина ҳовли йўлагида хазон супураётган эди. Илкис бош кўтариб кўча томон юзланди. Дарвоза ёнида бурун артилаверганидан кирланиб кетган енглари шалвираган бир бола аланг-жаланг турарди. Зубайда уни кўрган заҳотиёқ Рашиднинг укаси эканини билди.

– Илтимос, ортимдан юринг, – деди у қандайдир сирли оҳангда, ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмай. Зубайда йўл-йўлакай уст-бошини орасталаган кўйи оҳиста болага эргашди.

Тўртинчи бригадага элтувчи йўлнинг муюлишида, қамиш, юлғунлар баланд ўсган зовур бўйида бола Зубайда томон бир маъноли кўз ташладию зангтус ғўза пайкалига ўзини урди. Зум ўтмай кўздан йўқолди. Қиз бир лаҳза ҳангу манг, карахт туриб қолди. Те-

варакка қўрқа-писа алангланди. Ва... ва ногоҳ қамишлар панасида ғира-шира кўриниб турган ногиронлар аравачасини илғади. Аравада нақ кўксигача адёл билан ўраб-чирмаб қўйилган Рашид ўтирарди, худди ақлдан озган одамдек, катта-катта очилган кўзларини ола-кула қилиб Зубайдага тикиларди. Зубайда мажолсиз оёқларини зўрға судраклаб, у томон учтўрт қадам босди. Бутун аъзои бадани мисдай қизиб, юраклари гурс-гурс урарди. Қиз йигитга ортиқ яқин бормади. Карахт бир ҳолда йўл бўйида, каллакланган тутлардан бирига суяниб қолди. Рашид ҳали-ҳануз унга алланечук ютоқиб, ола-кула кўзлари алланечук чарақлаб тикиларди. Унинг озиб-тўзиб кетган юзи гўё фақат кўздан иборатдек эди. Учрашув атиги ўн-ўн беш дақиқагина давом этди. Рашид бир сўз демади. Фақатгина ўша алфозда қилт этмай термилиб тураверди. Унга яқин боришга, нималардир дейишга Зубайда журъат этолмади. Аллақандай шилимшиқ куч унга монелик қиларди. Бир пайт ўша бола яна пайдо бўлди.

– Раҳмат, опа, – деди шивирлаган кўйи, – энди кетсангиз ҳам бўлаверади.

Зубайда зовур бўйидан қандай ортга қайтганини, қай аҳволда уйига етиб келганини тузук-қуруқ эслаёлмайди. Худди қўрқинчли туш кўргандек эди. Рашиднинг катта-катта очилган кўзлари гўё уни таъқиб қилиб борарди.

Шу учрашувдан атиги бирор ҳафта ўтар-ўтмас Рашид ўлди. Унга қўшилиб Зубайданинг орзу-тилаклари ҳам ерга кўмилди. Тўй, чимилдиқ ҳақидаги соҳир хаёллар саробга айланди.

Лекин ҳаёт қанчалар шафқатсиз бўлса, шунчалар марҳаматли ҳам экан. Ўзи яралаган юракка ўзи малҳам босиб тузатаркан, заҳар-заққум тутган қўллари бир кун

келиб оби ҳаёт ҳам узатаркан. У кўнгиллар қатига қурумдек қотган қайғу-яраларни ювиб, ўрнини орзу-ҳавас, яшаш-яшнаш туйғулари билан тўлдирар экан.

Зубайданинг қисматида ҳам шундай бўлди. Унинг бир пайтлар марҳум билан кўмилган орзу-умидлари, тилак-истаклари яна ниш кўрсатиб, ўсиб чиқа бошлади.

Ҳамма-ҳаммаси ўша баҳор адоқлаб, саратон сўроқлаб турган кунларнинг бирида бошланди.

Қуёшда куймаслик учун бошларини оппоқ рўмол билан чирмаб ўраган қизлар далада чопиқ қилишарди. Бир пайт Тошбой бригадир ҳовлиқиб келиб:

– Эй, кўзларингга қаранглар. Шайман агроном пайкалма-пайкал юрибди экан. Бирорта бегона ўт қолмасин, кўчатларга эҳтиёт бўлинглар, – дея огоҳлантирган бўлди.

«Шайман» деганларининг асл исми Шаймардон, Шаймардон Аллаев, олти ойча аввал шу хўжаликда агроном сифатида иш бошлаган. Андак ҳовлиқма феъли, тез-чаққон ҳаракатлари, кутилмаган жойда туйқус пайдо бўлиб қолишлари сабаб уни «Шайман» деб аташади. Шайман янгигина иш бошлаган бўлишига қарамай, ерни ҳозирлаш, экин-тикинни парваришлаш масаласида деярли ҳамма бригадиру ҳисобчилар билан ёқа бўғишиб чиққан. Даладан бери келмайди. Пайкалларнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб ҳамиша нималарнидир чамалаб юради, гоҳо қалин ёндафтарига алланеларнидир ёзиб ҳам қўяди.

Ана шу шамолдай шошқалоқ Шайман Тошбой бригадирнинг даласида пайдо бўлди. Эгат бўйлаб оҳиста чопиқ қилиб бораётган Зубайда зимдан унга кўз ташлади. Кўз ташладию ҳангу манг қотди. Уч-тўрт ойдан бери Қоратикан жамоа хўжалиги узра момақалдироқдай гулдираб юрган агроном йигирма беш ёшлар теварагидаги йигитча экан! Зубайда ҳам, бригададаги бошқа қиз-жувонлар ҳам илгари Шайманни кўришмаган,

«ўрта ёш, одатдаги қориндор бир амаки» деган тасаввур билан юришарди. Ҳолбуки, шошқалоқ, бақироқ агроном сочлари кўпирган, ияклари олдга туртиб чиққан, бурундор, бутун вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган азамат экан! Зубайда ажабсиниб ён-верига алангладию бошқа қизлар ҳам Шайманни қизиқиш билан зимдан кузатиб, ўзаро шивир-шивир қилишаётганини сезди. Бироқ Шайман буларнинг барчасига бепарво, худди нимадир йўқотгандай, эгатлардан, хийла бўй чўзиб қолган пахта ниҳолларидан кўз узмай одимлар, у ер-бу ерда берилган саломга нари-бери бош ирғаб алик олган бўларди. У Зубайда чопиқ қилиб бораётган эгатни ҳам назардан ўтказаркан, бир маҳал таққа тўхтади. Рангрўйи ўзгариб эгатга энгашди.

– Эй, эй хола! – деди у дарғазаб бир оҳангда. – Кўзингиз кўрми, нега ниҳолни чопиб ташладингиз?!

Зубайда атай эшитмаганга олиб, орқасига қайрилмади.

– Ўв, хола, ўв, мен сизга гапиряпман, нима, қулоғингиз ҳам карми?!

– Мен сизга хола эмасман, – деди Зубайда чопиқдан тўхтаб, – қулоғим ҳам, кўзим ҳам жойида.

Чопиқчи нимага шама қилаётганини Шайман пайқади:

– Ҳа, энди... – деб тўнғиллади у, – рўдапо кийиниб, бошни рўмолга буркаб олгандан кейин... кимлигингизни билмасам...

– Қани, қайси ниҳолни чопибман, кўрсатинг, – деди Зубайда яқин келиб.

Шайман афт-ангори аразчи боланикидек тиришиб кетмон зарбидан бир томони шилиниб кетган ниҳолга ишора қилди. Зубайда беихтиёр шарақлаб кулиб юборди.

– Нега куласиз?

– Ваҳимангиздан, эгатдаги ҳамма ниҳолни чопиб ташлабманми, деб ўйлабман.

– Нима, бу ваҳима кўтаришга арзимайдими?

– Ниҳол бус-бутун-ку. Бироз шилинибди.

Шайман ҳам ҳовлиқмалик қилиб қўйганини пайқади шекилли, бир зум жаг-иякларини қашлаб туриб қолди.

– Барибир эҳтиёт бўлиш керак, – деди охири ғудраниб.

– Сиз ҳам бировларни чақираётганда эҳтиёт бўлишингиз керак.

– Айтдим-ку, уст-бошларингизга қараб кимлигингизни билиб бўлмаса...

– Бундан кейин билиб олинг, – деди Зубайда андак шабадалаш баҳонасида бошидаги рўмолини сидириб оларкан.

Шайман унга бир лаҳза анграйиб қолди. Унинг нигоҳларидан қизнинг бутун вужудига алланечук ёқимли бир ҳис кўчиб ўтгандек бўлди. Аммо бу ҳис тағин рўмолга бурканиб олишга ҳам ундарди. Шундай бўлди ҳам. Сўнг маст одамдай гандираклаб кетмони томон юриб кетди.

Шу илк учрашувдан сўнг улар ўртасида илиқ муносабат, бир-бирига интиқлик пайдо бўлди. Шайман агроном ҳар хил баҳоналар билан тез-тез Тошбой аканинг бригадасига келадиган одат чиқарди.

– Ўшанда аслида ниҳолни эмас, менинг юрагимни яралаган экансиз, – дея дил ёрди Шайман шундай ташрифларнинг бирида.

Зубайда аввал жилмайди, сўнг маъюс тортиб қолди. Қиздаги ўзгаришни дарров пайқаган Шайман авайлабгина уни саволга тутди.

– Сизни хафа қилиб қўймадимми? – дея ўз гумонини билдирди. Зубайда узуқ-юлуқ қилиб ўз кечмишини

айтиб берди. Беихтиёр кўзлари ёшланди. Шайман қизнинг иқрорларидан мутаассир бўлди.

– Бизнинг ҳаётимизга ҳеч бир дахли йўқ бунинг, – деди одатий шошқалоқлик билан гоҳ қўл силтаб, гоҳ бош чайқаб.

Охир-оқибат, бу учрашувлар, пинҳоний сўзлашувлар икки ёшнинг никоҳ тўйи билан якун топди.

Қовушган икки қалб ўзларича ниҳоятда бахтли эди. Тез орада фарзанд кўришди. Кунлар шу тахлит ширингина кечарди. Тўсатдан бутун республикада «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган ваҳимали гап-сўзлар қўзғалиб қолди. Қама-қама, ушла-ушла бошланиб кетди. Ҳамма карахт. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини ҳеч ким билмайди. Ўша пайтлар Шаймардон Аллаев хўжалик раиси лавозимига эндигина кўтарилган эди. Серташвиш кунларнинг бирида уни ҳам терговга чақиришди. Ишининг кўплигидан ҳатто туман марказига ҳам аҳён-аҳён хизмат юзасидангина бориб келадиган Шаймардон, нақ вилоят марказига чорлашаётганини эшитиб, кўнглига ҳеч бир шубҳа-гумон келмай, худди тўй-томошага отлангандек байрамона либосларда тайинланган куни, тайинланган манзилни кўзлаб жўнаб кетди. Ҳатто оила аъзолари билан ҳам тузукроқ хайрлашмади.

– Қайтишингизда икки дона кирсовун опкелиш эсингиздан чиқмасин, – деб бот-бот эслатди Зубайда.

Шаймардон раис одатий шошқалоқлик билан гоҳ қўл силтаб, гоҳ бош чайқаб дарвозадан чиқиб кетди. Аммо шу кетганича қайтиб келмади. Зубайданинг йўл қараб, кўзи тўрт бўлди. Шаймардоннинг қари отаси – Ҳасан бобо гўёки кўча бошига михланди-қолди. Охири, орадан бир ҳафта ўтгач, Зубайда вилоят марказига, ички ишлар бошқармасига борди. У ерда аёлни ниҳоятда совуқ қарши олишди. Эрининг иши терговда, ўзи вақтинчалик қамоқда эканини айтишди. Аммо ўзини

кўрсатишмади. Зубайда ул-бул егуликлар солинган халтани махсус одамларга топшириб, ич-ичида фарёд уриб, изига қайтди. Орадан бир ой ўтди. Тўсатдан суд бўлди. Шаймардон Аллаев етти йил озодликдан маҳрум қилинди. Уни туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби билан ҳамтовоқликда айблашди. Зубайда зор қақшаб қолаверди. Кейинчалик, эри билан бўлган қисқа муддатли учрашув чоғи маълум бўлдики, терговчилар Шаймардон Аллаевдан «Хўжалик раиси лавозимини эгаллаш учун райкомга ўн минг сўм пора берганман» қабилидаги кўрсатма беришни талаб қилишган. Агроном кўнмаган. Сўнг уни қийноққа солишган. Охир-оқибат, тергов ўз қабиҳ ниятига эришган. «Албатта, сизни жабрланувчи сифатида қўйиб юборамиз», деган ваъдалар пучга чиққан.

– Апелляцияга ариза ёзаман, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор, барибир қўйиб юборишади, – деди ишонч билан эри ўша учрашув чоғи.

Зубайда андак ичи ёришиб уйга қайтди. Яна тинкақуритар кутиш онлари бошланиб кетди. Бироқ эри қайтиб келмади. Зубайда ҳақиқат истаб, адолат сўраб идорама-идора югура бошлади. Аввал туман, вилоят марказларига зир қатнади, сўнг Тошкент кўчаларида товони тешилди. Кимларнинг маслаҳати билан ҳатто Москвага ҳам шикоят-аризалар йўллади. Бироқ ҳеч бир натижа бўлмади. Шундай сарсон-саргардонликда бир ярим йил ўтди.

Бундан уч кун аввал Зубайда ўғилчасини олиб қатъий қарор билан йўлга чиққанди: ё эрини қамоқдан чиқаради, ё ўзи ҳам бир ёқли бўлади. Одатдагидек Тошкентдаги казо-казолардан ҳеч ким унинг дардини тинглашни истамади, аксинча, баъзи бировлари аёлни икки-уч кун қамаб қўйишга буйруқ берди. Не ажабки, бахтига олижаноб бир инсон учради.

Зубайда «Волга» ойнасига бош тираб, паришон бораркан, аччиқ қисмати шу тахлит бир-бир хаёлидан ўтди. Собир пинжига тиқилиб ухлаб қолганди. Машина жимжит пойтахт кўчалари бўйлаб оҳиста елиб бормоқда.

Ҳалигина меҳр билан бошига энгашган, чин оғаларча ғамхўрлик кўрсатган киши тағин кўз ўнгида жонландию оғир хотиралар исканжасида хуфтон бўлган кўнгли яна ёришди.

«Лафзи ҳалол, бирсўзли одамга ўхшайди, албатта, ёрдам берса керак» деб ўйлади Зубайда. Шу ўй баробарида туйқус ҳушёр тортди. Худди ғафлат уйқусидан уйғониб кетгандек, теваракка безовта алангланди. Андак ором топган шуурида ногоҳ саволлар чақиндек чақди: «Ия, ким ўзи у киши?! Қаерда ишлайди? Ҳатто исмини ҳам сўрамабман-ку?!»

Зубайда ҳайдовчи томонга илкис интилди.

– Иби, тўхтатинг, тўхтатинг машинани!

– Нима гап? Тинчликми? – деб сўради ҳайдовчи пешойнадан аёлга хавотирли кўз ташлаб.

– Бояги кишининг ҳатто отини ҳам сўрамабман. Иш жойини ҳам билмайман. Шунга...

Ҳайдовчи енгил кулиб, анчагина секинлашиб қолган машинага яна газ берди.

– Аммо-лекин энг муҳим нарсани биласиз.

– Нимани? – деб ажабсиниб сўради Зубайда.

– У кишининг сўз берганини.

– Айтганини бажарармикан, – деди аёл ҳардамхаёллик билан.

– Бу ёғидан хавотирланманг, синглим... Кўнглингизни тўқ тутинг, ишончнинг этагидан маҳкам тутинг.

Зубайда юрагининг қай чеккасида умид барқ уриб келаётганини ҳис этди.

«Волга» оҳудек елиб борарди.

VII

Гоҳ мажлисга чорлашади, гоҳ ҳисобот сўрашади, шунинг учун ҳам тез-тез Москвага бориб-келиш оддий ҳолга айланган. Уч-тўрт соат осмонда бўлиб қайтдик, дея ҳазиллашиб қўярди Ислом Абдуғаниевич масрур бир кайфиятда эшикдан кириб келаркан. Аммо бу галги Москва сафари буткул бошқача бўлди. Тун яримлаган бир пайтда Тошкент аэропортида самолётдан тушаркан елкасидан залварли бир юк босиб тургандек ҳис этди. Таъби хира, кўнгли хуфтон эди. Бир ойча аввал, Анастасов ҳузурида Марказнинг масъул амалдорлари айтган эҳтимол амалга ошди. Эрталаб Марказий Бюро Ислом Каримовни Қашқадарё область партия комитети биринчи котиблиги лавозимига тасдиқлади. Давлат план қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Ислом Абдуғаниевичга жомадонни кўтариб, олис ва овлоқ гўшага йўл олиш пайти етди.

«Ҳа, бу ҳам тақдиримда бор экан, – деб хаёлидан кечирди у аэропортда кутиб олган хизмат машинаси орқа ўриндиғига омонатгина ўтираркан, – энди тош-метин бўлиб ишлашим керак...»

Тун. Куни кеча қиламиққина ёғиб ўтган, дов-дарахт шохларида шокила-шокила осилиб турган қор парчалари тун чироқлари ёғдусида хира йилтиллайди. Ҳаво совуқ. Аммо Ислом Абдуғаниевичнинг ичичида алланечук олов ёнарди. Ҳатто нафаси сиқилгандай бўлди.

– Уйга ҳам яқинлашдик. Шу атрофда тўхтата қолинг. Бироз яёв юрмоқчиман, – деди ҳайдовчига у.

«Волга» йўл чеккасидаги тошларни ғижирлатиб оҳиста тўхтади.

Изғирин тобора авж оларди. Қоп-қора бахмалдек осмон тоқида чархланган ханжардек ҳилол осилиб турибди.

Ислом Каримов тор ва қоронғи, жимжит кўча томон бурилдию бир-бирига юзма-юз қурилган кўп қаватли уйлар ўртасида андак оёқ илди.

Теварак сокин уйқуда. Изғирин юз-кўзларни аёвсиз чимчилайди. Тарвақайлаб ўсган дов-дарахтлар гўё ўзаро ҳасратлашгандай оҳиста шитирлайди.

Ислом Каримов ҳурпайган шох-шаббалар орасидан чала-ярим кўриниб турган қадрдон уйнинг қадрдон қаватидаги қадрдон деразага беихтиёр кўз ташлади. Кутганидек – чароғон.

«Татьяна ҳали ухламабди» – хаёлидан лип этиб ўтди унинг. Шу ўй баробарида бутун борлиғига алланечук қувонч ёйилди. Қувончки, худди ўша қадрдон деразадан таралаётган нурдек ёруғ ва чароғон. Одатда, у кеч қолсаю рафиқаси бедор кутиб ўтирган бўлса, бу ҳолдан аччиқланар, койинар, уйдагиларга танбеҳ берар эди. Йўқ, ҳозир таниш чароғон деразани кўриб негадир қувониб кетди. Нафис парда ортидан сизиб чиқаётган заррин ёғдулар алланечук сирли бир тарзда ўзига чорлаётгандек эди.

Каримов хонадони томон кўз тиккан кўйи ёнгинасидаги дарахтнинг ғадир-будир танасига бир зум суяниб қолди. Айни пайтда у олис ва нотаниш уммонда ойлар, йиллар бўйи сузган, довуллар билан бетиним олишаолиша ҳолдан тойган ва ногоҳ номаълум бир ҳудудда қирғоқ маёғини кўриб қолган жасур, довюрак сайёҳни эслатиб юборарди.

Йўқ, йўқ, айни чоғда у ёвузлик ва қабоҳат дунёси билан беомон жангу жадаллар қилиб, ҳорғин ва маъюс, лекин музаффар ҳолда ўз кўрғонига қайтган қўрқмас, қудратли қиролга ўхшарди.

Ҳа, ҳа! Хонадони, оиласи унинг мустаҳкам қўрғони эди. Қўрғонки, унда ҳарорат, ҳаловат ҳоким. Қўрғонки, бу ерда бир бурда қотган нон есанг ҳам ҳузурланасан, кўнгилда ҳаётга ишонч, тирикликка шукрона ҳислари мавжланади. Беихтиёр бутун жисму танинг куч-қувватга тўлиб-тошиб бораётгандек туюлади. Муаммолар, ҳаёт мураккабликлари алланечук жўн ва осон кўриниб қолади. Яшагинг ва яна яшагинг келади. Шу сабаб хоҳ узоқдан, хоҳ яқиндан бўлсин, ҳар гал уйга, оиласи бағрига қайтаркан қадамлари беихтиёр илдамлашади. Кўп қаватли уй зиналаридан бир-бир кўтариларкан, ташвишлар, ғашликлар бирин-кетин елкасидан ағдарилаётгандек туюлади.

Мана, ҳозир ҳам Ислом Абдуғаниевич шундай ҳислар оғушида дерматин қопламали эшиги рўпарасида пайдо бўлганини пайқамай қолди. Худди эркалангандек қўнғироқ тугмачасини оҳиста босди. Босдию ғоят таниш шарпа шовурини илғаб олмоқчидек сергакланиб ичкарига қулоқ тутди.

Биз аёл кишининг қирқ жони борлигини бот-бот такрорлашни хуш кўрамиз. Аммо айрим аёлларда қирқ жонга татигулик ақл-фаросат ҳам борлигини кўпинча унутиб қўямиз, тўғрироғи, эркакларга хос ғайирлик билан тан олишни истамаймиз. Ҳаёт эса истасак-истамак буни бизга тез-тез эслатиб туради.

Эшик қўнғироғи оҳиста жиринглаган ҳамон эрининг истиқболига шошилган Татьяна Акбаровна худди шундай нозиктаъб, оқила аёллар сирасидан эди. Юксак мартабали одамнинг рафиқаси бўлишига қарамай манманлик, кибру ҳаво унга ёт. Содда, маъсума, оддий-ораста аёл. Ишхонада ҳам, рўзғорда ҳам ҳамма-ҳаммасига ўз вақтида улгуришга ҳаракат қилади. Табиатан анча таъсирчан, шоирона ҳис-туйғуларга бой эса-да, зарур пайти ҳар қандай чигаллик-

ларни фавқулодда бир хотиржамлик, мулоҳазакорлик билан ҳал қиладики, бунга қойил қолмасликнинг сира иложи йўқ.

Татьяна Акбаровна остона томон енгил одимларкан, хона ичини, йўлакни яна бир карра кўздан кечирди. Алҳол, табиатан саранжом-саришталикни, озодаликни хуш кўргувчи эрининг ғашига тегадиган, кайфиятини бузадиган бирор қусурни илғамай кўнгли хотиржам тортди. Сўнг андак сийқаланган эшик зулфинини тушириб, эшикни қия очди.

– Ассалому алайкум, – дея салом берди у паст, майин бир товушда, – яхши етиб келдингизми?

Ислом Каримов бош ирғаб алик оларкан, кулимсираган кўйи ичкари кирди.

У одатдагидек ўзини хотиржам, қувноқ ва бардам кўрсатишга тиришарди. Аммо кўп ҳолларда бу усул иш бермас, Татьяна Акбаровна бир қарашдаёқ эрининг асл кайфиятини, кўнглида нелар кечаётганини пайқаб оларди.

– Ҳали ухламадингми? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич, азбаройи рафиқасини синчковликдан чалғитиш учун.

– Йў-ўқ... янги бир китоб ўқишни бошлагандим, жуда қизиқ экан, уйқум ҳам ўчиб кетди.

Рост, Татьяна Акбаровнанинг мутолаа қилаётгани рост, ана, стол устида саҳифалари очиқ қалингина китоб ётибди. Лекин айнан ўқиётгани қизиқарли бўлганлиги боис бедор ўтиргани анчайин ёлғон. У эрини кутаётган эди. Хавотирланиб, ичикиб, ташвишланиб кутаётган эди. Ана, бир чеккаси қайрилиб қолган дераза пардаси ҳам, унинг неча бор кўчага кўзи тўрт бўлиб тикилгани ҳақида сўзлаб турарди.

Ислом Каримов йўл-йўлакай костюмини, бўйинбоғини ечаркан, одатдагидек бесабрлик билан болалар

бўлмасига бош суқди. Тунчироқнинг қизғиш-сарғиш ёғдуларига кўмилган хонада қизлари ширингина ухлаб ётишарди. Ислом Абдуғаниевич аллақандай мамнун, масрур ҳисларга қоришиб фарзандларига бир зум термилиб қолди. Юз-кўзларига беихтиёр табассум қалқиб чиқди.

– Лоланинг тиши оғриётганди, нима бўлди? – дея гап қотди у, болалар бўлмаси эшигини оҳиста ёпиб қўяркан.

Дастурхон ҳозирлаш кўйида ошхонада куймаланаётган Татьяна опа овоз берди:

– Поликлиникага чиқдик, вақтинчалик пломба қўйди.

Ислом Каримов кийимларини чаққонгина алмаштириб, ваннахонада ювиниб-чайиниб чиқди. Бу орада дастурхон тузалган, Татьяна опа кечки овқатни иситиб эндигина косага сузаётган эди. Лаззатли таомнинг хуш бўйи димоғларни қитиқлаб ўтди. Шундагина Ислом Абдуғаниевич қорни ниҳоятда очиққанини сезди. У намиққан сочларини тарай-тарай ошхона ёққа юраркан, стол устида ҳануз саҳифалари очиқ ётган китобни қўлига олиб кўрди. Муқовасига кўз ташлади. Бир бадиий асар экан. Ислом Каримов китобни жойига қўйиб, ошхонага ўтди. Думалоқ стол устига тузалган дастурхонга иштаҳа билан кўз ташлади.

– Роса очиққан бўлсангиз керак, – деди Татьяна опа дамланган чойни оби-тобига келтираркан.

Ислом Абдуғаниевич кулди.

– Сен пиширган овқатни ейиш учун оч қолиш шартмас, унга ҳамиша иштаҳа топилади.

У кафтларини бир-бирига ишқалаган кўйи жойига ўтириб, шошилмай овқатлана бошлади.

– Нега яёв келдингиз? – дея сўради Татьяна опа пиёлаларга чой қуяркан.

Ислом Каримов қўлга тушган қочоқдай бир лаҳза саросималанди. Босиб-босиб чой ҳўпларкан, сўров эгаси томон сархуш кўз ташлади.

– Қаердан била қолдинг?

– Туфлингизга лой сачрабди-ку?

«А-ҳа, гап буёқда экан-да», хаёлидан лип этиб ўтди Ислом Абдуғаниевичнинг. Шу ўй баробарида ажаб бир завқ нурдек ёйилди шуурига! Хотинининг сезгирлигига ич-ичидан қойил бўларкан:

– Лой-чанг кечиб юришга ҳам кўникиб туриш керак, – деди тагдор қилиб.

Татьяна опа эрига ялт этиб қаради. Ислом Каримов пиёладан кўз узмай, босиб-босиб чой ҳўплаган бўлди.

Шу пайт йўлакдаги телефон устма-уст жиринглаб қолди. Эру хотин бир-бирига ажабсиниб кўз ташлашди. Одатда, бундай тунги қўнғироқлар Ислом Абдуғаниевични сўроқларди. Шу сабаб Ислом ака вазмин бориб гўшакни кўтарди.

– Алло, эшитаман...

– Ассалому алайкум, бу мен...

Қўнғироқ қилган Марказқўм навбатчиси экан. У кечки пайт безовта қилгани учун шоша-пиша узр сўраб, эрталаб шахсан Биринчининг ўзи қабул қилишини яна бир карра эслатган бўлди.

– Хабарим бор, яхши дам олинг, – деди Ислом Каримов ва телефон гўшагини жойига қўйди.

Татьяна опа стол қиррасига тирсак тираб кафтларига юз босиб ўтираркан, Москвада эрига номаъқул недир содир бўлганлигини пайқади. Шу баробарида рафиқаси кўнглидаги кечинмаларни Ислом Абдуғаниевич ҳам теран ҳис этиб турарди. Аслида ҳам бу жуфтлик ўртасида ортиқча сўзга, ортиқча изоҳга ҳеч бир ҳожат йўқ эди. Улар бир-бирининг шундоққина нигоҳларидан, имо-ишораларидан хаёлларида, юракларида нелар кечаёт-

ганини англаб олишарди. Алҳол, ўзаро муҳаббат, ўзаро ишонч бу жуфтлик ўртасида худди шундай мўъжиза яратган эди.

Ислом Каримов хаёлчан тарзда дастурхон ёнига қайтди. Кремлдаги Бюро йиғилиши ҳақида қисқагина сўзлаб берди.

– Хуллас, бугундан эътиборан мен Қашқадарё область партия комитетининг биринчи котибиман, – дея ҳикоясини ҳорғин бир товушда тугатди у, – эртага раҳбарлар гуруҳи билан Қаршига учамиз.

Татьяна Акбаровна паришон бир тарзда, аҳён-аҳён эрига кўз қирини ташлаб, дастурхон попугини ўйнаб қолди. Уни эзгин хаёллар ўз домига тортган эди.

Мана, неча йиллардан бери иккисини мустаҳкам оила риштаси, пок севгидан-да юксакроқ самимият бир-бирига чамбарчас боғлаб турибди. У шунчаки бир рафиқа сифатида эмас, ҳамиша ҳамдард, ҳамнафас маслакдош, сафдош сифатида эрининг орзу-армонларидан, режаларидан, ўйларидан хабардор. Ислом Абдуғаниевич мансаб-мартаба пиллапояларидан бир-бир кўтарилган сайин, унинг дард-ташвишлари, истак-армонлари ҳам шу қадар улканлашиб, юксалиб борарди. У қуруқ қоғозда эмас, чинакамига ўз халқини тенглар ичида тенг, фаровон ҳаётга муносиб кўришни хоҳларди. У, аввал, республика Молия вазири, сўнгра, План қўмитаси раиси лавозимларида хизмат қиларкан, жойлардаги паст турмуш даражасини, қашшоқликни, қолоқликни ўз кўзи билан кўриб, қалбан ҳис этиб мавжуд аҳволдан беадоқ изтиробга тушарди. Шу баробарида, бундай нохуш манзарага анчайин томошабин бўлиб қолишни истамай, виждон амрига қулоқ тутиб, ачинарли ҳолатни ўнглаш учун имкон қадар уринар, ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, Марказдан республика учун кўпроқ маблағ, моддий-маиший

истеъмол моллари ажратишларини сўраб ҳисоботлар, талаб-таклифлар йўллар эди. Аммо Марказдаги амалдорлар Каримовнинг куюнчаклигига кўпинча нописанд қарашар, сизларда пахта мўл, ўшандан чопон қавиб кияверинглар, сизларда парварда бор, новвот бор, ўша ширинликларни еяверинглар, дея истеҳзо қилишар эди. Бироқ Ислом Абдуғаниевич бундай муомалалардан ҳеч қачон тушкунликка берилмади. Ёруғ келажакка ишонч билан қаради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, тўкин-сочинликка олиб чиқиш йўлларини излаб, ҳамкасблари билан турли режа-лойиҳалар ишлаб чиқиб, тепадаги раҳбарларнинг тинчини бузишда давом этди. Ҳолбуки, Марказдаги ҳукмбардорлар Ислом Каримовни ташаббускор, туб ислоҳотлар тарафдори бўлишини эмас, улкан давлат дастгоҳининг кичкинагина бир мурвати сифатида ғимирлаб юришини исташарди. Ҳойнаҳой, Кремлдаги казо-казолар шунинг учун ҳам бу «кўзи очиқ» инсонни Марказдан узоқлаштиришни, чеккароқ жойга сургун қилишни кўзлаб, гўё унга катта ишонч билдиргандек, Ислом Абдуғаниевични Қашқадарё обкомлигига тасдиқлашган. Бу зимдан уюштирилган фитнадан бошқа нарса эмас.

Рафиқаси кўнглидан кечаётган худди шу эзгин ўйларни пайқаган Ислом Каримов уни чалғитиш илинжида:

– Ия, буларнинг пазандаси ким? – дея ликопчадан бир бўлак ширинлик олиб оғзига солди, – оҳ-оҳ, мунча мазали...

– Қизлар пиширишди, мен маслаҳат бериб турдим, – деди Татьяна опа маъюс жилмайиб.

Ислом Абдуғаниевич рафиқасининг сўзларини деярли эшитмади. У ўзини беғам, қувноқ кўрсатишга нечоғлиқ тиришса-да, бироқ юз-кўзига қандайдир хавотир,

безовта ўйлар туйқус қалқиб чиқар, бир нуқтага термулганича мулоҳазаларга берилар эди.

Ҳа, бир пайтлар бир гуруҳ ҳамфикр, ҳаммаслак дўстлари билан Ўзбекистонни истиқболли ривожлантириш юзасидан режа-лойиҳа устида ишлаган чоғлари, у жонажон юрт келажагини аниқ-равшан тасаввур этиб, беғубор орзулардан масту мустағриқ бўлган, болаларча қувонган эди. Назарида, бу ташаббусларни Марказ ҳам қўллаб-қувватлайдигандек, дарҳол уларни қабулга чорлаб тасаннолар айтадигандек, шу пайтгача Ўзбекистон тақдирига бефарқ қараб келишгани, бу юрт имкониятларига етарли баҳо беришмагани учун узрлар кетидан узрлар сўрайдигандек туюлганди. Аммо...ҳамма-ҳаммаси бошқача, қалтис бир тарзда якун топди. Қизиқ, бир ойча аввал, Анастасовнинг хос хонасида таҳдидли суҳбат ўтказган ҳалиги москвалик чопарларнинг асл мақсади нима эди? Ҳойнаҳой, Ислом Каримовни огоҳлантирмоқчи бўлишган! Бизнинг йўл-йўриғимиздан чиқишнинг оқибати шу – сургун қилинасиз, қайсарликдан яна давом этсангиз, бундан баттар жазоларга ҳам учрайсиз, деган мазмунда имо-ишора этишган!

«Энди бу ёғи қандай кечади?! – деб ўйлади Ислом Каримов чуқур тин олиб, – янги вазифани эплаб кета оламанми?! Ахир қишлоқ хўжалиги соҳасида деярли тажрибам йўқ, ҳаммасини нўлдан бошлашимга тўғри келади! Менинг узрли аҳволим ҳеч кимни қизиқтирмайди. Аксинча, юқоридагилар хато қилишимни кутиб турибди...»

Қаршисидаги инсоннинг нигоҳларидан, юз ифодаларидан унинг ўй-хаёлларини, изтиробларини зийраклик билан илғаб олган Татьяна Акбаровна эрига ҳамдардларча тикилди:

– Сира ташвиш чекманг. Сиз ҳаммасини эплаб кетасиз. Балки бу соҳада тажрибангиз йўқдир, лекин сизда

хоҳиш-истак бор. Қаерда бўлса ҳам, шу юрт манфаати учун хизмат қилишни дилингизга тукканси з-ку.

– Менда яна бир нарса бор, – деди Ислом Абдуғаниевич кулимсираб.

Татьяна опа ажабсинди:

– Нима экан у?

– Ёнимда сен бор, оилам бор. Биз биргаликда катта кучмиз, шундай эмасми?

– Ҳа, худди шундай, биз албатта ғалаба қиламиз!

ИККИНЧИ ҚИСМ

Серташвиш кунлар

I

Шамол аранг судраклаган тулумсимон қоп-қора булутлар Қашқадарё устида тарс ёрилиб кетгандай бўлди. Пешинга яқин шаррос ёмғир қуйиб юборди. Энди-энди куртаклаётган дов-дарахтлар дурдек шаффоф томчилардан маржонлар тақди. Кирчил кўпикланган жажжи жилғалар тарновларга сиғмай, бетон ариқчаларга, йўл-йўлакларга шариллаб тўкилар, чиркин хазонлар, қийқим латта-қоғозлар кўл-кўлмаклар устида қалқиб юрар, бутун борлиқ ҳайитга тараддуд кўраётган муслимдек баҳузур ювиниб таранар эди.

Бу йил қиш қуруқ келди. Қора совуқ еру кўкни тарашадек музлатиб ташлади. Атиги икки-уч марта қиламиққина қор ёғиб ўтди, холос. Сўнгги қорнинг эриб битганига ҳам, мана, бир ойча бўлиб қолди. Бир ойдан бери гоҳ изғиринли шамол эсар, гоҳ туйқус офтоб чарақлаб чинакамига қиздира бошларди. Чўпону чўлиқнинг, деҳқону боғбоннинг умиду илҳақликка лиммо-лим кўзлари кўкка қадалиб қолган. Кўнгилларида ҳадик-хавотир изғийди: ишқилиб, бу йил ҳам қурғоқчилик бўлмасмикан?

Мана, худди шу шубҳа-гумонларни, ташвиш-таҳликаларни буткул ювиб кетишга чоғлангандек, шовиллаб, энтикиб ёмғир ёғмоқда. Баҳорнинг илк ёғини бу. Бу олдда турган мавсумнинг қут-баракасидан элчи бўлса не ажаб.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ёмғир шитирлаб урилаётган, томчилар тиниқ кўзёшлардек сизиб оқаётган дераза ёнида ўйчан тураркан, ташқарига болаларча чопқиллаб чиққиси, қийқириб кулгиси, ёмғир шиддатига юз тутиб энтиккиси келиб кетди. Енгил эпкиндан оҳиста чайқалаётган дов-дарахтлар уни ёнларига имлаётгандай, оби раҳмат билан қутлаётгандек туюлди. Беихтиёр куни кеча кечган воқеалар хаёлида чарх ура бошлади.

Мана, унинг Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби сифатида иш бошлаганига ҳам роппа-роса уч ой тўлди. Бироқ шу уч ой ичида нақ уч юз йилдан бери шу ерда яшаётган асл қашқадарёликка айланди-қолди. Вилоятнинг барча туманларини, олисяқин қишлоқларини кезди, маҳаллий раҳбарлардан тортиб, оддий одамларгача яқиндан танишишга ҳаракат қилди, ҳатто кўпларининг хонадонларигача кириб чиқди.

Вилоятга раҳбар этиб тайинланган ўша илк кунларни эсласа Ислом Абдуғаниевич худди алоқ-чалоқ туш кўрган каби сесканиб кетади. Ахир ўшанда бутун Қашқадарё воҳаси мотамсаро уйдай ҳувиллаб ётарди. Чор атрофдан қашшоқлик, эзгинлик нафаси уфурарди. Гўё қаҳратоннинг қаҳрли аёзи одамларнинг юрак-юрагигача сингиб борганди. Кўзлар бамисли муз парчасидек совуқ ва ҳиссиз боқар, унда карахтлик, тушкунлик ва беадоқ ҳорғинлик акс этарди. Албатта, жамиятдаги лоқайдлик, адолатсизлик ва зўравонлик халқни шу кўйга солганини, «Пахта иши», «Ўзбек иши» дея аталмиш қа-

таған тошларидан бу элнинг бурни қонаб, дили вайрон бўлганини Ислом Абдуғаниевич етмиш икки томири билан ҳис этар, ҳис этган сайин ич-ичида саркаш бир олов гуриллаб ёна бошлар, бақувват қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилар эди. Бироқ бу куйдирувчи олов, забардаст муштлар аталган кимсалар олис-олисларда, баланд-баланд курсиларда ўтирганини, уларни ҳеч қачон бир зарб ила енгиб бўлмаслигини, вақт деган олий ҳакам бирор кун ҳақиқатни юзага чиқаришини, айни пайтда ўша кимсаларни сўкиш, уларга тош отиш болаларча хархашадан бўлак нарса эмаслигини ҳам у жуда чуқур англар эди.

«Ҳозирча фақат ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак, – деб ўйларди Ислом Каримов муздек кабинет бўйлаб хаёлчан кезинаркан, – энг аввало, халқнинг қаддини тиклаш зарур».

Ҳалиги Марказдан келган амалдорлар ҳузурида Анастасов истеҳзо ва муғомбирлик билан: «Қуруқ режалойиҳа тузиб иш битириб бўлмайди, буни бирор вилоят мисолида синаб кўриш лозим», деганди. Бу гапларни у нохолис оҳангда айтган бўлса-да, ўзи билиб-билмай Ислом Каримовга яхшигина ғоя берганди.

«Рост, шундай қилиш керак, деган фикр кейинчалик Ислом Каримовни буткул ром этди, чин полвон учун кураш майдонининг катта-кичиклиги аҳамиятсиз-ку, энг муҳими натижа, ғалаба. Кичик даврада ёлчитмаган курашчи, катта даврада ҳам шу ҳолича қолади».

Тошкентдан то Қаршига келгунга қадар, тазйиқ ва таҳқирлардан зада кўнглига таскин берган бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигига Ислом Каримов Қашқадарёни кезиб, у билан обдон танишиб чиққач, яна бир карра амин бўлди.

Мана, қолоқлик ботқоғига ботган йирик вилоят. Катта республиканинг кичик нусхаси. Бу ерда тарақ-

қиёт учун, истиқбол учун етарли имкониятлар мавжуд. Фақатгина шу имкониятларни топиб, оқилона йўналтириб ва тўсиқ-тазйиқларга чаққон-эпчил чап бериб ишлаш керак. Йўқ, ишлашмас, курашиш керак. Фақат қаттиқ курашибгина мурод-мақсадга етиш мумкин.

Ислом Абдуғаниевич ишлар ҳақида ўйларкан, елкасида нақадар залварли юк турганини англар, англаган сайин ич-ичида бир қатъият қабариб, кучига куч, иштиёқига иштиёқ қўшилар эди.

У янги – 1987 йилнинг илк фаоллар йиғилишини худди шундай кайфият билан бошлади. Йиғин бошлашидан андак аввал ажабтовур ҳодиса бўлиб ўтди.

Бўлимларнинг бирида ишлайдиган йигит ботинолмайгина ичкарига бош суқиб:

– Ислом Абдуғаниевич, сизни бизнинг хонадаги телефонда сўрашяпти, – деб қолди.

Ислом Каримов: «Ким экан у, нега кабинетга қўнғироқ қила қолмабди», дея сўради ажабсиниб, лекин ходим ортидан чиқиб ўша хонага борди. Эски ҳамкасблардан экан. Кимдандир шу телефон рақамини топиб, аранг тушибди, қадрдон дўстини янги йил билан қутлаб қўймоқчи бўлган экан. Ислом Абдуғаниевич вақти ғоят зиқ бўлишига қарамай, ўн дақиқача эски ҳамкасаба билан дилдан суҳбатлашди. Азим Тошкент нафасини яқин-яқиндан туйган бўлди. Қуюққина хайрлашишгач, Ислом Каримов гўшакни жойига қўйдию эшик томон йўналди. Шу пайт йўлакдан ўтиб кетаётган кишиларнинг гап-сўзлари беихтиёр қулоғига чалинди.

– Қанақа масалалар кўриларкан? – деб сўради кимдир.

– Қанақа бўлайчийди, кўпларнинг шўри қуриб ишдан ҳайдалади ҳамишагидай. Янги раҳбар янги команда йиғиши аниқ-ку, – деди ваҳимага лиммо-лим бир овоз.

Ислом ака уларни хижолатга қўймаслик учун узоқлашиб кетгунларича эшикни очмай турди. Сўнг хаёлчан бир тарзда йўлакка чиқди.

Мажлис ўтказиш мўлжалланган зал хийла совуқ эди. Шу сабаб йиғилганлар қалин кийимларга бурканиб, бош кийимларини бостириб ўтиришарди. Лекин Ислом Абдуғаниевич костюм-шимда, сочлари орасталанган ҳолда пайдо бўлдию йиғилганлар анча саросималаниб қолишди.

Кимдир пальтосини ечиб, стул суянчиғига ташлади, кимдир бош кийимини қўярга жой излаб, теваракка алангади.

– Зал совуқ, ечинмасангизлар ҳам бўлаверади,– деб қўйди Ислом Абдуғаниевич бош ирғаб, фаоллар билан саломлашиб чиқаркан.

Бироқ барибир бир-икки қари-қартангдан бошқа барча йиғилганлар уст кийимларини ечиб, у ёғ-бу ёғларини орасталаган бўлишди.

– Аввало, ҳаммаларингизни янги йил билан чин юракдан табриклайман, – деди Ислом Каримов табассум билан, – хонадонларингиздан тинчлик, қувонч аримасин.

– Раҳмат, Ислом Абдуғаниевич, ўзингизга ҳам янги йил қутлуғ бўлсин, – дея гувранди зал.

Янги раҳбар бутун мажлис давомида йиғилганларни синчиклаб кузатди. Олд қаторини вилоятнинг йирик намояндалари эгаллаган эди: оближроқўм раиси – Панин обкомнинг иккинчи котиби – Капитанов томон илдам энгашиб нимадир деди, у шоша-пиша бош ирғаб маъқуллаб қўйган бўлди. Капитановнинг ёнида қуюқ қўнғиртус сочларида телпак изи билиниб турган Лазерский, Қарши шаҳри партия қўмитаси котиби қалин дафтарини тиззасига қўйган кўйи алланеларнидир ёзиб-чизиб ўтирарди. Шаҳар дарғасининг биқинида

вилоят прокурори – Бўронов хомуш тарзда бир нуқтага тикилиб қолган эди.

Ислом Абдуғаниевич олд қатордагиларни бир-бир кўздан кечираркан, алланечук оёқларини чалиштириб ўтирган нописанд Панинда нигоҳлари бир лаҳза тўхталди. Лавозимга тайинланган куни у билан бўлган илк учрашуви, тўғрироғи, танишуви хаёлида жонланди.

– Сизнинг келишингизга ҳаммаёқни тозалаб, орасталаб қўйдик, – деди ўшанда Панин тантанавор оҳангда, унинг ахборотида «Сиз тайёрига келдингиз», деган иддао ҳам сезилиб турарди. Янги раҳбар оближроқўм раиси узатган варақка тезгина кўз югуртириб чиқди: сўнгги олти ой ичида вилоят туманларида ишдан бўшатилган райком ва райижроқўмларининг рўйхати экан. Жами ўн икки киши.

– Нима, бу соҳада бундан буёғига бир ўзингиз ишламоқчимисиз? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич.

Панин кулди.

– Йўқ, албатта. Бўш ўринларга муносиб кадрлар керак. Бу масалада Москва билан боғланиб...

– Шошилманг дўстим, – деди янги раҳбар бош чайқаб, – бу ҳақда ҳали бафуржа гаплашамиз, балки маҳаллий кадрлар орасидан муносиблари чиқиб қолар.

Оближроқўм раиси яна кулиб, елка учириб қўйди. Унинг хатти-ҳаракатларидан анча димоғдор, ўзига ишончи баланд киши эканлиги сезилиб турарди.

Мана, ҳозир ҳам ўша кайфиятда, юзлари мамнуниятдан қизариб ўтирибди.

Ислом Абдуғаниевич нигоҳларини Паниндан узиб, орқа тарафларга хаёлчан кўз югуртирди.

Орқа ўриндиқларни банд этганларнинг деярли барчаси ҳуркиб, ҳадиксираб, паришон бир қиёфада ўтирар, имкон қадар кўзга ташланмасликка тиришар эди. Ислом Каримов бунинг ҳаммаси йиллар давомида

шаклланган иллат эканини, фаоллардан бундай ортиқ фаолликни кутиб бўлмаслигини яхши биларди. Ва бу ҳол билан ҳеч қачон муроса ҳам қилмоқчи эмасди.

– Хўш, янги йилни чинакам янги йил бўлиши учун ишни нимадан бошласак маъқул? – дея ўтирганларга саволчан юзланди Ислом Абдуғаниевич. – Қани, кимда қандай таклифлар, қандай фикрлар бор?

Залга жимлик чўкди. Бу ердагиларнинг барчаси ҳам янги раҳбар тайинланган, ўша эски йил адоғидаги пленумда қатнашган, вилоят шаънига айтилган таънадашномларни тинглаган эди. Шу сабаб ҳам бирор нарса деб чув тушириб қўйишдан чўчиб туришарди.

– Қани, ўзингиз бошлай қолинг, – деди Ислом Абдуғаниевич қўлидаги ручкаси билан даҳанини қашлаётган фаолга имо қилиб.

Фаол саросималаниб ўрнидан турди.

– Ўтган пленум хулосаларидан келиб чиқиб, партия ва ҳукуматимиз зиммамизга юклаган вазифаларни аъло даражада...

– Мабодо менга газета ўқиб бермаяпсизми, – дея унинг гапини бўлди янги раҳбар, – озгина ерга тушсангиз бўлармиди.

Залда гурр кулги кўтарилди. Кўплар янги раҳбар газеталарда ҳаётдан узоқ, ҳавойи гаплар ёзилишига нозик ишора қилиб ўтганини пайқашганди. Кўзлардаги лоқайдлик, паришонлик ўрнига қизиқиш, синчковлик сизиб чиқа бошлади.

Ислом Абдуғаниевич мафкура бўйича масъул, бўйнидаги савағичдай ингичка галстуги беўхшов осилиб турган ходимни ўрнидан турғазди. У ҳам чайналачайнала фуқаролар ўртасида коммунистик тарбияни янада чуқурлаштириш муҳимлигини айтди. Саволга тутилган галдаги фаол қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис эканлигини намойиш этгандай, зудлик билан

экин-тикин ишларига эътибор бериш зарурлигини баён айлади.

Ислом Абдуғаниевич гоҳ кулиб, гоҳ чимирилиб айтилаётган фикрларга қулоқ солар, шу баробарида мажлис қатнашчиларининг ҳар бирини эътибор билан кузатар эди.

– Ёмонмас, – деб гап бошлади у, тағин тўрт-беш фаолнинг айтганларини тинглагач, – ҳаммангизнинг фикрларингизда жон бор, лекин, менимча, айни кунда буларнинг барчасини қилишдан аввал халқнинг, одамларнинг руҳини кўтариш керак! Уларнинг қорнини тўйғазиб, муаммоларини ҳал қилиб, тушкун кайфиятдан чиқариш зарур. Ахир, ўзингиз бир бундай танангизга ўйлаб кўринг, инсонга инсондай муносабатда бўлмасак, унинг дардига қулоқ солмасак, бизнинг планларни ошириб-тошириб бажарганимиздан нима фойда? Ахир, тонна-тонна ғалла, пахта ким учун ўзи? Одамларнинг ҳолидан хабар олмасак, уларнинг мушкулини осон қилиш ҳақида ўйлаб кўрмасак бизнинг раҳбарлигимиздан нима наф? Ким бизга эргашади, ким бизга ишонади?

Зал сув қуйгандай жимжит. Ҳалигина ҳадик, маъюслик кезинган юз-кўзларда сергаклик, ажабланиш аломатлари пайдо бўлди. Орқа ўриндиқда ўтирган баъзи бировлар шу гаплар янги раҳбарнинг оғзидан чиқаётганига шубҳалангандай узалиб, бўйинларини чўзиб президиум томонга алангларди.

– Энди гап бундай, – дея давом этди Ислом Абдуғаниевич, – мен раҳбарман, лекин сизларга суянаман, менга тоғдай таянч бўлинг, мен ҳам сизларни қўлимдан келганича қўллаб-қувватлай, агар биз оға-иниларча аҳил бўлсак, халқ бизга эргашади, агар биз ноаҳил, гаркоқ бўлсак, билингки, халқ тўзийди, одамлар аросатда қолади. Мен... сизлар ишлаганчалик, янги команда, янги тўрт ҳаёт, ўзимга ёқмаганлиги учун кимларни-

дир ишдан бўшатиш фикридан йироқман. Шу сўзим – сўз: менга тоғдай таянч бўлинг!

Залга гўё илиқ бир тўлқин кириб келгандай бўлди. Йиғилганлар бўлиқ бошоқдай тебраниб, анчагина жонланиб қолишди. Кимлардир кўз уриштириб маъноли бош ирғашар, кимлардир ўз-ўзича жилмаяр эди. Айниқса, ўрта қаторда ўтирган бири пастак бўйли, бири яғриндор икки киши андак энгашган кўйи мамнун пичирлашиб имо-ишоралар қилишардики, боя йўлакда ҳасратлашиб бораётганлар худди шулар эканини янги котиб тусмоллагандай бўлди.

– Биз раҳбарлар халқдан анча узоқлашиб қолганмиз, – дея ўз сўзини давом эттирди Ислом Каримов зални бир қур синчков кўздан кечиргач, – тўрачиликка берилиб кетганмиз, кўп ҳолларда одамларнинг арз-додини эшитишга хушимиз йўқ. Лекин унутмайлик, халқнинг қадди тик бўлмас экан, на бизнинг, на вилоятнинг қадди тикланади. Очиғини тан олишим керак, менинг ўзимнинг ҳам камчиликларим кўп. Масалан... шаҳарда улғайиб, шаҳарда ишлаб, қишлоқ ҳаётидан анча узоқда бўлганман, жойлардаги кўпгина миллий урф-одатларни ҳам яхши билмайман. Пойтахтдаги иш, муҳит, ҳамма-ҳаммаси бошқачалиги бунинг биринчи сабаби бўлса, иккинчиси, боя юқорида таъкидлаганимиздек, халқдан анча узилиб қолганимиздадир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ишламаганман. Бу ҳам мен учун анча қийинчиликлар туғдиради. Лекин умид қиламанки, сизларнинг яқиндан берадиган самимий ёрдамларингиз туфайли мавжуд камчиликларни бартараф қиламан. Бунга ҳатто ваъда бераман.

Карахтлик, паришонлик залдан буткул кўтарилганди. Мажлис аҳли янги раҳбарнинг ҳар бир сўзини бутун вужуди билан тингларди.

– Албатта, бу ерда гапирилган гаплар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги керак, – деди Ислом Каримов йиғин сўнгида

яна асосий мавзуга қайтиб, – тилга олинган масалаларда амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқамиз. Кўзда тутилган кейинги кенгайтирилган мажлисни марказда эмас, бирор-бир чекка туманда ўтказиш таклифини ўртага ташламоқчи эдим. Сизлар бунга нима дейсизлар?

Йиғилганлар ўртасида алланечук саросима, пичирпичир бошланди. Айримлар бош қашлаб, ерга қараб сукутга чўмди.

– Ҳа, нега довдираб қолдиларингиз? – деди янги котиб мажлис аҳлига норизо кўз югуртириб, – ё халқ билан юзлашиш таклифим сизларга ёқмадими? Начора, энди шундай ишлашга кўникишга тўғри келади. Бошқачасига мен йўл қўймайман.

Одатдаги мажлислардан анча бошқача ўтган фаоллар йиғини эртаси куни вилоят зиёлилари, раҳбарлари ўртасида дув-дув гап бўлди. Маҳаллий матбуот ҳам янги йилга янгича руҳ, янгича фикр олиб келган бу мажлис ҳақида тўлиб-тошиб ёзди. Айрим қизиқувчилар янги раҳбар таклифига кўра чекка туманда ўтказилиши мўлжалланган мажлисни сабрсизлик билан кута бошлашди.

Дарҳақиқат, кейинги кенгайтирилган мажлис Чироқчида ўтказиладиган бўлди. Янги котиб бекорга бу туманни танламаган эди. Чироқчида ижтимоий-иқтисодий муаммолар шу қадар қалашиб кетган эдики, маъмурий идораларга келиб тушаётган арзу шикоятларнинг салмоқли қисмини чироқчиликлар йўллашарди.

Ўша куни ҳаво ҳаддан ташқари совуқ эди. Кунботардан эсаётган изғирин юз-кўзларни аёвсиз чимчиларди. Еру кўк тарашадек музлаган. Пастқам уйлар мўрисидан қуюқ дуд ўрлайди.

Чироқчи туман партия қўмитаси идорасининг мажлислар зали одамлар билан лиқ тўлди. Кўплар жой йўқлигидан ўриндиқлар орасида, йўлакларда, бўсағаларда тик туришарди.

Йиғилганларнинг ярмидан кўпи оддий одамлар, узоқ-яқиндан келган қишлоқ меҳнаткашлари эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Бу ҳолдан Ислом Каримов жуда хурсанд бўлди. Чунки одамларда мулоқотга иштиёқ, қизиқиш уйғонгани айни муддао эди.

Мезбон райком Оролов, кенгайтирилган кўчма мажлиснинг айнан Чироқчида ўтаётганини, ўзича, бу туманнинг бошқалардан афзаллигидан, деб билди шекилли ўз маърузасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида яйраб-яшнаб гапирди.

– Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ўтган йилнинг ўзида, – деди у маърузаси давомида тўлқинланиб, – пахта пайкалларимиз қарийб уч юз гектар суғориладиган ер ҳисобидан кенгайтирилди. Бу зиммамиздаги пахта етиштириш режасини...

Маърузани диққат билан тинглаётган янги котиб мезбонга ялт этиб қаради.

– Суғориладиган қайси ер ҳисобидан кенгайтирдингиз далангизни?

– Бу... бу... – деб чайналди Оролов, совуқ бўлишига қарамай, гўштдор юзидан оқиб тушаётган терни апил-тапил артиб оларкан, – аввало, фуқароларнинг ортиқча томорқаларини ўзлаштириш эвазига...

Ислом Абдуғаниевич шахт билан ўрнидан туриб кетди. Маърузачига норизо бир нигоҳ ташлаб, сўнг залга юзланди.

– Ортиқча томорқалар эвазига дейсизми? Бу қанақа гап? Одамларда ортиқча томорқа бор эканми? Ахир бу пахта пайкаллари кишиларнинг эшигигача борди-ку! Нима энди, пастқам, лойсувоқ томларга ҳам ғўза экмоқчимисиз?

Залда гурр кулги кўтарилди. У ер-бу ерда «Ўғил бола гап бўлди», «Яшанг, Ислом Абдуғаниевич», деган луқмалар эшитилди.

– Йўқ, ишни бу тарзда олиб бориш, менимча, маъқул эмас, – дея гапида давом этди янги раҳбар, – ерларни ҳадеб кенгайтириш мўл ҳосил олишнинг ягона чораси эмас. Аксинча, мавжуд экин далаларидан оқилона фойдаланиш керак. Ерга ишлов беришда, экинни парваришлашда илғор, янги усулларни қўллаш керак. Масалан, сиз, – янги котиб Ороловга юзланди, – алмашлаб экишни йўлга қўйганмисиз? Масалан, техникаларни мавсумга тайёрлаётганда сеялкалар ҳолатини мутахассис сифатида назоратдан ўтказганмисиз? Кўп ҳолларда қўлланиладиган сеялкалар чигитни меъёридан ортиқ ташлайди. Бу, биринчидан, уруғликни исроф қилади, иккинчидан, кўчатни яганалашга ҳаддан ташқари кўп куч сарфлашга олиб келади. Хўш, сиз шуларга эътибор берганмисиз?

Мезбон райком лом-мим деёлмай, рўмолча билан афт-ангорини тердан артиб тураверди. Ислом Абдуғаниевич уни ортиқ қийин-қистовга олиш беҳуда эканини сезиб, яна йиғилганларга юзланди.

– Мўл ҳосил олишимизнинг яна бир энг муҳим омили бу – меҳнаткаш, ҳалол халқимиз. Энг аввало, халқнинг қорни тўқ, усти бут, турмуши фаровон бўлиши керак. Ахир бусиз у қандай меҳнат қилади? Сиз эса унинг бир парчагина томорқасини ҳам тортиб олганингиз билан мақтанасиз!

Залда қизғин бир ғала-ғовур кўтарилди. Кўплар бақир-чақир билан янги котибнинг айтганларини тасдиқлар, уни қўллаб-қувватлар эди. Аммо залнинг олд қисмини эгаллаган, ўзларини бамисли вилоятнинг эгалари деб биладиган баъзи амалдорлар эса нохуш бир ҳолда ўзаро маънодор кўз уриштириб, елка қисишарди.

– Йўқ, томорқаларни тортиб олишимиз эмас, уларни янада кўпроқ беришимиз керак, яйловларни кенгайтиришимиз лозим. Чунки Чироқчи халқини жуда яхши биламан, улар чорвасиз турмушни турмуш деб билиш-

майди, чорвага эса яйлов керак. Агар одамларнинг ҳол-аҳволини ҳисобга олмасак, юқоридагиларга яхши кўриниш учун салла ўрнига калла олиб келсак, оқибати нима бўлади? Оқибати, аризабозлик бўлади, керак бўлса, тўс-тўполонларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Ворошилов совхозидан ким бор? – Ислом Абдуғаниевич шундай дея жим қотган зал узра кўз югуртирди.

– Мен... мен шу совхоз директориман, – дея пўстинига бурканиб, телпагини бостириб кийган, қийиққўз, юзи ялпоқ киши ўрнидан тураркан, – Тиркашев Хўжамуродман.

– Мен бошқа ерлар қатори сизнинг ҳам хўжалигингизни айланиб чиқдим, – деди Ислом Каримов, – аҳвол жуда ёмон...

Хўжамурод беихтиёр Оролов томонга ялт этиб ўгирилди. Кўзлар тўқнашди.

– «Янги котиб наҳотки районни пинҳона кўриб-кузатиб юрган бўлса?! Биз қандай бехабармиз? », – деган савол ҳар иккисининг ҳам миясидан чақмоқдай чақнаб ўтди.

Лекин янги раҳбар чин гапирганди. У лавозимга тайинлангандан бери туман қишлоқларига зимдан борар, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрар, оддий одамлар билан суҳбатлашар, тайин гап, кишилар ўзлари билан дилдан гаплашаётган бу одмигина кийинган инсоннинг аслида ким эканини билишмас эди.

– Сизнинг совхозингизда аҳоли анча зич жойлашган. Лекин бирорта ҳам маиший-маданий объект йўқ. Табиий газ ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Мактаб жуда-жуда ночор аҳволда. Болаларга синфхоналар етишмайди. Ҳатто ичимлик сув тақчиллигини қандай баҳолаш мумкин? Одамлар Кўкдаладан сувни нақд пулга сотиб олиб келишади. Бу нима гап, Тиркашев?! А, Оролов?!

Маҳаллий амалдорлар лом-мим деёлмай, худди елкаларига Лангартоғ қулагандай, букчайиб-майишиб туришарди.

– Бу аҳволда биз ўнглана олмаймиз, – деб гапида давом этди Ислом Абдуғаниевич, – вилоятнинг қадди тикланмайди. Келинглар, қўлни қўлга, дилни дилга бериб ишлайлик. Мавжуд камчиликларни бартараф этайлик. Мен бугунги мажлисимизга хулоса қилиб, аниқ режалар, кўрсатмалар тариқасида қуйидагиларни айтмоқчиман. Биринчидан, мавжуд ер ресурсларидан омилкорлик билан, унумли фойдаланайлик, меҳнаткашлар шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш учун уларнинг томорқа участкаларини кенгайтирайлик, яшаш шароитини яхшилайлик, қишлоқ жойларда маиший-маданий объектларни жадаллик билан кўпайтирайлик. Бу масалада қандай муаммолар учраса, баҳамжиҳат, ўзаро маслаҳатлашиб ҳал қилайлик. Энг муҳими, азиз раҳбарлар, халқдан узилиб қолмайлик, уларнинг арз-додини хайрихоҳлик билан эшитайлик. Унутманг, эл кўкарса, экинимиз ҳам кўкаради, ҳосилимиз ҳам мўл бўлади, қарабсизки, вилоят ҳам, биз ҳам кўкарамиз.

Кимдир туйқус қарсак чалиб юборди. Атрофидагилар ҳам шоша-пиша унга жўр бўлишди. У ер-бу ерда олқишли хитоблар, қийқириқлар эшитилди. Орқа бурчакда ўтирган бир отахон хурсанд кайфиятда тили тагига носвой ташлай-ташлай ёнидаги кишига гап уқтирди: «Барака топсин катта, кўнглимиздагини айтди. Асл эр йигит шундай дангал гапиради-да».

Зал узра анча пайт кўпчиган шовқин-сурондан фойдаланиб олд қаторда ўриндиққа сиғмай ўтирган, бошидаги шляпаларини кўзларигача бостириб кийган икки нусха ўзаро гаплашишарди.

– Катта бува нима деяётганини ўзи билмайди-ёв, тап тортмай сиёсатга қарши боряпти-ку?! – деди бири.

– Нимасини айтасиз, ахир, пахта майдонларини кенгайтириш Москвадан бўлган махсус буйруқ-ку?! Бу одам нималар деяпти, шахсий томорқани кўпайтирамиз дейдими? – дея қўллаб-қувватлади унинг ҳамсуҳбати.

– Менимча, бу кетишда катта яна икки-уч ойда лавозимини топширади.

– Топшириб қутулса-ку гўрга-я, ўзини панжара ортида кўради.

Ҳамсуҳбатлар пихиллаб кулишди.

Бу орада янги котиб кимнингдир «Пахта иши» юзасидан берган саволига ўйчанлик билан жавоб берарди.

– ...Ҳа, бу ўта оғир муаммо. Лекин менинг бир чеккада томошабин бўлиб туриш ниятим йўқ. Кўплашиб, адолатни қарор топтирамиз, ноҳақ қамалганларга ёрдам берамиз. Ўйлайманки, астойдил интилсак ҳаракатларимиз зое кетмайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўзлари самимий эди. Қашқадарёга келгандан буён у «Пахта иши», «Ўзбек иши» масаласи бўйича жиддий шуғулланишга киришганди. Қолаверса, ҳар куни қабулхонани тўлдириб ўтирадиган арз-шикоятчиларнинг деярли ярмиси айнан шу масалада ёрдам сўраб, нажот истаб келишарди. Янги котиб уларнинг умид ва армон милтиллаб турган кўзларига қараб чидаб туролмасди. Шу баробарида уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатишни ҳам истамасди. Қўлидан келганича, имконият даражасида бу қалтис ишга аралашарди. Лекин ҳозирча натижалар ёмон эмас. Мана, шу уч ой ичида бевосита Ислом Каримовнинг аралашуви туфайли тўрт нафар ноҳақ қамалган, адолатсизликка йўлиққан киши қамоқхонадан ўз уйига қайтди.

Янги котиб ҳар гал «Пахта иши» бўйича шуғулланаркан, пойтахтда, катта кўча муюлишида учраган она-бола лоп этиб ёдига тушаверади.

Ислом Каримов ўша аёл – Зубайда Нормуродованинг эри Шаймардон Аллаев иши бўйича ҳам Қашқадарёга келмасиданоқ шуғуллана бошлаганди. Бироқ кейинги ташвишларга кўмилиб, масъул кишиларни тағин қийин-қистовга олишга улгурмади. Кейинчалик, вилоятга раҳбар этиб тайинлангач, янги йилнинг илк кунларида яна шу масалада Тошкент билан боғланиб, керакли одамлар билан гаплашди. Ҳарқалай, улар ҳам ноумид қилишмаганди. Лекин ҳали-ҳануз ижобий натижа бўлгани йўқ.

Ислом Абдуғаниевич Зубайдага Тошкентда берган ваъдаси эсига тушиб безовталанар, шунчаки ваъдабозга ўхшаб қолаётганидан виждони қийналар, бироқ Шаймардон Аллаев иши юзасидан бирор натижага эришмай туриб, уларникига боришни ҳам истамас эди.

Мана, ҳозир ҳам шовуллаб ёғаётган ёмғирга деразадан термилиб тураркан, хаёлини шу масала банд этган эди.

– Йўқ, – ўйлади Ислом Каримов, – нима бўлган тақдирда ҳам бу оиладан бир хабарлашиб келишим керак. Натижасини кутиб ўтираверсам, ким билади, бу масала ҳали қачон ҳал бўлади...

Янги раҳбар идора ҳовлисидаги бетон ариқчага чор атрофдан шовуллаб қуйилаётган лойқа ёмғир сувига термилиб тураркан, ниҳоят шу қарорга келди. Ҳозироқ ёмғир сел-селобига қоришиб жўнамоқчи бўлди. Шу пайт иш столи устида бужмайибгина турган телефонлардан бири узун-узун жиринглаб қолди.

Ислом Абдуғаниевич шошилмай бориб гўшакни кўтарди.

– Алло, лаббай?

– Ислом Абдуғаниевич? – деди нариги томондан ингичка бир товуш.

– Ҳа, мен.

– Ассалому алайкум... Бу мен...

Қўнғироқ қилаётган киши Республика Олий судининг масъулларидан Миркомилов экан.

– Эшитаман сизни, – деди Ислом Каримов сергакланиб.

– Аллаев Шаймардон деган шахснинг иши юзасидан мурожаатингиз кўриб чиқилди.

– Ва ниҳоят, – деб қўйди Ислом ака пастроқ товушда.

– Масала ижобий ҳал этилди, – деб гапида давом этди Миркомилов, луқмага эътибор бермай, – у ёқ-бу ёғи бир ой ичида қариндошингиз уйига бориб қолади.

– У менинг қариндошим эмас, – деди Ислом Каримов энсаси қотиб.

– У ҳолда ким? – чинакамига ажабланиб сўради масъул Миркомилов.

– Ноҳақ қамалган бир жабрдийда.

Миркомилов бир дақиқача ўйланиб қолди шекилли, охири, чуқур бир тин олиб:

– Тушунарли, – деб қўйди.

– Мени тўғри тушунганларингиз учун сизга, жамоангизга катта раҳмат.

– Яна бир гап, Ислом ака, – деб чайналди Миркомилов.

– Бемалол, эшитаман.

– Илтимос, бундан кейин бундай қалтис ишга аралашмасангиз. Ахир, сиз шахсан аралашган бешинчи ишни кўриб чиқдик. Ҳамма бу ҳаракатларингиздан ҳайрон. Очиғроқ гапирсам, хўжайинлар норози. Оқибати ўзингизга зарарли бўлиши мумкин. Узр, ҳозирча хайр.

Миркомилов ҳозироқ суҳбатни тугатмаса, ўзига ҳам балога қоладигандек шоша-пиша гўшакни қўйиб қўйди.

Ислом Абдуғаниевич ўз соясидан ҳам чўчийдиган масъул ходимни хаёлан тасаввур қилиб, беихтиёр кулиб юборди.

II

Зубайда бугун тонг бўзармасдан ташвишга кўмилиб кетди. Аввал апил-тапил хамир қориб, тандирга ўт қалади. Шу орада рўзғорининг кунига яраб турган, бисотларидаги яккаю ягона сигирга ем қориб берди. Шўрлик қишдан аранг чиқди. Озиб-тўзиб кетган. Тағин кунига ярим челакдан сут беради шу ҳолига. Зубайда уни аяйди. Подага кетишидан икки-уч соат аввал, саҳарлаб сомонга кунжара қориштириб беради. Барибир далага чиққан билан шўрлик яна нима ҳам еяр эди. Ҳаммаёқ қоқланган теридай тап-тақир. Мана, Худо ёрлақаб, кеча туппа-тузук ёғин бўлиб ўтди. Бутун қишлоқ терисига сиғмай қувониб юрибди. Қари-қартангларнинг тусмоллашича, тағин шундай ёмғирдан икки-уч марта ёғса, олам гулистон. Яйловлар гуркирайди. Лалми майсалар белга уриб кетади. Элга қут-барака келгани шу-да.

Зубайда бугун ҳаддан ташқари шошиларди. Чошгоҳгача ҳамма рўзғор юмушларини уддалаши лозим. Кенжа ўғил Шаймардоннинг ғам-қайғуси хийла асабий қилиб қўйган Ҳасан бобо кутиб қолишни сира хушламайди. «Фалон вақтда йўлга чиқамиз» дедими, тамом – ўша пайт сафарга шай бўлиши керак. Зубайда қаёққа боришларини ҳали билмайди. Қайнотасидан эзмаланиб сўрашга эса ботинолмади.

– Эртага бир ерга бориб келамиз, – деб қолди бобо кеча шом пайти, – Шайманнинг ҳалиги ҳукм-пукм деган нарсасининг нусхасидан тайёрлаб қўйинг, болам. Менинг номимдан ҳам бир ариза ёзинг. Урушда бошадоқ қатнашганимни, Берлингача борганимни ҳам ёзинг. Эрталаб йўлга чиқамиз.

Бобонинг гаплари анча тетик, қатъий эди. Гўё бориб арз қилинган заҳотиёқ кечирим сўраб, ўғлини қўйиб

юборишадигандек ишонч билан гапирарди. Қайнотанинг кайфияти дурустлигидан келин ҳам қувонди. Назарида бу яхшилик аломати эди.

Зубайда ўшанда Тошкент сафаридан чеҳраси чарақлаб қайтди. Лекин бўлган воқеаларни айтиб беришга улгурмади. Кичкинтой Собир ҳамма-ҳаммасини узуқ-юлуқ қилиб, шоша-пиша ҳикоя қилишга тушди.

– Бир зўр амакини кўрдик, – деди у бобосининг биқинидан нари кетмай, – бир ўзи кўп мелисани қўрқитди, бизни қутқарди, оппоқ машинасига миндирди. Бова, ўша зўр амаки дадамни ҳам олиб келаркан...

Болакайнинг ҳаяжонидан арзирли гаплар борлигини пайқаган қариндош-уруғлар Зубайданинг оғзини пойлашди. Жувон кечган кечмишини оқизмай-томизмай айтиб берди. Айтиб бердию ўзини кулгига, таънадашномга тутиб берди.

– Бизга эртак айтиб беряпсизми, келин, – деди энг катта қайноғаси Омон истеҳзо билан, – ўша меҳрибон, раҳмдил одамнинг кимлигини, қаерда ишлашини билмасангиз, унинг қуюқ ваъдаларига қандай ишондингиз? Лақмалик ҳам эви билан-да.

Овсин ҳам эрини қўллаб-қувватлади:

– Менимча унинг ўзи мелисаларнинг каттакони бўлган. Фўрмасиз келиб, буларни алдаб-сулдаб жўнатиб юборган.

– Билмадим... лекин яхши одамга ўхшади, ваъдаларига чиппа-чин ишонибман, – дея бўшашибгина қолди Зубайда. Лекин кўнглининг туб-тубидаги қандайдир ёруғ туйғу ишониб тўғри қилганини, албатта, мўъжиза содир бўлажагини тасдиқлаб турарди.

Кичкинтой Собир ҳам гап-сўзларга анграйиб қулоқ соларкан, аҳён-аҳён «зўр амаки»ни ўз-ўзича ҳимоя қилиб қолар, унинг алдамаганини, ҳатто пул берганини

айтиб, ҳали дадасини ҳам опкелишига қариндошларни ишонтирмоқчи бўларди.

Ўшанда Ҳасан бобо муҳокамаларга аралашмай жим ўтирди. Уюлган қош-қабоғи таъна-дашномлар тарафдори эканини билдирса-да, у аслида келини ва неварасининг эсон-омон уйга қайтишганидан хурсанд эди. Ҳасан бобо аввалбошдаёқ уларнинг Тошкентга иддао билан жўнаб кетишларига қарши эди. Бундан бирор наф чиқишига ўшандаёқ сира ишонмаганди. Лекин айрилиқдан юрак-бағри қон бўлиб кетган келинига раҳми келди. Майли, бора қолишсин, зора кўнгил ўртаниши бироз босилса, деган фикрга борди. Аммо келин ва набира жўнаб кетишдию қария ташвиш, хавотирга кўмилди-қолди. Сафарга кўнганига минг-минг пушаймонлар еди. Мана, улар қайтишди. Қўйинлари пуч ёнғоққа тўлиб қайтишди.

Зубайда яна рўзғор ташвишларига андармон бўлиб кетди. Бироқ кўзи тўрт бўлиб йўл қаради. Дарвоза тиқ этса ёхуд бирор нотаниш шарпа пайдо бўлса, юраги дукурлаб ўша томонга чопади.

Янги йил арафасида у қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Ичтерлама экан. Роппа-роса бир ой ўрин-тўшак қилиб ётди. Зубайда озиб-тўзиб кетган эди. Ҳатто сочлари тўкила бошлади. Касалхонада даволанган бўлди. Қўрадаги уч-тўрт қўй-эчкини сотиб, дори-дармон учун ишлатишди. Нақ қирқ кун деганда аста-секин ўрнидан туриб юрадиган бўлди.

«Чет элда ишлаб чиқарилган энг зўр дорилардан қўлладик, эсам, тузалишингиз қийин эди», дея писанда қилди даволовчи врач, у касалхонадан чиқиб кетар куни.

Зубайда синиқ жилмайиб бош ирғаб қўйди.

Аслида бу ёш жувонни умид деган дори тузатган эди. Умид шундай бир туйғуки, нурдек нозик, нурдек ёруғ

ва тоза. Инсон худди шу туйғуга илашиб яшайди. Умид узилса, жон ҳам узилади. Умид барҳаёт экан, ҳаёт ҳам давом этади. Умид ишончни пайдо қилади, ишончдан эса ирода туғилади.

Зубайда худди шу умид ва ишонч қизига айланиб қолганини ҳали ўзи ҳам билмасди. Касалхонадан уйига қайтаркан, ўзини кўп ишларга қодирдек ҳис қилди. Беморлик пайтида озиб-тўзиб кетган, бўғинлари бемажол эса-да, ич-ичидаги бир куч-қувват уни суяб, дадиллик бағишлаб тургандек эди.

У яна оғир пайтда хайрихоҳларча ёнида пайдо бўлган ўша номаълум инсонни эслади. «Йўғимда уйимга келиб, мени тополмай яна қайтиб кетган бўлса-я?!» деган хавотир унинг юз-кўзида кезинарди. Онаси касал пайти, кичкинтой Собир тоғасиникида эди. Ҳасан бобо неварасини бир ўзи эплаёлмасди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам меҳрга, парваришга муҳтож. Катта ўғиллари ҳоли-жонига қўймай, бобони ўз уйларига олиб кетишди. Ҳовлига калладек қулф осилди, калити қўшниларга топширилди. Оғилхонадаги говмишга, уч-тўрт товуққа улар аҳён-аҳён қараб туришди. Бошқа вақт бу хонадон эшиги ҳамиша берк бўлган. Шу сабаб ўша ваъда берган киши келиб, ҳеч кимни тополмай қайтиб кетган бўлиши мумкин.

Яна кутиш онлари бошланди. Устига-устак Шаймардондан ҳеч хат-хабар йўқ. У ҳақида ўйласа-да, Зубайданинг кўзларига ёш қалқади, кўнгли ўртанади. Айниқса қамоқхонадаги илк учрашув негадир бот-бот эсига тушаверди. Ўшанда иккаласи икки сим панжара ортида туриб, бақир-чақир билан гаплашишганди. Ҳали-ҳануз кўзларида адолатга ишонч балқиб турган Шаймардон шоша-пиша ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, дабдурустдан қичқириб қолганди:

– Эй, менга қара, Тошбой бригадирга тайинла, унинг ери намни яхши ушламайди, анграйиб ўтир-

май, пайкални тез-тез суғорсин, навбатини кутиб ўтирмасин.

Зубайда эридан негадир хафа бўлиб кетганди ўшанда.

Ҳасан бобонинг ҳам дарди ичида. Қария кундан-кунга бир тутам-бир тутамдан ушалиб бораётгандек туюлади. Лекин у келинига бирор-бир марта дашном бермади. «Ваъдалашиб келган одаминг қани?» деб юзига солмади. Бобо идорама-идора чопавериб, амалдорларнинг ёлғон ваъдасини эшитавериб, зада бўлиб қолган эса-да, келини ва невараси таърифлаган ўша «зўр амаки»ни ўзи ҳам зимдан кутарди. Нури кетиб фақат умид, илинж қолган нигоҳларини кўча томондан узмайди.

Ҳасан бобо келини оғир бетоб бўлиб ётган ўша кунларнинг бирида сабр косаси лиммо-лим тўлиб, ортиқ тоқат қилолмай вилоят марказига борган, Марказдан сафарбар этилган терговчилар бошлиғи Алексей Николаевич Боярский билан учрашган эди. Ўша учрашув негадир қариянинг кўз ўнгида бот-бот жонланиб туради.

* * *

Алексей Боярский – мовийкўз, қирғийбурун, қуюқ маллатус сочлари кўпириб турган, ўттиз беш ёшлар чамасидаги жиддий ва сипо киши экан. У Красноярск ўлка прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб, олти ойдан бери «десант»чилар сафида Ўзбекистонда жавлон урарди. Яқиндагина Қашқадарё вилоятида иш олиб бораётган гуруҳга раҳбар этиб тайинланган, ўзининг қўрс ва қаттиққўллиги билан ном қозониб улгурган эди.

Ҳасан бобонинг кўксини қоплаб турган орден-медаллардан таъсирландими, ё ўша пайт димоғи чоғ бўлганми, ҳарнечук, Боярский қарияни илиқ мулозамат

билан қарши олди. Ўзига яқин курсига таклиф этди. Кутилмаган хушмуомаладан жабрдийда отахон каловланиб қолди. Чунки у муқаррар ҳақорат, таъна-дашномга йўлиқаман деган хаёлга борган ва шунга яраша жавоб беришга шайланиб эшикдан бош суққан эди.

– Хўш, қулоғим сизда, ота, – деди Боярский андак жилмайиб, – қандай ташвишлар билан юрибсиз?

Ҳасан бобо фронтда рус тилини тузуккина ўрганган эди. Чала-ярим, узук-юлуқ бўлса-да, ишқилиб, фикрни амал-тақал тушунтира олар эди.

– Ўғлим масаласида келгандим, – деди у ҳорғин ва эзгин товушда.

– Ўғлингиз ким?

– Аллаев Шаймардон. Уни ноҳақдан-ноҳақ қамоққа тиқишди.

Боярскийнинг юз-кўзидаги табассум йўқолиб, қошлари чимирилди, нигоҳларида совуқ ва нафратомуз ифода пайдо бўлди.

– Биз ҳеч кимни ноҳақдан-ноҳақ қамамаймиз, – дея пўнғиллади у, – агар ўғлингиз чиндан ҳам айбсиз бўлса, ҳибсдан озод қилинади, бунга мен кафилман.

– Ахир... у эндигина раис бўлган эди... даладан бери келмасди...

Прокурор кескин бош чайқади. Лабларига асабий сигарет қистирди.

– Совет қонунчилигини бузиш учун узоқ вақт амалда ўтириш шарт эмас. Балки ўғлингиз пора олгандир, пора бергандир.

– Йўқ, йўқ, – дея Ҳасан бобо беихтиёр қўлларини илтижо билан олдга чўзиб, – бу гаплар туҳмат, бу...

– Ота! Сизни бир уруш қатнашчиси сифатида ичкарига киритдим, учрашишга рози бўлдим. Аслида сиз билан бунақа масалаларда гаплашиб ўтиришга ҳаққим йўқ, тушундингизми? Нима истайсиз ўзи мендан?

Ҳасан бобо томоқлари қуруқшаб, қилт этиб ютинди.

– Болам, менга раҳмингиз келсин...

– Йўқ, ота, – дея Боярский ғазаб билан стол устига қарсиллатиб урди, мовий кўзларида нафрат ёлқинланди. – Мен сизга бу масалада ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Ҳа, мен бераҳм одамман, тушундингизми?

– Болам, ахир...

– Бўлди, бас, ота, кўп бошни оғритманг. Яхшиси уйга бориб, тергов натижаларини кутинг...

Шу пайт стол устидаги телефон бўғиқ жиринглаб қолди.

– Алло-о, эшитаман, – деди Боярский гўшакни асабий кўтариб, сўнг андак қулоқ солиб тургач, ногоҳ чеҳраси ёришди. – О-о! О-о! Миша! Дўстгинам, омонмисан?! Қалай, жонажон Красноярск гуллаб-яшнаяптими? Барча ўртоқларга мендан салом айт. Нима? Узоқ қолиб кетдинг, дейсанми? Э-э, нимасини айтасан, ишлар жуда кўп. Ҳали бу ерларда тартиб ўрнатгунча менга ўхшаган минг бир терговчининг сочи оқаради. Нима?! Э-э, нимасини айтасан... Ҳали Красноярскка қайтганимда ҳамма-ҳаммасини гапириб бераман... зўр бир бестселлер асар ёзасан... Миша, дўстгинам, яхшиям қўнғироқ қилиб қолдинг, ўзим ҳам эндигина сен билан боғлансам, деб тургандим... Ҳа, тинчлик, тинчлик... бир жиддий масалада ёрдаминг керак бўлиб қолди, дўстим... кеча ойим қўнғироқ қилганди... Шахни биласан-а... ҳа, ўша... менинг суюкли кучукчам... бечора уч кундан бери ҳеч нима емаяпти экан... бетоб эмиш... ҳа, ҳа... Миша, дўстим, илтимос сендан... кучукчамни олиб бориб Яков амакига кўрсатсанг... ҳа, ўша машҳур ветврачга... илтимос, дўстим... кечаю кундуз Шах ҳақида ўйлаяпман, шўрликка раҳмим келяпти...

Суҳбат шу ерга етганда Боярский қариянинг ҳануз қаршисида ўтирганини кўриб, кўзлари ола-кула бўл-

ди. Имо-ишора билан «чиқиб кет» дегандай ишора қилди.

Ҳасан бобо маъюс бош чайқаб, ўрнидан оғир қўзғалди. У эшик тутқичидан ушлаб ортига сўнгги бор илтижоли кўз ташлади. Аммо телефондаги суҳбатга берилиб кетган Боярский унга заррача эътибор бермади.

– Илтимос, дўстим, – деди у ялинчоқ бир овозда, – менга раҳминг келмаса ҳам, кучукчамга раҳминг келсин...

Ҳасан бобо қалт-қалт титраган қўйи ташқарига чиқди.

* * *

Ўша учрашувдан сўнг Ҳасан бобо буткул ғамга ботди. Ҳойнаҳой, унинг сўнгги умид иплари ҳам узилган эди.

Зубайда ўз ҳолига боқиб бир куюнса, қайнотасининг аҳволидан минг куюнарди. Баъзан қариндошлар келиб, эшикдан бош суқар-суқмас, одатдаги масхараомуз қиёфада теваракка аланглаган бўлишар, «Ия, меҳмон кўринмайди-ку», деб кулишарди. Ҳасан бобо уларни жеркиб берарди.

Мана, бир-биридан файзсиз, нурсиз кунлар шу тахлит ўз ортида аччиқ алам ва изтироб изларини қолдириб ўтиб борарди. Кутилган одамдан эса барибир дарак йўқ эди.

Қайси кун Ҳасан бобо Яккабоққа, бир эски қадрдон биродариникига тўйга бориб келдию эгик қадди андак тиклангандек бўлди. Худди муҳим бир режа устида бош қотираётгандай, ҳовли бўйлаб хаёлчан-хаёлчан кезиниб қолди. Ўша кунлар воҳа осмони узра қоп-қора, бўлиқ булутлар қоплаб турар, ҳамма илҳақ-интизор ёмғир ёғишини кутар эди.

«Бобом ёғинни сезиб, лалмига бирор нарса экишни мўлжаллаяптимикан», – деб ўйлади Зубайда қайнотасининг авзойига қараб.

Бироқ Ҳасан бобо тўсатдан бошқача гап қилди:

– Кутган одамингиздан дарак бўлмади. Ҳай, майли... лекин мен бир гап эшитиб келдим тўйдан... Хуллас, борадиган жой бор... Қани, тадоригингизни кўриб қўйинг, келин, пайшанба куни эрталаб ўша ёққа борамиз...

Мана, ўша пайшанбаям етиб келди. Ҳасан бобо кеча шом пайтидаёқ режаси ҳали ўзгармаганини билдириб қўймоқчидай, кўкраги ҳар хил ордену нишонларга тўла, мошранг пиджагини ичкаридан олиб чиқиб, айвон устунидаги михга илиб қўйди. Бу унинг жуда муҳим сафарга ё учрашувга отланганини билдиради. Устига-устак, келинига ҳам тараддуд кўриб қўйишни яна эслатди.

Зубайда бир амаллаб нон ҳам ёпиб олди. Аллақачон устига пиджагини кийиб, бир туп гужум тагидаги чорпояда йўлга чоғланиб ўтирган қайнотасининг олдига иссиқ нон олиб бориб қўйди. Ҳасан бобо хуш исли кулчадан синдириб, оғзига солди. Совиб қолган чойдан ҳўплади.

– Сиз ҳам энди тезроқ бўлинг, – деди шунинг баробарида, – эртароқ йўлга чиққанимиз маъқул.

– Ҳозир, товуқнинг ҳам донини сепиб қўяй, – деди Зубайда пастак омборхона томон кетаркан.

Шу пайт дарвоза оҳиста тақиллади. Зубайда жойида таққа тўхтади. Ҳасан бобо товуш келган томон ялт этиб ўгирилди. Дарвоза яна секин чертилди. Одатда, қишлоқдошлар бундай оҳанжама қилиб ўтирмас, бақирибчақириб кириб келишаверар эди.

Зубайда қайнотаси томон маъноли кўз ташлади.

– Қаранг-чи, ким экан? – деб имо қилди Ҳасан бобо.

Зубайда дарвоза томон юрди. Негадир юраги дукиллаб, бўғинлари бўшашиб борарди. Қайнотаси ҳам ошкора қизиқиш билан шу ёққа термилган.

Зубайда шоша-пиша дарвоза эшигини очди. Очдию беихтиёр орқага тисарилиб кетди. Гуп этиб юз-кўзига иссиқ қон тепди.

– Ассалому алайкум, кирсак мумкинми? – деди ўша таниш, салобатли овоз.

Зубайда алик олишни ҳам унутиб, қайнотаси томон юзланди.

– Келдилар!.. Ўша киши келдилар!

Ҳасан бобо ҳам сидирилиб ўрнидан турди. Белларини уқалаб қад ростлаган бўлди. Шу орада ланг очилган эшикдан Ислом Каримов кириб келди: эгнида оқиш костюм-шим, сочлари силлиқ таралган, нигоҳлари тийрак.

У бугун саҳарлаб йўлга чиққанди. Йўл-йўлакай кечаги ёмғирдан хўб ивинган дала-даштларни кезинди, тупроқ қатламига нечоғли нам ўтганлиги билан қизиқди, пайкал бошларида хушхандон турган деҳқонлар билан суҳбатлашди. Билмаганини билиб олди, билганини янада бойитди. У, ҳатто, баъзи маълумотларни эринмай ёндафтарчасига ёзиб қўяр, сўнг машина орқа ўриндиғига ўтириб, қайд этганларини ҳижжалаб ўрганар, таҳлил қилар эди.

– Бу ўрганишда, Ислом ака, ҳали вилоятдаги энг зўр деҳқон бўлиб кетасиз, – дея кулиб қўйди ҳайдовчи.

– Шундай бўлиши ҳам керак, Суюн ака. Йўқса, бизга ер ўз сирини очмайди, экин-тикин бизга бегоналигича қолаверади.

Ислом Абдуғаниевич шундай дедию бундан бир ҳафтача бурун юз берган бир воқеа хаёлида жонланди.

* * *

Ўшанда вилоят раҳбари Таллимаржондаги сув иншоотларини назоратдан ўтказиб қайтаётган эди. Осмонда қоп-қора булутлар кезиниб юрар, енгил, намхуш эпкин илҳақ кутилаётган ёғин муждасини келтириб юз-кўзларга урарди. Ислом Абдуғаниевич машина ойнасини андак тушириб, майин шамолга юз тутиб, чуқур-чуқур нафас оларкан, хушхандон кайфиятда теваракка термилиб келарди.

Кўп ўтмай йирик қўриқ туманлардан бирига тегишли ҳудуд бошланди. Олис-олисларга ястаниб кетган олачипор дала-дашт кўнгилларда ғалати ҳис-туйғулар қўзғайди. Беихтиёр бор овозда ҳайқиргинг, қўшиқ куйлагинг келади. Машина ойнасидан алланечук сирли, фараҳли завқ-шавқ ёпирилиб кираётгандай туюлади.

Оппоқ «Волга» кенг-равон трасса бўйлаб оҳудай елиб борарди. Йўлнинг ҳар икки тарафига экилган довдарахтлар лип-лип ортда қолар, гўё енгил силкиниб, оқ йўл тилаётгандай бўлар эди.

Ислом Абдуғаниевич ногоҳ шудгорланган дала чеккасида намойишкорона турган, туман раҳбариятига тегишли машинани илғаб қолди.

– Суюн ака, бироз секинланг-чи, – деди вилоят раҳбари ўша ёқдан кўз узмай. – Элчибоев шу ерда шекилли, а?

– Ҳа, анови машина райкомники, – деб тасдиқлади Суюн ака.

– Тўхтанг-чи.

Оппоқ «Волга» йўл чеккасига оҳиста тўхтади. Ислом Абдуғаниевич илдам бир интилиб машинадан тушди. Шудгорланган дала томон синчков кўз ташлади. Адашмаган экан: қўриқ туман раҳбари Элчибоев тағин икки-уч ходим қуршовида дала ичида турар, аллакимдир

қўлларини пахса қилиб, асабий бир тарзда гап уқтирар, кескин имо-ишоралар қилар эди. «Бирор жанжал устидан чиқиб қолдим, шекилли», хаёлидан лип этиб ўтди вилоят раҳбарининг.

Ислом Абдуғаниевич вазмин қадамлар билан шудгор томон юрди. Шу аснода тўпланиб турганлардан бири вилоят раҳбарига кўзи тушдию Элчибоев томон юзланиб нимадир деди. Туман раҳбари илкис орқасига ўгирилди. Сўнг семиз, йирик гавдасига ярашмаган бир чаққонликда трасса томон чопқиллади. Бошқалар ҳам унинг ортидан лўкиллашди.

– Ассалому алайкум, Ислом ака, – деди Элчибоев яқин келгач, тавозе билан эгилиб.

Вилоят раҳбари алик олди. Ҳаммалари билан бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқди.

– Нега бу ерда йиғилиб турибсизлар?! Ширин суҳбатнинг белига тепдим, шекилли.

– Йўғ-е... йўғ-е... – деб ғудранди Элчибоев.

Ислом Абдуғаниевич теварагида қўл қовуштириб турганларга бир-бир кўз ташларкан, жиддий бир жанжал устидан чиқиб қолганини зийраклик билан пайқади. Айниқса, қозондай қулоқчинини бостириб кийган, елкалари кенг, қоп-қора кишининг қалин лаблари асабий қимтиниб, ҳурпайиб туриши ҳамма сир-асрорни ошкор этиб турарди.

– Адашмасам, сиз шу хўжаликнинг директори бўлсангиз керак-а? – деди Ислом Каримов унга юзланиб.

Қулоқчинли киши шоша-пиша бош ирғади.

– Ҳа, худди шундай, Ислом ака, – дея қувватлади Элчибоев, – бу киши илғор пахтакорларимиздан Абрай Холёров, мана, экин-тикинга ҳозирлик кўришяпти.

– Негадир Абрай ака хафага ўхшаяпти, – деди вилоят раҳбари оёқлари остидаги шудгорга разм соларкан, – бирор масалада тортишиб қолдиларингизми?

Элчибоев нима деб жавоб беришини билмай оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига ташлаб, томоқ қириб саросималаниб қолди. Айни пайтда, уни ҳақиқатни айтишдан кўра, ўзини ишчан, билимдон кўрсатиш масаласи кўпроқ қизиқтирар, хаёлан шу мақсадга мос гап изларди.

– Нега индамайсиз, Элчибоев, – дея туман раҳбарига норози кўз ташлади Ислом Каримов, – жиддий муаммолар бўлса, айтинг, балки биргаликда ҳал қилармиз.

– Мен гапирсам майлими? – деб қолди туйқус Абрай Холёров ҳорғин, эзгин товушда.

– Марҳамат.

Элчибоев хўжалик директорига еб қўйгудек важоҳат билан ўқрайиб қаради.

– Ҳурматли обком бува, – деб гап бошлади Абрай Холёров туман раҳбарининг имо-ишораларига эътибор бермай, – мен ўттиз йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланаман, эски пахтакорман. Баҳолиқудрат ернинг тилини тушунаман, деҳқоннинг дилини тушунаман. Туманимизда менга ўхшаган тажрибали деҳқонлар кўп, агар вилоят миқёсида олиб қарасак, уларнинг сони мингдан ортади. Лекин бизнинг тажрибамиздан, билимимиздан қандай наф? Бизни ҳеч ким тингламайди...

Туйқус панд еб қолишдан чўчиган Элчибоев шошапиша гапга аралашди:

– Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, тўғри топдингиз, биз масала талашиб тургандик...

– Хўш, қанақа масала экан?

– Биласиз, партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини, топшириқларини оғишмай амалга ошириб келамиз. Ўтган йили бутун вилоятга «Оқ олтин» навидан экиш ҳақида кўрсатма берилган. Кўрсатма ҳали ҳам ўз кучида. Лекин Абрай ака, мен даламга ундай навдан экмай-

ман, деб қаршилик кўрсатяпти, ҳукумат қарорларини назар-писанд қилмаяпти. Шунга... бироз қизишиб тургандик.

– Нега бундай қиляпсиз? – деб сўради вилоят раҳбари Холёровга қизиқувчан кўз ташлаб.

– Обком бува, райком айтаётган у нав бизнинг юқори зоналарга, серсув, салқинроқ жойларга мўлжалланган. Биласиз, бу ерлар чўл, сув ҳам тақчил, у нав мутлақо тўғри келмайди. Марҳамат қилиб, бизга яқинда чиққан «Юлдуз» навидан топиб берсинлар.

Вилоят раҳбари бир Абрай акага, бир Элчибоевга хаёлчан кўз ташладию шудгор бўйлаб оҳиста юра бошлади.

«Мана, муаммонинг туб илдизларидан бири, – изтироб билан ўйлади Ислом Абдуғаниевич, – маъмурий буйруқбозлик, сансалорлик оёғимизга кишан бўлиб ётибди. Тавба, идораларда ўтириб олиб деҳқонга қандай деҳқончилик қилишни ўргатишади-я?! Нега энди пахтакор, миришкорнинг эркини ўз қўлига бермаймиз? Ахир қачон, қандай экиш кераклигини, экинни қандай парваришлаш лозимлигини унинг ўзидан яхшироқ тушунадиган, англайдиган одам борми?! Йў-ўқ... Менимча, деҳқонни ўз ҳолига қўйиш зарур. Майли, экин-тикин масалаларини ўзи ҳал қилсин. Қишлоқ хўжалиги ривожи айнан шу муаммонинг ечим топишига кўп жиҳатдан боғлиқ».

Ислом Абдуғаниевич ортидан жавдирабгина турган кишилар ёнига қайтди.

– Масалани жиддий ҳал қилинг, – деди Элчибоевга норизо кўз ташлаб.

Сўнг индамай машинаси томон кетди.

* * *

Улар кўзланган қишлоққа кириб келишганда қуёш тоғ ортидан чарақлаб чиқиб келарди.

– Сиз шу ерда тўхтаб, мени кутиб туринг, – деди вилоят раҳбари андак энгашган кўйи теваракка разм соларкан.

– Ислом ака, машинада кириб бораверайлик, – деди ҳайдовчи хижолатланиб, – сизни яёв юргизиб қўйсак... яхшимас.

– Пайтдан фойдаланиб қишлоқнинг ҳол-аҳволини ҳам ўрганмоқчиман. Биласиз, бу ерда аксар қишлоқлар бир-бирига ўхшайди. Демак, биттаси билан танишсам бошқалари ҳақида ҳам бироз тасаввур пайдо бўлади.

Суюн ака ноилож машинани тутзор йўл ёқасига тўхтатди.

– Тутзор анча сийрак экан, – деди Ислом Абдуғаниевич машинадан тушиб ёндафтарига илдириб қўяркан, – демак, ора-орасига янги кўчатлар экса бўлади. Кейинги йиғинда, албатта, шу масала ҳақида гаплашамиз.

Суюн ака йўл чеккаси бўйлаб шоирона бир кайфиятда қишлоқ томон жўнаган раҳбарни кузатиб қоларкан, бош чайқаб, кулиб қўйди.

Мана, уч ойдан бери шу кишига ҳайдовчилик қилади. Уч ойдан бери тиним йўқ. Бир қарасанг, овлоқ бир тоғ овулига, бир қарасанг, дашту биёбонга йўл бошлайди. Баъзан Суюн ака раҳбарни чақиришини кутиб, гаражда чошгоҳгача туриб қолади. Кейин биладики, Ислом Каримов уни безовта қилмасдан, ҳали тонг бўзармасдан туриб бирор пахта пайкалига чиқиб кетган бўлади. Ҳайдовчи минг бир хижолатда у кишини аранг излаб топади. Ислом Абдуғаниевич уни учратгандаёқ шу тонг хаёлида туғилган янги фикр, янги ғоя ҳақида тўлиб-тошиб гапира бошлайди.

Суюн ака янги раҳбарнинг яна бир хислатига қойил қолди.

Ислом Каримов чол билан чоллардек, бола билан болалардек гаплашарди. Билмаган нарсасини сўраб ўрганишдан сира орланмайди. Деҳқонлар ёхуд чорвадорлар билан учрашганида, кўп ҳолларда, уларнинг ўзларини гапиртиришга, ўзи эса диққат-эътибор билан тинглашга ҳаракат қилади.

Ана шу инсон чекка бир қишлоқнинг, четлари тутзор, куни кеча ёғиб ўтган ёмғирдан қўнғир тусга кирган йўли бўйлаб шошилмай, теваракни синчиклаб кузатган кўйи одимлаб бормоқда...

...Ислом Абдуғаниевич шаҳарда ўзи билан ваъдалашган ўша она-бола таниб олишлари учун атай ўша кунги оқиш костюмини кийган, кичкинтойга деб чўнтакларига қанд-қурс солиб олган эди.

Қишлоқ анча каттагина экан. Лекин хийла хароб. Пастқам уйлар бетартиб қуриб ташланган. Кўчалар тор, қинғир-қийшиқ. Ерга чуқур ботган оғир машиналар изида кўлмаклар ҳалқобланиб ётибди.

Ислом Каримов қидирган хонадонини топишда қийналмади. Беш-олти қора молни олдига солиб ҳайдаб бораётган, кун илиқ бўлишига қарамай бошига эски бир қулоқчинни бостириб кийган, кўзларидан ҳали уйқуси тузукроқ ўчмаган ўспиринни тўхтатиб секин сўраган эди, у бироз довдираб тургач, керакли дарвозага ишора қилди. Сўнг кимнингдир томорқаси томон исмаланиб бораётган ола сигир ортидан йўртиб кетди.

Мана, вилоят раҳбари, бир пайтлар умид ва ишонч билан термилган жувон билан юзлашди. Уни буткул ҳаяжонга кўмиб, ҳангу манг қолдириб ҳовлига кирди. Ўзи томон пешвоз юраётган қарияга илдамгина яқинлашди.

– Ассалому алайкум, ота.

– Ваалайкум, келинг, ўғлим.

Улар қўл бериб кўришдилар.

– Қани, ичкарига тортинг, меҳмон, – деди Ҳасан бобо каловланиб.

– Чорпояда ўтира қолайлик, ота, қулайгина экан.

Бу орада Зубайда қишлоқ аёлларига хос чаққонлик билан ичкаридан икки-уч оҳорли кўрпача олиб чиқдию чорпоя устига тўшади.

– Синглим, ҳеч ортиқча ташвиш қилманг, – деди Ислом Каримов чорпояни бир четига ўтираркан, – тўғриси, бироз шошиляпман. Қишлоқ бошида машина кутиб турибди.

Ҳасан бобо меҳмонни чорпоя тўрига чиқиб ўтиришга қистади. Зубайда ҳам бир-икки илтимос қилди. Сўнг қария фотиҳага қўл очди. Узундан-узоқ дуо қилди. Ислом Каримов ҳам, сал нарида қимтинибгина турган Зубайда ҳам фотиҳага қўшилишди.

– Хуш кўрдик, меҳмон, – деди қария қўлини кўксига қўйиб. – Яхши етиб келдингизми, ўғлим? Йўл чарчатмадими? Сиз ҳақингизда кўп эшитганмиз. Келиним, неварам ҳар икки гапнинг бирида сизни эслашади. Умрингиздан барака топинг, ўғлим. Бизни йўқлаб, шунча олисдан келибсиз, сизни Худонинг ўзи қўллаасин.

Ислом Абдуғаниевич ҳам тавозе билан бош ирғаб турди. Кулимсиради.

– Ўзларингиз яхши ўтирибсизларми, ота? – дея ўз навбатида ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Сўнг ҳануз ҳаяжонда рўмолининг бир учини ғижимлаган кўйи сўлғин япроқдек титраб турган Зубайдага юзланди. – Сиз қалайсиз, синглим? Ўша куни қийналмай етиб келдиларингизми? Айтганча, кичкинтой қалай, ўзи қани, кўринмайди?

– Тоғалариникига кетганди... – деди Зубайда хижолатомуз оҳангда.

– Оббо... кўришолмас эканмиз-да. Ҳа, майли, кичкинтойга деб озгина нарса олгандим, – Ислом Каримов шундай дея чўнтагидаги қанд-қурсни чиқариб, ўртадаги дастурхон устига тўкди.

– Э, бекор овора бўлибсиз-да, болам, – деб минғирлади қария.

Зубайда чўчиб уйғонгандай, чой-пой ташвишида ошхона томон югургилади.

– Кечаги ёмғир зўр бўлди-я, ота, – деди Ислом Абдуғаниевич ҳовли этагидаги кичик томорқага синчков кўз ташлаб. – Ер бир яйради-да.

– Э, нимасини айтасиз, ўғлим... уч йилдан бери тузукроқ ёғин кўрмагандик. Хабарингиз бор, қиш ҳам қуруқ келди. Худо хоҳласа, бу ёғи яхши бўлар... Айтишларича, вилоятимизга янги раҳбар қўйишибди, шу одамнинг қадами қутлуғ келди-ёв. Одамлар уни жуда элпарвар обкўм экан, дейишяпти. Яхши одам ўзи билан фақат яхшилик опкелади-да. Айтганча, у киши ҳам Тошкандан келган, мабодо, сиз танимайсизми, меҳмон?

Ислом Каримов дабдурустдан нима дейишини билмай қолди.

– Эшитганман, – деди сўнг оҳиста, – анча ҳаракатчан дейишади.

– Бўшашибгина «ҳаракатчан» дейсиз-а? Ловиллаган олов одам эмиш бу обкўм, жуда ботир эмиш.

Шу орада Зубайда бир чойнак чой, топ-тоза ювилган икки-уч пиёла келтириб, дастурхон чеккасига қўйди.

– Алдаб, келмай кетди, лафзи йўқ экан, деб мени роса койиб ётган бўлсангиз керак-а? – деди Ислом Каримов жувонга қарата.

– Йўғ-е, нега койийман, – деди Зубайда ҳали-ҳануз ҳаяжони босилмаган овозда, – лекин, очиғи, роса кутдик.

– Бунинг койишга ҳам вақти бўлгани йўқ, касал бўлиб ётиб қолди, – деб гапга аралашди Ҳасан бобо.

Ислом Каримов сергакланиб, бир аёлга, бир қарияга кўз югуртди.

– Касал бўлиб қолди дейсизми? Йўғ-е?!

Зубайда хижолатомуз пичирлаб алланима дедию яна ошхона томон кетди. Ҳасан бобо бир сўзни эсласа, иккитасини унутиб, охири келинининг касаллиги ҳақида айтиб берди.

«Оббо, аввалроқ бир хабарлашиб қўйишим керак экан», хаёлидан ўтказди Ислом Каримов, чол қуйиб узатган бир пиёла чойни паришон оларкан.

– Қалай, яхши даволашдими дўхтирлар?

– Худога шукр, яхши. Шўрлик келиним бир ўлимдан қолди.

Ўртага оғир бир сукунат тушди. Ислом Каримов қария тағин «обкўм» ҳақида эслаб қолишидан чўчиб, ўзи гап бошлади:

– Неча ёшдасиз, ота?

– Бир кам етмиш бешда, болам.

– Урушда қатнашганмисиз? – деди Ислом Абдуғаниевич Ҳасан бобонинг костюмига қатор тақилган нишонларга ишора қилиб, – орденлар жуда кўп-ку!

– Пашистни Берлингача қувлаб борганмиз, ўғлим.

– Бугун жуда бошқача кийинибсиз, бирор ёққа бормоқчимидингиз? Йўлдан қолдирдимми дейман-а, ота?

– Йў-ў, йў-ў, – деди Ҳасан бобо бошларини сарак-сарак қилиб, – қадамларингизга ҳасанот, меҳмон, сиз йўлдан қолдирадиганмас, йўлни ундирадиган одамга ўхшайсиз.

Шу орада Зубайда икки чинни косада қатиқ келтириб, тавозе билан дастурхонга қўйди.

– Ўзингизнинг сигирингизнинг сутиданми бу? – деб сўради Ислом Каримов косадаги қатиқни қошиқ билан қўзғаб, – яхши-ку, қуюққина экан.

– Кунимизга шу сигир яраб турибди-да, – деб қўйди Ҳасан бобо.

Ислом Абдуғаниевич қатиқдан ҳўплаб ҳузур билан бош ирғади.

– Роса зўр экан, – сўнг Зубайдага тезгина кўз ташлаб қўшиб қўйди, – мен суюнчи олгали келганман, фақат қатиқ билан қутулолмайсиз, қўй сўйишингизга тўғри келади.

Зубайданинг юз-кўзига қувонч қалқиб чиқди.

– Вой, акажон, суюнчи хабарни айтаверинг, етса молимиз, етмаса жонимиз...

– Садаганг бўлай, болам, – деди Ҳасан бобо ҳам ҳаяжонли ғимирлаб, – тезроқ айтинг-а? Кўп интиқ қилманг-да!

– Шаймардон Аллаевнинг ишини республика Олий суди қайта кўриб чиқди. Насиб бўлса, йигит узоғи билан бир ой ичида уйга қайтади.

Зубайда тили калимага келмай, тинмай жилмаяр, жилмайиш баробарида кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Ҳасан бобо ҳам оппоқ соқолини тутамлаб ердан кўз узмас, гўё эшитганлари шунчаки ҳазил бўлиб чиқишидан қўрққандек қилт этмас эди.

Ислом Каримов бу хонадонда ҳозироқ шодиёна бошланиб кетишини, кўп ўтмай бу ерга бошқа қариндошлар ҳам йиғилишини, хушхабар олиб келган кишини сира қўйиб юбормай, уй тўридан турғизмай меҳмон қилишини, бисотида борини унинг олдига тўкишини яхши биларди. Лекин айни пайтда ястаниб ўтириш унга тўғри келмайди. Биринчидан, нимаики қилган бўлса, совғасалому қуюқ зиёфатлар учун қилгани йўқ, иккинчидан, эл-улус шодиёнасига қўшилиб, кун бўйи байрам қилишни истаган чоғида ҳам бунинг сира иложи йўқ, марказда ҳали қатор-қатор ишлар кутиб турибди, ҳатто Тошкент-

дан ҳам йўқлаб қолишлари мумкин. Яхшиси, хайр-маъзурни қуюқ қилиб, бу ердан тезроқ жўнаган маъқул.

Ислом Абдуғаниевич шундай хаёллар билан косадаги қатиқни тез-тез ичиб тугатаркан, бир қарияга, бир аёлга кўз ташлаб деди:

– Энди менга рухсат, бундай хушхабарни кутиб ўтирган хонадонлар жуда кўп. Уларга ҳам кириб чиқишим керак.

– Ака, – деди Зубайда қўлларини кўксида қовуштириб, – бугун сизни ҳеч қаёққа қўйиб юбормаймиз. Азиз меҳмонимиз бўласиз.

Ислом Каримов кулди.

– Зубайда, сизлар тайёргарлик кўраверинглар. Бўпти, мен ҳали яна келаман.

Аёл эътироз билдириб, ялиниб-ёлвориш учун яна оғиз жуфтлади. Шу пайт ҳануз қувончу ҳаяжон алғовдалғовида каловланиб ўтирган Ҳасан бобо томоқ қириб гап бошлаб қолди:

– Болам, насл-насабли, палаги тоза инсон экансиз. Лафзингизда турдингиз, оиламизга ёрдам бердингиз. Бизни қўллабсиз, Худо сизни қўлласин, мартабангиз ҳамиша баланд бўлиб юрсин.

– Раҳмат, ота, раҳмат, – деди Ислом Каримов шошилиб, – керагидан ортиқ мақтаб юборяпсиз, тағин ҳаволаниб кетмай.

– Сиз ҳаволаниб кетадиганлардан эмассиз, болам. Мана, ўз кўзим билан кўриб иқрор бўлдим, келиним, неварам мақтаганидан ҳам ортиқ экансиз. Мен сизга айтсам, болам, – қария керакли сўзни тополмагандай бир зум қуруқшаган лабларини ялаб, томоқ қириб қолди, – Тошкандан қайтиб келишганда келинимнинг, набирамнинг гапларига мен ҳам, бошқа қариндошлар ҳам ишонмаган эдик. Чунки булар ҳечқурса, исмингизни ҳам сўраб билмаган экан. Кимдир буларни лақил-

латган, деган хаёлга бордик. Лекин келиним ҳам сизга ваъда берган экан. Шунинг учун бошқа ариза-шикоят қилмай турди. Мен ҳам шўрликнинг кўнглига қараб чидаб юрдим.

– Сизлар ҳам ваъдага вафо қилдиларингиз, раҳмат.

– Лекин одамзод барибир ожиз-да, – деб гапида давом этди Ҳасан бобо, – минг бир шубҳа-гумонга берилади. Шуйтиб, бизам сизни энди келмайди, деган хаёлга боргандик. Дардимизни тинглайдиган бошқа инсонни излаб жўнаётгандик. Боя сиз тўғри топдингиз, меҳмон, чиндан ҳам йўлга тараддуд кўриб тургандик бугун.

– Яна Тошкентга отлангансиз-да, а? – деди Ислом Каримов қариянинг ордену нишонлар билан безалган костюмига ишора қилиб.

Қария бошини сараклатиб жилмайди.

– Йў-ўқ, Қаршига бормоқчийдим. Янги обкўмимиз, барака топгур, ноҳақ қамалган бечораларнинг мушкулини осон қилай деб сизга ўхшаб югуриб-елиб юрган эмиш. Яккабоғдан битта, Қамашидан битта ана шундай жабрдийда шу одамнинг шарофатидан қутулиб чиқибди. Биз ҳам умидвор бўп, янги раҳбарга учрашишни ният қилгандик. Лекин Худо сизни етказди. Оворагарчиликдан қутулдик.

– Сиз бир фариштали одамсиз, ота, шунинг учун мушкулингиз осон бўлди.

– Ҳаммаси сизнинг шарофатингиздан болам, – деди Ҳасан бобо серсоқол юзига кафт югуртириб, сўнг меҳмонга хижолатомуз кўз ташлади, – чинини айтсам, шу пайтгача сўрашга ботинолмай турибман, агар малол келмаса ўзингизни таништирсангиз, ўғлим. Кимсиз? Хизмат жойингиз қаерда? Ахир, бизга катта ёрдам қилган инсонни яхшилаб таниб олайлик-да.

Ислом Каримов андак тараддудланиб қолди. Кулди. Сўнг қўлини кўксига қўйиб шивирлади:

– Ота, сиз бугун бориб учрашмоқчи бўлган одам менман, дуоингизни олгали келдим.

III

Костюмини билагига бодиларча ташлаб олган, оқ кўйлак, қора шимли, калта орасталанган сочлари қуюқ, қорамағиз киши бетон қопламали йўлакча бўйлаб бетоқат юриниб турар, аҳён-аҳён қўл соатига истамайгина кўз ташлаб қўяр, афт-ангорини норизо тириштирар, ўз-ўзича алланималар дея ғудранар эди. Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг кўпни кўрган кайвони ходимларидан саналмиш Чўлиев унинг теграсида парвона. Пойтахт Тошкентдан Қашқадарёга ишончли вакил қилиб жўнатилган, эрталабки самолётда учиб келган, анча димоғдор бу амалдорнинг кўнглини тополмай гаранг. Эрталабдан бери қанча эъзоз-эътибор кўрсатса ҳам ҳеч қош-қабоғи очилмаяпти. Ислом Абдуғаниевичнинг куни кеча берган топшириғига биноан Чўлиев уни аэропортга чиқиб кутиб олди, вилоят партия қўмитасига тегишли меҳмонхонанинг энг кўркам, шарт-шароитлари шай хоналаридан бирига жойлаштирди, дастурхони қуюққина нонуштага олиб чиқди, лекин барибир амалдорнинг юзи ёришиб, лабига кулги инганини кўрмади. Худди биров арпасини хом ўргандай тумшайгани тумшайган. Идорада ўтиришни ҳам эп кўрмай, кўчага чопқиллаб чиқиб кетди. Бетоқат Чўлиев эса нима қилишини билмай жонсарак. Гоҳ ичкари киради, гоҳ ташқари чиқади.

– Восиқ Асадович, – деди у ҳойнаҳой юзинчи бор, – юринг, бизнинг кабинетда ўтириб турайлик. Ислом Абдуғаниевич ҳам тезда кеп қоладилар. Илтимос, ичкарига кирайлик. Сизни кўчада кўрсалар, биз гап эшита-

миз. Меҳмонни ташқарида куттириб қўйибсизлар, деб жаҳллари чиқиши мумкин.

– Мен меҳмон эмас, мен Марказқўмнинг махсус вакилиман, бу ерга топшириқ юзасидан командировкага келдим.

Ҳа, ўзини қўярга жой тополмаётган бу инсон – ўша Восиқ Асадович Болтаев эди.

Унинг бирор вилоят партия қўмитасига биринчи котиб бўлиб бориш режаси ҳали-ҳануз орзулигича қолиб келмоқда эди. Туя тоға бугун-эрта деб, охир-оқибат, сувга чўккан тошдек жимиб кетди. Болтаевнинг кўнглига ғулғула оралади: нима гап, наҳотки чув туширишди? Йўқ, унчалик эмас экан. Хавотирли кунларнинг бирида Туя тоға уни тағин ўша хилват чойхонага чорлаб, вазиятни тушунтирди.

– Сени Қашқадарёга мўлжаллагандик, лекин орага бир ишкал масала тушиб қолди, – деди у қуюқ тамаки дудига қоришиб, – ҳозирча бошқа тузукроқ вариант топилмай турибди. Анастасовнинг сенга қизиқиши катта, хоҳласанг унинг энг ишончли одамига айланишинг мумкин. Албатта, ҳаммаси ўзингга боғлиқ, садоқат билан хизмат қилишингга тўғри келади. Ана ўшанда Қашқадарё ҳам, бошқаси ҳам қўлингда бўлади, ука. Яқинда сени Анастасовнинг қабулига олиб кираман.

Туя тоға айтганини қилди. Орадан уч кун ўтиб, у республика Марказқўмида йирик намоянда саналмиш одам ҳузурида бўлди. Туя тоға обдан қулоғига қуйганми, ё ҳужжатларни кўриб-ўрганиб ўзи шундай хулосага келганми, ишқилиб, Анастасов Болтаевни силлиққина мақтади, ишларидан мамнунлигини, айни кунда партия ва ҳукумат сиёсатини, қарор-кўрсатмаларини жойларга етказишда, одамлар онгига сингдиришда шундай жонкуяр ходимлар зарурлигини қайд этди.

– Яқинда Қашқадарё вилоятига Каримовни раҳбар этиб жўнатдик, – деди у гап давомида ҳамсуҳбатининг ярасини янгилаб, – ғирт авантюрист, ўзбошимча одам экан. Ўзича аллақандай режа-лойиҳалар тузиб олган. Афтидан, Қашқадарёда ҳам ўша дастуруламали бўйича иш юритаётганга ўхшайди. Бизга нохуш сигналлар келиб турибди. Лекин барибир етарлича назорат қилолмаяпмиз. Шунинг учун бизнинг, тўғрироғи, шахсан менинг ишончли вакилим сифатида Қашқадарёга бориб, Каримовга кўз-қулоқ бўлиб турадиган садоқатли ходимга эҳтиёж туғилмоқда...

Восиқ Асадович Болтаев ўша куни Марказкўмдан Анастасовдан бир дунё топшириқ олиб, аммо бу топшириқлар залваридан қушдай енгил тортиб чиқди.

Барча расмий ҳужжатлар тахт бўлгач, Марказкўмнинг махсус ишончли вакили сифатида Қашқадарёга жўнайдиган бўлди.

Восиқ Асадович ўша куни Анастасовнинг, кейинчалик Туя тоғанинг илмоқли, имо-ишорали гап-сўзларининг мағзини чақишга унаб англадики, имкон қадар Каримовни фош этувчи материаллардан кўпроқ йиғиши, марказга етказиши керак экан. Масалага кўпроқ сиёсий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ эмиш.

Болтаев бундай кўрсатма-топшириқларни юз эллик фоиз қилиб бажаришига ишонарди. Ишонарди-ю, бироқ хаёлида бошқа бир савол жонсарак ғимирлаб унга тинчлик бермасди: булар Каримовдан намунча чўчишмаса?! Ё ўзаро келишмовчиликлари бормикан?

Миясида шундай саволлар ғужғон ўйнаркан, Болтаевнинг кўз ўнгида, ўша кеч Анҳор бўйида ўйчан ва маъюс турган инсон бот-бот жонланар, унинг раҳбарият олдида нечоғли гуноҳкор эканини ўзича чамалар эди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Восиқ Асадович ўқланган милтиқдай Қашқадарёга учди. Парвоз чоғи у Анастасовнинг елкасига дўстона ташлаган қўли тафтини ҳануз ҳис этиб турар, бир пайтлар уни тез-тез безовта қилиб турадиган, аммо ўзи ҳам қандай номланишини билмайдиган ўша таниш туйғулар бутун вужудига ёприлиб келар, афт-ангорига заҳарханда қалқиб чиқарди: «Ҳамма-ҳаммасини босиб-янчиб ўтаман ва ғолибона қаҳқаҳа уриб куламан».

Восиқ Асадович «Қарши» аэропортига тушганимдаёқ Каримовнинг ўзи оёғи олти, қўли етти бўлиб кутиб олади, кечаю кундуз ёнимда парвона бўлади», деган хаёлда эди. Ўзича Қашқадарёнинг бундай қайсар раҳбарини гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиб олиш режасини тузиб ҳам чиққанди.

Аммо... аммо ўйлаганлари, ўйлаб тамшанганлари бир зумда саробга айланди-қолди. Аэропортда уни аллақандай Чўлиев деган довдир ходим кутиб олди. Каримовнинг саломи ва узрини етказди.

Бундай кутилмаган муносабат Болтаевнинг шаштини болта билан кесгандай бўлди. Аммо у сир бой бермай, вилоят раҳбарининг шаккоклигидан ғазаблангганнамо қовоқ-тумшуқ уйиб олди. Уйилган қовоқ-тумшуқдан Чўлиев безовта. Лекин анови қайсар Каримов бепарво, ким билади қаерларда юрибди экан? Балки кеча маишатбозлик қилган бўлса, ҳалигача бошини кўтаролмай, уйида ётгандир?

Болтаевга ана шу тусмоли тўғридек туюлди. Шу сабаб ҳам ўзини қўярга жой тополмай, идора ёнидаги йўлакда намойишкорона иддао билан у ён-бу ён юрарди.

Баҳорнинг ҳали уч-тўрт ҳафталик ҳақи бўлишига қарамай бугун ҳаво эрталабданоқ қизиб кетган. Дарахтларнинг қуюқ япроқлари орасига ўзини урган чумчуқлар ҳам эринибгина чирқиллайди. Идорадан сал нари-

да, Қаршининг қоқ белидан ўтган автойўл бўйлаб қатнаётган машиналар ҳам бемаврид ҳароратдан ҳориб, аранг ҳаракатланаётгандек туюлади.

Бир пайт марказий кўчадан идора томон ён-вери чанг-тупроқдан сарғиш тусга кирган «Волга» оҳиста бурилди.

– Ана, ўзлари ҳам кеп қолдилар! – дея хурсанд хитоб қилди Чўлиев.

Восиқ Асадович ҳангу манг қотиб қолди. Чунки машина орқа эшигидан тушиб ўзлари томон пешвоз келаётган кишининг ҳеч бир обкомлик сиёғи йўқ эди. Бошида дол қўндирилган шляпа, эгнида одмигина кўкиш камзул, дағал матоли шим, оёғида... қўнжи ғижим этик.

– Ассалому алайкум, Восиқ Асадович, хуш келибсиз! – Ислом Каримов ўзига ажабланиб қараб турган меҳмон билан шундай қизғин кўришди. – Қалай, яхши етиб келдингизми? Тошкентдаги дўст-биродарлар омонми?

– Яхши... яхши, раҳмат, – дея аранг ғудранди Болтаев.

– Барибир, кабинетда ўтиролмай, ташқарига отилиб чиқиб кетган бўлсангиз керак, деб ўйлагандим. Қаранг, адашмабман, Восиқ Асадович. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да, ҳақиқий қишлоқ хўжалик жонкуяри ҳеч қачон хос хоналарда бемалол ўтиролмайди.

Болтаев обком келган заҳотиёқ узр сўраб, роса тирғалса керак, дея анчадан бери ўйлаб, бунга жавобан қандай чақиб-чақиб олишни чамалаб, шу баҳона ўз қадр-қимматини андак ошириб олишни мўлжаллаб турган эди. Лекин айни пайтда ҳужум режалари ҳам тумандай тарқаб, керакли сўзларни ҳам тополмай қолди.

Ислом Каримов эса унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошларкан, хушхандон кайфиятда гапни гапга улаб борарди.

– Бу йил вилоятимизда ёғингарчилик жуда яхши бўлди, Восиқ Асадович, кутилганидан ҳам зўр бўлди. Бугун саҳарлаб Косонга чиқиб кетгандим. Деҳқонлар билан гаплашдик, маслаҳатлашдик. Бу йил чигитни суғормасдан экиш мумкин, дейишяпти улар. Бу бизга ҳар томонлама фойдали. Ҳам сувни тежаймиз, ҳам меҳнати камаяди. Сиз бунга нима дейсиз, Восиқ ака, мутахассис сифатида маслаҳатларингизга муҳтожмиз?

– Бу ҳақда кейинроқ гаплашармиз, – деб қўйди Болтаев.

– Тўғри айтасиз, бафуржа гаплашганга нима етсин. Сиз ҳам йўлдан анча уриниб келгансиз, мен ҳам анча чарчадим. Бу ёғи тушлик вақти ҳам бостириб келяпти. Назирқул, – дея Ислом Абдуғаниевич андак орқада қўл қовуштириб келаётган Чўлиевга юзланди, – меҳмонни бошлаб боравeринг, мен ўзимни бироз тартибга келтириб чиқай.

– Хўп, хўп, Ислом ака, – деди Чўлиев шоша-пиша.

Вилоят раҳбари чаққон ҳаракатлар билан зиналар бўйлаб тўртинчи қаватга кўтарила бошлади. Шу асно аллақандай қоғозларга кўз югуртирган кўйи юқоридан тушиб келаётган Элчибоевга дуч келди.

Қўриқ тумани раҳбари шоша-пиша ўзини чеккага тортиб, қуюқ салом берди.

– Аҳволлар қалай, дўстим? – деди вилоят раҳбари Элчибоев билан кўришаркан, – бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Котибиятда ишим бор эди, шунга келгандим.

– Ҳалиги жиддий масала нима бўлди, жиддий ҳал қилдингизми?

– Ҳа, – деб ғудранди Элчибоев, – ҳал қилдик, Ислом ака.

– Қандай ҳал қилдингиз?

– Шу... Холёровнинг аризасини олдим. Директорликдан зерикканга ўхшайди.

Вилоят раҳбари Элчибоев томон илкис юзланди. Кўзларида норизолик учқунлари порлади.

– Шундай номдор пахтакорни ишдан бўшатмоқчимисиз? Масалани жиддий ҳал қилиш йўли шу экан-да, а?

Туман раҳбари каловланиб қолди:

– Ислом Абдуғаниевич, мен ўйлабманки...

– Бас қилинг, – деди вилоят раҳбари зиналардан кўтарила бораркан, – гапингизни эшитишни хоҳламайман.

Элчибоев унинг ортидан илтижоли интилди.

– Ислом ака, кечиринг, мен...

– Сиз ҳозироқ бориб Холёровни топинг-да, олдимга жўнатинг, тушундингизми?

– Тушундим...

Ислом Абдуғаниевич бошқа ҳеч нима демай, ортига ҳам қарамай тўртинчи қаватга кўтарилди.

Элчибоев даг-даг титраган кўйи зинапоя тутқичига суяниб қолди.

* * *

«Обком», «райком» деганларининг жуда кўпини Болтаев яқиндан билади. Баъзилари билан бирга ишлашган. Лекин у кўрган-билган шу тоифа амалдорларнинг тумшуғи осмонга тиралган бўларди. Оддий фуқаролар тугул, унча-мунча амалдорнамо одамлар ҳам уларнинг ҳузурига кириш учун ойлаб сарғаяди. Маишатбозликдан ортмайди бу раҳнамолар. Мабодо бирор район ё қишлоққа бормоқчи бўлишса, бир ҳафтача аввал тараддуд бошланади. Сўнг кўзланган манзилга соқчи милиция гуруҳи қуршовида асъасаю дабдаба билан кириб бориб, ҳаммани оёққа турғизади, кимларнидир жазолаб, кимларнидир мукофотлаб қайтади. Восиқ Асадовичнинг назарида бунинг ҳеч

бир ғайритабиий томони йўқ эди. Мана, ўзи ҳам ўшалардан бири бўлишни, қамчисидан қон томиб, дуч келганни босиб-янчиб ўтишни қачонлардан бери орзу қилиб юрибди.

«Анастасов таърифлаганча бор экан, – деб ўйлади у Ислом Каримов ҳақида, – ғирт довдир, ўзининг қадр-қимматини билмайдиган одам экан. Аллақандай деҳқонлар билан маслаҳатлашиб келган эмиш... Маслаҳатлашиб нима қиласан, буюр, талаб қил, тамом-вассалом. Айтганингни бажармаса, тумшуғига айлантириб сол... Эсиз... шундай лавозим».

Болтаев шундай хаёллар билан фойеда турган маҳал, чорак соатлардан сўнг Ислом Абдуғаниевич етиб келди: эгнидаги ҳаворанг кўйлак, ҳафсала билан дазмолланган шим унга ярашиб турарди.

– Узр, Восиқ Асадович, сизни ҳам анча куттириб қўйдим, – деди у жилмайиб, – юринг, аввал тушлик қилиб, қоринларни алдаб олайлик. Кейин бафуржа гаплашамиз.

Идоранинг пастки қаватидаги ходимлар учун мўлжалланган ошхонада қизғин тушлик пайтига ҳали эртароқ бўлганлиги боис хўрандалар сийрак эди. Кенг ва шинам емак зали қозонларда буғ таратаётган таомларнинг хуш бўйига бурканган. Қўлларига патнис тутиб, қаторлашиб турган тушликталаблар қай бирини танлашни билолмагандай овқат турлари намуналарига синчиклаб қарашади.

– Бу ерда жуда ажойиб ошпазларимиз ишлайди, – деди Ислом Каримов меҳмонни умумий залга бошлаб келаркан, – улар пиширган овқатдан бир тотинсангиз, Қаршидан сира кетгингиз келмай қолади.

– Ҳалиям дарров қайтиб кетиш ниятим йўқ, – деди Восиқ Асадович тагдор қилиб.

Ислом Абдуғаниевич тушликни, асосан, шу ерда қилар, ходимлар билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб чой ичишдан ҳу-

зурланар, шунинг баробарида, ҳайҳотдек идоранинг қай бир тирқишида ишлайдиган, биринчи раҳбарни осонгина кўриб-гаплашиш имконияти йўқ бўлган оддий ходимларнинг ҳол-аҳволини, кайфиятини кузатар эди. Тўғри, аввалбошда ошхона хизматчилари ҳам, идоранинг бошқа ходимлари ҳам кўника олмай анча пайт қийналишди. Янги раҳбарнинг емак залига кўп қатори кириб келиб, қўлига патнис тутиб навбатга туриши улар учун ғоят ғайритабиий туюларди. Аввалги биринчи раҳбарларнинг бу ердан тушлик қилиш нари турсин, ҳатто шунчаки бош суқиб ўтганини ҳам тузук-қуруқ эслай олишмасди. Шу сабаб янги раҳбар ошхонада пайдо бўлган илк кунлари улар анча саросималаниб қолдилар. «Ислом ака, марҳамат, ўтиринг, ўзимиз сизга хизмат қиламиз» қабилидаги такаллуфлар билан унга парвона бўлишди. Янги раҳбар бу хил таклиф-мулозаматларни самимий қабул қиларди.

«Нима, мени қариб қолганга чиқаряпсизларми, ёнларингизда туришимни истамаяпсизларми?» – дея шўхшаён кулиб, такаллуфларни рад этарди. Оддий ходимлар қатори навбатда туриб, ошпазларни ҳазил-мутоиба гапга тутиб, ўзига маъқул таомлардан оларди. Шу-шу, Ислом Абдуғаниевичнинг идора ошхонасида тез-тез тушлик қилиши оддий ҳолга айланди.

Лекин бугун вазият бошқача эди. Ёнида пойтахтдан келган меҳмон, масъул амалдор булутдай сузиб боряпти.

Улар умумий залга киришлари биланоқ ҳар тарафдан берилган қуюқ саломларга, тавозеларга кўмилиб кетди. Ҳатто баъзилар ўз дастурхонларига таклиф қилган ҳам бўлишди. Ислом Абдуғаниевич кулимсираб, бош ирғаб қўйди. Шу орада стуллар орасидан шоша-пиша ўтиб келган Чўлиев рўбарў келди.

Ислом Абдуғаниевич унга савол назари билан қаради. Ходим бош ирғаб, эшик ўрнида қизил дарпарда тутилган алоҳида ҳужра томон ишора қилди.

– Қани, Восиқ Асадович, марҳамат, – деди Ислом Каримов меҳмонни қизил парда ортига бошлар экан.

Оқ дастурхон тўшалган стол усти ноз-неъматларга тўла эди. Ҳар хил кўкатлардан тайёрланган салатлар, чиройли тўғраб терилган яхна парраклар беихтиёр иштаҳани қитиқларди.

– Аввал бундан ичинг, – деди Ислом Каримов косада оппоқ кўпириб турган чалобга ишора қилиб, – чарчоқни олади, иссиқдан сақлайди, бошқача айтганда, Қашқадарё билан апоқ-чапоқ бўлиб кетасиз.

Оддий бир ошхонанинг кунтегмас бир кунжагида тушлик қилиш Болтаевнинг сафар режасида бўлмаган, аксинча, вилоятдаги серҳашам ресторану сўлим-хилват чойхоналар хизматимга мунтазир туради, деган ўйда тамшаниб юрганди. Айни пайтда бу борада ҳам адашганини билди. Бироқ қорни роса очиққаниданми, теварагидаги самимий, холис муносабатларданми, дастурхон жуда шоҳона, таомлар ўта лаззатли туюлдию,ортиқча мулозамат кутмай, иштаҳа билан овқатланишга тушди.

– Бизнинг Қаршида шўрвани зўр қилишади, – деди Ислом Каримов бўшаган косани нари суриб қўяркан, – ичганнинг жонини киритади.

Бир бўлак гўштни баҳузур чайнаётган меҳмон бош ирғаб, нари-бери маъқуллаган бўлди.

Тушлик қизғин пайтга кириб, умумий залда ғала-ғовур, идиш-товоқларнинг шақир-шуқури тобора кучаярди. Қай бир стол атрофида латифа айтилди, шекилли, гурр кулги ҳам кўтарилди. Бутун ошхона бўйлаб таомларнинг хуш исига қоришиб, алланечук кўтаринки кайфият, ўзгача файзиёблик кезиниб юрарди.

Қорни тўйган сайин Александр Петрович гарданига юклаган топшириқлар бот-бот эсига тушиб тановул чоғи Болтаевнинг андак ёришган афт-ангори яна тундлашиб қолди.

«Бирга тушлик қилишга бекор кўндим, – дея хаёлидан ўтказди у, – ҳукумат норозилиги сифатида бош тортишим керак эди. Етакласа, қўйдай тушаверибман-а? Умуман, бу одамда бошқаларни ўзига ром қилиб ортидан эргаштирадиган нимадир бор экан».

Улар тушликдан сўнг яна тўртинчи қаватга чиқишганда ҳам Восиқ Асадовичнинг калласида шу афсуснамо ўй чарх уриб юрарди.

– Овқатларимиз сизга маъқул келмадими, – деди Ислом Абдуғаниевич кабинетга қулай ўрнашиб олган меҳмоннинг авзойи бузуқлигидан хавотирланиб. – Истасангиз, айтаман, сизни бошқа бирор жойга олиб боришади.

Бу таклиф кимлигини кўрсатиб қўйиш илинжида зўр бериб баҳона излаётган Болтаевга айни муддао бўлди.

– Раҳмат, – деб пўнғиллади у, – мен зиёфатма-зиёфат юриш учун келмаганман. Агар мумкин бўлса, иш юзасидан гаплашсак.

Ислом Абдуғаниевич аввал таажжублангандек қош учириб қўйди, сўнг кулимсиради.

– Иш юзасидан тасаввурга эга бўлиш учун соатлаб гаплашиб ўтириш шарт бўлмаса керак, деб ўйлайман. Мана, Қаршига келдингиз, у ёқ-бу ёқни кўрдингиз, ошхонамизда тушлик қилдик, оз-моз бўлсаям суҳбатлашяпмиз, назаримда, шулар ҳам сиздек катта мутахассисга иш юзасидан анча-мунча таассурот уйғотса ажабмас.

Восиқ Асадович эшитганларидан «Агар фаҳм-фаросатинг бўлса, иш ҳақида сўраб-суриштирма, ўзинг кузатиб, мулоҳаза қилиб, ҳақиқий аҳволни ўрган», деган ишорани уқдию гўштдор юзига қон тепди. Ўқдек тешиб ўтар сўз излаб кўзлари ғазабкор қисилди, лаблари асабий қимтилди.

– Иш юзасидан исталганча гапиришим, мақтанишим мумкин, – деди Ислом Абдуғаниевич худди меҳ-

моннинг кўнглидагини пайқагандай, – ҳужжат-қоғозлар ҳам жойида. Менимча, ҳақиқий аҳволни далаларга чиқиб, экин-тикин ишларини кузатиб, энг муҳими, одамлар билан, оддий деҳқонлар билан гаплашиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Назаримда, сиз ҳам шундай фикрдасиз, тўғрими?

Болтаев тунд қиёфада бош ирғаб қўйди.

– Тўғри, бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Яшанг, Восиқ Асадович, сиз асл мутахассис эканингизга шак-шубҳа йўқ. Мен сизга ҳамма шарт-шароитларни яратиб бераман. Чўлиев хизматингизда бўлади. Битта машина ҳам ажратамиз. Истасангиз, мен билан ҳам бемалол вилоятни айланаверишингиз мумкин. Лекин... ноқулайлик туғилмасин дейман-да...

– Керак бўлсангиз ўзим топиб оламан, – деб қўйди Болтаев, ниҳоят, кичкина одам эмаслигини эслатиб қўйишга имкон топилганидан мамнун бўлиб.

Ислом Абдуғаниевич вакилнинг иддаосига эътибор бермади.

– Сизу бизни ер алдамайди, деҳқон алдамайди, Восиқ Асадович. Лекин, – у стол устидаги тахлам-тахлам қоғозларга ишора қилди, – ҳар хил расмий ҳисоботларни мук тушиб ўқишга берилиб кетиш ҳам яхшимас. Кўнгилни кенг қилишимиз керак. Худо берган ақл-заковатга, амал-мартабага лойиқ бўлсак, нур устига нур. Шундай эмасми?

Болтаев истар-истамас бош ирғаб қўйди.

IV

– Нега ишдан бўшашга ариза бердингиз? – деб сўради вилоят раҳбари қабулига кирган Абрай ака билан обдон ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

Холёров оғир бир сўлиш олиб ерга қаради. Бақувват, рапидадек қўллари андак ҳаяжон, андак хавотирдан билинар-билинмас титрарди.

Абрай ака туман раҳбари Элчибоевни унчалик ёқтирмасди. Бу ҳақда очиқ-ошкор айтмаса-да, ўз хатти-ҳаракатлари, истеҳзоли гап-сўзлари билан билдириб турарди. Ҳаммасига туман раҳбарининг ўзи сабабчи эди. Чунки Элчибоев кўпроқ сохта иззат-обрў ортидан қуварди. Чинакам жонкуяр, ишбилармон раҳбар бўлиш ўрнига ўзини худди шундай фазилатлар эгаси сифатида кўрсатишга тиришарди.

Ўша куни ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг Талимаржон томонга ўтиб кетганини билиб, бир неча ходимлари билан атай катта трасса бўйидаги далаларга чиққан эди. Шудгорланган пайкалда янги экин-тикин ташвишини чекиб юрган Абрай ака пайтдан фойдаланиб, туман раҳбарига ўз дардини тўкиб солди. Аммо эвазига жеркиш, таҳдид эшитди. Худди шу аснода Ислом Абдуғаниевич келиб қолди. Вилоят раҳбарининг «Масалани жиддий ҳал қилиш керак» деган гапларидан Абрай ака астойдил қувонди. Аммо ҳайити узоққа чўзилмади. Ислом Абдуғаниевич жўнаб кетгач, Элчибоев Абрай акага тиржайиб қаради.

– Обкомнинг гапини эшитдингиз-а?

– Эшитдим.

– Масалани жиддий ҳал қилиш нималигини биласизми ўзи?

– Муаммо моҳиятидан келиб чиқиб, ижобий ечим топиш керак дегани, менимча.

– Кечириб қўясиз, Холёров, – деди туман раҳбари ҳануз юз-кўзида истеҳзо ўйнаган кўйи, – ҳукумат қарорларига нописанд қараганларнинг тезроқ бахридан ўтиш керак, дегани, буни иккала қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг.

Холёровнинг кўнглига ғулғула тушди.

– Мени ишдан бўшатмоқчимисиз?

Элчибоев қаттиқ афсус чекаётгандек бош чайқади.

– Бошқа иложим йўқ, ака, кўрдингиз-ку, обкўм қайсарлигингиздан жуда хафа бўлди, акс ҳолда, ўзимни жазолайди.

Абрай ака ўйланиб қолди. Туман раҳбарининг гаплари назарида жиддийга ўхшади. Агар ўжарликни шу тахлит давом эттираверса, вазифадан бўшатибгина қолмай, қамоққа тиқиб қўядигандек туюлди. Ёши бир ерга етиб, эндигина болаларининг роҳатини кўраман, деб турган пайтда ўзини панжара ортида кўриш Абрай ака учун ҳар қандай жазодан ортиқ эди. Айниқса, бунинг исноди етти пуштига етиб ортади.

Холёров шундай истиҳолалар исканжасида шартта ариза ёздию туман раҳбарининг қўлига тутқазди. Сўнг икки-уч кун уйида қамалиб ётди. Лекин барибир бўлмади. Назарида бутун дунё аҳли қаёққадир кўчиб кетгану ёлғиз ўзи қоп-қора зулмат ичида танҳо қолгандек туюлаверди. Охири, чидаёлмай яна дала-пайкалга чиқиб кетди. Бўлим бошлиқлари, бригадирлар билан раҳбар сифатида бўлмаса-да, учрашиб, суҳбатлашиб, экин-тикин масаласида маслаҳатлашиб юрди.

Хўш, энди нима десин, нима қилсин?! Ҳамма гапни вилоят раҳбарига очиқ-ошкора айтаверсинми?

– Абрай ака, нега жим туриб қолдингиз? – деди Ислом Абдуғаниевич саволчан тикилиб, – нега ишдан бўшашга ариза бердингиз, деб сўрадим.

Холёров вилоят раҳбарига ботинмайгина кўз ташлади.

– Ислом ака, мазам йўқ... энди даволаниб, дам олсам, дегандим...

– Нега тўғрисини айтмаяпсиз? Сизни Элчибоев қийнаяпти-ку!

– Ҳа... энди... у киши ҳам ишни ўйлаб қизишади-да.

– Ишни ўйлаган одам, – деди Ислом Абдуғаниевич стол устига кафт уриб,– сохта эътибор кетидан қувмайди, ҳосилни кўзлаб, деҳқон билан бамаслаҳат иш юритади, унинг салла деса калла опкелишидан нима фойда?

«Раҳбар ҳаммасидан хабардор экан! Қойил-е!» – хаёлидан лип этиб ўтди Абрай аканинг. Шу баробарида ичи андак ёришгандай бўлди.

Ислом Абдуғаниевич хўжалик бошлиғининг авзойидаги ўзгаришни зийраклик билан кузатаркан, гапида давом этди.

– Лекин сиз ҳам ҳафсалани пир қиляпсиз.

– Нега?! Айбимни айтинг, Ислом ака, – деди Холёров хавотирли бир оҳангда.

– Айбингиз шуки, қўрқоқлик қиляпсиз. Ўша куни далада ўз фикрингизни дадил баён қилганингизда жуда хурсанд бўлгандим. Жасоратингизга қойил қолгандим. Лекин масъулиятдан қочиб, қўрқоқларча ариза берганингизни билдиму...

– Ислом Абдуғаниевич... ёшим ҳам бир ерга етди, қариган чоғимда ортиқча ташвишга йўлиқмай деб...

– Деҳқончилик, пахта тақдири нима бўлса бўлаверсин, шундайми? – деди вилоят раҳбари афсуслангандек бош чайқаб, – сиз қўрқоқлик қилсангиз, мен қўрқоқлик қилсам, оқибати нима бўлади?

– Узр... Ислом ака, кечиринг...

Вилоят раҳбари аллақандай қоғозга белгилаб қўйган рақамларга бироз ўйчан қараб турди-да, сўнг Абрай акага кулимсираб кўз ташлади.

– Демак, мен билан қўлни қўлга бериб ишлашга розисиз-а?

– Албатта, розиман, Ислом ака.

– Гап бундай, – деди вилоят раҳбари курси суянчиғига ястаниб, – ўзингиз жуда яхши биласиз, бугун ҳамма соҳада, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам ўргатимчилик кучайиб кетди. Ҳатто энг тажрибали деҳқонга ҳам узоқ-узоқдаги идорадан туриб қачон экиш, қачон ўриш кераклиги ўргатиляпти, тўғрироғи, ҳар хил буйруғу кўрсатмалар билан уқтириляпти. Тўғрими?

– Жуда тўғри, Ислом Абдуғаниевич, – деб қўйди Холёров юз-кўзида ҳаяжон шарпалари кезинаркан.

– Менда бир фикр бор... юқоридан келаётган буйруқ-кўрсатмаларга кўр-кўрона ёпишиб олмасдан, деҳқоннинг ўзига эрк берилса, экин-тикин, ерни ҳозирлаш, ҳосилни йиғиш масалаларида у ўз тажрибаси, ўз имкониятлари асосида иш кўрса...

– Отангизга раҳмат, Ислом ака!

Бутун вужудида ҳаяжон, қувонч жўш ураётган Холёров ортиқ гапиролмай, энтиккан кўйи нуқул илжаярди.

Вилоят раҳбари стол устидаги қоғозга яна бир карра синчиклаб кўз ташлагач, гапида давом этди:

– Вилоят бўйича Деҳқонлар кенгаши тузсак, деган фикрдаман. Кенгашга раис сайлаймиз, ўзим ҳам назорат қилиб тураман, сиз ўринбосар сифатида иш юритасиз. Кенгашга энг тажрибали, илғор деҳқонларни, пахтакорларни бирлаштирамиз. Боя айтганимдай, шудгорлаш арафасида, экин-тикин олдидан, парвариш пайти, йиғим-терим арафасида кенгашиб, маслаҳатлашиб турилса, қалай бўларкан? Шунга қараб, қишлоқ хўжалик ишларини режалаштирардик, бирор тизимга солардик.

– Ислом Абдуғаниевич, аъло даражада ўйлабсиз! Худди биз қария деҳқонларнинг кўнглидаги гапларни

топибсиз. Бу хайрли режани амалга ошириш учун ҳамма хизматга тайёрман!..

Абрай Холёров ҳаяжон ва қувончдан ўзини қўярга жой тополмай, энтикар, рўмолчаси билан бетиним юзкўзини артар, илжаяр эди.

– Бўпти, келишдик, – деди Ислом Абдуғаниевич жиддий бош иргаб, – сиз бир иш режаси қилиб, пайшанба куни кечки пайт ёнимга келинг, хўпми?

– Хўп.

Абрай Холёров ўрнидан туриб, эшик томон йўналди. Сўнг оҳиста тўхтаб, секин вилоят раҳбари томон юзланди.

– Ислом Абдуғаниевич, унчалик қўрқоқ эмасман, барибир ўша ўзим айтган навдан топиб экиб юбордим.

– Жуда яхши қилибсиз, – деб кулди вилоят раҳбари, – Сизга ишонаман. Албатта, бунинг натижаси яхши бўлади.

Абрай Холёров қабулхонадан хушхандон чиқиб кетди.

V

Мана, соат кечки тўққизга бонг урди. Қадимий Қарши қоронғиликка чўмди. Лекин вилоят партия қўмитаси биринчи котибининг қабулхонаси ҳали чароғон, гавжум. Зарур ишлар юзасидан раҳбар ҳузурига чақиртирилган, афт-ангорларидан амал-мартаба эгалари эканлиги билиниб турган кишилар йўлакда ўзаро пичирлашиб гаплашишмоқда. Баъзилар у ён-бу ён хаёлчан юришибди.

Ислом Абдуғаниевич, одатда, кун бўйи ўта муҳим юмушлар гирдобида бўлади. Гоҳ олис-яқин туманларга, дала-даштларга чиқиб кетса, гоҳ бошқа расмий, ташкилий ташвишлар юзасидан йиғинлар, маслаҳат-машва-

ратлар ўтказади, кимларнингдир ҳисоботини тинглайди, кимларгадир зарур топшириқлар беради. Устига-устак, Тошкентдан тез-тез бўлиб турадиган асаббузар қўнғироқлар, кутилмаган кўзоғриқдай пайдо бўлиб қоладиган тафтишчи, назоратчи тўдалар соатлаб, кунлаб банд қилишини айтмайсизми! Начора, ҳамма-ҳаммасига чидаш керак.

Аммо Ислом Абдуғаниевич ҳар қандай вазият, ҳар қандай шароитда ҳам оддий халқни сира назардан қочирмасди. Қашқадарёнинг кейинги юксалиши, тараққий этиши, энг аввало, шу меҳнаткаш элга, унинг кайфият-руҳиятига боғлиқлигини бутун борлиғи билан ҳис этарди. Шу сабабдан ҳам ҳар эрталаб, кунлик ғалва-ташвишлар ҳали бошланмай туриб, фуқаролар қабулини бошлар, одамлар дардига қулоқ солар, имкони борича умид билан даргоҳига бош суққан ҳар бир инсонни ноумид қайтармасликка ҳаракат қилар эди. Аммо қашшоқлик, ҳақсизликдан серзарда, асабий бўлиб қолган эл, маҳаллий амалдорларга ишончи йўқлиги боис арзимаган муаммо юзасидан ҳам вилоят партия қўмитасига гуруҳ-гуруҳ бўлиб бостириб келишар, баъзи ҳолларда ўзлари ноҳақ эканлигига ҳам қарамай бақир-чақир билан жанжал кўтаришар, раҳбарлардан адолат талаб қилишар эди. Начора, ҳаммаси билан муросаи мадора қилиш, тарози палласини тенг тутиш керак.

Ислом Каримов Қашқадарёга келганининг илк кунларидаёқ вилоятда яна бир ёмон иллат кенг тарқалганини англади. Бу ерда истиқомат қилувчи турли миллатлар, элат ва уруғлар ўртасида аллақандай адоват, келишмовчилик ҳукмрон эди. Улар вилоятдаги лавозим курсилари ёхуд серсув, серҳосил ер майдонлари учун ошкора бўлмаса-да, зимдан кураш олиб боришар экан. Уч-тўрт ой бурун ўзи ҳам шундай айирмачилик, тўдакашликка тўқнаш келди.

Ўшанда Ислом Каримов бир ҳафтача безор қилган текширувчилар тўпини Тошкентга кузатиб қўйиб эндигина аэропортдан идорага қайтган эди.

Теваракда февралнинг гоҳ изғиринли, гоҳ илмилиқ ҳавоси кезиниб юрибди. Осмон дардманд одамнинг рангидай гезарган. Дов-дарахтлар шип-шийдам бўлгани учунми, ҳар нечук, автолар сийраккина қатнаб турган Қарши кўчалари қандайдир кенг-мўл туюлади.

Оқ «Волга» вилоят қўмитаси биносига яқинлашдию ҳайдовчи тезликни кескин пасайтириб машинани тўхтатди.

– Нима гап, Суюн ака? – деб сўради Ислом Каримов ажабланиб.

Ҳайдовчи ташвишли бир қиёфада идора томон ишора қилди.

– Анавиларни қаранг, Ислом Абдуғаниевич.

Вилоят қўмитасининг нақ кириш эшиги олдида «Газ-53» юк машинаси қантарилганча турар, унинг ёнида бир гуруҳ кишилар уймаланиб, бақир-чақир қилишар, масъул бир ходим тўда йўлини тўсиб, куйиб-пишиб нималарнидир тушунтирар эди.

– Ким булар, бозорчиларми? – дея ажабланиб сўради биринчи котиб.

– Йў-ўқ, ажамлар...

Суюн аканинг ташвиш тўла товушда тушунтиришича, бу «ажам» деганлари уришқоқ, жанжалкаш элат эмиш. Арзимаган масала юзасидан ҳам шу тахлит тўп-тўп бўлиб, тўппа-тўғри идорага бостириб келишар экан. Агар раҳбарларнинг гапларига қулоқ солиб, муаммоларини ҳал қилиб бермаса, тўс-тўполон кўтариб, Тошкентга, Москвага арз қилишар, «Биз каби майда элатларнинг ҳуқуқларимиз камситиляпти», дея айюҳаннос солишар, ўзларига ёқмаган раҳбарни лавозимдан бўшатмагунча тинчимас экан.

– Қани, кўп ваҳима қилмай, яқинроқ борайлик-чи, – деди Ислом Абдуғаниевич идора томон ишора қилиб.

Суюн ака астойдил қаршилик қилди:

– Ислом Абдуғаниевич, улар тарқалгунча, яхшиси, бирор жойга бориб кела қолайлик.

– Идорага ҳайданг, дедим мен сизга.

Ҳайдовчи бошларини сарак-сарак қилган кўйи машинани қўзғади.

Ажамликлар идорага яқинлашган вилоят раҳбарига тегишли оқ «Волга»ни таниб, дувва шу томонга ёпирилишди.

Ислом Каримов шошилмай машинадан тушди. Шашт билан келаётган жанжалкашлар туйқус тўхтади.

– Нима гап, тинчликми? – деди Ислом Абдуғаниевич жаҳлини аранг босиб.

Қиррабурун, озғин-ориқ, эски қуёнтери телпагини дол қўндирган ўрта яшар киши отилиб олдинга чиқди.

– Ассалому алайкум, обкўм бува, – деди у чапанчасига қўл ташлаб кўришаркан, – сиз билан танишгали келдик.

– Жуда яхши. Мана, мен – Ислом Каримовман.

– Мен – Шарипиф Тўра, ажамларнинг оқсоқолларидаман. Бизнинг элни биласиз-а, обкўм бува.

– Ҳа, эшитганман.

– Сизга бир оғиз арзимиз бор.

– Хўп, эшитаман.

– Мен бу йил давлатга план бўйича гўшт топширдим. Райкўмимиз мукофотга машина ваъда қилганди. Лекин бермади. Ортидан чопавериб тинкамиз қуриди.

– Ўзининг бошқа бир қариндошига бериб юборган! – дея тўда ичида кимдир чинқириб қолди.

Қолганлар ҳам ғала-ғовур билан уни қўллаб-қувватлашди:

– Тўғри!

– Атайлаб бизнинг элга бермади.

– Бизларни ёмон кўради райкўм.

– Райкўмимиз айирмачи.

Ислом Абдуғаниевич қўл ишораси билан шовқин-суронни тўхтатди.

– Бор-йўғи шу муаммоми? Сизларга машина керакми?

– Ҳа, – деди Шарипов қўлларини белига тираб.

Вилоят раҳбари бош чайқаб кулди.

– Биз ажам элатидан деганларингизда сизларга ҳавасим келганди. Чунки халқингизни жуда яхши биламан. Мард, танти, ориятли одамлар. Лекин... ҳозир талабларингизни эшитиб, сизлардан ҳафсалам пир бўлди. Арзимаган мукофотни деб, шовқин-сурон солиб юрибсизларми? Наҳотки уялмадиларингиз? Тўражон, ёлғиз келиб, бир оғиз ўзимга айтсангиз ҳам масалани ҳал қилиб бераман-ку?!

– Ислом Абдуғаниевич, бизни... ҳалиги, – деб чайналди бироз шашти қайтган Шарипов, – кўп каттаконлар алдаган...

Вилоят раҳбари унинг елкасига қўл ташлади.

– Арзимаган талабларни қўйинглар, сизлар мендан каттароқ, бутун қишлоқларингизга фойдаси тегадиган нарсаларни сўранглар. Масалан, қишлоқларингда клуб йўқ, тўғрими... йўл ёмон аҳволда, ёш оилаларга ер участкаси керак, тўғрими...

– Тўғри! Тўғри! – деб чувиллашди тўпдагилар.

Шарипов ҳам ияк-даҳанини қашлаган кўйи бироз ўйланиб қолди. Сўнг:

– Қишлоғимизнинг ҳозир ўзингиз айтган камчиликларини тўғрилаб берасизми? – деб сўради ишонқирамай.

Бошқалар ҳам нафасларини ичга ютиб, вилоят раҳбарига термилишди.

– Албатта, – деди Ислом Абдуғаниевич қўлларини қанотдай кериб, – шу йил ичида ҳамма муаммоларингизни биргаликда ҳал қиламиз.

Шарипов иккиланган кўйи келишув учун қўл узатди.

– Бўпти, мен арзимни ҳозирча қайтиб олдим. Лекин ваъда – ваъда, Ислом Абдуғаниевич, қишлоғимизни обод қилиб берасиз. Мен... майли, машинага шошилмай тураман.

– Ана бу ҳақиқий ажамча гап бўлди, – деб кулди Ислом Каримов, – яхши, келишдик.

Йиғилганлар ғала-ғовур, мамнун қийқириқлар билан битимни маъқуллашиб, «Газ-53» томон юришди.

Вилоят раҳбари уларнинг кўнглига йўл топа олганидан қувониб, ортларидан анча пайт кузатиб қолди.

Лекин бугун Ислом Абдуғаниевичнинг эрталабданоқ дили хуфтон бўлди. Бир ойдан бери шикоят деса, шикоятга, талаб деса, талабга ўхшамайдиган номалар йўллайдиган Нозима Тошпўлатовани қабул қилдию таъби хира тортди.

Каримов бу жувонни илгари ҳеч учратмаган, лекин ёзганларини синчиклаб ўрганиб чиққанди.

Нозима Тошпўлатова вилоятдаги энг йирик тола тайёрлов идораларидан бирида раҳбарлик қилган, «Пахта иши» юзасидан роппа-роса ўн йилга озодликдан маҳрум этилган Зокир Кенжаевнинг хотини экан. Бироқ у ўз битикларида эри жиноятларига яраша жазо олмаганини, унинг қамоқ муддатини узайтириш зарурлигини бот-бот такрорлар, ўзини адолат ва ҳақиқат жонкуяри, деб таърифлар эди.

Ислом Абдуғаниевич аёлнинг ёзганлари билан танишиб чиқаркан, ўша Зокир Кенжаевнинг ота-онаси, мункиллаб қолган чолу кампир ҳам бир неча бор қабулида бўлганини эслади.

Ўша кунлар янги раҳбар маҳкумнинг иши билан астойдил танишиб чиққан, баъзи ишончли кишилардан сўраб-суриштирган эди. Охир-оқибат, чолу кампирни қувонтира оладиган бирор мужда айтиш қийинлигига амин бўлди. Чунки Зокир Кенжаев ўз раҳбарлик фаолияти даврида чиндан ҳам катта жиноий ишларга аралашган, халқ мол-мулкини сурбетларча талон-торож қилган, сўнгги пайтлар босар-тусарини билмай, кўп номаъқул ишларга қўл урган экан! Вазият ойдай ойдин бўлса-да, Ислом Абдуғаниевич чолу кампирнинг кўнглини оғритмасликка ҳаракат қилиб, уларнинг умид чироғини ўчирмай, хушмуомалалик билан кузатиб қўйганди.

Мана, шикоят, талаб йўллайверишдан безган шекилли, Нозима Тошпўлатованинг ўзи бугун қабулга ёзилибди.

Вазиятнинг нохуш тус олишини пайқаган Ислом Абдуғаниевич вилоят прокурорини ҳам суҳбатга чақиртирган эди. У шоша-пиша етиб келиб, сийрак қошларини асабий чимирган кўйи стуллардан бирига оҳиста ўтирди.

– Тошпўлатовани чақиринг, кирсин, – деди Ислом Абдуғаниевич ёрдамчи ходимга.

Туйқус димоғларига урилган қимматбаҳо фаранги атир ҳидидан ҳар иккиси ҳам ҳушёр тортиб, эшик томон юзланишди. Уларнинг қаршисида ёши ўттиздан ошинқираган, оппоқ, лўппи юзли, бош-адоқ зебу зарга бурканган гўзал бир жувон турарди.

– Киришга мумкинми, – деди у тантиқланиб. – Ассалом...

– Кириб бўлибсизу энди нимасини сўрайсиз, – деди вилоят прокурори энсаси қотиб, сўнг пойгакроқдаги стулга ишора қилди, – ўтиринг.

Раҳбарларга яқинроқ ўриндиқни мўлжаллаб турган жувон вилоят прокурорини таниб, анча саросималаниб

қолди. Сўнг ноилож кўрсатилган жойга омонатгина ўтирди.

– Хўш, хизмат, синглим, эшитамиз сизни, – деди Ислом Абдуғаниевич хушламайгина, жувоннинг бўйнидаги қалин тилла занжирга, қўлидаги қўш-қўш узукларга бир-бир кўз ташлаб чиқаркан. – Тортинмай, гапираверинг.

– Мен адолат талаб қилиб келдим. Қонун ҳамиша қонун бўлиб қолиши керак...

– Қанақа адолат? Қанақа қонун? Илтимос, сал тушунарли қилиб гапирсангиз.

– Биламиз... сиз «Пахта иши»дан жабр кўрган оилаларга ёрдам беряпсиз, қамалганларнинг кўпчилиги уйларига қайтяпти...

– Мақсадга ўтсангиз, синглим, – дея Нозиманинг гапини бўлди раҳбар.

– Биламан, қайнона-қайнотам ҳам келиб сизга учрашган, лекин...

Нозима туйқус жимиб, бармоғидаги узуклардан бирини худди суғуриб олмоқчидай асабий тортқилай бошлади.

– Гапиринг, гапираверинг, тортинманг.

Ислом Абдуғаниевич шундай дедию ногоҳ кўз ўнгида қимтинибгина ўтирган чолу кампир пайдо бўлди. Ўшанда раҳбар маҳкум Зокир Кенжаевнинг оиласи, бола-чақаси ҳақида сўраб-суриштирганда, улар хийла саросималаниб, гоҳ ўзаро кўз уриштириб, гоҳ ердан кўз узмай қолишганди.

«Э, нимасини сўрайсиз, болам, – дея гап бошлаганди охири ота истар-истамас, – бу масалада ҳам ўғлимиз кўп бемаза ишлар қилган...»

Қариянинг сўзларидан аён бўлгандики, Зокирбой бир енгилтабиат жувонга илакишиб, ўз хотинини икки боласи билан уйдан ҳайдаган. Бор-йўқ мол-мулкини бу

маккор аёлга хатлаб берган. Бироқ янги келин кошки шу нарса билан тўйган бўлса?! Унинг нафси ўпқон экан. Аслида, Зокирбой мана шу тантиқ аёлнинг кўнглини топаман, деб жиноят кўчасига кириб қолган.

«Болам, – деганди ўшанда кампир ҳам хокисоргина гапга аралашиб, – булар келинини атай ёмонлаяпти, деган хаёлга борманг, ўргилай. Унинг кимлигини, ана, маҳалла-кўй, қўни-қўшни ҳам яхши билади. Ўғлим бечорани мана шу жодугар ёмон ишларга бошлаган».

Албатта, ўшанда Ислом Каримов чолу кампирнинг гапларига ишонқирамагандай, шунчаки бош ирғаб эшитганди. Мана, бугун қариялар таърифлаган ўша жувоннинг ўзи келиб турибди.

– Сиз давлат одамисиз, – деди Нозима янги раҳбарга тик қараб, – ҳар кимларнинг дод-войига қулоқ солавермаслигингиз керак. Ҳатто менинг қайнона-қайнотамнинг ҳам...

– Бу билан нима демоқчисиз? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич кутилмаганда гап авзойи бошқача тус олганидан ажабланиб, – эрингизни озод қилишда ёрдам бермайинми? Шундайми?

– Ҳа, – деди Нозима бош ирғаб.

– Нега? Нима учун?

– Жиноят қилган одам жазосини ҳам олсин-да...

Ислом Каримовнинг баданидан совуқ бир нима ўрмалаб ўтгандай бўлди. «Нималар бўляпти ўзи? Эримни қамоқдан чиқарма, демоқчими бу?!» хаёлидан чақмоқдай чақнаб ўтди унинг. Шунинг баробарида аччиқ бир ҳақиқатни англаб етгандай бўлди.

Чолу кампир ҳақ! Бу аёл жодугардан ҳам баттар экан! Ҳамма мол-мулкни номига хатлатиб олган, Зокир Кенжаев қинғир йўллар билан топган ҳамма бойликлар қўлида, энди унга бадном бўлган бундай эр керакмас, яхшиси, у қамоқда чиригани маъқул. Бу

маккора янги раҳбарнинг таърифини эшитган ва... чолу кампирнинг ғимирлаб қолганидан қўрққан. Назарида, эри эрта-индин эшикдан кириб келадигандек туюлган. Қараса, қарши чора-тадбир қўлламаса бўлмайди. Шунинг учун бутун нозу карашмасини ишга солиб, қабулга отланган.

Ислом Каримов курси суянчиғига ўзини беҳол ташлади. Мушт бўлиб тугилган қўлларига манглайини тиради. Қаршисидаги аёлдан нафратланиб кетди. Лекин сир бой бермай ёнидаги прокурорга кўз қирини ташлади.

– Бўронов, сўз сизга.

Вилоят прокурори ёзув дафтаридан нигоҳларини узиб, бир зум аёлга синовчан қараб турди.

– Қаерда ишлайсиз, синглим?

– Универмагда.

– Тилла тақинчоқлар ўзингизникими?

– Ҳа...

– Қанақа пулга сотиб олгансиз? Ё... шунчалик кўп маош оласизми?

Нозиманинг ранг-рўйи ўзгарди. Юпқа лаблари пирпир учиб, хийла довдираб қолди.

– Мени бу ерда сўроқ қилишга ҳаққингиз йўқ. Мен бу ерга адолат истаб келдим. Талабимни инобатга олишларингизни сўрайман.

Жувон ногоҳ ўрнидан ирғиб турди-да, ташқарига йўрғалаб қолди. Эшик ёнида тағин алланималардир деб ғудранди.

Вилоят прокурори мийиғида кулиб Ислом Абдуғаниевичга юзланди. Каримов ўйчан бош ирғаб қўйди...

...Мана, вилоят раҳбари иш столи устидаги қоғозларга хомуш термиларкан, тағин ўша ғалати учрашув хаёлидан ўтди. Аёлнинг совуқ қиёфаси, жирканч сўз-

лари қулоқлари остида жаранглар экан, аъзои баданига шиллиққурт ўрмалагандай жунжикди. Беихтиёр курси суянчиғига суяниб, кўзларини юмиб олди.

Мана, қанча пайтлардан бери шу юрт қаддини тиклаш, шу миллат овозини тенглар ичра тенг қилиш орзусида куйиб-пишиб юрибди. Гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона ўзича режалар тузади. Кўзлаган мурод-мақсади чексиз саҳро сароби ичра митти майсадек бўй кўрсатганидан терисига сиғмай қувониб ҳам қўяди. Ҳа, балки бир кун келиб орзу-ниятлари тўла-тўкис рўёбга ҳам чиқар. Ўзбек халқи сўзидан, кўзидан ўт чақнаган адл ва озод элга ҳам айланар. Бу юрт юксак тараққиётда, фаровон турмушда кўп ўлкаларга намуна ҳам бўлар, аммо...

Аммо инсон деган яратиқни мукаммаллаштириб бўлармикан?! Унинг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган очкўзлик, хиёнат, ёвузлик каби иллатларни йўқ қилиш имкони топилармикан?!

Ислом Абдуғаниевич шундай оғир ва эзгин ўйлар исканжасида қанча ўтирганини билмайди. Бир маҳал андак бош кўтариб қараса, ёрдамчи йигит қия очиқ эшик ёнида мўлтирабгина турибди.

– Кечирасиз, Ислом Абдуғаниевич, анча вақт жимжит бўлиб қолдингиз. Шунга хавотирланиб киргандим.

– Ҳайдовчини чақирдингизми?

– Ҳа, Суюн ака анчадан бери шу ерда.

– Бўпти, ҳозир чиқаман.

Ёрдамчи сидирилибгина ортга қайтди.

Ислом Абдуғаниевич дераза ортидаги қоп-қора борлиққа маъюс кўз ташларкан, чуқур тин олди.

У Қашқадарёда иш бошлагандан бери айни шу кун чарчаганини, жуда қаттиқ чарчаганини ҳис қилди.

VI

Восиқ Асадович Болтаев бундоқ бармоқ букиб санаб қараса, Қашқадарёга келганига ҳам роппа-роса ўн беш кун бўлибди. Ўн беш кун ичида Ислом Каримов билан атиги уч-тўрт марта юзлашиб, уч-тўрт дақиқагина суҳбатлашган бўлди, холос. Бошқа пайт, учрашишга имкон бўлса-да, худди аразлаган боладай қочиб юрди, ўзини ғоят банд, ишга берилган кўрсатиб, Чўлиев ҳамроҳлигида гоҳ у, гоҳ бу туманга борди, гўёки жойлардаги ҳол-аҳвол билан танишган бўлди, мавжуд қарору кўрсатмаларни рўкач қилиб, дўқ-пўписа билан маҳаллий раҳбарларнинг жонини олди, бошқа пайтлар махсус ажратилган хонада қоғоз титкилаб қусур излади.

Ҳа, айнан қусур, хато-камчилик қидирди. Чунки Тошкентдаги раҳнамолари зиммасига зимдан юкланган топшириқлар залвари устида тоғдай босиб турар, бу ёқларга ўзини Қашқадарё ҳаётига чинакам куюнчаклик кўрсатишга юборишмаганини жуда яхши англар, нима қилиб бўлса ҳам Ислом Каримовни бадном қилувчи, унинг мавқеига путур етказувчи далиллардан кўпроқ йиғишга уринар, бироқ бу борада арзигулик айб тополмай хуноби ошгандан ошар, ўзини хўрланган, ҳақоратланган ҳис этар эди. Ҳолбуки, ишончли вакилнинг иззат-ҳурмати жойида. Чўлиев ва бошқа кўпгина масъул ходимлар унинг ҳамма инжиқликларига чидаб, эртаю кеч хизматига шай туришади, дастурхонлар ҳам чакки эмас. Лекин барибир Восиқ Асадовичнинг ҳеч баҳри дили очилмади, худди шўр сув ичиб баттар чанқаган одамдай, дам сайин дили ғашланиб, тажанглиги ортиб боряпти. Ҳойнаҳой, шунча уринишлари беҳуда кетиб, пойтахтдаги раҳнамоларни қувонтирадиган, Қашқадарё раҳбарининг бошини эгадиган арзигулик

айб-нуқсон тополмаганидан шу тахлит ўз ёғига ўзи қоврилмоқда эди.

Қаршига келган куни, тушликдан сўнг «Жойларга чиқинг, оддий одамлар билан кўпроқ гаплашинг» қабилидаги ундовларни эшитганида, очиқ гап, Восиқ Асадович чинакамига ҳайратланди. Чунки у не бир тафтиш-назорат гуруҳлари таркибида, не бир вилояту туманларда бўлган, бироқ ҳеч бир раҳбар бу қадар ўзини эмин-эркин тутиб, оддий одамлар билан юзлашишга даъват этганини кўрмаган, аксинча, бирор шикоятчи йўлиқиб қолмасин, деб эртаю кеч ёнларида қоққан қозиқдек туришларидан ҳузурланган эди.

«Ҳа, Александр Петрович ҳақ, бу ростдан ҳам авантюрист, ўзбилармон раҳбар экан...» –, дея хаёлидан ўтказди Болтаев ўша суҳбатдан сўнг қўналғасига қайтаркан.

Унинг қўналғаси вилоят партия қўмитасининг атрофи ғиштин девор билан ўралган, қуюқ дарахтзорга бурканган шинамгина меҳмонхонасида эди. Восиқ Асадович тасодифан Чўлиевнинг гап-сўзларидан билдики, Ислом Каримов ҳам шу ерда, баланд, қари дарахт ортидаги пастак, кўримсизгина бинода истиқомат қилар экан! Бу ҳол Болтаевни иккинчи бор чинакамига ҳайратлантирди. Унинг тушунчаси бўйича ҳар қандай вилоят раҳбари шаҳарнинг энг сўлим, энг кўркам гўшасида, махсус хизматчилар томонидан қаттиқ қўриқланадиган, серҳашам ҳовли-жойларда яшаши керак эди.

– Бу ерда Ислом Абдуғаниевич оиласи билан турадими? – деб сўради ишончли вакил ишонқирамаган бир кайфиятда.

Чўлиев соддаларча елка учирди.

– Йў-ўқ, оиласи ҳозирча Тошкентда.

Бу маълумот Восиқ Асадовичга айни муддао эди. У, ниҳоят, вилоят раҳбарини катта жиноят устида уш-

лагандай бўлди. «Демак, оиласини узоқда қолдириб, ўзи маишат қилиб юрибди», – хаёлидан ўтказди Болтаев.

Назарида, Ислом Каримов оиласини Қаршига атай кўчириб келмаётгандек, тараллабедод турмуш тарзи учун ўзига шарт-шароит яратиб олаётгандек туюлди. Ахлоқсиз бир манзаралар кўз ўнгида жонланиб, бадхоҳларча тиржайиб қўйди. Ва шундай ўй-хаёллар, тусмоллар таловида юрган кунларнинг бирида вилоят раҳбарини туйқус киноямуз саволга тутди:

– Бу ерларда оиласиз қийналиб қолмаяпсизми?.. Бола-чақа билан ҳам хабарлашиб турибсизми?

Ишончли вакилдан ишончли, фойдали фикр олиш илинжида шўрланган қўриқ ерлар ҳақида, бу балони даф этишнинг ўзи ўйлаб юрган йўл-йўриқлари ҳақида куйиб-пишиб гапираётган Ислом Каримов гап ўзани ўзгараётганидан ранжиди, шекилли, бир зум жимиб қолди. Олис-олислардан таралаётган соҳир бир садони тинглаётгандек қай кун ходимлардан бири тоғдан териб келиб, мовийтус вазага солиб қўйган лола дастасига маъюс ва ўйчан тикилди.

– Қийналяпман, – деб пичирлади у, ниҳоят, минг йиллик дўстига ҳасрат қилаётгандек, – жуда-жуда қийналяпман, Восиқ Асадович.

Ишончли вакил «Бир зарб билан ўзбилармон раҳбарни каловлантириб қўйдим», деган хаёлда ҳали-ҳануз истеҳзоли илжайиб турарди.

– У ҳолда нега оилани бу ёққа кўчириб келмаяпсиз?

– Биласизми, мактабдан мактабга кўчиб юришса, болаларнинг ўқишига ёмон таъсир қилади. Шунинг учун ёзги таътил бошлангунча чидаб турибман-да, Восиқ Асадович.

– Балки оилангиз бундай овлоқ, иссиқ шаҳарчада яшашни истамас.

– Оилам бу ёққа гўзал шаҳарда яшаш иштиёқида келишмайди. Мен учун, бу ерда менинг борлигим учун келади.

Ислом Абдуғаниевич шундай дедию, «Гап тамом», қабилида вазмин бош чайқаб ўрнидан турди. Болтаев уни зимдан кузатаркан, вилоят раҳбари алланечук изтироб исканжасида қолганини пайқади. Ва буни ўзича тушуниб хаёлидан ўтказди: «Бу масалада Каримовни шу пайтгача ҳеч ким безовта қилмаганга ўхшайди. Мана, бир савол билан типирчилатиб қўйдим. Энди ҳукумат ҳар бир босган қадамидан огоҳлигини эсдан чиқармайдиган бўлади».

Восиқ Асадович бу галги суҳбатдан шу тахлит ғолибона хулоса ясаган бўлса-да, лекин тинчимади. Одатдагидек, вилоят раҳбарининг маиший ҳаётини, сиёсий қарашларини зимдан тафтиш этишда давом этди.

У неча бор Ислом Каримов истиқомат қиладиган бинони синчков-синчков кўздан кечирди. Бир-икки баҳона билан ичкарига ҳам бош суқиб кўрди. Оддий, лекин дид билан жиҳозланган хоналар. Ҳеч бир ҳашам, дабдабадан дарак йўқ. Бу ерга Ислом Абдуғаниевич фақатгина тунагани, бир-икки соат мизғигани келиши шундоққина кўриниб турибди. Бунга Болтаевнинг ўзи ҳам кузатишлар давомида неча бор амин бўлди.

Ислом Каримов меҳмонхонадан саҳарлаб чиқиб кетиб, жуда кеч, тун яримлаган бир пайтда қайтарди. Шунда ҳам ўзини апил-тапил тўшакка ташлаш пайида бўлмай, уст-бошларини енгил уй кийимларига алмаштириб анча пайт гимнастика билан шуғулланар, баҳафсала ювиниб-чайинар, шундан кейингина хобхонага кирар эди. Субҳи содиқ ҳам жисмоний спорт машғулотлари билан бошланарди. Ислом Абдуғаниевич меҳмонхона ҳовлисининг тўрт томонига узалиб кетган бетон қопламали йўлак бўйлаб югурар, бадантарбиянинг ҳар

хил машқларини бажарар, сўнгра, бокс қўлқопини кийиб, баланд дарахт бутоғига осиғлиқ махсус қопга «ҳужум» қиларди.

Вилоят раҳбарининг турмуш тарзи билан зимдан қизиқсиниб юрган Болтаевни кўрган-билганлари жуда таъсирлантирди, ҳавасини келтирди. Хийла олис ўтмишда ўзи ҳам бокс машғулот қопига шундай иштиёқ билан ташланишлари эсига тушиб, ўртаниблар кетди. Жуда кўпдан бери бокс тугул жўнгина бадантарбия билан ҳам шуғулланмай қўйганидан афсусланди. Алҳол, жисмоний куч-қувват ўз ҳаётида нечоғли аҳамиятли бўлганини у чуқур англарди. «Тошкентга қайтгач, жиддий шуғулланишга киришаман, – дея хаёлидан ўтказди у, анчагина заифлашиб қолган қўл-билакларига разм соларкан, – бу дунёда қаттиқ муштдан, қаҳрли қарашдан ортиқроқ қудрат йўқ. Буни бошқа билмаса ҳам мен биламан-ку...»

Лекин ҳаётда Восиқ Асадович Болтаев – Марказқўмнинг ишончли вакили билмайдиган, уни таажжубга соладиган ҳодисотлар ҳам кўпга ўхшарди. Ана, Ислом Каримовнинг юриш-туриши, иш тутими бунга мисол. Кимсан, бутун бошли вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби шундай оддий бир ҳужрада қўним топган бўлса-я?! Кабинетда қўр тўкиб буюриш, талаб қилиш ўрнига ўзи далама-дала кезса, аллақандай деҳқонлар, чўпон-чўлиқлар билан бамаслаҳат иш юритса, буни қандай тушуниш мумкин? Ҳолбуки, Марказдан пайдарпай узатилаётган турли-туман қарору фармонлар, кўрсатма-уқтирмалар етарли дастуриламал эмасми? Ортиқча жон куйдириб, бошга ортиқча ташвиш орттириб нима зарур? Қизиқ, нима истайди ўзи бу одам?! Кўп ҳолларда, ҳатто Марказ талабларини ҳам назар-писанд қилмаяпти. Масалан, бу йил ҳисобида бирор қарич ер ҳам ўзлаштириш кўзда тутилмаган. Ваҳоланки, раҳбар-

лар «Нима қилиб бўлса ҳам қўриқ ерларни кўпайтир, давлатга кўпроқ пахта етказиб бер», деб дам сайин қисталанг қилгани қилган. Ислом Абдуғаниевич эса буткул бошқача иш тутяпти. Мавжуд ер ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш энг долзарб вазифалигини деҳқонларга уқтиряпти. Тағин ўзича аллақандай ислоҳотлар ўтказмоқчи... одамларга томорқалар бериш қайғусини чекиб юрибди... Нима, шундай ислоҳотлар бугун зарур эканини бошқалар, масалан, Болтаев билмайдими, тушунмайдими? Билади! Билганда ҳам ҳаммадан кўпроқ билади. Лекин бундай ташаббускорликдан унга қандай наф? Оқимга қарши сузиб, юқоридагиларнинг ғашига тегишнинг нима зарурати бор?! Яхшиси, казо-казолар нимани лозим топишса, шуни бажариб, бошқа пайт ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлаб юргани маъқул эмасми? Хуллас, бу Каримовни тушуниш қийин, жуда қийин... Ахир, вақти-соати етиб ундан пахта ҳақида сўрашади-ку, режалар ижроси талаб қилинади-ку?! Бу раҳбар ўз ўжарлиги, ислоҳотлари билан ўз илдизига болта ураётганини наҳотки англамаса? Шу ёғи камдай, тағин «Пахта иши» бўйича ноҳақ қамалганларни қутқараман, деб чопиб юриши-чи! Тошкент тугул Москвада ҳам унинг бу қилмишлари дув-дув гап. Ҳарҳолда оқибати ўзига кўнгилсиз бўлиши кўриниб турибди. Аммо Ислом Каримов бундан хулоса чиқариш тугул, тобора олов ичига кириб боряпти...

Марказқўмнинг ишончли вакили шулар ҳақида ўйларкан, ўз истагига қарши ўлароқ барибир ич-ичида бир ҳақиқатни тан олди: Ислом Каримов вилоят раҳбари лавозимида иш бошлаганига эндигина беш-олти ой тўлган бўлишига қарамай, қашқадарёликларнинг меҳр-муҳаббатини қозониб улгурибди! Республиканинг деярли барча вилоят ва туманлари карахтлик, тушкунлик кайфиятига қоришиб ётган айни пайтда бу

ерда аллақандай руҳий кўтаринкилик, ишонч ва умид туйғулари, меҳнатга иштиёқ устувор. Болтаев туманларни кезгани маҳал бу ҳолни пайқади.

Бир гал Чўлиев иккови чекка туманларнинг биридаги уч-тўрт хўжаликларни текшириб, Қаршига қайтиб келишарди.

Қоқ пешин пайти. Айни кўклам кунларига хос бўлмаган жазирама жизғанак қилгудек жазавада эди. Тирик жон ўзини соя-салқинга урган.

Бир маҳал овлоқ бир пайкалда, ғўза ниҳолларига ишлов бериб юрган, жимир-жимир ҳовур ортидан худди эриб бораётгандек кўринаётган трактор эътиборларини тортди. Афтидан, бригадир бўлса керак, трактор кабинасига қора қумурсқадек илашиб олган кимса ишлов жараёнини диққат билан кузатиб борарди.

«Қани, бу фидойи меҳнаткашлар билан бир танишиб қўяйлик-чи», деди Болтаев қизиқсиниб.

Оппоқ «Волга» енгил чанг-тўзон қўзғаб, пайкал ёқасида тўхтади. Трактор кабинасига омонат осилиб олган одам сакраб ерга тушдию шу томонга ошиқди. Ҳойнаҳой, у машинани кўриб, «Раҳбарлар келиб қолди» деган тусмолга боргани аниқ. Бироқ у амалдорларнинг эмас, узоқ йиллар кўришмаган оғасининг дийдорига интиқдек ғалати бир ҳовлиқиш, ҳаяжон билан чопқиллаб келардики, буни пайқаган текширувчилар ҳам ажабсиниб ўзаро кўз уриштириб олишди.

Офтобдан кўмирдек қорайган, пастак бўй, уст-боши сарғиш чанг-гардга беланган бу киши чиндан ҳам бригадир экан. У яқин келиб саломлашди-ю, худди ҳафсаласи пир бўлгандай туйқус бўшашиб қолди. Гоҳ оппоқ «Волга»га, гоҳ меҳмонларга жонсарак тикилди.

– Нима, бошқа бировни кутаётганмидингиз? – деб сўради Чўлиев бригадирнинг саросимасидан энсаси қотиб.

– Йў-ўғ, ўзим, шунчаки, – деди бригадир кулиб, сўнг «Волга»га ишора қилди, – манови машина худди Ислом акани олиб юрадиган уловга ўхшаркан, шунга... Ислом ака келиб қолдиларми, деб ўйлабман...

Теваракни таманно билан кўздан кечираётган Болтаевнинг жаҳли чиқди.

– Нима, бунақа машинада фақат Ислом акангиз юрадими?

– Обкомдаги ҳамма хизмат машиналари бир-бирига ўхшайди, ака, – деб минғирлаб қўйди Чўлиев.

Бригадир айбдорона бош ирғаб тураверди. Болтаев унга синовчан кўз ташлади.

– Ислом Абдуғаниевични танийсизми? Ҳеч яқиндан кўрганмисиз ўзи?

– Бўлмаса-чи! – деди бригадир, худди ўйинчоғини кўз-кўз қилишга чоғланган боладай кўзлари порлаб, – обком бува бизнинг далага икки марта келган, мен билан кўп гурунг қилган. Эсимни таниганимдан бери мана шу дала-даштдаман, тўғриси, шу пайтгача, бирор каттакон келиб ҳол-аҳволимни сўраганини эслаёлмайман, келганлари ҳам сўкиб-ҳақоратлашдан нари ўтмаган. Ислом ака эса...

– Э, бўлди-е... – дея бригадирнинг гапини бўлди Болтаев энсаси қотиб. Сўнг ғўза ниҳоллари эндигина нишлаб чиққан пайкал томон юрди. Тажрибали мутахассис сифатида у ёқ-бу ёқни кўздан кечираркан, деҳқонлар иши анча мақтовга лойиқ эканини пайқади. Шундай эса-да, эътироз билдирган бўлди:

– Нега уруғ эндигина уняпти? Экишни кеч бошладиларингми?

– Ҳа, ҳамишагидан сал кечикдик, катта бува, – деди бригадир, – Ўзингиз хабардорсиз, бу йил жуда серёғин келди. Шунга сал кеч бошладик... Лекин чигитимиз тез кўкариб чиқяпти, чунки ерда намлик кучли...

– Серёғинлик экишни кеч бошлашга баҳона бўлолмайди, дўстгинам. Яхшиси, иккита қўйни тракторга ортиб олиб бозорма-бозор юрдим, экин вақти эканини унутиб қўйдим, деб тўғрисини тан олиб қўяверинг...

– Катта бува... – дея эътироз билдирмоқчи бўлди бригадир.

Болтаев қўрслик билан уни гапиришга қўймади.

– Қолаверса, дўстгинам, ернинг намлигию чигитнинг тез унаётгани билан ҳали мақтанманг, менимча, бунга ҳали эрта. Қашқадарёни мен ҳам яхши биламан, эрта-индин шунақа жазирама бўладики, ерингиз минг йил сув кўрмагандай қақраб қолади. Ана ўшанда кўрамиз ҳолингизни. Ҳатто чигитингиз ҳам кераклича униб чиқмаслиги мумкин. Устига-устак, сизлар чигитни анча сийрак ташлаяпсизлар.

– Бу йил шундай бир тажриба қилиб кўрмоқчи эдик, – деди бригадир ботинмайгина, – менимча, экинимиз ёмон кўкармаяпти.

– Яна тажриба, яна янгилик, – деб пўнғиллади Болтаев энсаси қотиб.

– Ислом Абдуғаниевич шундай таклиф қилган бўлса керак-а? – деди Чўлиев.

Бригадир қизғин бош ирғаб маъқуллади.

– Бўпти, тажрибаларинг яхши ҳам дейлик, натижа қандай бўлади, натижа! Планларни бажариб, ҳукуматимиз олдида юзимиз ёруғ бўладими, йўқми? Сиз шундан гапиринг, планни бажаришга кўзингиз етадими?

Болтаевнинг асабий тарзда айтган бу гапларини бригадир анча хотиржам тинглади. Сўнг шу ҳолатда жавоб берган бўлди:

– Катта бува, биз бир оддий деҳқонмиз. Қайишганга қайишамиз, бўлишганга бўлишамиз. Юзимизга меҳр билан қараган одамнинг юзини ҳеч қачон ерга қаратмаймиз. Шундай экан, бошқаларни билмадим-у, лекин

мен Ислом ака билдирган ишончни оқлашга, ҳам ўзимнинг, ҳам у одамнинг юзини ёруғ қилишга қаттиқ ҳаракат қиламан.

Бригадирнинг шоирона гапларига Болтаев истеҳзоли илжайиб қўйди...

Восиқ Асадович пойтахтга қайтиш тараддудини кўриб, ул-бул нарсаларини жомадонга жойларкан, шундай хаёллар исканжасида гоҳ хона бўйлаб юрар, гоҳ чала ёнган шамдай тек қотиб қолар эди.

У чуқур тин олиб қўл соатига кўз ташлаб қўйди. Аэропортга чиқадиган вақт ҳам бўлиб қолибди. Ҳозир Чўлиев келадию уни кузатиб қўяди. Ҳа, Восиқ Асадович шундай сирли бир тарзда, ими-жимида жўнаб кетишга қарор қилган. Гўё шундай йўл тутса, ишончли вакилнинг хайр-маъзурни насия қилиб, тўсатдан жўнаб кетганидан вилоят раҳбари ташвишланиб қоладигандай, қандай хатоликка йўл қўйганини ўйлаб, қаттиқ азият чекадигандек туюлди. Ислом Каримовнинг ташвишли қиёфаси кўз ўнгида жонланиб, ҳузур билан илжайди.

Шу пайт хонага Чўлиев ҳовлиққанча кириб келди.

– Восиқ ака, сизни Ислом Абдуғаниевич сўраяптилар. Шахсан ўзлари сизни кузатиб қўймоқчи.

– Нима?! Ҳазиллашяпсизми?

Чўлиев ҳазиллашмаган экан. Ислом Абдуғаниевич ишончли вакилни кабинетида хуш кайфият билан қарши олди.

– Восиқ Асадович, дарров кетадиган бўлиб қолдингизми?

– Ҳа, Тошкент ҳар ўн кунда ёзма ҳисобот-ахборот беришимни сўраган, – деб қўйди Болтаев вилоят раҳбарини хавотирлантириш мақсадида.

Лекин бу нарса Ислом Абдуғаниевичга акс таъсир этгандай бўлди.

– Жуда яхши-да... Ахборот – бамисли кўзгу, унга қараб юқоридагилар ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлишади. Лекин бу кўзгуни туфлаб артмаслик керак.

Болтаев истамайгина кўрсатилган жойга ўтираркан, вилоят раҳбарининг иш столи устида қип-қизил лола дастаси солинган мовий вазалар кўпайганини пайқади. Пайқадию хаёлига лоп этиб тагдор, сермазмун гап билан Ислом Абдуғаниевични ерпарчин қилиш фикри урилди.

– Булар, – дея тиржайди у лолаларга ишора қилиб, – бугун яшнаб турадиｰю, эртага сўлиб қолади, илдизсиз гулларга намунча меҳр қўйгансиз, Ислом Абдуғаниевич?

– Нега энди, – деди вилоят раҳбари хотиржам, – буларнинг илдизи бор.

– Қани? Мен кўрмаяпман-ку?!

– Сиз кўролмайсиз, Восиқ Асадович, илдизлар юрагимда, бу гуллар ҳеч қачон сўлмайди.

Болтаев гап қўзғаганига пушаймон бўлди.

VII

Кўкда юлдуз учди. Ғуж-ғуж олтин тангалардек товланиб ётган тўпини ташлаб шиддат билан пастга отилди.

Қоп-қора тунга қоришиб, беҳол-бемажол келаётган кимса бунга эътибор бермайди. Ҳолбуки, у илгари юлдузлар сирли бир тарзда жимирлаб ётган осмон тоқига соатлаб тикилиб ўтиришни, бир-биридан ёруғ ва фараҳли орзуларга берилишни ёқтирарди. Бехос юлдуз учса, «Кимнингдир жони узилди» деган ақидага кўра, чинакамига афсусланиб, ўзи билганича дуо-калима ўқиб қўярди. Энди эса... лоқайд ва ҳорғин аҳволда, худди қабрдан ногоҳ тирилиб чиққан мурдадай судрак-

ланиб бормоқда. Озиб-тўзиб кетганидан кийимлари қопдек шалвираган. Аҳён-аҳён нафас ростлаш илинжида туриб қолганида бамисли полиз қўриқчисидай қўрқинчли кўринади. У бир пайтлар шу дала-дашт бўйлаб шамолдай кезиб юрган, орзулари осмондай юксак ва бепоён ёш агроном Шаймардон Аллаев эканини биров хаёлига ҳам келтирмайди. Кўрганлар танимай, «Аллақандай дарбадар бўлса керак», деган ўйда шоша-пиша четлаб ўтади, ён-верига қарамай липпа қочади.

Мана, ниҳоят, Шаймардон қишлоқлари томон элтувчи икки чеккаси тутзор йўл бошига етди. Тун ҳашаротлари гўё уни тантанавор кутиб олишга чоғлангандек, бири қўйиб, бири олиб бетиним чириллайди. Тутзор ортидаги ариқ томонда қурбақалар чўзиб-чўзиб қуриллайди. Суғориладиган дала ёқдан эсган салқин эпкин юз-кўзларини силаб-сийпалаб ўтади...

Куни кеча неча бир чиғириқдан ўтказилиб, ниҳоят, қамоқдан озод этилган Шаймардон бугун пешин маҳали Қаршига етиб келганди. Бирор таниш-билиши кўриб қолишидан чўчиб, ўғри мушукдек теварагига аланглаган кўйи поезддан тушди. Сўнг худди шу алфозда ўз туманлари чегарасидан ўтиб кетадиган автобусга ўтирди.

Кун ҳаддан ташқари иссиқ эди. Бу ҳам камдай, тобора кучаяётган ҳаяжон-таҳлика Шаймардонни ғарқ терга ботирди. У кўзлаган манзилига етганида қуёш уфқ томон оғиб борарди. Шаймардон чор атроф пахта далаларидан иборат бўлган овлоқроқ жойда автобусдан тушиб қолди. Ҳайдовчи ҳам бу ғалати йўловчига тааж-жубланиб қараб қўйди.

Бу ерлардан унинг қишлоғига довур роппа-роса тўқ-қиз чақирим келарди. Шаймардон катта бир қайрағоч сояси тагида хийла пайт дам олиб, ўзича режа тузиб олгач, кунботар чоғи пою пиёда йўлга тушди. Мана, тун яримдан оққан маҳал у қишлоғига элтувчи йўл бў-

йига чиқиб олди. Шаймардоннинг тинкаси қуриганди. Лекин у айни пайтда қишлоғи узоқ-узоқда бўлишини, унга ҳеч қачон етолмаслигини истарди.

«Одамларнинг кўзига қандай тик қарайман?! Улар билан қандай гаплашаман? Йўқ, айбим нима ўзи менинг?!»

Худди шундай тиғли саволлар қамоқхона дарвозасидан чиққандан бери унинг юрагига санчилиб-санчилиб келарди. Ўзини овутишга минг чандон уринса-да, барибир эплаёлмай, тағин алам-изтиробли хаёллар оғушида қоларди.

Рост, қариндош-уруғ, дўст-бирадарларнинг олдида қандай бош кўтариб юради энди?! Ахир, иш юзасидан, давлат манфаатини кўзлаб, кези келганда уларни ҳам сира аямасди-ку?! Пахта учун, режа учун жонини беришга ҳам тайёр эди-ку?! «Қалайсан, Шайман шошқалоқ, ўлиб-тирилиб ишлаганларинг эвазига охири мукофотини ҳам олдингми», дея истеҳзо қилишмайдими? Дўсту душман бети қолиб, кети билан кулмайдими? Ахир унинг талабчанлигидан, ҳалоллигидан жабр кўрган олғир, товламачи одамлар қанча?! Ана, энди барчаларига зўр эрмак топилди...

Тутзор оралаб довдир-довдир бораётган Шаймардон тағин шундай хаёллар хуружида қолдию мункиб кетди. Бўғзидан аламли бир ингроқ сизиб чиқди: «Эй Худо, шарманда қилмай, жонимни олиб қўяқол...»

Шаймардон Аллаев роса икки йил қамоқхона азобини тортди. Лекин шу ўтган вақт мобайнида у зах, сассиқ камералардан, ранги совуқ, бераҳм назоратчилар калтагидан кўра жавобсиз, тўқмоқдек тўмтоқ саволлардан кўпроқ қийналди. У ўз айбини, ўз жиноятини ҳеч англаб етолмасди. Аввалига, уни сўроққа чақириб, сўнг қамаб қўйишганда аллақандай англашилмовчилик, деган хаёлга борди. Ҳатто тергов пайти

камерадаги маҳбуслардан бири Шаймардоннинг байрамона либосларига азбаройи ачиниб: «Уйдагиларга тайинланг, сизга сал мундоғроқ кийим келтириб беришсин» деганида, ёш раис қувноқ оҳангда: «Ечиниб кийинишга улгурмайман-да», дея ҳазиломуз жавоб берган, эрта-индин бу тутқунликдан қутулишга шак-шубҳасиз ишонган эди. Аммо чучварани хом санаган экан. Бошида енгил-елпи суҳбатмонанд бошланган сўроқ-тергов орадан бир ойча вақт ўтиб, очиқ-ошкора таҳдид-тазйиққа айланди.

Энг ғалати томони, терговчилар кунора алмашар, ҳар янги келгани эскисининг саволларини тўтиқушдай такрорлар, Шаймардон эса бир хил жавобни ҳадеб қайтараверib, зерикиблар кетарди.

– Ёш бошингиз билан қандай қилиб йирик бир хўжаликка раис бўлиб олгансиз? – деб сўради қошлари қалин, билаклари жундор терговчи кунларнинг бирида ярим кечаси сўроққа кириб.

Шаймардон одатдагидек ростини айтди. Колхоз раисининг «Мен анча қариб қолдим, кўзим тириклигида сендай яхши мутахассис ўрнимни эгаллагани маъқул» деганини, сўнг орадан кўп ўтмай, хўжалик раислигига сайлашганини гапириб берди.

– Менга қара, Аллаев, – дея ногоҳ столга гурсиллатиб мушт туширди терговчи, – майнавозчиликни йиғиштир. Сени катта пора эвазига райком Эргашев раисликка тайинлагани аллақачон исботланган.

Шаймардон Аллаев кутилмаган туҳматдан гангиди. Тили калимага келмай, терговчига бақадай бақрайиб қолди.

– Ака, туҳмат қилманг, – деди бироздан сўнг аранг, – мен-ку майли, лекин Асрор ака Эргашевга ундай айблов қўйманг. У киши жуда покиза одам...

Терговчи тиржайди.

– Сен ҳали ўзингни оқламай туриб, бошқаларни ҳимоя қиляпсанми? Ҳозир ақлингни пешлаб қўямиз...

Ўша тунда Шаймардон Аллаев камерага чалажон ҳолда қайтди. Байрамона либоси оғиз-бурнидан оққан қип-қизил қонга беланди.

Орадан икки кун ўтиб, тағин тун ярмида уни терговга олиб чиқишди. Туман раҳбари Асрор Эргашевга пора берганлигини тасдиқлаб ёзиб беришини талаб қилишди. Шаймардон бош тортди. «Ёзасану бу ердан омон-эсон чиқиб кетасан», дея уни аврашга киришдилар. Аллаев яна қайсарларча туриб олди. Эвазига ур-калтак билан сийлашди.

– Айтганларини қилаверинг, – деди тажрибали маҳбуслардан бири, – барибир Асрор акангизни энди қутқаролмайсиз. Сизнинг кўрсатмангиз бўлмаса ҳам уни бирёқли қилишади. Беҳуда калтак еганингиз қолади.

Аммо бу маслаҳат ҳам наф бермади. Шаймардон қайсарлигича қолаверди. Ва унинг қайсарлиги ҳам наф бермади. Орадан тағин бир ойча вақт ўтиб, Шаймардон Аллаев пора берганликда, яна аллақандай жиноятларда айбланиб, етти йилга озодликдан маҳрум этилди. Ёш раис, ўзи қувноқ таъкидлагандек, ечиниб-кийинишга ҳам улгурмай ўзини баланд деворли, тиканли симлар тортилган қамоқхона ҳовлисида кўрди. Бу ерда у билдики, ўзига ўхшаган маҳбуслар жуда кўп экан. Ҳар бирининг дил фиғонидан дунё минг карра ёниб, кул бўлса арзийди. Мана, орадан икки йил ўтиб, ажойиб кунларнинг бирида уни қамоқхона бошлиғи ҳузурига чорлашди. Тепакал полковникнинг ёнида оҳорли костюм-шим кийган, хушбичим, қуюқ сочлари қия-қия таралган бир киши ҳам бор экан. Қамоқхона бошлиғининг ялтоқланиб, муомала қилишига қараганда нуфузи баланд одамга ўхшайди. Улар анча пайт суҳбатлашдилар. Маълум бўлдики, Аллаев бу ерга англашилмовчилик касридан

тушиб қолибди! Сўроқ-тергов ҳужжатлари сохталаштирилган эмиш! Баъзи бир расмиятчиликлардан сўнг Шаймардон Аллаев озодликка чиқарилар экан!

Суҳбат сўнгида маҳбусни синчковлик билан кузатиб турган ўша хушбичим киши тўсатдан сўраб қолди:

– Каримов сизга ким бўлади?

Маҳбус бир зум каловланиб туриб қолди. Амалдор кимни назарда тутаётганини билолмай гарангсиди. Тағин бирорта одамга туҳмат қилишимни талаб қилиб қолишса-я, деган гумон кўнглини чақмоқдек куйдириб ўтди.

– Нега индамайсиз, Каримов кимингиз бўлади? – дея сўровини такрорлади амалдор.

– Оғам, – деди Шаймардон кесатиб.

– Ҳа-а, тоғангизми, – деди киши илжайиб, – уйга қайтгач, бизнинг номимиздан тоғангизга салом айтиб қўйинг, хўпми?

– Кимдан салом айтай?

Хушбичим киши номини, амалини айтди. Бироқ кутилмаган янгиликдан андак довдираб, андак ҳаяжонланиб турган маҳбус унинг айтганларини тузук англаб ололмади.

«Мен озодманми?! Мен эркин қушманми? – изтироб билан ўйларди тутзор оралаб судралиб келаётган шарпа. – Йўқ, мен тутқунман! Шармандалик, иснод тутқуниман!»

У ҳолсизланиб йўл чеккасига тўкилган шағал уюми устига ўтириб қолди. Қоронғиликка қоришиб ётган теваракка лоқайд кўз ташлади. Лекин унинг асл деҳқонлик сезгилари лоқайд эмасди. Кўрмаса ҳам, кўришни истамаса ҳам шамолнинг эсишидан, таралаётган тупроқ, кўкат исидан дала-даштнинг ҳол-аҳволини билиб келарди.

«Бу йил ғўза бўлиқ бўпти», беихтиёр хаёлидан ўтказди Шаймардон. Лекин бу ўй унга на қувонч, на

таскин бера олди. Илгарилари ғўза бир қарич ўсса, севинчдан ўз бўйи гўё ўн қарич чўзилгандай бўларди. Говмиши эгиз болалагандай, хароба кулбаси кошонага айлангандай ўз-ўзича ирғишлаб, лабидан хиргойи тушмай қоларди. Энди эса... пахтадан тоғ бўйи хирмон уйилса ҳам кўнглига илиқлик кирмайди. Ахир, кўнгли нега илисин, недан завқ-шавқ олсин? Давлат мулки, хўжалик манфаати, деб кечаю кундуз югурганлари, куюнчакликлари учун боплаб мукофотлашди-ку?! Икки йил қамоқ азобини чекди-ку?! Англашилмовчилик эмиш... ҳужжатлар сохталаштирилган эмиш... баҳонани қаранг. Шундай аҳмоқона англашилмовчиликни деб, инсон етти йил қамоқда чириса майли экан-да?! Қандай жамият ўзи бу? Матбуот деганлари бизда инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан улуғ, дунёдаги энг инсонпарвар мамлакатмиз, дея оғиз кўпиртириб мақтангани мақтанган. Бир фидойи меҳнаткаш панжара ортида қон қусиб, ўлса ҳам бировнинг сариқ чақачалик иши йўқ. Жуда зўр келса: «Англашилмовчилик, ҳужжатлар сохта экан», дея жўнгина қутулибгина қўйишади. Яхшиям омади чопиб, Шаймардон ҳали кимлигини ҳам билмайдиган, бир олижаноб киши масалага аралашибди. Йўқса, орзулари ҳали очилиб гулламаган навқирон йигит ҳеч бир айбсиз, ҳеч бир гуноҳсиз тутқунликда ўлиб кетармиди?!

«Ия, ия, тўхта, нега мен ўша ёрдам берган одамни ўз-ўзимча олижаноб деб атаяпман, – лоп-лоп хаёлидан ўтказди Шаймардон, – балки, ҳаммаси бошқача бўлгандир, балки...»

Миясида чарх урган шубҳа-гумонлардан озод тутқун безовталанди. Шағал тошлари баданига ботиб-ботиб кетди. Кирланган, алланеларнинг бадбўйи ўтириб қолган қўллари билан манглайини ғижимлади.

Наҳотки ҳамма-ҳаммаси бошқача бўлган?! Уйдагилар бор-будларини сотиб, пул йиғиб, қандайдир тамагирга беришгану... сўнгра у ишга аралашган! Наҳотки, шундай бўлган? Қизиқ, нега бу ҳақда илгари ҳеч ўйлаб кўрмади? Йўқ, йўқ, қамоқхонада ҳам бу фикр миясида бир-икки милтиллаб ўтган эди. Сўнг яна нималаргадир чалғиб... тўғрироғи, ўз изтироблари билан бўлиб, бу ҳақда бошқа бош оғритмабди. Қаранг-а, энг сўнгги дамгача фақат ўзини ўйлабди, ўз тақдирининг қайғусини чекибди. Ахир, оиласи нима бўлди?! Умри азоб-уқубатда ўтган, тўридан гўри яқин меҳрибон отажонининг аҳволи не кечди экан? Бир жигарларини қутқариб олиш илинжида топганларини ўртага тўккан, имкон қадар кўмакка қўл чўзган қавму қариндош омонми? Ҳар ўйлаганда юрагини тутдек тўккан, соғинчи ҳар недан ширин жажжи ўғилчаси қалай экан? Тақдирнинг энг олий туҳфаси деб билгани, жонидан, бутун борлиғидан ортиқ севадиган жуфти ҳалоли Зубайданинг ҳоли не кечди?! Агар чиндан ҳам бор-будларини сотиб, бир дардисарнинг тезроқ озод бўлиши учун сарфлашган бўлса, егали ушоқ ҳам тополмай ўтиришгандир?! Нега бу ҳақда аввалроқ тузукроқ бош қотирмади?!

Шаймардон ҳануз шағал уюми устида ўтирган кўйи узоқ йўл босганидан қақшаб оғриётган қоқсуяк белоёқларини уқаларкан, шундай эзгин хаёллар хуружидан баттар эзиларди.

Теварак зим-зиё. Салқин бир эпкин ҳамон тимирскиланиб юрибди. Пилла мавсумида бор буталаридан айрилиб, каллакланган тут дарахтлари ўқталган баҳайбат муштлардай ваҳимали туюлади.

Ана, кунботар томонга узалиб кетган йўл ҳам қоронғиликда ғира-шира кўринмоқда. Ҳар бир қадами, ҳар бир муюлиши Шаймардонга жуда таниш, жуда азиз бўлган бу йўл Қоратиканга, Зубайда униб-ўсган қишлоққа элтади.

Зубайда! Шаймардон уни бир кўришдаёқ севиб қолган. Кейинчалик, эр-хотин ўша илк учрашувни кула-кула эслашиб, кула-кула таъкидлашгандек, шошқалоқлик билан севиб, шошқалоқларча уйланган. Лекин бундан Шаймардон ҳеч қачон пушаймон бўлган эмас.

«Шошқалоқ феълим учун Худо менга йўллаган инъомсан», дея эркаларди у хотинини, азбаройи ҳовлиққанидан қалин лаб-лунжида тупук кўпикланиб. Қизиқ, ёш агроном кўнгил изҳор қилган галдаги учрашувларнинг бирида Зубайда ўз ўтмишини, Рашид деган йигитга унаштирилганини, лекин қисмат шафқатсизлик қилганини айтиб берганида ҳам, Шаймардоннинг негадир рашки келмаган, тўғрироғи, бу маъюс гаплар қулоғига кирмаган. Ҳойнаҳой, қаршисида турган гўзал вужудни тезроқ қучиб, тезроқ ундан бўсалар олишга ошиққанидан бўлса керак. Эҳ, бу шошқалоқлик... Ўша, кетмон сал-пал шилиб ўтган кўчат баҳона танишганларидан кейин, эс-ҳуши Зубайда бўлиб қолган ёш агроном хийла ноқулай аҳволга тушиб гангиганди. У бирор баҳона билан кунора ўша бригада даласига борарди-ю, аммо... рўдапо кийимларга бурканиб, офтоб тиғидан сақланиш учун бошларини катта, оппоқ рўмолларга ўраб-чирмаб олган ўн-ўн беш чоғли хотин-қизлар ичида қай бири Зубайда эканини билолмай тинкаси қурирди. Афтидан, кетмон чопиб юрган хотин-қизлар ёш агрономнинг ҳоли забунини пайқашса керак, қитмирлик билан, бир-бирини киши билмас «Зубайда» номи билан чақириб Шаймардонни, Шайман шошқалоқни хўб довдиратишарди. Лекин дийдорталаб ёш агроном фитналарга учмай, сабр-тоқат билан пайкал оралар, деярли ҳар бир чопиқчининг ёнига шошилмай, ҳа, шошилмай бориб, хушмуомалалик билан чопиқ сирларини ўргатган бўлар ва шунинг баробарида, уларнинг ғира-шира кўриниб турган кўз-қошларига синчков тикиларди. У Зубай-

дани кўзларидан, муҳаббат ва муҳаббат сачраб турган қароғларидан таниб оларди. Эҳ, у дамлар...

Онг-шуурида кечган бир неча лаҳзалик чароғон хотиралардаммн ё тун чекина бошладими, ҳарқалай, ўрнидан туриб қишлоқ томон яна довдир-совдир кетиб бораётган Шаймардонга теварак андак ёришгандек туюлди. Шунда ҳалигина ўтирган шағал уюми тағин уч-тўрт жойда дўппайиб турганини пайқади.

«Йўлга тош тўшаб, асфальт қилишяптими?! – дея таажжуб билан ўйлади у ён-верига аланглаб, разм соларкан, – ҳай, билмадим-да, эсимни танибманки, бу йўл қишда ботқоқ, ёзда билқ-билқ тупроқ».

Тағин бироз юргач, йўл чеккасида чала ярим ўрнатилган, қувурларни илғаб, ажабланиши баттар ортди: «Қишлоққа газ ҳам олиб келишмоқчи, шекилли?»

Шаймардон, адашиб, балки бошқа бир қишлоққа келиб қолмадимми, деган шубҳада теваракка саросар алангланди. Йўқ, ҳеч адашмаган. Ана, уйига элтувчи қинғир-қийшиқ кўча шундоққина тумшуғи тагида турибди. Таниш, қадрдон манзараларга кўзи тушдию тағин изтироб-аламлари хуруж бошлади. Ҳалигина кўнглини, қора тунни заифгина ёритган хотиралар ёғдуси ногоҳ кўкда учган юлдуздек сўнди.

«Ё Худо, ҳамқишлоқларим юзига, қандай қарайман? Энди нима деган одам бўлдим мен?! Манови қурилаётган йўлдан, манови олов олиб келувчи қувурлардан мен ғарибга нима наф? Юрагимнинг олови аллақачон сўнди. Йўқ, мен бу ерларда ортиқ яшай олмайман. Бола-чақамни олиб, кимсасиз, овлоқ жойларга кўчиб кетаман. Ҳа, кетаман».

Шаймардон қишлоқ бўсағасида беихтиёр тиз чўкдию исқирт, озғин қўлларини юзига босиб, титраб-қақшаган кўйи йиғлаб юборди.

Кўкдан юлдуз учди.

VII

Ислом Абдуғаниевич ажамлар можаросидан сўнг, кўп ўтмай жанжалкашлар тилга олган ўша райкўмни чақиртирди.

Воқеадан хабардор туман раҳбари ранг-қути ўчган кўйи етиб келди.

– Нега одамларга берган ваъдангизни бажармайсиз? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич унга норизо кўз ташлаб.

– Ўзингиз биласиз, Ислом ака, туманимизда гўшт режаси икки йилдан бери оқсаб келади. Шунга... одамларни гўшт топширишга қизиқтирай деб...

– Ёлғон ваъда бердингиз, шундайми?

Туман раҳбари ерга тикилган кўйи мум тишлаб қолди.

– Қачонгача одамларни алдаймиз, дўстим? Вилоятдаги парокандаликнинг асл сабаби шу эмасми? Бундай аҳволга сира тоқатим йўқ менинг.

– Улар ўзи шунақа, жанжалкаш халқ, – деб ғудранди туман раҳбари ўзини оқлашга уриниб.

– Ия, гапингиз қизиқ бўлди-ку, ҳақини талаб қилган одам сизнингча жанжалкашми? Гап бундай, дўстим, ваъдани бажаринг, мен бошқасини билмайман.

Туман раҳбари Ислом Абдуғаниевичга жавдираб тикилди:

– Мен... мен ахир машинани Ёдгорипга берганман. Биласиз, у ҳам машҳур бригадир. Режани бажарган...

– Машинани Ёдгоровга бериб нотўғри қилгансиз демоқчи эмасман. Мен сўзингизда туринг, лафзингиз ҳалол бўлсин, деяпман. Тушундингизми? Менинг принципим шу! Ернинг остидан бўлса ҳам машина топинг.

Туман раҳбари бўйнига оғир тош осилгандай, судралган кўйи кабинетдан чиқиб кетди.

Ислом Абдуғаниевич иш столи устидаги варақни яна қўлига олди. Унда ажамлар қишлоғи – Қайновдан чиққан раҳбар кадрларнинг рўйхати битилган эди. Биринчи котиб уч кундан бери шу рўйхатга термилади. Кўзлаган режасига муносиб кадр излайди. Уларнинг баъзилари билан суҳбатлашиб ҳам кўрди. Лекин кўнгли тўлмади. «Мураталиев» деганлари анча тузук одамга ўхшайди. Вилоят бўйича турли лавозимларда ишлаган. Айни пайтда қўриқдаги йирик бир совхозда директор экан. Кечаги у билан бўлган илк суҳбат Ислом Абдуғаниевичда яхши таассурот қолдирди. Бугунга яна келишини тайинлаган эди. Келдимикан?

Вилоят раҳбарининг хаёлларини сезиб тургандай бўсағада ёрдамчи кўринди.

– Мураталиев шу ерда, кирсинми? – деди у одати бўйича қўлидаги қоғозига бир қараб олиб.

Ислом Абдуғаниевич ўйчан бош ирғади.

Мураталиев узун бўйли, чайир ва қотма, хушсурат киши эди. Нигоҳларида раҳбарларга хос ифода сезилиб турарди.

– Қайновдан чиқиб кетганингизга неча йил бўлди? – деб сўради вилоят раҳбари, Мураталиев кўрсатилган жойга ўтиргач.

– Йигирма йилча бўлди. Ишлар, вазифалар билан...

– Мен қадрдон қишлоғингизга икки марта бордим. Анча хароб. Бундан хабардормисиз?

Мураталиев бош ирғади.

– Ҳа, қариндошларим ҳам ҳар кўришганда нолиб қолишади.

– Менда бир фикр бор, – деди Ислом Абдуғаниевич иш столи устидаги қоғозларни нари-бери суриб, – Қайнов совхозига ўзингиз раҳбар бўлсангиз. Элга чинакамига оқсоқоллик қилсангиз...

Кутилмаган таклифдан Мураталиев бесаранжом бўлиб қолди.

– Билмадим... сизлар нима десаларингиз шу...

– Сизни танлаётганимнинг икки сабаби бор. Биринчидан, қайновликларга яхши бир... кўпни кўрган, сиёсий-ижтимоий аҳволни теран тушунадиган, одамларни ортидан эргаштира оладиган раҳбар керак. Ҳозирги аҳволда элатдошларингиз қизиққонлик қилиб, аллакимларнинг фитнасига учиб, ўзларига бирор кун жабр қилиб қўйишлари мумкин. Иккинчи сабаб шуки, сизнинг ободончилик, ташкилий ишларда катта тажрибангиз бор. Иккимиз қўлни қўлга бериб Қайновни обод қилсак, дейман.

Мураталиев вилоят раҳбарининг сўзларидан тўлқинланиб кетди.

– Ишончингиз учун катта раҳмат, Ислом Абдуғаниевич!

– Сизга имконият даражасида ўзим ёрдам бераман. Белни маҳкам боғлаб, ишга киришаверинг.

– Хўп!..

...Мана, ўша суҳбатдан бери ҳам беш ойча вақт ўтибди. Мураталиев нима ишлар қилди экан? Қайновликлар мамнунми? Навбатдаги шикоят учун шайланишмаяптими, ишқилиб?

Вилоят раҳбари шундай саволларга жавоб топиш, қайновликлар ҳолидан хабар олиш учун бугун ўша томонларга отланди. Чошгоҳгача идора ишларини битириб машинасига ўтираркан:

– Қайновга ҳайданг, Суюн ака, – деб қўйди.

Офтоб тик келиб қолган пайт эди. Теварак жазирамадан ҳансираб ётибди. Олис-олислардан жимирлаб ҳовур кўтарилади. Катта йўлда қатнов анча сийрак. Ҳайдовчи оқ «Волга»ни оҳиста елдириб борарди. Ислом Абдуғаниевич эса йўлнинг ҳар икки тарафида ястаниб ётган экин далаларига синчковлик билан назар ташлайди.

Бир пайт қарама-қарши томондан тариллаган кўйи тутун бурқситиб, орқасидаги культивация анжомларини синган қанотдай силкитиб келаётган трактор уларнинг диққатини тортди. Трактор анча катта тезликда дам ирғишлаб, дам у ён-бу ён силтаниб «Волга» ёнидан ўтиб кетди. Тракторчининг биқинида рўмолининг учини маҳкам тишлаб олган аёл ҳам бор эди.

– Қаёққа мунча шошилиб кетяпти бу, – деди вилоят раҳбари трактор ортидан ажабланиб кўз ташларкан, – Суюн ака, қани ортга буриб уларга етиб олинг-чи, бу фантомаснинг бир суҳбатини олайлик.

«Волга» тезгина қайрилиб, теварак-атрофга ларза солиб бораётган тракторга бир зумда етиб олди. Суюн ака сигнал чалиб, чироқларини пирпиратиб «Тўхта!» ишорасини қилди. Раҳбарларга тегишли машинага кўзи тушган тракторчининг ранг-қути ўчиб, дарҳол тезликни пасайтирди. Сўнг кўлигини йўл чеккасига тўхтатиб, сакраб пастга тушди. Туша-туша ёнидаги аёлга нималардир, деб шипшиди.

Тракторчи ўттизлардан ўтинқираган, суякдор, қопқора киши экан. Бир «Волга»га, бир машинанинг ланг очиқ эшиклари ёнида турганларга қўрқа-писа кўз ташлаб, қироат билан салом берди.

– Йўл бўлсин, йигит, – деди Ислом Абдуғаниевич, бош ирғаб алик олгач, – ракетадай учиб боряпсиз-ку?

– Раянга кетяпман. Нима қилай, катта бова, тез ҳайдамасам иложим йўқ-да, у ёқда иш қолиб кетяпти, бу ёғи раянга келиб-кетмасам ҳам бўлмайди.

– Нега? Тўй-пўй борми?

Йигит соқоли қиртишланмаган иякларини қашлаб, бир зум хижолатомуз туриб қолди. Афтидан, у жўялироқ баҳона изларди.

– Нега индамайсиз, тўйга кетяпсизми?

0001 КФВ

– Йў-ўқ... носвойим қолмаган экан... – деди трактор-чи барибир ростига кўчиб, – шунга... бозорга кириб чиқсам, дегандим.

Суюн ака кулгисини аранг тутиб, юзини тескари бурди. Шу баробарида тузукроқ баҳона тополмай, ўз-ўзини фош қилиб қўйган йигитнинг гўллигидан ачинди.

– Қайси совхоздансиз? – деб сўради вилоят раҳбари трактор томон бир кўз ташлаб оларкан.

Йигит хўжалигини айтди. У тилга олган совхоз ҳозир турган жойларидан ўн чақирим, туман марказидан ўн беш чақирим нарида эди.

– Сиз шунча узоқдан носвой олиб келиш учун трактор-ни учириб келяпсизми, – деди Ислом Абдуғаниевич афсусланганнамо бош чайқаб, – кунлик ёқилғини ҳам тугатиб қўйгандирсиз? Ўзингиз айтгандай, ҳали ишлашингиз ҳам керак, тўғрими?

Йигит оғзининг таноби қочиб мақтанди:

– Йў-ўқ, бизда ёқилғи мўл, истаган пайтимиз қуйиб беришади.

Суюн ака ортиқ чидаёлмади. Йигит нодонларча тағин оғзидан номаъқул гапларни гуллаб, ҳам ўзини, ҳам вилоят раҳбарини ноқулай аҳволга қўйишидан чўчиди.

– Ким билан гаплашаётганингизни биласизми ўзи, – дея шипшиди у пайт пойлаб, – олдингизда вилоят раҳбари турибди.

– Бу киши обкўм бовами?! – дабдурустдан қичқириб юборди трактор-чи. Унинг бу қичқириғида ҳам қувонч, ҳам ҳайрату ҳаяжон қоришиб кетганди. – Эй, Норгул, – дея у трактор кабинаси томон юзланди, – берман ке, мана, обкўм бова, би-ир учрашсак, деб армон қилиб юрардинг, кел, саломлаш!

Либослари офтобда униққан, кулчаюз, ёшгина жувон трактордан тушди-да, яқин келиб салом берди.

– Бу синглимиз келин болами? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич, бош ирғаб енгил ҳол-аҳвол сўраб қўяркан.

– Ҳа, уни ҳам пайтдан фойдаланиб, бозорга олиб тушаётгандим. Рўзғорга ул-бул дегандай...

– Нима, рўзғорбоп нарсаларни қишлоқ дўконидан харид қилса бўлмайдими, келинни овора қилиш нима керак?

– Магазин совхоз марказида. Унда ҳам зарур молларни тополмаймиз. Қолаверса, биз далага яқин жойга кўчиб чиққанмиз. Совхоз марказига боргандан кўра раянга тушиб чиқиш анча қулай...

Вилоят раҳбари Суюн акага маъноли кўз ташлаб қўйди. Ҳайдовчи ҳам гўё ҳаммасига ўзи айбдордай хижолатланиб ерга қаради.

Шундан сўнг Ислом Абдуғаниевич гоҳ йигитдан, гоҳ жувондан қишлоқ ҳаёти ҳақида, даладаги ишлар ҳақида сўраб-суриштирган бўлди. Эр-хотин шикоят қилишмади-ю, лекин қисиниб-қимтиниб айтган гапларидан чўл посёлкаларида турмуш анча ачинарли эканлиги, қоғозбозлик, буйруқбозлик, хўжасизлик ҳукмрон эканлиги сезилиб турарди.

– Иш пайти бундай изғиб юрманглар, – деди вилоят раҳбари хайрлашув чоғи, – ахир, қанча ёқилғи беҳуда совриляпти, халқ мулкига озгина масъулият билан қараш керак.

– Узр, обкўм бова, бу номаъқулчилик бошқа такрорланмайди, – деди тракторчи ҳам астойдил хижолат чекиб.

– Тўғри, бундай ҳолда бизларнинг ҳам айбимиз бор. Аввало, сизларга турмуш шарт-шароитларини яхшилаб беришимиз, сўнгра дала ишларида хўжасизликка барҳам беришимиз зарур. Мана, иккингиз меҳнаткаш халқимизнинг вакилисизлар. Мен тез орада қишлоқ турмуш ҳаётини яхшилашга, дала ишларида ҳам тар-

тиб-интизом ўрнатишга ҳаракат қиламан. Ўшанда ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади. Менинг бу гапларимни барча ҳамқишлоқларингизга етказинглар.

– Албатта, албатта етказамиз! – деди йигит хотини билан хушхандон кўз уриштирар экан.

VIII

Наҳотки у ожизлик қилди?! Марҳамат, тушунтириш хати ёзинг, деб олдига қоғоз суриб қўйишган пайт, нега тараддудланиб қолди? Ҳатто гоҳ Анастасовга, гоҳ Хўжа Хўжаевичга таажжубланиб кўз ташлади. Нега?! Бундан ортиқ шармандагарчилик борми? Ўша ерда ўтирган ҳалиги амалдорлар энди бети қолиб, кети билан кулишмайдими?!

Ислом Каримов шундай шилимшиқ ўйлар исканжасида ич-этини еб, Марказқўм биносининг тўртинчи қаватида, олди ойнаванд, бир неча юмшоқ курси-диванлар қўйилган фойеда саросар турарди.

У тунги таҳдидли қўнғироққа кўра бугун эрталабки рейс билан Тошкентга учиб келган эди.

«Дағдағали раҳбарлар ҳам барака топишсин, ул-бул баҳона билан чорлаб туришмаса, қадрдон пойтахтни қайдан кўраман?» – дея Суюн акага, аэропортга чиқариб қўйиш учун саҳарлаб етиб келган ҳайдовчига ҳазиломуз гап қилган бўлди. Аммо қизаринқираган кўзлари, сўлғинтоб юзлари тун бўйи тузук ухлаёлмай, безовталаниб чиққанидан дарак берарди. Худди шу безовталик уни Тошкентга, Марказқўмга етиб келгунига қадар ҳам тарк этмади.

Балки беҳуда ташвиш чекаётгандир, балки мақтовсийлов учун чорлашгандир? Ахир айни кунларда вилоятда ғалла ўрим-йиғими авжида-ку. Ҳатто йиллик

режа уддаланишига ҳам яқин қолди! Балки, шундай ютуқ арафасида уни тақдирлаш учун таклиф этишгандир?

Ислом Каримов шундай таскинбахш ўйлар билан ўз-ўзини овутиб, қабулхонада уст-бошини андак орасталаган бўлди. Хабар бериш учун ичкарига кириб кетган ёрдамчини кута бошлади.

Бир пайт туя юришли, қоп-қора либосли аллақандай нусха кўз ўнгида саробдай бир жонландию тағин шу тахлит яна кўздан йўқолди. Ичкарига кириб кетдими ё ташқарига чиқиб кетдими, ҳарнечук, ўз-ўзи билан андармон Ислом Каримов буни илғай олмай қолди. Шу орада қўштавақа эшик оҳиста очилиб, ёрдамчи пайдо бўлди.

– Марҳамат, киринг.

Кенг-мўл кабинет тўрида қуюқ қошларига кўмилиб, Республика оқсоқоли Хўжа Хўжаевич ҳорғин ўтирарди. Эшик томон узалган қўнғиртус, ялтироқ стол теварагида қўр тўккан уч-тўрт амалдорнинг ҳам авзойи бузуқ, юз-кўзларида норизо бир кайфият шарпалари кезиб юрибди. Улар орасида Александр Петрович, Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Валижонов, яқиндагина Қашқадарёдан қайтиб келган ишончли вакил – Болтаев борлигини Ислом Абдуғаниевич ичкарига киргандаёқ пайқади. У казо-казолар жамоаси билан тезгина саломлашиб чиқди.

– Ўтиринг, – деди оқсоқол ўша ҳорғин бир товушда, – қалай, яхши етиб келдингизми?

Бошқалар ҳам Каримовнинг жануб офтобидан қорайган ранг-рўйига, алланечук хипча тортган қаддибастига зимдан кўз югуртириб чиқишди. Фақатгина Восиқ Асадович айбдорона бир кайфиятда манглай қашлаб, олдидаги ёзув дафтарини асабий варақларди.

– Раҳмат, яхши етиб келдим, – деди Ислом Каримов товушига хотиржам тус беришга тиришиб, – мабодо, кечиккан бўлсам, узр.

Оқсоқол тилларанг ручкасининг учи билан бир варақ оқ қоғозни Анастасов томонга суриб қўйди.

– Передайте ему... Қилмишларини изоҳлаб, тушунтириш хати ёзсин.

Ногоҳ боши узра тўқмоқ тушгандек Ислом Абдуғаниевичнинг кўз олди қоронғилашди.

– Нима ҳақида ёзай? Айбимни билсам бўладими? – деди у аранг ўтирганларга бир-бир кўз ташлаб чиқаркан. Ич-ичидан қайнаб чиқаётган алам аралаш ғазабданми ё йўл юриб чарчаганиданми, Каримовнинг овози анча бўғиқ ва заиф эшитилди.

Амалдорлар хўмрайган кўйи уни зимдан кузатишар, ҳойнаҳой, бу ўжар раҳбарнинг баралла йиғлаб, ялинишини кутишар эди. Айниқса, Валижоновнинг афт-ангорида алланечук ғолибона бир ифода жилваланарди. Ислом Абдуғаниевич қизлардек хушбичим, хушрўй, ҳамиша ялтироқ либосларга бурканиб, қимматбаҳо атир-упа ҳидига қоришиб юрадиган бу йигитнинг Хўжа Хўжаевичга қандайдир қариндош, аллада азиз, тўрвада майиз эканлиги ҳақида кўп бор эшитганди. Айтишларича, шу сабабдан ҳам Валижонов, ҳали анча ёш бўлишига қарамай, нуфузли вазифага тайинланган эмиш. Ўта муҳим йиғинларга ҳам бошқалар қолиб, айнан уни чорлашади, вазнидан ортиқ иззат-икром кўрсатишади.

– Демак, нимани тушунтиришни билмайсиз, шундайми? – деб тўнғиллади ташкилий бўлим бошлиғи, гўштдор юзи қип-қизил, тепакал Галимов.

Ислом Абдуғаниевич ажабланганнамо елка учириб қўйди.

– Қашқадарё қишлоқ хўжалигини вайрон қилдингиз-ку! – дея дабдурустдан чинқириб қолди Валижонов,

– ҳукумат белгилаб берган режа бўйича ишламаяпсиз, ўзбошимчасиз. Лавозимни бўшатиб қўйишга шунинг ўзи етарли эмасми?

– Мен ҳеч қандай ўзбошимчалик қилганим йўқ...

– Аллақандай ислоҳотларми-ей, бошлаб юборганингизни қандай тушуниш мумкин? – дея баттар ўшқирди Валижонов.

– Тўғри... мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, айрим ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилдик, лекин умумий ҳукумат режасидан чиқиб кетганимиз йўқ.

– Сиз зўр бериб хусусий мулкчиликни тарғиб қиляпсиз,– деб тўнғиллаб қўйди Александр Петрович ҳам.

Восиқ Болтаев ҳануз бош кўтармай, гоҳ ёзув дафтарини варақлар, гоҳ ияк-даҳанини ручкаси билан қашлаб, хонанинг қай бир бурчагига паришон тикилар, ҳойнаҳой, йиғиннинг тезроқ тугашини бетоқат кутар эди.

– Нега «Пахта иши» билан қамалганларга ҳомийлик қилиб юрибсиз?

Дабдурустдан шундай савол билан мурожаат қилган, бурни қоп-қора, қошлари ингичка, нақ кекирдагига довур қуюқ тук қоплаган бу амалдор ҳойнаҳой янги мансабдорлардан бўлса керак, Каримов уни танимади.

– Ҳеч кимга ҳомийлик қилган эмасман. Бу масалада ҳеч кимнинг олдида муттаҳам бўлган ерим ҳам йўқ. Фақатгина баъзи бир англашилмовчиликларни бартараф этдик, холос.

– Исломжон, сиз партиянинг ишончини оқламаяпсиз, – деди Хўжа Хўжаевич ўша-ўша ҳорғин қиёфада, – ўз фаолиятингиз билан юқоридаги раҳбарларимизни ғазаблантиряпсиз.

Анастасов оқсоқолга норизо кўз ташлаб қўйди. Афтидан, Хўжа Хўжаевичнинг авайлабгина танбеҳ бериши унга ёқмаган эди. Сўнг қош-қабоқ уйган кўйи Каримовга юзланди.

– Энг ёмони, сиз мафкуравий тарбия ишига панжа орасидан қараяпсиз. Масалан, ўша ёққа борганингиздан бери вилоят аҳолисини коммунистик ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш борасида, халқни партия теварагига жипслаштириш масаласида қандай ишларни амалга оширдингиз?

Ислом Абдуғаниевич чуқур тин олиб индамай қўяқолди. Маҳмадона ўқувчидай ўтилганлар юзасидан ҳисоб беришни ўзига эп кўрмади.

– Ана, индамайсиз, индаёлмайсиз! – деб чинқирди Валижонов.

Александр Петрович «бу сенинг ишинг эмас», дегандай бир ўқрайиб қўйди унга, сўнг ҳануз жавоб кутаётганини таъкидлагандай яна Каримовга юзланди.

– Бу масалада ҳам анъаналар давом этяпти, – деди Ислом Абдуғаниевич истамагайгина, – раҳбарият берган режа-кўрсатмалар бўйича тарғибот-ташвиқотлар, сиёсий машғулотлар олиб бориляпти.

– Умумий гапнинг бизга кераги йўқ, – деди Александр Петрович қўл силтаб, сўнг оқсоқол томон маъноли кўз ташлаб қўйди.

Хўжа Хўжаевич мужмал бош ирғади. Унинг бу ишорасини ўзича тушунган Валижонов яна тилга кирди:

– Нега имиллаяпсиз, ўртоқ Каримов, қоғоз-қалам мунтазир туриб қолди.

Ислом Абдуғаниевич паришон бир кайфиятда стол устидаги варақни ўзи томон бироз тортди.

– Чаққон-чаққон бўлинг, – яна минғирлади Валижонов.

Унинг бу қадар фаоллиги энсасини қотирди, шекилли, Александр Петрович яна «жиян амалдор»га норизо кўз ташлади, сўнг ўйчан бир қиёфада қоғоз қоралаётган Каримов томон пўнғиллаб қўйди:

– Биз ҳозир сўраган масалаларнинг ҳаммасига ойдинлик киритинг. Қуруқ аравани олиб қочманг.

Хўжа Хўжаевич ҳам бош ирғиб, иккинчи котибнинг сўзларини таъкидлаган бўлди.

Йиғин хонасига ўнғайсиз бир сукунат инди. Ҳамма тушунтириш хати ёзаётган Қашқадарё вилояти раҳбарини зимдан кузатарди. Восиқ Асадович ҳали-ҳануз безовта, гўё йиғинда уни танқид қилишаётгандай гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб ўтирибди.

Ниҳоят, қоралама битди. Ислом Каримов уни Александр Петрович томон узатиб, чуқур тин олди.

– Шу билан қутулдим, деб ўйламанг, – деди Анастасов варақка енгил бир кўз ташлаб, уни оқсоқолнинг столи устига қўяркан, – аҳвол шундай давом этадиган бўлса, масалангизни тез орада бюрода кўрамиз.

Ислом Абдуғаниевич ҳорғин бош ирғаб қўйди.

– Бизга айтар гапингиз бўлмаса, ҳозирча сизга рухсат, – деди Хўжа Хўжаевич, – биз йиғинни давом эттирамиз.

Каримов оғир қўзғалиб, ўрнидан турди. Шу пайт Валижонов яна унга юзланди:

– Мени фойеда кутиб турсангиз, илтимос. Маслаҳатли иш бор.

Мана, унинг мажлислар залини тарк этганига ҳам бир соатча вақт бўлиб қолди. Бу орада ўша Галимов деганлари қаёққадир шоша-пиша чиқиб кетди. Тағин қалин-қалин папка қўлтиқлаган амалдорнусха икки киши худди ёв қувгандай ҳовлиққан кўйи йиғин хонасига ўзини урди.

Ислом Каримовнинг дили хира эди. Хўжайинлар тутқазган ўша оқ варақка тушунтириш хати ўрнига лавозимдан бўшаш ҳақида шартта ариза ёзиб бермаганидан ўз-ўзини гуноҳкор, қўрқоқ ва ожиз ҳис қиларди.

«Энди булар нима деб ўйлайди, – хаёлида чарх урарди Каримовнинг, – дарди амал-мансаб экан, шунча хўрласак ҳам саси чиқмай, бош эгиб турди, дейишмай-

дими? Қандай одам бўлдим энди бундай олчоқларнинг олдида?!»

Ислом Абдуғаниевич чарм қопламали курсидан беихтиёр ирғиб туриб, фойе бўйлаб у ён-бу ён юра бошлади. Ойнаванд айвон ортидан кўриниб турган шаҳар манзараларига хомуш тикилди.

Шу пайт мажлислар залидан бирин-кетин амалдорлар чиқа бошлади. Энг олдинда Хўжа Хўжаевич ва Анастасов ўзаро алланимадир муҳокама қилган кўйи боришарди. Восиқ Болтаев ҳам семиз бир ходим билан қўлтиқлашиб олган эди. Ислом Абдуғаниевич уларнинг кўзига кўринишни истамай, ўзини бироз панага олиб турарди. Хиёл ўтмай унинг ёнига Валижонов пилдираб-гина етиб келди. Қўлидаги чарм қопламали қалин папкасини фойе столи устига ташлаб кулимсираган кўйи Каримовга юзланди:

– Узр, сизни кўп куттириб қўйдим, Ислом ака.

– Қўяверинг, узр сўрашга ҳожат йўқ, – деди Ислом Абдуғаниевич бироз ажабсиниб, чунки Валижоновнинг ранг-рўйидаги бояги важоҳат ва таҳдиддан асар ҳам йўқ, ҳалигина ғазабдан чақчайган кўзларда майин бир учқунлар милтилларди.

– Мажлисдаги танбеҳлардан хафа бўлманг, – деди Валижонов оппоқ ёқаларини сиқиб турган галстугини андак бўшатаркан, – бунинг ҳаммаси сизнинг фойдангиз учун айтиляпти.

– Тушунаман.

– Умуман олганда, вилоят ҳаётида ижобий силжиш қилишга ҳаракатларингиз бизга маъқул, аммо-лекин... тўғриси, ишларингизда ғоявийлик... партиявийлик етишмаяпти. Раҳбариятни ташвишлантираётган нарса шу. Сиз чиқиб кетгандан кейин ҳам бу масалада жиддий гаплашдик. Нокамтарлик бўлса ҳам айтиб қўяй, мен сизни қаттиқ ҳимоя қилдим.

– Ҳимоя қилдингиз?!

– Ҳа, сизни кафилликка олдим. Каримов бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам яхши тушунади, дедим.

Ислом Абдуғаниевич чинакамига хижолатланиб бош тўлғади.

– Бекор бундай дебсиз, Ҳалим Юлдашевич... Ахир мен бошқа соҳадан чиққан одамман-ку, қишлоқ хўжалигини яхши билмайман. Энди аста-секин ўрганяпман.

– Кўп камтарлик қилаверманг, Ислом ака, – деди Валижонов лабларига сигарет қистираркан, – тўғриси, қишлоқ хўжалигида иш юритишингиз бизни анча қизиқтириб қўйди. Яна очиқроқ гапирадиган бўлсак... – вазир ўринбосари гугурт чақиб сигарет тутатди, – янада очиқроқ гапирадиган бўлсак, бугунги кунда деҳқонга эркинлик бериш, унинг манфаатдорлигини ошириш энг тўғри йўл...

Ислом Каримович қулоқларига ишонмаётгандек бир зум ҳангу манг қотиб қолди. Боягина қишлоқ хўжалигини издан чиқаришда киприк қоқмай айблаётган ёш амалдорнинг бу қадар эврилиши уни анча-мунча ажаблантириб қўйди.

– Балки, – деди у аранг, эшитилар-эшитилмас.

– Хуллас, сизни ўзим ҳимоя қилдим, кафилликка олдим. Хўжа Хўжаевич ҳам мени қўллаб-қувватладилар. Энди Болтаевга ўхшаган кураторлардан қўрқмасангиз ҳам бўлаверади.

Вазир ўринбосари, «жиян амалдор» бу гапларни шу қадар чертиб-чертиб, таъкидлаб-таъкидлаб айтдики, «Сиз бугундан бошлаб жуда мустаҳкам устунларга суянасиз, бу ёғига бемалол ишлайверишингиз мумкин» деган иддао очиқ-ойдин кўриниб турарди.

– Эътибор учун, ғамхўрлик учун раҳмат, Ҳалим Юлдашевич, – деб қўйди Каримов оҳиста.

– Биз бир-биримизни қўллаб, бир-биримиздан ёрдамимизни аямай ишласак, узоққа борамиз.

– Албатта, Ҳалим Юлдашевич, албатта.

– Айтганча, – Валижонов суҳбатдошига андак илжайиб, андак чимирилиб кўз ташлади, – ҳалиги Қўриқ туманидаги корейс кишининг исми ким эди?

– Димани айтяпсизми? Дмитрий Ким.

– Ҳа, ўша киши. Аммо-лекин пиёз етиштиришни жа-а қойил қилади-да...

– У киши деҳқончиликнинг ҳамма турини қойиллатади.

– Ислом ака, – деди Валижонов товушига бироз сирли тус бериб, – бизнинг жиянлар ўша Кимга шогирд тушишни, ундан иш ўрганишни кўпдан бери орзу қилиб юришибди. Сиз шунга нима дейсиз?

– Нима ҳам дердим, жуда яхши фикр.

– Ўша жиянларни олдингизга юборсам... ўзингиз бироз қўллаб юборсангиз...

– Албатта, Димага ўзим таништириб қўяман жиянларингизни.

– Уларга, – Валижонов теварагига тезгина аланглаб олди, – яхши унумдор ерлардан ўн-ўн беш гектаргина ажратсангиз, қани, жиянлар ҳам пиёзчиликда бир ўзларини синаб кўришсин.

Ислом Каримов оғир тин олиб, кўзларини бир чеккага олиб қочди...

IX

Мажлис чошгоҳ маҳалига белгиланган эди. Лекин афт-ангоридан амалдорлар қавмидан эканлиги сезилиб турган кишилар эрталабданоқ вилоят партия қўмитаси биноси биқинида тўплана бошлашдики, гўё улар бу идорада ўтказиладиган йиғинларни кўпдан бери соғиниб қолгандилар. Чунки Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳуда-беҳуда мажлисбозлик қилиб, вақтни совуришни ёмон кўрар, унча-мунча йиғинбоп масалаларни жойлардаги масъуллар билан қўнғироқлашиб ёхуд вакиллар орқали кўрсатма-топшириқлар жўнатиб тезгина ҳал қилиб қўяқолар, ўта муҳим ҳоллардагина фаолларни идорага чорлар эди. Ўтказиладиган мажлис-машваратлар эса шу қадар қизиқарли, жонли баҳс-мунозараларга бой бўлардики, қатнашувчилар йиғин сўнгида ширинликка тўймаган боладай тамшаниб-тамшаниб қолишарди. Шу сабаб ҳам бугунги мажлисни сабрсизлик билан кутаётган, ўзаро гангир-гунгир гаплашиб турган фаолларнинг юз-кўзида алланечук мамнуният, кўтаринки кайфият сезилиб турибди. Бундай хушнудликнинг яна бир боиси бор эдики, у тўпланаётганларнинг ҳеч бирига сир эмасди. Қатор йиллардан бери давлатга ғалла топшириш режасини уддалаёлмай, боши хам бўлиб келаётган қашқадарёликлар бу мавсум режани кўнгилдагидай бажардилар! Мана, пайкалларда ғўзалар ҳам баравж, насиб этса, пахта масаласида ҳам юзлари ёруғ бўлиши тайин. Қолаверса, бошқа жабҳаларда ҳам ўсиш-юксалиш анча-мунча сезилиб қолган. Демак, бугунги мажлис мақтов-олқишлар мажлиси бўлади. Демак, бугун тўпланаётган масъул раҳбарларнинг ҳар бири ўз ҳудуди, ўз соҳаси бўйича Ислом Абдуғаниевичдан илиқ гаплар эшитишади. Балки, ким билади, вилоят раҳ-

бари қўлидан совға-салом, мукофот, сийлов олиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Ахир, Ислом Каримовнинг астойдил меҳнат қилган инсонларга меҳри бўлакча экани ҳаммага маълум-ку!

Тўпланаётганлар тўпи тобора қуюқлашар, танишбилишлар бир-бирларига талпиниб, ҳол-аҳвол сўрашар, ҳазил-ҳузул қилишар, баъзилар аҳён-аҳён қўл соатига кўз ташлаб, худди театр томошасига ошиқаётгандек бетоқатланар эди.

Бир пайт идора ёнига мовийранг «Волга» келиб тўхтади. Орқа эшиклари очилиб, аввал эринган бир тарзда Олег Кузьмин, сўнгра, унинг ортидан хўппа семиз, калтабақай ўринбосари ерга оёқ қўйди. Тўпланганлар ногоҳ пайдо бўлган «Шўртангаз» масъулларига тааж-жуб билан тикилдилар. Чунки бу корхона бошлиқлари илгарилари вилоят миқёсидаги йиғилишларга қадам ранжида этиш нари турсин, ҳатто бирор масала юзасидан «Шўртангаз» ҳудудига борган вилоят раҳбарини ҳам ичкарига киритмай, анча-мунча сарсон қилишар, фақатгина Москвага бўйсунишларини айтиб керилишарди.

– Ия, нечук кеп қолибдилар, бу акахонлар? – дея кимдир ажабланиб ёнидаги суҳбатдошига кўз ташлаб олди.

– Э, бунинг нимасига ҳайрон бўласиз, – деди суҳбатдоши енгил қўл силтаб, – керак бўлса келишади, керак бўлса тик туриб ҳисоб беришади. Ислом ака энди раҳбар бўлиб келган кунлариёқ буларнинг попугини пасайтириб қўйганди, ўзим гувоҳи бўлганман.

– Йўғ-е!

– Ҳа, ўшанда мен ҳам қўшилиб «Шўртангаз»га боргандим, – дея ғурурланиб қўйди суҳбатдоши.

Тағин биров гапга аралашган бўлди.

– Бугунги йиғилишнинг буларга ҳам дахли бор эканда, а?

Суҳбатдошлар машина ёнида ўзаро пичирлашган кўйи кибр билан сигарет чекиб турган «Шўртангаз» хўжайинларидан кўз узмай, елка қисиб қўйишди.

Шу пайт ичкаридан ташкилий бўлим ходими – Толиб исмли хушсурат, серғайрат йигит отилиб чиқиб, тўпланганлар билан бош ирғаб саломлашди. Сўнг машина ёнида турганлар томон юрди.

– Толибжон, мажлиснинг бош масаласи нима ўзи? «Шўртангаз» ҳам келибди-ку?! – деб ҳовлиқиб сўради боягина гапга аралашган биров.

– Аввалги фаоллар йиғинининг давоми, ўшанда қўйилган вазифаларнинг қандай бажарилаётгани муҳокама қилинади. Асосан шу.

Толиб йўл-йўлакай шундай дедию «Шўртангаз» раҳбарлари ёнига етиб борди. Чаққонгина қўл бериб кўришди. Сўнг алланимадир деб уларни ичкарига бошлади.

– Жуда ишчан йигит-да, Толибжон, – деди кимдир ҳавас билан бош тебратиб.

– Ҳа-а, – деб қувватлади ёнидаги шериги.

– Ислом Абдуғаниевичнинг эътибори жуда зўр бу йигитга, ҳали катта ишлар қилади.

– Ислом ака, умуман, ҳамма ёш кадрларга жуда эътиборли.

«Шўртангаз» хўжайинлари тўп олдидан ўта-ўта, истар-истамас бош ирғаб саломлашган бўлдилар.

Биров Толибни яна эзмалик билан гапга тутишга уринди:

– Шу-у, февраль йиғилишидаги масалалар эканда, а?

Толиб бу гал бош ирғаб қўяқолди. Биров худди муҳим хабарни етказаётгандек теварагига аланглаб шанғиллади.

– Билдиларинг-а, февралдаги фаоллар мажлисидаги масала...

– Бўлди-ей... намунча эзмаланасиз, – дея танбеҳ берди кимдир.

Ўша йиғилиш бундан ярим йилча илгари бўлиб ўтган эса-да, у ҳаммаларининг хотирасига зар уқасидек муҳрланиб қолганди. Ўшанда Ислом Абдуғаниевич фаоллар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлар-бўлмас, туйқус вилоят архитектура-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Нортожи Эгамовни ўрнидан турғазди. Сўнг эринмай бориб тирсагидан тутди-да, уни ўриндиқлар орасидан ҳамма кўриши мумкин бўлган жойга чиқарди. Фаоллар ҳайрон. Зал сув қуйгандек жимиб қолган.

– Нортожи Жўраевичнинг кўриниши қалай? – дея йиғилганларга юзланди Ислом Каримов.

Ҳангу манг турган зал чувчувлай кетди:

– Жуда зўр!

– Чақмоқдай йигит.

– Дид билан кийинган.

Нима гаплигини билмай, андак ажабсиниб, андак ҳадиксираб турган бошқарма бошлиғи гоҳ қўллари билан қуюқ оқ оралаган сочларини силар, гоҳ енг-ёқаларини орасталаган бўлар, бир раҳбарга, бир йиғилганларга саросар кўз ташлар эди.

– Тўғри,– дея бош ирғади Ислом Каримов шовқин бироз тингач, – соқоллар қиртишланган, кийимларнинг дазмоли жойида, оз-моз атир ҳиди ҳам келиб турибди.

Залда енгил кулги кўтарилди. Нортожи Жўраевич ҳануз хижолатланиб, теваракка жонсарак кўз ташларди.

– Ким айтади, Эгамов нега мунча дид билан, ораста кийинган? – вилоят раҳбари ўтирганларга мурожаат қилди.

Зал яна муҳокамага киришди.

– Тўй-пўйга бормоқчидир-да.

– Балки бугун туғилган кунидир.

– Бошқа киядиган кийими йўқ.

– Ҳа, энди, Нортожи ака элнинг кўз олдидаги одам, чиройли, ораста бўлиб юргани яхши-да.

– Баракалла, – деди Каримов сўнгги гапни айтган фаолга юзланиб, – сиз топиб айтдингиз, Эгамов халқ назаридаги одам, кўркам, озода бўлиб юриши шарт. Тўғрими?

Вилоят раҳбари шундай дея бошқарма бошлиғига юзланди. Нортожи Жўраевич шоша-пиша бош ирғади:

– Ҳа, тўғри.

– Марҳамат, ўтиринг жойингизга.

Эгамов довдираган кўйи жойини излаб, анча сарсон бўлди. Бу пайт Ислом Абдуғаниевич биринчи қаторда кўр тўкиб ўтирган, семиз бағбақалари қат-қат фаолга яқин борди.

– Қурбон Чориевич, сиз ҳовлингизнинг дарвозасини бўятибсизми?

Қурбон ака гумбаздай гавдасини ўриндиқдан аранг кўтараркан:

– Ҳа, шундай, Ислом Абдуғаниевич, – деди, – дераза-ларни ҳам яқинда бўятдим, кўча томон деворини сувоқ ҳам қилдирдим.

Қурбон Чориевич ҳарсиллаб гапираркан, «Ана, кўр-диларингми, вилоят раҳбари менинг уйимни ҳам би-лади» деган маънода ўтирганларга мағрур-масрур кўз ташлаб қўйди.

– Бунақа ремонтнинг сабаби нимада?

– Ҳа, энди... уйга меҳмонлар келишади, кўчадан ўтиб-қайтаётганлар бор. Ислом ака, уларнинг кўзи энг аввал кўча тарафга, дарвозага тушади, шунинг учун... кўрган кўзга чиройли бўб турсин деб...

– Раҳмат, ўтиринг, Қурбон Чориевич...

Вилоят раҳбари яна ўз жойига қайтди. Фаолларга кулимсираб кўз ташлаб чиқди. Ҳамма энди нима бўлар-кан, дегандай иштиёқ билан қараб турарди.

– Ҳурматли фаоллар, – деб гап бошлади Ислом Абдуғаниевич, – мана, гувоҳсиз, чиройли, тоза бўлиб юриш қандай яхши, чунки халқ назарида юрасиз, уйимизнинг, энг аввало, кўча тарафини кўркам қилиб қўйишимиз қандай яхши, чунки меҳмонларнинг, ўткинчиларнинг, биринчи навбатда, шу ёққа кўзи тушади. Лекин... лекин ўзимиз, ўз хонадонимиз ҳақида ўйлаймиз-у, негадир ўз шаҳримиз ҳақида бош қотирмаймиз. Масалан, Қарши вилоятнинг бош шаҳри-ку?! У эл-халқнинг назари тушадиган, меҳмон ташриф буюрадиган жой-ку?! Лекин шаҳримизнинг аҳволини кўринг.

Фаоллар гап ўзани қай томонга буриб юборилганини англаб, беихтиёр қарсак чалиб юборишди. Лекин вилоят раҳбари бир имо билан чапакларни тўхтатди.

– Шошилманг, мен ҳозир чинакам аҳволни бирма-бир таърифласам, ҳали қувониб қарсак чалишга эрта эканини биласиз.

Шундан сўнг Ислом Абдуғаниевич қурилиш, ободонлаштириш масаласида гап бошлади. Қарши шаҳрининг, туман марказларининг чинакам манзарасини рўй-рост таърифлаб берди.

Ҳа, Қарши ростдан ҳам анча хароб, кўримсиз ҳолда эди. Газ, ичимлик сув, турар-жой масалалари ўта долзарб, ўта муаммоли. Кўчалар тор ва қинғир-қийшиқ. Мактаб, спорт заллари етарли эмас. Хуллас, гапирса гап кўп. Лекин амалий ишга ўтиш керак. Ҳар бир милт этиб кўринган имкониятдан фойдаланиш зарур.

– Қурбон Чориевич ўз ҳовлиси дарвозасини ярқиратиб бўяган экан, биз ҳам у кишидан ўрнак оламиз, – дея сўзида давом этди вилоят раҳбари, – биз ҳам, энг аввало, шаҳримизнинг дарвозасини таъмирлашдан, кўрган кўзлар яшнаб кетадиган даражага етказишдан бошлаймиз. Бугунги замонавий ҳар бир шаҳарнинг энг муҳим уч дарвозаси бор. Булар: вокзал, аэропорт,

автовокзал. Шунингдек, шаҳарга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон ҳечқурса бир марта кўз ташлаб ўтадиган маскан бор. Бу – бозор. Демак, шундай экан, биз, энг аввало, мана шу тилга олинган энг муҳим объектларни таъмирлашимиз, керак бўлса, қайта қуришимиз, ҳамма қулайликлари мавжуд, келганлар, кўрганлар ҳавас қиладиган масканларга айлантиришимиз зарур. Хотиржам бўлинглар, мен ўзим керакли идоралар, юқори ташкилотлар билан гаплашиб, маблағ, материал масаласини ҳал қиламан. Сизлар хайрли ишларимизга камарбаста бўлиб турсаларингиз етарли. Албатта, ҳар биримизга маълум, сўзимиз аввалида тилга олиб ўтилган, қурилиш, ободончилик билан боғлиқ ўткир муаммоларни бир зарб билан, бир чираниш билан ҳал этиб бўлмайди. Биз муаммоларни босқичма-босқич, оқилона бартараф қилишга ҳаракат қиламиз. Билиб қўяйлик, яхшилаб эслаб қолайлик, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида йиғилиб қолган ғоят ўткир ва мураккаб масалаларни ҳеч ким четдан келиб биз учун ҳал қилиб бермайди. Ҳамма-ҳаммасига ўз қўлимиз, ўз кучимиз ва тафаккуримиз билан ечим топишимиз зарур.

Зал сув қуйгандек жимжит эди. Фаоллар Ислом Абдуғаниевичнинг жонкуярларча, самимий бир тарзда айтаётган гапларини диққат билан тинглар, ҳар бир сўз қатига жойлашган теран маънони англаб олишга ҳаракат қиларди. Қолаверса, худди қашқадарёликларнинг бошқа дарди, бошқа муаммоси йўқдай, шу пайтгача фақат пахта, пахта ва яна пахта масаласида бўладиган, бош-адоқ дўқ-пўписа, шиорбозлик, кўрсатма-қарорларни уқтириш билан ўтадиган мажлислар фаолларнинг жонига теккан, бездириб ташлаган эди. Айни пайтда, вилоятнинг янги раҳбари куюнчаклик билан, танқидий, ошкора руҳда қурилиш, ободончилик борасида ҳам сўз юритиши улар учун алланечук ғайритабиий туюларди.

Шунинг учун ҳам муҳокама-мунозара пайти сўзга чиққанлар жўшиб кетди. Ҳаяжон билан Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, маҳаллий шарт-шароитнинг билағонлари сифатида ўз таклиф ва маслаҳатларини ўртага ташлашди.

– Демак, шундай қилиб, – деди вилоят раҳбари яна сўз навбатини оларкан, – қадрли Нортожи Жўраевич, сизни яна безовта қиламан.

Эгамов шоша-пиша ўрнидан турди. Вилоят раҳбари унга кулимсираб кўз ташлаб қўяркан, давом этди:

– Қурилиш, ободончилик бўйича масъул одам сифатида, ҳозир биз тилга олган хайрли ишларга ўзингиз бош-қош бўласиз. Қаршини ўзингиздай ясантирасиз. Вилоятнинг бош шаҳри сиздай хушсурат, кўркам бўлсин...

Залда гурр кулги кўтарилди. Эгамов ҳаяжонланиб қўлини кўксига қўйган кўйи тинмай бош ирғар эди.

– Бўпти, ҳозирча ўтиринг, мажлисдан сўнг икковимиз бафуржа гаплашамиз, иш режаси тузамиз. Қани, ҳозирча бош қотириб туринг-чи.

Мана, ўша йиғилишдан бери ярим йилча вақт ўтди. Бу орада Қарши темир йўл вокзали буткул қайта таъмирланди. Вокзалнинг мовийтус қуббаси узоқ-узоқлардан ҳам ярқираб кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Шаҳарнинг марказий бозори бош-адоқ қайта қурилди. Шарқона ҳашам ва жозибага эга бу маскан чиндан ҳам олис-яқиндан ташриф буюрадиган меҳмонларнинг севимли жойига айланди. Худди шундай ободонлаштириш ишлари Ғузор, Қамаши тумани марказларида ҳам олиб борилди. У ерларда ҳам вилоят раҳбари февраль мажлисида тилга олган «дарвозалар» – бозорлар кўзларни қувонтирадиган даражага келтирилди. Бир сўз билан айтганда, ўша йиғинда ўртага ташланган муаммоларни бартараф этиш бўйича қизғин ишлар олиб

бориляпти. Амалий фаолият бир лаҳза ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Лекин шунга қарамай, бугунги мажлисда яна ўша масалалар кўрилар эмиш, нега?! Ё вилоят раҳбарини қониқтирмаётган жиҳатлар кўпми? Ё ҳозиргина «Шўртангаз» бошлиқларини ичкарига бошлаб кириб кетган ёш ходим шунчаки ҳазиллашдими? Пахта йиғим-терими арафасида яна қурилиш, ободонлаштириш масалаларини муҳокама қилишнинг ўзи жуда ғалатику?! Бутун республика «Пахта топшириш режасини қандай уддалай оларканмиз, Марказ талабларига қандай жавоб берарканмиз», деган ўй-ташвиш билан тиззаси қалтираб турган бир пайтда, мана бу ўжар обком нималар қиляпти ўзи? Ҳарҳолда пахта йиғим-терими мавсуми олдидан аллақандай қурилиш, ободончилик масаласида бош қотираётган кишини юқоридаги казо-казолар алқаб, бошини силашмаса керак.

Август қуёши порлаб, ловиллаб кўтарилиб келарди. Одатдагидек ҳаво эрталабданоқ қизиб кетди. Кўм-кўк осмон ҳароратдан тобора туссизланиб, гезариб бораётгандек туюлади.

Мажлис белгиланган вақтда бошланди. Ислом Абдуғаниевич оилавий баъзи муаммолар юзасидан уч кун Тошкентда бўлиб, бугун эрталабки рейс билан Қаршига учиб келган, анчагина толиққан эди. Аммо йиғинга кечикмади. Ҳамишагидек ўз ўринларини эгаллаган, шошапиша залга кириб келаётган фаоллар билан саломлашиб чиқди, баъзиларга нималарнидир эслатди, кимларгадир икки-уч оғиз ҳазил луқма ташлади. Сўнгги ой ичида иссиқнинг таъсириданми ё ҳаддан ташқари қаттиқ ишлаётгани учунми Ислом Каримов анча-мунча озиб-тўзиб, қорайиб кетган, лекин кўзларидаги ўктамлик, ҳаракатларидаги шиддат янада кучайган эди. Тошкентдаги ўша тушунтириш хати билан боғлиқ дилозорликдан сўнг у Қаршига қайтгач ҳам анча пайт қийналиб юрди. Худди

исқирт бир нарсани бехос босиб олгандай, афт-ангорига алланечук ғижиниш, жирканиш аломатлари ўтириб қолди. Лекин беҳудуд дашту далаларни, қизғин ўримйиғим ишлари бораётган ғалла пайкалларини бир-икки айланиб қайтгач, изтироблари булутдай тарқай бошлади. Ҳатто, ўшанда қизиққонлик қилиб, ариза ёзиб юбормаганидан ич-ичида хурсанд ҳам бўлди. Тўғри-да, бундай алғов-далғов замонда араз-гинадан не наф? Ариза ёзсанг, бўшатишади-қўйишади, хўш, кейин-чи, кейин нима бўлади? Эндигина оёққа тураётган вилоятнинг, бу ердаги ситамлардан боши чиқмаган меҳнаткаш элнинг аҳволи нима кечади? Яна бирорта каззоб-муттаҳамнинг қўлида қолмайди, деб ким кафолат бера олади? Баҳолиқудрат бошланган ислоҳотларнинг тақдири қандай бўлади? Ахир, энг тўғри йўл – хўрликларга, машаққатларга чидаб, халқ билан елкадош бўлиб, ёруғ келажак сари интилиш эмасми?! Ҳа, энг маъқул, ҳақ йўл мана шу! Каримов ўша куни Тошкентда бир қадам ортга чекиниб, икки қадам олға юрганини кейинчалик чуқур англади. Шуурига қувонч қалқди.

Мана, ҳозир ҳам галдаги фаоллар мажлисига йиғилганларни бир-бир кўздан кечираркан, чеҳрасида худди шундай кайфият зоҳир эди.

– Қадрли дўстлар, – деб гап бошлади вилоят раҳбари, мажлис расман очилгани эълон қилингач, – аввало, ҳаммангизни катта меҳнат ғалабаси билан, давлатга ғалла сотишнинг бу йилги режасини ошириб бажарганларингиз билан, бироз кечикиб бўлса ҳам, чин юракдан табриклайман!

Вилоят раҳбари ҳам мамнун бир кайфиятда ўтирганларга тезгина кўз югуртириб чиқди.

– Фидокорона меҳнатларингиз учун ҳаммангизга каттадан-катта раҳмат, – деди у табассум билан бош ирғаб, – бу ғалабага биз қўлни қўлга, дилни дилга бе-

риб эришдик. Бу соҳада алоҳида жонбозлик кўрсатган дўстларга аталган сийловларимиз ҳам бор. Ўйлайманки, мукофотларни йил охирида топширсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан сўнг Ислом Абдуғаниевич дабдурустдан бошқа мавзуга ўтди. Алоҳида мақтов, алоҳида қутлов илинжида илҳақ ўтирганлар бир-бирига таажжуб билан қараб қўйишди. Вилоят раҳбарининг бундай ютуқлар шунчаки йўл-йўлакай, энг катта, энг аҳамиятли зафарлар ҳали олдинда турибди, қабилидаги пинҳоний ишорасини биров билиб, биров билмай қолди.

– Сизга ўрганиб чиқиш учун юборилган шикоят хатини нима қилдингиз, Неъматов?

Каримов томдан тараша ташлагандай, олд қаторда ўтирган Деҳқонобод тумани раҳбарига туйқус шу савол билан мурожаат қилди.

Неъматов илдамгина ўрнидан турди.

– Ўрганиб чиқдик, Ислом ака. Тоғли Бошчорбоғ қишлоғидан йўлланган экан.

– Биламан. Хўш, кейин-чи?

– Йўл масаласида шикоят қилишган. Умуман... шу масалада қабулингизга кейинроқ кирсам, деб тургандим...

– Кейинга суриб нима қиласиз, гапингизни ҳозир гапираверинг. Фаоллардан яширадиган сиримиз йўқ-ку.

– Асфальтланган, кенг-равон йўл қуриб бермасак, бу тоғликлардан қутулолмаймиз, Ислом Абдуғаниевич. Биламан, бу – жуда катта харажат.

Шу пайт зал ўртасида ўтирган кимдир пиқ этиб кулиб юборди.

– Кечирасиз, қани би-ир ўрнингиздан туринг-чи, – деди Ислом Каримов ўша томон норизо кўз ташлаб. – Нега кулдингиз? Айтинг, қизиқ бўлса, биз ҳам қўшилишиб кулайлик.

Сарғиш қўйлакли, хумбош, ғўлабирдай киши ўрнидан турди.

– Ислом ака, узр... Неъматовнинг гапи кулгимни қистатди. Бу одамга қўйиб берсангиз, Деҳқонободдай тоғли туманга темирйўл қуриб бер, дейди, шунга сал... узр...

– Керак бўлса, темир йўл ҳам қуриб берамиз, бунинг нимаси кулгили, – деди Ислом Абдуғаниевич бошини баланд кўтариб, зални кўздан кечираркан, – менда шундай режа бор, ҳали ҳаммасига эришамиз. Керак бўлса, бу борада сизларга ваъда бераман.

Зал сув қуйгандай жимиб қолди. Барча вилоят раҳбарига ҳайрат билан тикилиб турарди.

«Ҳа, албатта, шундай қиламан, – дея хаёлидан ўтказди Ислом Каримов, – бу юртда мўъжизакор завод-фабрикалар қурдираман, фақат... фақат муаммонинг ҳаммаси биргина ўзимга боғлиқ эмас-да... қани энди эркин қуш бўлсам...»

– Қашқадарё ёшлари ҳам сизнинг режаларингизни қўллаб-қувватлайди, Ислом Абдуғаниевич, – деб қўйди Ёшлар ташкилотининг етакчиси ўрнидан туриб, гўё раҳбарнинг фикрларини уққандай.

Олд қатордагилар туйқус қарсак чалиб юборди. Ва қолганлар ҳам шоша-пиша уларга жўр бўлишди. Бу хайрихоҳлик ҳозиргина эрксизликдан маҳзун тортаётган вилоят раҳбарининг кўнглини тоғдай кўтарди.

«Халқ шундай қўллаб-қувватлаб турса, албатта, эзгу мақсадларга етамиз», – хаёлидан ўтказди у.

Қарсаклар тинди. Ғала-ғовур босилди. Ҳали-ҳануз тик турган Неъматовгина нима қиларини билмай, ёнверига хижолатли кўз ташлаб қўярди.

– Марҳамат, ўтиринг, нега тик турибсиз, – деди Ислом Абдуғаниевич, – лекин айтиб қўяй, баъзи гапларни сал-пал ўйлаб гапириш зарур. Масалан, бу тоғликлардан қутулолмаймиз, деб қандайдир иддао қиляпсиз. Бу

раҳбар одамга ярашмайди, Неъматов. Ахир, нега улардан қутулишимиз керак экан? Нега жаҳлимиз чиқяпти, ҳақли талаб қўйишгани учунми? Бу яхши эмас. Ундан кўра одамларнинг дардига қулоқ солиб, мушкулини осон қилишга киришинг.

Неъматов минг бир хижолатда бўшашибгина жойига чўкди. Вилоят раҳбари олдидаги қоғозларга бир зум ўйчан тикилгач, яна гап бошлади:

– Бу гапларни аввал ҳам айтгандим ва яна такрорлайман. Халқимизнинг қаддини кўтарайлик. Мана, ҳозиргина ғалла режасини ошириб бажарганимиздан қувониб гапирдик. Лекин бундай иқтисодий ютуқлар юрт манфаатига, инсон манфаатига хизмат қилмаса, нима кераги бор. Аслида, бугунги мажлисдан мақсад ҳам яна фаровонлик, ободончилик ҳақида гаплашиб олиш. Олег Николаевич!

Олд қаторда бироз хаёлчан ўтирган «Шўртангаз» корхонасидан келган ўша масъуллардан бири дик этиб ўрнидан турди.

– Прошу объяснить... – дея рус тилида гапиришга ўтди вилоят раҳбари, – йил бошида сизнинг корхонангизга борганим эсингизда-я? Ўша ерда туриб, Иттифоқ газ саноати вазири билан гаплашгандим. Хуллас, ваъдалар бир дунё бўлганди. Лекин, очиғи, ҳеч бир амалий натижа кўрмаяпман ҳозирча. Гап нима ҳақида бораётганини сезиб турган бўлсангиз керак.

Олег Николаевич айтилган ҳар бир сўзни бош ирғаб, астойдил маъқуллаб турарди.

– Ахир бу қандай гап?! Газ ўзимиздан чиқса-ю, вилоят қишлоқларининг атиги тўрт фоизигина газлаштирилган бўлса?! Ҳатто шаҳар, туман марказларида ҳам бу ҳол аянчли, – деди Ислом Каримов фаолларга юзланиб, сўнг яна «Шўртангаз» бошлиғига мурожаат қилди, – Қани, сиз бизга аниқ айтиб беринг-чи, аҳ-

вол яна қанчагача шундай давом этади. Ё... халқимиз пахта териб, ғўзапоя ёқиб юраверсинми? Марҳамат, очиқча гаплашсак.

Ислом Абдуғаниевичнинг масалани бу қадар кескин ва қатъий бир тарзда кўндаланг қўйиши, мавжуд сиёсий тамойилларга терс бориши аҳли мажлисни андак саросимага солди. Ёш кадрлар бир-бирларига мамнун, хушҳол кўз ташлашар, эҳтиёткор, тажрибали амалдорлар беихтиёр бир-бирларининг орқасига яширинib, ҳозироқ бирор балога дуч бўлишдан қочмоқчидек эшик томон ўғринча қараб-қараб қўйишарди.

Олег Кузьмин минғирлаб гапни чўзгандан-чўзди. Айни пайтда иқтисодий ночор аҳволда эканликларини, бу долзарб муаммо ҳамиша диққат марказларида бўлишини, Москва билан тағин маслаҳатлашиб, албатта, амалий чора-тадбир қўллашларини айтди.

– Хуллас, бир ҳафта ичида амалий режа билан ёнимга келишингизга ишонсам бўладими? – деди вилоят раҳбари унинг олди-қочди баҳоналарини бўлиб.

«Осонгина қутулдим», деб ўйлади шекилли, Олег Кузьмин шоша-пиша қўлини кўксига қўйди.

– Албатта, Ислом Абдуғаниевич, албатта.

Вилоят раҳбари норизо бош чайқаган кўйи яна олдидаги қоғозларни ўйчан титкилади. Бироздан сўнг яна залга юзланди.

– Ўтган февраль йиғилишимизда қурилиш, ободончилик масалаларига кенг тўхталгандик. Кейинчалик амалий режа-лойиҳа тайёрлаб, ишларни ҳам бошлаб юбордик. Умуман, ҳозирча натижалар ёмон эмас... – Ислом Абдуғаниевич гапиратуриб нигоҳлари билан залдан кимнидир изларди. Сўнг туйқус сўраб қолди:

– Нортожи Эгамов қани? Нега йиғилишда йўқ?

Фаоллар ўтирган жойларида ён-верларига аланглаб вилоят қурилиш-архитектура бошқармаси бошлиғи

Нортожи Жўраевични излаган бўлишди. Лекин у чиндан ҳам залда йўқ эди.

– Ия, қизиқ бўлди-ку, Эгамов қани? – деб сўради вилоят раҳбари таажжубланиб, – ўринбосари борми? Ҳа, сизми?! Эгамов қани?

Оғир қўзғалиб ўрнидан турган, қовоқлари салқи, тиканак сочлари сийрак ўринбосар ён-верига қўрқа-писа кўз ташлаб гапиришга шайланди. Шу пайт олд қаторда ўтирган Қарши шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Лазерский ирғиб ўрнидан турди.

– Кечирасиз, Ислом Абдуғаниевич, сизга бир оғиз гапим бор.

Мажлис бошланмасдан анча олдин ҳам шаҳар котиби қабулхонада вилоят раҳбарига йўлиқиб, «Зарур гап бор», деган, бироқ шошилиб турган Ислом Абдуғаниевич «Мажлисдан кейин гаплашамиз», деб унга ортиқ эътибор бермаган эди.

Вилоят раҳбари Лазерскийга ҳайрон тикиларкан, шу нарсалар хаёлидан лип этиб ўтди.

– Марҳамат, гапиринг.

– Йўқ... ташқарида гаплашсак... минг бор узр, атиги бир дақиқа, Ислом Абдуғаниевич.

Мажлис аҳли юз берган ҳолдан донг қотиб қолди. Ислом Каримов нохуш бир кайфиятда ўрнидан турди. Кўнглига алланечук хавотир қуйилиб келарди. У вазмин одимлаб, идоранинг энсиз, узун йўлагига чиқди.

– Кечирасиз, Ислом Абдуғаниевич, – деди раҳбарнинг ортидан лип этиб йўлакка чиққан Лазерский эшикни зичлаб беркитаркан, – аслида мажлисдан олдин бу ҳақда ахборот бермоқчи эдим.

– Хўш, нима гап?

– Эгамов хонадонига кеча, яъни сиз Тошкентда эканингизда темир тобут келган.

– Қанақа темир тобут?!

– Эгамовнинг армияда хизмат қилаётган тўнғич ўғли нобуд бўлган.

Худди бошига оғир тўқмоқ теккандай Ислом Абдуғаниевич бир қалқиб тушди.

– Йўғ-е?!

– Афсуски шундай...

– Дафн қачон бўлди?

– Кеча пешинда, аммо...

– Хўш?

– Тобутни очтирмаслик ҳақида юқоридан буйруқ келганди... шу анча ноқулай бўлди...

– Тушунарли, – деб пичирлади Ислом Каримов оғир хўрсиниб, – дафнда қатнашдиларингизми?

– Ҳа, шаҳар қўмитасидаги фаоллар билан бордик. Одатдагидек кичик бир митинг ўтказиб, Ватан хизмати йўлида ҳалок бўлган ўғлонни Ватан ҳеч қачон унутмаслиги ҳақида гапирдик.

Вилоят раҳбари хомуш бош ирғаб ерга қаради.

– Умуман... сиз бу гапларни нега мени чеккага чақириб айтяпсиз?

– Аввал сизни хабардор қилмай туриб... – деб ғудранди Лазерский, – жамоат олдида гапириш ноқулай бўлди.

– Мажлисдагилар бехабар шекилли?

– Билмадим... балки баъзилар эшитгандир.

Ислом Абдуғаниевич ўйчан интилиб эшикни очдию залга кирди. Лазерский ҳам худди айб қилиб қўйган боладай бўшашиб унга эргашди.

Ногоҳ яна ичкарида пайдо бўлган вилоят раҳбарининг ҳол-аҳволини кўриб ҳамма донг қотиб қолди. Ислом Абдуғаниевич худди елкасига тоғ қулагандек эгилиб-букилиб аранг қадам ташларди. У шу алфозда ўз жойига бориб, бир зум паришон бўлиб туриб қолди. Сўнг мажлис аҳлига маҳзун кўз югуртирди.

– Ҳурматли фаоллар... бугун биз бу ерга халқ фаровонлиги, инсон манфаати ҳақида гаплашиш учун йиғилибмиз-у... бир инсоннинг бошига кулфат тушганидан бехабар қолибмиз. Азизлар... ҳозир ҳаммамиз жамулжам бўлиб Нортожи Жўраевичникига борамиз. Дўстимиз армияда хизмат қилаётган ўғлидан...

Томоғига тиқилган хўрлик Ислом Абдуғаниевични ортиқ гапиришга қўймади. У қилт-қилт ютинганича манглайини тутамлаб, бир зум жим қотди.

Мажлис аҳли гувиллаб оёққа қалқди.

X

Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Ҳаво ўз ҳароратидан ўзи димиқиб ётибди. Гўё қимирлашдан қўрққандек, атиги қилт этган эпкин ҳам йўқ.

Ислом Каримов ўз ҳужраси теварагида дов-дарахтлар оралаб бедор кезиниб юрибди. У бир пайтлар юраги ғам-ғуссага тўлиб кетган, онг-шуурида жавобсиз жумбоқлар, саркаш саволлар ғалаён кўтарган кезлар пойтахт Анҳори бўйларида шу тахлит саросар юрар, дардини сувга, қуш-қумурсқаларга шивирлаб айтиб, андак-андак таскин топарди. Энди-чи? Энди нима қилсин? Қашқадарёга келганидан бери юраги бу қадар қайғуаламга тўлмаган, бу қадар ўзини хўрланган, забун ҳис этмаганди. Ишга овунибми ё кўзлаган режалари бирозбироз амалга ошаётганиданми руҳланиб, кўнгли кўкариб юрганди. Лекин бугун қаттиқ эзилди. Устига гўё тоғ қулади. Фаоллар билан Нортожи Эгамов хонадонига кириб бораркан, қора қисматнинг қаттол қилмиши билан юзлашиб, кўз ўнги қоп-қоронғи бўлди.

Азадор хонадон дарвозаси қия очиқ эди. Ичкарида атиги тўрт-беш қариндош-уруғ. Уй хоналарининг би-

ридан аёл кишининг юракларни пора-пора қилувчи мунгли, фарёдли йиғиси қулоққа чалинади. Ишком остидаги чорпояда бошлари хам, кўзлари нам уч-тўрт эркак. Улардан андак пастда Нортожи ғужанак тортган кўйи тошдек қотиб ўтирибди. Бир пайтлар фаоллар йиғинида вилоят раҳбари етаклаб ўртага олиб чиққан, кийимлари пўрим, хушсурат, хушбичим одамдан асар ҳам йўқ. У гўё бир кечада тўқсон ёшли чолга айланган эди. Бошида беҳафсала қўндирилган қийшиқ дўппи, эгнидаги чопон, чала-ярим боғланган белидаги ола белқарс алланечук шалвираб турарди. Қайғу-ғамдан, тинимсиз йиғидан кўзлари қўрғошин қуйқасидай чуқур ботган, қабоқлари қабариб, юзлари шишиб кетган.

Ислом Каримов фаоллар тўпини бошлаб борганида дарвоза ёнида худди қоровулдай у ён-бу ён юриб турган, ҳарбий мундирли киши аввалига бироз саросималаниб тургач, сўнг каловланган кўйи пешвоз одимлади. Нимадир демоқчи бўлиб энди қимтинган чоғ, вилоят раҳбари, ҳатто, унга қиё ҳам боқмай ичкарига кириб кетди. Чорпояда ўтирганлар ғимирлаб қолишди. Нортожи эътибор бермади, ўша-ўша эгилган-букилган кўйи ўтираверди. Чорпоядагилардан бири андак энгашиб шивирлагач, бошини кўтарди, сўнг майибдек қалт-қалт титраганича ўрнидан турди. Ва туйқус ўкириб юборди. Вилоят раҳбари уни бағрига босди, елкаларини анча пайт силаб, овутган бўлди. Бироқ бўғзига тиқилиб келган хўрлик, алам касридан бирор нима дейишга ожизлик қилди.

Қисқагина мунгли тиловатдан сўнг, Каримов бошқаларга қўзғалмасликка ишора қилди-да, ўзи ўрнидан туриб, дарвоза ортига ўтди. Бу ерда қоққан қозиқдек турган вилоят ҳарбий комиссариати бошлиғи эканини биларди.

– Хўш, сендан эшитамиз энди, Чўтбоев, – деди вилоят раҳбари қоровул устига бостириб бораркан. – Бу нима? Нима қиляпсизлар?!

Чўтбоев довдираганича бир-икки қадам орқага тисарилди, сўнг шоша-пиша ҳарбийча кўйлаги чўнтагидан ихчам букланган варақ чиқариб узатди.

– Бахтсиз ҳодиса...

– Нима, бахтсиз ҳодиса?! Сенинг бу ерда қаққайиб, лоқайд туришинг бахтсиз ҳодиса! Болаларни кўра-била кушхонага юбораётганинг бахтсиз ҳодиса!

Ўша ҳолат, ўша манзара кўз ўнгида бот-бот жонланар экан, Ислом Каримов аллақандай дарахтга беҳол суяниб қолди. Кўнгил кечинмалари беихтиёр лабларига кўчиб пичирлади: «Менинг иложсизлигим, эрксизлигим бахтсиз ҳодиса...»

У бўғзига тиқилган аламни аранг ичига ютди.

* * *

Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Кўк тўла ғуж-ғуж юлдузлар! Йўқ, булар юлдузлар эмас, унинг сарғайиб-сўлган, саробга айланган орзулари! Ана, улар сирли жимирлаб ёнларига чорлашмоқда. Боради! Албатта, боради. Бормоқ йўли эса битта.

Совқотгандек қунишиб, арзон навли папиросни бурқситиб тутатаётган Шаймардон секин ён-верига кўз ташлади. Ҳовли жимжит. Устига енгил камзул ташланган ўғилчаси чорпояда ғужанак тортиб ухлаяпти. Зубайда ҳам унинг ёнига чўзилган. Отаси ичкарида. Қув-қув йўталиб иҳрашлари тинди. Ҳойнаҳой, у ҳам пинакка кетди.

Шаймардон шарпадек сидрилиб, ҳовли этагидаги оғил томон юрди.

Мана, унинг қайтганига ҳам роса икки ой тўлди. Икки ойки ичкари уйнинг бир буюмига айланган. Ҳеч ёққа чиқмайди. Ҳеч ким билан гаплашмайди. У билан дийдорлашиш учун келган қавм-қариндоши, дўст-би-

родарларининг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Шаймардоннинг тунд қиёфаси, аллақандай қўрс муомаласи уларни хафа қилди.

– Эй, менга қара, – деди акаси бир кун тоқати тоқ бўлиб, – бу нима аҳвол? Ҳаммани қон қилиб юбординг-ку! Нима истайсан ўзи? Тирик қайтганингга шукр қилсанг-чи.

– Мен тирик эмасман, – деб пўнғиллади Шаймардон.

Акаси қулочкашлаб мушт сермади. Шаймардон унга ташланди. Шу орада келиб қолган Ҳасан бобо ҳирқираб-ҳансираб олишаётган ака-укани амал-тақал ажратиб қўйди.

– Бунингиз чинданам муттаҳам ўғри, бекорга қамашмаган буни! – деб бўкирди жаҳл билан ака.

Шаймардон электр токи ургандай бир сесканиб тушди. Бир отасига, бир акасига беадоқ ҳасрат билан қаради. Лекин тажангланиб турган ака буни пайқамади.

– Шайманга тегма, – деди Ҳасан бобо маъюс, – уни ўз ҳолига қўй, эрта-индин ўзига келиб қолар.

Бироқ Шаймардон ўнгланмади. Қайтанга баттарлашиб, ичкиликка ружу қўйди. Одамлар санжоб пайти қишлоқ дўконидан аввал арақ, кейин арзон, чучмал вино олибкелиб, ичадиган бўлди. Ҳасан бобо бир чеккада, Зубайда бир чеккада юрак-бағри қон бўлиб, унга ғамгин термилишдан бошқа чора топишолмади.

Шаймардон баъзи кечалари уйғониб кетиб, пахта пайкаллари ичида тунашни одат қилди. Ғўза иси, намиққан тупроқ иси унга хуш ёқарди. У бўлиқ кўсакларни силаб-сийпалаб юм-юм йиғлар ва бундан алланечук таскин топарди.

У қайтиб келган куниёқ бор ҳақиқатни билганди. Ҳасан бобо дийдордан қувониб, ҳаяжонланиб ҳамма кечмишларни узуқ-юлуқ айтиб берди. Кам-кўстини Зубайда тўлдирди. Тун бўйи эрига қувонч билан термилиб сарсонгарчиликларини сўйлаб берди.

– Худога шукр, у қора кунлар ортда қолди, – дея ҳикоясини ниҳоялади у эрининг елкаларига суйкалиб.

– Зубби, бу ерлардан кетамиз, – дея пўнғиллади Шаймардон.

Зубайда сапчиб ёстиқдан бош кўтарди:

– Қаёққа?! Нега кетамиз?

– Шарманда бўлдим. Ҳамма бармоғини бигиз қилиб кўрсатишини истамайман. Бирор узоқроқ жойга кўчиб кетамиз, биласан, мен ишсиз туролмайман. Ишлаганда ҳам берилиб, чин кўнгилдан ишлашни истайман. Барибир бу жамиятдан бундан ортиғини кутиб бўлмайди. Шунинг учун эсимиз борида этакни тушириб, тоққа кўчиб кетайлик. Бир амаллаб тирикчилик қилармиз. Ҳамма пахтанинг ортидан нон еб юргани йўқ-ку.

– Бобом нима бўладилар, бобом?! У кишини ҳам ҳеч ўйладингизми?

Шаймардон буёғини ўйлаб кўрмаганди. Ҳа, отаси улар билан кетмаслиги аниқ, хўш, кейин-чи?

У пишиллаган кўйи анча пайт жим ётди-да, сўнг тескари ўгирилиб олди.

Шу кечани эр-хотин бедор ўтказишди.

Кеча чучмал винони қўлтиқлаб дўкондан қайтаётган пайт рўпарасидан Кўчар бригадир чиқиб қолди.

– Шайманмисан?! – деди у қари эшагини тўхтатиб, қулайроқ ўрнашиб оларкан, – аланг-жаланг келаётганингни кўриб, бу қандай ўғри экан деб хаёл қилибман, – у пихиллаб кулганича бир амаллаб уловидан тушди, ҳарсиллаб-лорсиллаб Шаймардон билан қучоқлашиб кўришган бўлди. – Қалай, ука, эсон-омон қутулиб келдингми? Тани-жонинг соғми? Ҳечқиси йўқ, ҳали кўрмагандай бўп кетасан. Қайси кун учинчи бригаднинг пайкалини оралаб юрувдик, пича жойнинг жўяклари

теп-текис бўлиб қолибди. Ит-пит ётган бўлса керак-да, деб хаёл қилибман. Кейин эшитсам, баъзан-баъзан сен ағанаб келаётган экансан...

Шаймардон Кўчар бригадирнинг ёнида қанча турди, қай вақт хайр-маъзур қилди, аниқ эслаёлмайди. Эслагани шуки, уйига келдию дарров арқон излашга тушди. Кўчар бригадирнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир пихиллаб кулиши жон-жонидан ўтиб кетганди.

«Тамом, булардан фақат ўлиб қутуламан», – хаёлидан ўтказди Шаймардон, одатда, ҳўкиз боғлаб қўйиладиган пишиқ-чайир арқонни бостирма тагидан топиб чиқаркан. Сўнг уни ғўзапоя ғарами орасига яшириб қўйди. Бугун тунда...»

Тун. Зим-зиё тун. Юлдузлар, сарғайган сароб орзулар жимирлаб, уни ёнларига чорлаётир. У қайтади, ўша орзулари ёнига қайтади!

Шаймардон шарпадай сирпаниб томорқани кесиб ўтди-да, ғўзапоя ғарами ёнига келди. Пайпасланиб арқонни излади. Лекин тополмади, негадир яшириб қўйган жойида йўқ. Шаймардон адашмадимми, деган шубҳада бир зум гарангсиб турди.

– Мана, излаётган нарсангиз.

Шаймардон ялт этиб овоз келган томон ўгирилди. Зубайда шундоққина биқинида, арқон ўрамини узатиб, юм-юм йиғлаб турарди.

– Зубби? Сен...

Зубайда ерга оҳиста тиз чўкди. Эрининг тиззаларини қучоқлади.

– Аввал мени...

Шаймардон қалтироқ қўллари билан хотинининг сочларини силади. Заиф бир ҳаракат билан ўзини бўшатмоқчи бўлди.

– Йўқ, аввал мени, – деб пичирлади Зубайда, эрининг тиззаларини қаттиқроқ қучиб ҳиқилларкан.

Айни чоғ ичкарида, ҳамма-ҳаммасини сезиб ётган Ҳасан бобо ҳам бошини ёстиққа босган кўйи силкиниб-силкиниб йиғларди.

* * *

Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Кўк тўла юлдузлар алланечук хиёнаткорона, фитнакорона жимирлайди.

Сочлари ҳурпайган, майкачан Олег Кузьмин очиқ дераза токчасига кет қўйиб сигарет чекиб ўтирарди. У бугунги йиғилишдан сўнг дарҳол идорасига қайтиб келдию эшигини ичкаридан қулфлаб олиб, Москвага сим қоқди. Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов устидан арз қилди. «Бу раҳбар ҳаддидан ошиб кетди», деди. Вилоятни газлаштириш масаласида қатъий талабларни бўйнига қўяётганини, мажлисларда Москва сиёсатини ошкора танқид қилаётганини айтди. Гап-сўзлари унинг ич-ичида ўта хавфли исён етилиб келаётганидан далолат беряпти, дея ўзича огоҳлантирган бўлди. Тезроқ ундан қутқаришларини илтимос қилди.

Олег Кузьминнинг таҳлика-ташвишга тўлиб-тошган товуши у ёқдаги бошлиғини ҳам бефарқ қолдирмади. «Олег, керакли идоралар билан боғланиб, вазият ҳақида ахборот бераман, жавобини кут, тун ярмида қўнғироқ қиламан», деди худди қабрдан келаётгандай бўғиқ овоз.

Мана, Олег Кузьмин кутяпти. Лекин ҳануз қўнғироқ қилишмади. Қибрайдан атай келтирилган пиво ҳам соб бўлди. Томоқлар қуруқшаб қоляпти. Лаънати бу жазирама мунчалар шафқатсиз-а. Ҳатто кечалари ҳам юзларга фақат иссиқ шамол урилади. Уф-ф, минг лаънат бунақа ҳаётга!

Олег Кузьмин шундай тажанг кайфиятда сигарет кетидан сигарет тутатди. Олис-олислардан баланд қувур устида лов-лов ёниб турган газ алангаси кўзга ташланади. Кузьмин беихтиёр унга тикилиб қолди. Назарида аланга тобора кучайиб-кенгайиб, устига бостириб келаётгандай туюлди. У ваҳима билан сапчиб ўрнидан турди. Алангага тикилган кўйи қоқила-сурила хона ичкарисига чекинди. Унинг кўз олди тиниб, боши чирпирак бўлиб айланарди.

* * *

Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Азим шаҳар ҳозиргина тўкилган кул уюмига ўхшайди. У ер-бу ерда чала ўчган чўғлардек чироқлар милтиллаб турибди.

«Чаман» чойхонаси одатдагидек жимжит. Хизматчилар оёқ учида, шовурсиз юришади. Гоҳ имо-ишоралар қилиб, гоҳ шивирлашиб гаплашадилар.

Ичкаридаги хос хонада тўкин дастурхон. Дастурхон тўрида Туя тоға қўр тўккан. Унинг икки ёнида икки хос мулозим. Пойгакроқда Восиқ Асадович Болтаев одобли боладай чўк тушиб ўтирибди. Хонада лампа чироқлари атай ўчирилган. Ўртадаги хонтахта устида икки дона шам милтиллабгина турибди. Туя тоға ўтирган томон қоп-қоронғи. Дафъатан кўз ташлаган киши у ерда биров ўтирганини илғаб ололмайди.

Восиқ Асадович Қашқадарёдан қайтгач, Марказқўмга ёзган ҳисоботи, оғзаки ҳикоялари хўжайинга унчалик ёқмади. Ҳолбуки, Болтаев уларнинг, ўз раҳнамоларининг хоҳиш-истагини инобатга олиб, Қашқадарё ҳаётидаги салбий аҳволни бўрттириб, кўпиртириб кўрсатганди. Ислоҳотлар баҳонасида Ислом Каримов хусусий мулкчиликка эрк бериб юборганини, деҳқонлар пахта

пайкаллари қолиб, кенгайтирилган ўз томорқаларида жавлон уриб юрганларини, сувни тежаш баҳонасида, бу йил баҳор серёғин келганини рўкач қилиб, кўпгина туманларда ер суғорилмай чигит экиб юборилганини, бу ҳосил учун хунук оқибатларга олиб келишини бирма-бир баён этганди.

Ишончли вакилни Александр Петрович ҳам ишонқирамагандай, ғижинганнамо қабул қилди. Болтаев ўзига нисбатан бўлаётган муомалалардан тобора жаҳли чиқмоқда эди. Айби нима? Намунча уни силкилашади? Нима исташади ўзи бу каландимоғ аъёнлар?!

– Буларни сенсиз ҳам биламиз, – деб пўнғиллади Анастасов ўрнидан туриб у ён-бу ён бетоқат юра бошларкан, – халқнинг кайфияти қандай?

Болтаев бу ола қарғага қандай жавоб маъқул бўлишини билолмай, бир зум саросималанди. Сўнг сиёсий-ижтимоий талаблардан келиб чиқиб, одатдагидек жавоб беришни маъқул кўрди:

– Халқнинг кайфияти кўтаринки. Уларда раҳбариятга ишонч уйғонган. Ишга, ижтимоий фаолиятга иштиёқлари баланд.

У ён-бу ён юриб турган Александр Петрович нақ унинг тумшуғи тагида тўхтади. Унинг афт-ангорига алланечук хавотир, таҳлика қалқиб чиқди:

– Ростданми?! Ё шунчаки йўлига айтяпсанми?!

– Рост. Қашқадарёликларда қандайдир руҳан-маънан юксалиш бор.

Александр Петрович курсига беҳол чўкиб, хумдай бошини панжалари орасига олиб ғижимлади.

Болтаев тажрибали амалдор сифатида айтганлари тажанг хўжайинга мутлақо ёқмаганини англади. Бироқ сабабини билолмай ҳайрон қотди.

– Сенинг ваколат муддатинг бир йилгача-я, унутмадингми? – деди Александр Петрович анча пайт па-

ришон ўтиргач, – керак бўлса яна чўзамиз. Хуллас, бу ерларда кўп ўралашиб юрмай, яна ўша ёққа жўна. Айтилган топшириқларни аниқ-тиниқ бажар. Бундай латта гапларинг менга керак эмас.

Болтаев эътироз билдирмади. Лекин яна Қашқадарёга боргиси йўқ эди. Яна Каримовга юзма-юз бўлишга нимадир жуда халақит берарди. Умуман, нега энди у йил бўйи Ислом Абдуғаниевичнинг кетидан айғоқчилик қилиб юриши керак экан? Нима, у хавфсизлик хизматининг жосусими? Йўқ, энди бунақаси кетмайди. Аввалига қизиқ устида «хўп» деди-да. Йўқ, энди Қашқадарёга қадамини ҳам босмайди. Ахир, Туя тоға орқали бошқа нарсага келишилган-ку?! Бирор вилоят партия қўмитасига биринчи котиб бўлиб қачон иш бошлайди? Ҳақини жарақ-жарақ санаб олишдими, тамом, бу ёғини ҳам дўндириб қўйишсин-да! Йўқ, Қашқадарё керакмас, бошқа вилоят раҳбарлигини беришсин.

Восиқ Асадович кўнглида кечган бу туғёнли гапларни айтишга бир-икки чоғланди-ю, бироқ барибир журъат қилолмади. Тавозе қилиб, бош ирғаб туришдан нарига ўтолмади.

– Сенга айнан нима қилиш кераклигини тушунтириб қўйишади, – деди Александр Петрович уни кабинетидан чиқариб юбораркан, – давай, бўшашма. Ҳаракат қил.

Болтаев барибир Қашқадарёга жўнамай, ҳар хил баҳоналар билан уч ойча тайсаллаб юрди. Аммо ёзнинг бошларида Каримовни Марказқўмга чорлашиб, ўртага олишди, айбларига иқрор бўлиб, тушунтириш хати ёзишга мажбур қилишди. Ўша йиғинда Болтаев ўзини бамисли игна устида ҳис қилди. Чунки у қанчалик амалпараст, худбин бўлмасин, бироқ ғирром ўйинларни кўп ҳам хушламасди. Йўқдан йўндириб, ошириб-то-

шириб ҳисобот ёзганидан, оғзаки ахборот берганидан кўнгли ғаш эди. Бундай ўйлаб қараса, бу шилимшиқ ғашлик Қашқадарёда ҳужжат титкилаб, Каримовнинг ишларидан қусур излаган кунлариёқ кўнглига кириб келган экан. Ўшанда камчилик топа олмаганидан эмас, аслида шунақа бемаъни ишлар билан машғуллигидан тажанглашган, асабийлашган экан.

Бироқ бугун эрталаб Туя тоғадан чопар келди. Кечки соат учда «Чаман» чойхонасида бўлиши лозимлигини қатъий тайинлади.

Мана, ўтирибди.

– Нега, Қашқадарёга шу пайтгача жўнамадинг? – деб сўради Туя тоға. Қоронғи бурчакда унинг ўзи кўзга ташланмаганидан худди қоп-қора қабр ичидан бўғиқ товуш чиқаётгандек туюларди.

– Мазам бўлмади, – дея аранг минғирлади Болтаев.

– Берилган топшириқни ҳазил деб билма, ука.

– Тоға, – деди Восиқ Асадович кўнглидагини айтишга журъат этиб, – мен қачон мақсадимга эришаман? Ахир, ваъда бергандингиз-ку. Ваъда муддати ҳам ўтиб кетди.

– Қашқадарёдаги курсини бўшатиш керак.

– Менга бошқа вилоят ҳам бўлаверади.

Туя тоға бир зум жим қолди. Ҳойнаҳой, чойми, сувми ҳўплади.

– Фарқи йўқ, – деди сўнг ҳамишаги бўғиқ товушда, – сен хизматингни кўрсатишинг керак.

– Қанақа хизмат яна? Боргин дейишди, бордим, текширдим, ҳисоботда кўрсатдим.

– Бунинг ҳаммаси чепуха. Анастасовга бошқа нарса керак. У сендан аҳолининг кайфияти ҳақида сўрадими?

– Ҳа. Қанақа бўлса, ростини айтдим. «Халқнинг кайфияти кўтаринки, келажакка интилиши зўр», дедим. Лекин негадир хўжайинга ёқмагандай бўлди.

Туя тоға пихиллаб кулди.

– Ўзингни гўлликка солма, унга нега ёқмаганини билиб турибсан.

– Ўлай агар, билмадим.

– Қашқадарё халқи давлат сиёсатидан эмас, Каримовнинг тутуми маъқуллигидан руҳланган, улар коммунистик ғояларга эмас, бугун Каримовнинг сеҳрли сўзига эргашяпти, бунинг оқибати нима бўлишини биласанми ўзи?! Шусиз ҳам Иттифоқ бўронда қолган кемадай қалтис чайқалиб турибди. Анастасов нега хавотирда эканини энди тушунгандирсан?

– Ҳа, тушундим.

– Кремль Каримовнинг номаъқул хатти-ҳаракатларини аллақачон сезган. Шунинг учун атай пойтахтдан узоқлаштириб, Қашқадарёга жўнатган.

– Ўша пайтдаёқ қамаб қўйишса бўлмасмиди? – дея ботинмайгина минғирлади Болтаев.

– Кремль арқонни узун ташлайди, ука, – деб ҳиринглади Туя тоға, – сенга ўхшаган ҳовлиқма эмас. Уларнинг биринчи мақсади, Каримовнинг бошқа ҳамфикрлари бор-йўқлигини аниқлаш; иккинчидан, ўша ёқларда бирор ишкалга чалкаштириб ими-жимида йўқ қилиш. Бунинг ҳаммасини назорат қилиш Александр Петровичга юклатилган. Каримовнинг ҳар бир қилмиши учун у калласи билан жавоб беради. Тушундингми?

– Ҳа, тушундим.

– Тушунган бўлсанг, энди топшириқни яхшилаб қулоғингга қуйиб ол. Нима қилиб бўлса ҳам Каримовни халқ олдида обрўсизлантириш керак. Имкон қадар унга қарши ғалаёнлар бўлса, нур устига нур. У олиб бораётган ислоҳотларни барбод қилиш лозим. Бунинг ҳаммасини силлиққина, ими-жимида уюштириш зарур. Ана, ўшанда марра бизники.

– Бунақа ишларни қандай уюштираман, қўлимдан келмайди, – деб зорланди Болтаев.

– Восиқ ука, сен эплайсан, сенга ишонамиз. Аввал шаштинг баланд эди, негадир энди кўнгилчанлик қилаяпсан, бунақада сен ҳам, биз ҳам мақсадга эришолмаймиз. Ҳой, ука, билиб қўй, сен ўйинга кирдинг, притом, ўз ихтиёринг билан кирдинг, тўғрими?

– Ҳа, тўғри, – бўшашибгина иқрор бўлди Болтаев.

– Энди бу ёғига чида, ишни охирига етказ. Ўшанда ҳаммамизга яхши бўлади. Унутма, бу ўйин ҳам қиморга ўхшайди, кирмоқ бор-у, чиқмоқ йўқ, охиригача туриб берасан. Акс ҳолда...

Восиқ Асадович Туя тоғанинг ошкора таҳдидларидан товонигача титраб кетди. Чунки бу одамнинг ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаслигини у кўп эшитганди. Энг даҳшатлиси, айни пайтда Болтаев қутулиб бўлмас қопқонга тушганини чуқур англаб етди.

– Тушундим, тоға. Уч кундан сўнг жўнайман, – деди у арақ тўла пиёлани қўлга оларкан, – ҳаммасини ўринлатаман.

– Ҳа, бу бошқа гап.

* * *

Тун. Зим-зиё тун. Бутун борлиқ қари жодугарнинг қоп-қора ридосига бурканган. Ҳаво ўз ҳароратидан ўзи димиқиб тўлғанади. Тўлғанишидан илиқ, ёқимсиз эпкин қўзғалади.

Ислом ака боғ бўйлаб ҳануз саросар кезиб юрарди. Дов-дарахтлар беҳис, бешафқат соқчилардек теварагида тек қотган. Ўқталган шамширу найза янглиғ шох-шаббалар гўё йўлини тўсмоқчи бўлади. Лекин Ислом аканинг бунга заррача эътибори йўқ. Кўз ўнгида азадор хонадон, ғамдан қадди букик ота-она бот-бот жонланаркан, бот-бот юраги зардобга тўларди.

Вилоят раҳбари «Бахтсиз ҳодиса туфайли нобуд бўлди» мазмунидаги расмий қоғозга ишонмай, асл ҳақиқатни сўраб-суриштириб билди. Аскар болани ўз командирлари уриб ўлдирган экан! Ахир бундан ортиқ бедодлик борми?! Ҳойнаҳой, ёш йигитчани хўрлашган, у эса бўйсунишдан бўйин товлаб қаршилик кўрсатган. Аллақандай қора-қура ўзбек боланинг қайсарлиги ўзларини олий тоифа чоғлайдиган командирларнинг гўёки нафсониятига тегиб, уни омборхонага аввал иккиуч кун қамаб қўйишган, сўнг ўртага олиб дўппослашган. Оқибатда, аскарнинг буйрагими, талоғими ёрилиб кетиб, жон берган.

– Болам бечора ёшлигидан касалманд эди, – деб уҳ тортади Нортожи Эгамов, вилоят раҳбари кўнгил сўраб борганида, – икки марта сариқни бошидан ўтказганди. Лекин шунга қарамай армияга олиб кетишди. Свердловск деган жойда хизмат қилаётганди болам...

Шўрлик ота ортиқ гапиролмай, вилоят раҳбарининг елкасига бошини қўйган кўйи ҳўнграб юборди.

«Касалманд эди...» Шу жумла Ислом Каримовнинг юрак-бағрини тиғдай тилиб ўтди. Тилиб ўтдию бундан уч-тўрт ой аввал юз берган бир воқеа кўз ўнгида лоп этиб жонланди.

Ўшанда вилоят раҳбари шарқий туманларнинг бирига, ободонлаштириш ишлари қандай бораётганини одатдагидек ўз кўзи билан кўриш учун йўлга чиққанди.

Кун иссиқ. Жону жонзот ўзини соя-салқинга урган бир пайт. Қаршидан чиққан жойда, бетон тўсинлардан амал-тақал тикланган кўримсизгина бекат соябони тагида бир чол-кампир жонсарак турган экан.

– Суюн ака, агар йўлимиз бир бўлса, шу қарияларни ҳам ола кетайлик, – деди Ислом Абдуғаниевич ҳайдовчига, машина ойнасидан теваракни кузатиб келаркан,

– боёқишлар иссиқда анча қийналиб қолишибди. Уларнинг суҳбатини ҳам олиб кетамиз.

«Волга» йўл чеккасига оҳиста тўхтади. Суюн ака кабинадан тушиб қарияларга яқин бориб, одоб билан уларнинг борар манзилини суриштирди. Чолнинг жавобидан маълум бўлдики, улар ҳам ўша тарафни кўзлаб йўлга чиқишган, хийла пайтдан бери автобус кутиб, ҳориб-толиб туришган экан.

– Бизнинг машинада кетамиз, – деди Суюн ака «Волга» томон ишора қилиб, – бошлиқ сизларни чақиряпти.

Кутилмаган таклифдан ҳангу манг қотган чол-кампир андак саросималаниб туришгач, тугунларини қўлтиқлаб ботинмайгина машинага ўтиришди. «Волга» оҳиста қўзғалди.

– Отахон, – дея ёнидаги қарияга табассум билан кўз ташлади Ислом Абдуғаниевич, улар билан қуюқ саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, – куннинг иссиғида бундай овора бўлиб юрибсизлар, тинчликми, ишқилиб? Ё, тўй-пўйга отландиларингизми?

Қария сийрак соқолларини тутамлаб, маъюс бош чайқади.

– Э-э, қанақа тўй болам, ўн саккизга кирган бир неварамиз бетоб, Қаршида касалхонада ётибди, шундан хабарлашиб келаяпмиз.

– Неварангиз қандай касалга чалинибди?

– Буйрагида тош бор эканми-ей...

– Ия, бу касалликни, нима, туманда даволаб бўлмасмикан?

– Ўзимизда ҳам кўрсатдик, лекин... – қария нимадандир истиҳола қилиб жим қолди.

Унинг гапларини диққат билан тинглаётган вилоят раҳбари чолни мулойимгина яна қистади.

– Гапираверинг, ота, тортинманг, нима, туманда нотўғри диагноз қўйишдими?

– Ҳа, – дея бош ирғади қария суҳбатдоши томон ботинмайгина кўз ташлаб қўяркан, – Тўлаев деган дўхтир ўзича анча пайт даволади, кейин маълум бўлдики, нотўғри диагнўз қўйиб, даволаб ётган экан...

Ислом Абдуғаниевичнинг жаҳли чиқди: «Қанақа саводсиз, тўнка врач экан, ўша Тўлаев деганлари, наҳотки инсон тақдирига шундай лоқайд муносабатда бўлса?!»

Шу ўй йўл бўйи миясида қуюндек кезиб юрди. Ҳатто ҳозироқ туман раҳбари билан боғланиб ўша нодон врачга нисбатан кескин чора кўришларини тайинламоқчи ҳам бўлди. Лекин мулоҳазага борди.

«Йў-ўқ, жазолаш қочмас, яхшиси, аввал ўша врачнинг ўзи билан гаплашиб кўрай, сўнг шунга қараб чора кўрамиз...» – хаёлидан ўтказди вилоят раҳбари чуқур хўрсинаркан.

Ҳа, у шундай қилди. Келгуси ҳафта вилоятда ўтказилган соғлиқни сақлаш масалаларига қаратилган мажлисга атай Тўлаевни ҳам чақиртириб, танаффус пайти у билан яккама-якка гаплашиб олди.

Тўлаев ўттиз ёшлар атрофидаги пастак бўй, ориқозғин, ҳаракатлари чаққон йигит экан. Суҳбат пайти ортиқча тихирлик қилмай, ўз айбига иқрор бўлди-қўйди. Ислом Абдуғаниевичга унинг очиққўнгиллиги, ростгўйлиги маъқул тушди.

– Бунақа нодонликнинг сабаби нима, ука, – деб сўради у, ўша машинада эшитганларини айтиб ўтаркан, – ё, институтни таниш-билишлар ёрдамида амал-тақал битирганмисиз?

Врач йигит оғир сўлиш олди.

– Ислом Абдуғаниевич, ўзингиз жуда яхши биласиз, ҳамма талабалар қатори мединститут студентлари ҳам уч-тўрт ойлаб пахта йиғим-теримида бўлишади. Йўқ, сизлар инсонлар соғлиғи учун масъулсизлар, чалғимай, чуқур билим олишларингиз керак, дейдиган марди

майдоннинг ўзи йўқ. Қолаверса... Ислом ака, биласиз... мединститутларда дарслар асосан рус тилида, бизга ўхшаган қишлоқдан чиққан талабалар учун бу ҳол жуда машаққатли... Институтни бирор нарсани тушуниб-тушунмай битириб кетамиз...

Вилоят раҳбари ёш врачнинг ҳақли фикрларини тингларкан, ўйланиб қолди. Чуқур, мураккаб муаммоларнинг туб илдизи қаерда эканини англаб, изтиробга тушди.

«Энг аввало, тиббиёт талабалари ўз она тилида таҳсил олиши керак. Уларни ҳар хил ҳашар-машарлардан озод қилиш зарур. Бу масалани пойтахтдаги йиғинларнинг бирида албатта ўртага ташлайман», – хаёлидан ўтди унинг ўшанда.

Тузукроқ даволана олмай, заиф, касалманд бўлиб қолган бола ҳақида ёниқ кўнгил фарёдини тингладию ўша гап-сўзлар қулоқлари остида жаранглаб, ўша манзаралар кўз ўнгида жонланиб, вилоят раҳбарининг юрак-бағри ўртанди. Ҳарбийда ҳалок бўлган аскар ва қолоқ тиббий хизмат ўртасида боғлиқлик борлигини чуқур ҳис этди.

Ислом Каримов ўзини қўлга олиб, мустаҳкам туришга қанчалик уринмасин, барибир бўлмади. Кўзларига аччиқ ёш қуйилиб келди. Бу алам ёшлари эди. Бундай зулм, инсон тақдирига лоқайдлик қачонгача давом этади, ахир! Иттифоқнинг гоҳ у, гоҳ бу ҳарбий қисмидан сўнгги тўрт ой ичида етти марта темир тобут келди! Ким билади, балки бошқа вилояту шаҳарларга бундан ҳам кўпроқ келаётгандир?! Нима бало, булар ўзбек болаларига тажовуз қилишга келишиб олганми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Бундай зўравонликка, хўрлашларга ортиқ чидаб бўлмайди! Бировлардан марҳамат кутиб ўтириш ҳам ноўрин. Ўз ҳақ-ҳуқуқимиз учун қатъий туриб курашишимиз лозим, холос!

Ислом Абдуғаниевич Каримов дарахтга беҳол суяниб турган жойидан бир силтаниб қад ростлади. Кўкрак кериб чуқур-чуқур нафас олди. Бошини мағрур кўтарди. Юлдузлар сирли жимирлаб, гўё у томонга интилаётгандай бўлди. Бутун вужудига аллақандай кучқувват тўлиб келаётганини англади.

XI

Вилоят раҳбарига тегишли оқ «Волга» сарғиштус, кўримсизгина касалхона биқинига келиб тўхтаганида, соат эндигина тонгги бешга бонг урган эди. Бироқ чор атроф серсаховат жануб қуёшининг заррин нурларига аллақачон ғарқ бўлиб улгурган. Қашқадарёга хос иссиқ аста-секин забтига олиб келмоқда. Дов-дарахтларда қушлар чуғур-чуғури авжида. Теваракда одам қораси кўринмайди.

– Неврология бўлими иккинчи қаватда эдими? – деб сўради машинадан тушаркан Ислом Каримов ҳайдовчидан.

– Ҳа, шундай. Мен ўзим бошлаб бораман.

– Йўқ, сиз овора бўлманг. Чувалашиб юрсак, ҳамманинг диққатини тортамиз. Яхшиси, сиз мени шу ерда кутиб туринг.

Ислом Абдуғаниевич теваракка енгил кўз югуртиб олгач, касалхонанинг кириш эшиги томон юрди. Кеча пешиндан бери унинг онг-шуурида пайдо бўлган қарама-қарши ўйлар, ҳислар ҳануз беаёв чарх уриб турарди.

Ҳа, ҳаммаси ўша пайтдан бошланди. Кенг пайкалларда баравж ўсаётган ғўзаларни кўриб, кўзи қувонган бўлса-да, Ислом Абдуғаниевич Талимаржондан дили хуфтон бўлиб қайтган эди. Ахир қўриқ туманларнинг энг каттасига сув ҳайдаб берадиган насос бузилибди! Туркманистон ҳудудидаги бошқа насослар ҳам абгор

аҳволда. Вилоят раҳбари махсус таъмирлаш бригадасини чақириб, бузуқ насосни амал-тақал тузаттирди. То иш битгунча ўзи кўз-қулоқ бўлиб турди. Аммо кўнгил безовталиги барҳам топмади.

«Бунинг ҳаммаси омонат, насослар барибир яна панд беради», деган ўй борлиғини буткул банд этган, вазиятдан жиддий ташвишга тушиб қолган эди.

Ҳамма насос станцияларини буткул янгилаш керак! Аммо қандай қилиб?! Пойтахтдаги раҳбарлар бу масалага қандай қарор экан? Мавжуд муаммо ўз вақтида ҳал қилинмаса, келгуси йилданоқ Қашқадарё қишлоқ хўжалиги оғир аҳволга тушиб қолиши, бу ерда яшаётган миллиондан зиёд аҳолининг тирикчилиги хавф остида қолиши муқаррар. Раҳбарият шу таҳдидни тўғри баҳолаб, тўғри хулоса чиқарармикан? Холис бир фикр билан ёрдамга шошилармикан?

Ислом Абдуғаниевич шундай қийноқли саволлар қуршовида Қаршига қайтиб келганида вақт пешиндан оққанди. Шаҳар жазирама остида тандирдай қизиб, бетон бинолар ўз-ўзидан ҳовур пуркаб ётарди. Тирик жон ўзини соя-салқинга урган.

У зиналардан ҳорғин бир тарзда бир-бир кўтарилар экан, кичик мажлислар залидан баланд-паст товушлар қулоғига чалинди.

«Дарвоқе, Капитанов йиғилиш ўтказаётган бўлса керак», хаёлидан кечди Каримовнинг, ланг очиқ эшик ёнидан кўз қирини ташлаб ўтаркан.

Чиндан ҳам ичкарида ғўза парвариши билан боғлиқ мажлис бўлаётган эди. Минбар ёнидаги столда иккинчи котиб Капитанов иссиқдан лоҳасланиб ўтирар, унинг ёнида бошқарма бошлиғи Қурбон Чориев чарм жилдли дафтарига алланималарни шоша-пиша ёзиб олар эди.

«...Ҳа, шунақа, Холёров ўзбошимчалик билан пайкалларига янги нав уруғ қадаганди, бугун даласига қа-

раб бўлмайди. Ғўзалари кўсакка кирмасдан бужмайиб қовжираб қолди... Бир нима десангиз гап қайтаради. Ўзича Биринчининг эркатойига айланиб олган, бизларни писанд қилмайди...»

Бутун хонада гулдираб акс садо қайтараётган бу овоз Элчибоевники эканини вилоят раҳбари пайқади. Пайқадию ичида нимадир узилиб кетгандай бўлди.

Нималар деб валдираяпти бу?! «Абрай Холёровнинг пайкали қовжираб кетди» дейдими? Ахир бу тажрибали деҳқонга ишонилганди-ку, янгиликка интилишлари қўллаб-қувватланган эди-ку! Наҳотки, ўшандаги талаблари шунчаки мақтанчоқлик, шунчаки ўзини кўрсатиш бўлса?! Бунақа қусурлар фақат Элчибоевда эмасканда... Холёровнинг ўзи ҳам... Ё... биринчи раҳбарнинг илиқ муносабатини нотўғри тушуниб... ишончини суиистеъмол қилиб...

Ислом Абдуғаниевич шундай хаёл билан кабинетига қандай кириб, қандай ўз иш столига ўтирганини сезмай қолди. Аслида у мажлис аҳли билан бирров саломлашиб, ҳорманглашиб чиқмоқчи эди.

У манглай силаган кўйи столи устидаги қоғозларга паришон тикилиб қолди. Гоҳ насос ҳақидаги ўйлар, гоҳ Элчибоевнинг иддаоли гаплари хаёлида чарх уриб айланар, боши ғувиллаб, кўз ўнги хира тортиб борар эди.

Вилоят раҳбари насослар масаласида пойтахтдагилар билан гаплашишга аҳд қилиб, истамайгина телефон томон интилди. Бироқ яна ўйга чўмиб узатган қўли ҳавода муаллақ қотди.

«Кейин бафуржа шуғулланаман бу иш билан... яхшиси, мана бу масалани бир ёқли қилай», хаёлидан кечирди у, сўнг чорлов тугмачасини босди.

Шу лаҳзадаёқ бўсағада ёрдамчи бўй кўрсатди.

– Лаббай, Ислом Абдуғаниевич!

– Дарҳол еттинчи совхоз директори Холёровни топинг. Ҳозироқ етиб келсин.

– Хўп, тушундим.

Ёрдамчи шоша-пиша чиқиб кетди. Ўрнига яна эзгин хаёллар ёпирилиб кирди.

Ё, бунинг ҳаммаси Элчибоевнинг найранглари-микан? Абрай акани ёмонотлиқ қилиш учун унинг ғўза парваришига қандайдир йўллар билан панд бергандир? Йў-ўқ, буниси унча ўхшамаяпти. Ё... донгдор директорнинг ўзи манманликка берилиб кетдимикан?..

Орадан ўн дақиқалар ўтиб, эшик ёнида яна ёрдамчи пайдо бўлди.

– Хўш, нима гап? – деб сўради Ислом Каримов савол тўла кўзларини унга тикиб.

– Холёров даволаняпти экан.

– Қаерда?

– Вилоят касалхонасининг неврология бўлимида.

Ислом Абдуғаниевич яна анча пайт ўйланиб қолди.

– Яхши, – деди сўнг деярли пичирлаб, – бораверинг, ҳаммаси тушунарли.

Бугун соат тонгги тўртда етиб келган «Волга»нинг орқа ўриндиғига ўзини ташларкан:

– Вилоят касалхонаси томон ҳайданг, – деб қўйди. Аммо машина эндигина катта кўча томон қайрилган пайт яна фикрини ўзгартирди.

– Суюн ака, еттинчи совхоз томон ҳайданг, аввал далаларни кўрмоқчиман.

«Волга» Қўриқ тумани томон бурилди.

Уфқ чала ювилиб, чала осилган дарпардадай хирагина оқариб келарди. Қаёндандир салқин эпкин эсмоқда. Кўчалар, маҳаллалар жимжит. Аҳён-аҳён қай бир ҳовли дарвозаси ёнида супур-сидир қилаётган келинларгина кўзга ташланади.

Машина ўттиз дақиқалар ичида еттинчи совхозга қарашли пайкаллари, биқинига етиб келди. Ислом Абдуғаниевич шошилмай уловдан тушдию йўл ёқасидаги ариқдан ҳатлаб ўтди. Теваракка синчков назар ташлади. Унинг қаршисида узоқ-узоқларга чўзилиб кетган пахта пайкаллари қорамтир яшил тусда ястаниб ётар, димоқларга ажиб бир тароват урилар эди.

Каримов яқин бир пайкални оралай бошлади. Бошлади-ю, юраклари увишиб кетди.

Ҳа, рост, Элчибоев ҳақ! Ғўзалар олисдан гўё яшнаб тургандек кўрингани билан аслида алланечук сўлғин ва нимжон эди. Ҳатто қовжираб, сарғая бошлаган жойлар ҳам анчагина экан. У ер-бу ерда яккам-дуккам осилиб турган кўсакларни айтмаса, қувончга арзигулик ҳеч вақо йўқ.

Ислом Абдуғаниевич маъюс бир кайфиятда пайкалларни анча пайт оралаб юрди. Гўё сирлашаётгандай касалманд ғўзаларни силаб-сийпалаб, баргидан поясигача диққат билан кўздан кечириб, эгатларда хийла вақт чўнқайиб ўтирди.

Қизиқ, нега бундай аянчли аҳвол ҳақида Холёров ҳеч гапирмаган? Ё, уялиб ўзи билганича вазиятни ўнглашга ҳаракат қилиб юрганмикан? Ахир Деҳқонлар кенгаши иши юзасидан тез-тез учрашиб туришарди-ку?! Пахта ишининг пири бўлган шундай одамнинг бундай хатти-ҳаракатини қандай тушуниш мумкин?

Вилоят раҳбари яна машина ёнига қайтди.

– Энди касалхонага борамиз, – деди у азадан чиққан одамдай синиқ бир товушда.

Мана, Ислом Абдуғаниевич ўша хаёлчан алфозда вилоят шифохонасига кириб борди. Эшигига ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан «Неврология» деб ёзиб қўйилган йўлак эшигидан бош суқди.

Ҳаммаёқ жимжит. Чала-чулпа ёришган энсизгина йўлакда аллақандай дориларнинг ўткир ҳиди анқийди.

Ҳавонинг иссиқлигидан деярли барча палата эшиклари очиб қўйилган. Навбатчилик столи устига бош қўйиб мудраётган оқ либосли ҳамшира йўлакдаги шарпадан сергакланди шекилли, илкис қад ростлади.

– Ассалом... кечирасиз сизга ким керак? – дея саросимали сўради у, ногоҳ бўлимда пайдо бўлган ўйчан ва жиддий қиёфали кишидан чўчинқираб.

– Холёров қайси палатада?

– У киши учинчида.

– Кўрмоқчи эдим. Уйғоқмикан?

Ҳамшира чаққонгина йўрғалаб бориб, йўлак тўридаги палаталардан бирига мўралади. Сўнг ортига кўз ташлаб, «Келаверинг» дегандай бош ирғади. Ислом Абдуғаниевич ҳамширанинг андак синчков, андак ҳуркак нигоҳлари таъқиби остида яккалик палата эшигига кўндаланг бўлди. Тўзғин тўшаги устида ғужанак тортиб ўйчан ўтирган Холёров вилоят раҳбарини кўрдию қад ростлашга ошиқди.

– Безовта бўлманг, Абрай ака, – деди Ислом Абдуғаниевич илдамлик билан унинг елкасига қўл қўяркан.

Кутилмаган ташрифдан буткул шошиб қолган Холёров ҳаяжонланган кўйи эмранар, бўғзидан алланечук хирқироқ ситилиб чиқарди. Унинг заҳил ранг-рўйи, бўш тўрвадай осилган бўртиқ қабоқлари, лаб-лунжи шундоққина оғир дардмандликдан дарак бериб турарди. Сарғиштус тумба устида ҳар хил дори-дармонлар сочилиб ётибди. Хона бурчагида осма уколга мўлжалланган мослама шай қилиб қўйилган эди.

Қизиқ, кеча пешиндан бери Ислом Абдуғаниевичнинг кўнглида ғимирлаб юрган шубҳа-гумонлар негадир намиққан девордай ушала борди, унинг ўрнини ногоҳ қаршисидаги одамга нисбатан меҳрми, илиқликми эгаллай бошлади.

– Мазангиз қочиб қолдими, Абрай ака? – деб сўради вилоят раҳбари қуюқ ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, – узр, биз бехабар қолибмиз.

– Йў-ў... шунчаки... ҳамишагидай қон босимим бироз...

– Сиз жиддий даволанишингиз керак, ака. Кузроққа сизни Москвага махсус йўлланма билан жўнатаман.

– Раҳмат, Ислом ака... узр, сизни ҳам безовта қилдим.

Негадир гап-сўзлар туйқус узилиб, ўртага алланечук ўнғайсиз жимлик инди. Пардалари суриб қўйилган деразадан тушаётган офтоб нурлари хонанинг сутранг деворларида жилвалана бошлади. Беморлар ҳам уйғониб, тонгги муолажалар кўйида ғимирлаб қолган бўлса керак, йўлак бўйлаб ўтиб-қайтаётган енгил қадам товушлари, ғўнғир-ғўнғир гап-сўзлар қулоққа чалинарди.

– Бизга Амударёдан сув чиқарадиган йирик насосларнинг олтитаси яроқсиз ҳолга келиб қолибди. Кеча шуни кўриб келдик, – деди Ислом Абдуғаниевич афсус билан бош чайқаб. – Келгуси мавсумгача уларни қандай қилиб бўлса ҳам янгилашимиз керак.

Холёров суҳбатдошига ботинмайгина кўз қирини ташлаб олди: «У ёққа борган бўлса, демак... менинг хўжалигимдаги аҳволни кўрган...»

Ҳа, кечаги мажлисда Элчибоев беҳуда баралла гулдираб гапирмаётган эди. Донгдор хўжаликнинг донгдор директори сўнгги пайтлар чиндан ҳам анчагина манмансираб қолганди. Ахир ҳазил гапми, кимсан Биринчининг ўзи уни ҳузурига чорлаб тажрибасини, билимдонлигини эътироф этди, Деҳқонлар кенгаши тузиб, бу уюшмага уни бош-қош қилиб қўйди, ҳамиша маслаҳатларига қулоқ солади, модомики, шундай экан, у димоғдорлик қилмай, ким қилсин!

Абрай ака райком Элчибоевни буткул писандига илмай қўйди. Баъзи масалаларда тўғри маслаҳат берган кезлари ҳам унга қулоқ солмади. Аста-секин атрофига айрим лаганбардорлар йиғила бошлади. Бу ёқда экин парвариши ҳам ўлда-жўлда ҳолга келди. Янги навдаги янги уруққа янги технология асосида парвариш зарурлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, ҳаммасини эскича олиб борди. Оқибатда... Деҳқонлар кенгаши мажлисларида бошқаларга беадоқ панду насиҳатлар қиладиган донгдор директорнинг ўзи қийин вазиятга тушиб қолди.

Абрай Холёров ўз хатоларини англаб етганида анча кеч эди. Хўжалигидаги иккинчи бўлимнинг ғўза пайкали сўлиб битганди. Донгдор директор довдираб у ён-бу ён чопди, не бир мутахассислар билан маслаҳатлашди, ҳатто фарғоналик ўзига ўхшаш машҳур пахтакорларни бошлаб келиб вазиятни кўрсатди, аммо аҳвол ўнгланмади.

«Чигит аввалбошидаёқ нотўғри экилган, зарурий технологияга амал қилинмаган», дейишди деярли барча мутахассислар баб-бараварига.

Ўз қилмишининг жавобгарлигини ўйлаган Холёров, ниҳоят қон босими ошиб, тўшакка қулади. Мана, кулликланган қўйдай хирқираб ётибди.

– Ислом ака, бизнинг пайкалларни кўрдингизми? – деб сўради у аранг сас бериб.

– Ҳа. Ҳозирча йўл ёқасини кўрдим. Ҳамма жой шу аҳволдами?

– Йў-ў... фақат иккинчи, учинчи бўлимда шунақа.

Вилоят раҳбари бош чайқаб, ҳорғин тин олди.

– Мен сиздан буни кутмагандим.

– Кечиринг мени, Ислом ака... – деди Холёров кўзларида ғилт-ғилт ёш айланиб, – юзингизга оёқ қўйдим... ишончингизни оқлаёлмадим...

– Сиздан умидларим катта эди.

– Ислом ака, илтимос, мени лавозимдан бўшатинг, илтимос...

Вилоят раҳбари ўйчан бош силкиб, бир чеккага тикилди.

– Ўрнингизга кимни тавсия қила оласиз?

Холёров мужмал елка қисиб жим қотди.

– Яхши, бу масалада соғайиб чиққанингиздан кейин гаплашамиз, –деди вилоят раҳбари ўрнидан туриб эшик томон йўналаркан, – ҳозирча ҳеч нарсани ўйламай бемалол даволанинг.

Шу пайт касалхона йўлагида шовур-шувур кучайиб, кўп ўтмай эшик ёнида аввал вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, унинг ортидан касалхонанинг бир неча мутасаддилари тавозе билан пайдо бўлди.

– Ана, кўрдингизми, – деди Ислом Абдуғаниевич бемор томон енгил кўз қисиб, – сизни кўргани қанча одам келди.

XII

Август адоқламай туриб, пахта йиғим-терими қизғин бошланиб кетди. Бу йил ҳосилнинг чўғи баланд, кўрган кўзни қувонтиради. Пайкалларга бир назар ташлагандаёқ тажрибали деҳқонлар пахта топшириш режаси ҳам кўнгилдагидек бўлишини башорат қилишарди. Ҳали ғаллачиликда эришилган ғалаба нашидаси диллардан аримай туриб, пахтачиликда ҳам музаффар бўлишларини ҳис қилган қашқадарёликларнинг димоғи чоғ, вақти хуш эди. «Янги обкўмнинг қадами қутлуғ келди», – дерди кўпни кўрган кайвонилар тўлқинланиб.

Ислом Абдуғаниевич одамларнинг содда-самимий хулосаларига кулибгина қўярди.

Вилоят раҳбари бугун эрталабдан бошқарма бошлиғи Чориевни ёнига олиб, туманларга чиқиб кетди. Маҳаллий раҳбарлар йиғим-теримга ҳамма тараддудлар кўриб қўйилгани ҳақида ахборот берган бўлса-да, Ислом Абдуғаниевич ҳамишагидек ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрмагунча тиниб-тинчимасди. Мана, чошгоҳгача уч-тўрт туманни айланиб чиқишди. Чиндан ҳам пахта қабул қилиш пунктлари, дала шийпонлари, гаражлар – ҳамма-ҳаммаси енгил таъмирланган, жиҳозланган, хуллас, мавсумга шай экан. Айниқса, гаражларда, пайкал ёқаларида жангга ҳозирланган улкан ҳинд филлари каби қатор-қатор тизилган терим комбайнларини кўриб, вилоят раҳбарининг дили яйради.

– Қурбон ака, қаранг буларнинг савлатига! – дея хушхандон кулди.

Ислом Абдуғаниевич бу йилги пахта ҳосилининг асосий қисмини техника кўмагида йиғиб-териб олишга, болаларни, аёлларни бундай тинкақуритар ишдан имкон қадар озод қилишга аҳд қилганди. Бунинг учун эрта баҳордаёқ тараддудни бошлади. Маҳаллий раҳбарларга экин машиналари, терим комбайнлари ҳамиша шай туриши зарурлигини тинимсиз уқтирди. Шахсан ўзи мутахассислардан, суяги гаражларда қотган устачилангарлардан гуруҳ тузиб, зарур жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар топиб келиш учун гоҳ Минскка, гоҳ Челябинскка жўнатди. Зарур маблағ билан таъминлади. Тағин бир неча гуруҳ тузиб, махсус механизаторлик курсларида ўқитди. Чунки ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида сабоқлар қониқарсиз, ўқувчилар йил – ўн икки ой комбайнлар яқинига ҳам бормасликларини у жуда яхши биларди. У яна яхши билардики, бундай масканларга, асосан, ялқов, безори болалар мактаблардан бадарға қилинади, мактабни ёлчитмаган бола, шак-

шубҳасиз, бу ерда ҳам ўқишга, ишга бўйин ёр бермайди. Шунинг учун ҳам вилоят раҳбари махсус курсларга қобилиятли, иқтидори баланд ёшларни жалб этишга, улардан мавсумнинг зарбдор бригадирлари тузишга эътибор қаратди.

Ҳозирча ҳаммаси кўнгилдагидай. Худо хоҳласа, йиғим-теримда яхши натижаларга эришилади.

Улар ўтирган «Волга» кенг-равон трасса бўйига чиқиб, оҳиста тўхтади. Олдида ва орқада келаётган, уч туман раҳбариятига тегишли уч машина ҳам бирин-кетин тек қотди.

– Э-э, бунақа карвон бўлиб юрмайлик, – деди Ислом Абдуғаниевич «Волга»дан тушиб, қад ростларкан, – энди сизлар қайтаверинглар, вақтни беҳуда ўтказмай терим ғамини енглар. Зарур ишлар бор, биз Қаршига қайтамиз.

«Волга» теварагида тизилиб, тавозе билан турган масъул ходимлар бир-биридан ўзиб ғулдиращди:

– Хўп, хўп бўлади, Ислом ака.

Лекин афт-ангорларида алланечук иккиланиш, саросима кезиб юрарди. Чунки вилоят раҳбари шунчаки Қаршига қайтиб кетмаслигини, йўл-йўлакай тағин икки-уч хўжаликка бош суқиб ўтиши мумкинлигини билишарди. Бироқ айнан қайси туманнинг қай бир хўжалигида пайдо бўлишини олдиндан фол очиб ҳам аниқлаш душвор эди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Уч туман раҳбарияти Ислом Абдуғаниевичнинг талабига кўра шу ерда қуюқ-суюқ хайрлашиб қолгач, «Волга» аввалига трасса бўйлаб шамолдай елиб кетди, сўнгра ярим соатлардан сўнг ўнг тарафдаги чанг-тупроқ кўпчиб ётган йўлга бурилди.

– Қани, Суюн ака, шу ёққа ҳайданг-чи, бир-икки дала шийпонларидан ҳам хабарлашайлик, – деди вилоят раҳбари. Сўнг ёнида жим ўтириб, аҳён-аҳён ёзув

дафтарига алланималарни қайд этиб қўяётган ҳамроҳига юзланди:

– Тўғрими, Қурбон ака, шундай қилсак яхши бўлади-я, пахтакорларнинг чалобидан ичамиз.

Қурбон Чориев қизғин бош ирғаб маъқуллади. У эртадан бери Ислом Абдуғаниевичнинг хатти-ҳаракатини, гап-сўзларини зимдан кузатаркан, бу одамдаги ғайрат-шижоатга, фавқулодда сезгирликка қойил қолиб келарди. Ислом Каримов вазиятни нозик кузатиб, нозик баҳоларди. Суҳбатдошининг кўз қарашиданоқ нима демоқчи эканлигини, рост ё ёлғон гапираётганини илғаб оларди. Лекин унинг қусурларини ошкора, қўполларча юзига солмасди. Зарурат сезилса, ғоят самимий, ҳазил аралаш ишоралар билан суҳбатдошини огоҳлантириб қўярди. Тағин, бу одамнинг метин бардошли экани-чи! Мана, саҳардан бери унинг жазирама ё чанг-тўзондан, ёхуд бошқа ноқулайликлардан нолиганини бошқарма бошлиғи ҳали пайқамади. Раҳбарнинг ҳамиша боши баланд, нигоҳлари тийрак, жиддий вазиятларда ҳам ёнверидагилар билан ҳазиллашиб қўяди.

«Волга» сертупроқ, ўйдим-чуқур йўлдан оҳиста, бешикдек чайқалиб борарди. Қуёш беаёв қиздирарди. Машина ортидан қўзғалган тўзон гўё иссиқдан тинкаси қуригандай ҳавода хийла пайт муаллақ туриб қолади. Йўлнинг ҳар икки тарафидаги пахтазорлар узоқ-узоқларга ястаниб кетган. Худди оппоқ кўпикланган денгиздай кўзга ташланади. Қўл теримини аллақачон бошлаб юборган баъзи бригадаларга тегишли далаларда эгатлар оралаб юрган теримчилар элас-элас кўзга ташланади.

Ислом Абдуғаниевич тўсатдан яна донгдор директор Холёровни эслади. Лавозимидан бўшатгани учун ҳалиҳануз унга нисбатан алланечук ноҳақлик қилгандек ўзўзини койиб юрарди. Назарида Абрай акани кечириб,

унга яна бир карра имконият бериши зарурдек туюларди. Аммо баъзан обдон ўйлаб, бунинг ўша пайтда иложи йўқ эканлигига амин бўларди. Биринчидан, вилоят раҳбарини очиқдан-очиқ зараркунандачи директорни ҳимоя қилаётганга чиқариб, Элчибоевга ўхшаганлар айюҳаннос солиб юборарди. Иккинчидан, раҳбарнинг ён босиши Холёровни баттар ҳаволантириб қўйиши мумкин эди.

«Йўқ, яхшиси, Абрай ака ҳозирча дам олиб турсин, – хаёлидан ўтказди Ислом Абдуғаниевич, – кейинроқ уни яна ишга жалб қиламиз. Бундай катта мутахассисларни қадрлай билишимиз керак».

У шундай ўйлар оғушида анчагина йўл босиб қўйишганини сезмай ҳам қолди.

Ана, пахса девор урилиб, тевараги наридан-бери оҳакланган дала-шийпон. Шийпон атрофи анча кенг. Уч-тўрт гужум дарахт остига сўрилар қўйилган. Шўра, ажриқ билан қопланган ариқ бўйида бир неча сигир пашша-чивиндан безорланиб, аҳён-аҳён думларини саланглатиб қўяди.

Шийпон биқинидаги пастак ошхона ёнида куймаланаётган аёл чайқала-чайқала келаётган, каттаконларга тегишли экани яққол сезилиб турган машинани кўрдию бир зум ҳангу манг қотди. Сўнг сўрилардан бирида ғижимгина ўтирган чолга алланималар деди-да, рўмолини ечиб қайта ўради, уст-бошларини орасталаган бўлди.

«Волга» атрофи пастак девор билан ўралган хирмонжой ёнида тўхтади. Машина эшиклари очилиб, бир ёндан вилоят раҳбари, бир ёндан ҳарсиллаган кўйи Чориев тушди.

– Ия, ўзимизнинг қадрдон Ҳасан бобо-ку?! – деди Ислом Абдуғаниевич ўзлари томон каловланган кўйи келаётган қарияни таниб. Сўнг шоша-пиша соядаги сў-

рилардан бирига жой ҳозирлаётган аёлга эътибор берди, – Зубайда ҳам шу ерда экан.

Вилоят раҳбари илдам интилиб, қарияга яқин борди.

– Ассалому алайкум, ота.

– Ваалайкум ассалом, болам.

Улар илиқ ва самимий кўришдилар. Чориев ҳам қуюқ тавозе билан қарияга қўл узатди.

– Ҳорманг энди, ота, – деди Ислом Абдуғаниевич жилмайиб, – хирмонингизга барака.

– Раҳмат, обкўм болам, раҳмат. Хуш келибсиз.

Ҳасан бобо сўри томон йўл бошлади. Бошқалар қатори қария билан қуюқ кўришгач, ҳайдовчи машинанинг чанг-тўзонини артишга киришди.

Аллақачон жой ҳозирлаб, сўри теварагига уч-тўрт челак сув сепишга ҳам улгурган Зубайда бир чеккада одоб билан ийманиб турарди.

– Ассалому алайкум, акажон, хуш кўрдик, – дея паст, майин товушда салом берди у.

Вилоят раҳбари табассум билан алик олди. Сўнг:

– Ҳорманг, Зубайдахон, қаранг-а, яна учрашдик, – деди.

Соядаги сўрига ўтирилгач, қария фотиҳа қилди. Сўнг яна қуюқ-қуюқ ҳол-аҳвол сўрашдилар.

– Бу кимнинг бригадаси? – деб сўради Ислом Каримов бироздан сўнг теваракни синчков кўздан кечираркан.

– Ғани Бозорипники, – деди Ҳасан бобо, – мен ҳам теримга баҳолиқудрат ёрдам берай, деб чиққандим. Келиним ошпазлик қиляпти. Мен теримчиларнинг болаларига кўз-қулоқ бўп турибман.

Шундагина ўтирганлар наридаги сўрида пашшага таланиб ухлаб ётган уч-тўрт гўдакка эътибор қилишди. Вилоят раҳбарининг юзида норизо бир ифода йилт этиб ўтди.

– Бу қанақаси?! Болаларни қийнаб қўйишибди-ку?

– Ҳа, энди... кўпга келган тўй-да, обкўм ўғлим, – дея пичирлаб қўйди Ҳасан бобо.

– Йў-ўқ, бунақаси кетмайди, – деди Ислом Абдуғаниевич кескин бош чайқаб, сўнг тер кўпчиган семиз юзларини артаётган бошқарма бошлиғига имо қилди. – Болали оналар теримга мутлақ жалб қилинмасин! Бу гапимни ҳамма масъулларга етказинг, назорати сизнинг зиммангизда, тушундингизми?

Чориев бош ирғай-ирғай айтилган топшириқни дафтарига ёзиб қўйди.

Вилоят раҳбари туйқус хомуш тортиб қолди. Шу алфозда яна теваракни назардан ўтказа бошлади. Шийпоннинг ўнгу сўлида, пахта пайкалларигача бўлган ораликда полиз, боғ барқ уриб ётарди.

– Булар кимники? – сўради Ислом Каримов яна чеҳраси очилиб.

Ҳасан бобо бир томоқ қириб олди:

– Булар шу бригада аъзоларининг томорқалари. Баҳорда райкўм келиб, ҳаммага бўлиб берганди, хўб бинойи иш бўлди-да шу, ўғлим. Колхозчиларнинг димоғи чоғ. Лекин, обкўмжон, одамлар томорқасига андармон бўп қолмади. Қайтам, пайкалда ҳам қаттиқ ишлашди. Энди иззатга яраша хизмат қилгиси келади-да уларнинг ҳам.

– Ҳа, бу бошқа гап, – деб яйраб кулди вилоят раҳбари. Сўнг ошхона томон юзланиб ҳазиломуз чақирди. – Ўв, бека!

Ўчоқ бошида уймаланаётган Зубайда тавозе билан яқин келди.

– Лаббай, акажон.

– Қани, бизни нима билан меҳмон қиласиз? Чалоб борми?

Зубайда кулимсираб бош ирғади.

– Ҳа.

– Иссиқ овқат-чи?

Зубайда саросималанди, хижолатли бир қиёфада қайнотасига кўз қирини ташлаб қўйди.

– Ҳозир... ҳозир тайёрлаймиз.

– Йў-ўқ, ҳозир тайёрламанг, – деб кулди Ислом Каримов, – бизга тайёридан, ўзларингиз ейдиганидан опкелинг. Ўзларингиз аслини еб, бизларга наридан-бери бошқа пишириб бермоқчисиз-да, а?

Зубайда баттар хижолатга тушди. Қурбон ака гоҳ унга, гоҳ Ислом Абдуғаниевичга кўз ташларкан, вилоят раҳбарининг асл мақсадини дарров илғаб олди. У пахтакорлар аслида нима еб, нима ичаётганини ўз кўзи билан кўрмоқчи, мазасини тотиб билмоқчи бўлаётган эди.

– Томорқаларим тўла тарвуз-қовун, – деб гапга аралашди Ҳасан бобо келинини ноқулай аҳволдан қутқариш илинжида, – бодринг, помидор деганлари ҳам мўл. Би-ир мазасини тотиб кўрсангиз хурсанд бўлардик-да, обкўм болам.

– Ота, менинг иссиқ овқат егим келяпти, – дея завқ билан кулди Каримов.

Ҳасан бобо оппоқ соқолини тутамлаб ўйланиб қолди. Зубайда ҳануз хижолатга ботганича ошхона томон бурилди. Уларни зимдан кузатиб турган вилоят раҳбари, ногоҳ нимадир эсига тушиб сергакланди.

– Айтганча, – деди у бир қарияга, бир аёлга саволчан кўз ташлаб, – кечирасизлар, боя сўрайман, деб ёдимдан кўтарилибди, тўғрироғи, мана бу гўдакларга чалғиб кетдим... Шаймардон келдими? Нега шу пайтгача менга ҳеч нарса демадиларингиз?

– Ҳа, келдилар, – деди Зубайда хомуш ерга қараб.

Ҳасан бобо ҳам чуқур хўрсиниб олди.

– Ҳа, уч ойча бўп қолди.

Вилоят раҳбари бу масалада жиддий муаммо борлигини пайқаб, юз-кўзига хавотир оралади.

– Қани, Зубайдахон, овқат кейин, яқинроқ келинг-чи. Нима гап ўзи?

Аёл сўрининг бир чеккасига омонатгина ўтириб ерга қаради. Ҳасан бобо туйқус қуйилиб келган аччиқ ёшни яктагининг узун енги билан артиб олди.

– Нима гап, тезроқ айтсаларингиз-чи, – қистади Ислом Каримов.

Ҳасан бобо чуқур тин олгач, бўлиб ўтган воқеаларни хира, паст бир товушда узуқ-юлуқ ҳикоя қила бошлади. Ора-чора Зубайда гапга аралашиб, кам-кўстини тўлдириб турди.

Жазирама тобора жазавага минмоқда эди. Пахта пайкаллари узра жимирлаб-жимирлаб ҳовур кўтарилади. Қаердандир жизилловуқ жон ҳолатда жизиллайди.

– Уф-ф... шуйтиб... – дея ҳикоясини якунлаган бўлди. Ҳасан бобо, – болам абгор бўп қайтди. Энди десангиз одам иси ёқмайди унга, уйга қамалиб олган, ичади, гоҳ бош олиб кетаман, гоҳ ўзимни ўлдираман, деб бизни қўрқитади. Нима қиларни билмай гарангмиз, обкўм болам.

Ислом Абдуғаниевич анча пайт маъюс ва хаёлчан ўтирди. Сўнг қарияга юзланиб деди:

– Ота, сиз урушда бўлгансиз-а?

– Ҳа, немисни уясигача қувиб борганман.

– Уруш ўз оти билан уруш, ота. Унда одамзод ярадор бўлади, қирғинга учрайди. Буни тушуниш мумкин. Лекин... мана бу... қама-қамалар халқимизга урушдан баттар зиён етказди. Улар Шаймардонга ўхшаш неча-нечаларнинг руҳини синдирди, умидини сўлдирди. Улар эртанги кунга ишонмай қўйишди, кўнгиллари чўкди.

– Ҳа, рост, рост айтдингиз, обкўм болам.

Бош эгган кўйи дилпора ўтирган Зубайданинг кўз олдида негадир мажруҳлар аравачасидаги кўзлари катта-катта очилган Рашид ногоҳ жонланди.

«У ҳаётга тўймаганди, туйғулари тирик эди», деган ўй лип этиб хаёлидан ўтди аёлнинг.

– Яна бир гап, – деди Ислом Абдуғаниевич, – бу ҳол Шаймардоннинг виждонли, ориятли йигит эканидан ҳам дарак беради. Бўлиб ўтган воқеаларни ҳазм қилолмаяпти. Хуллас, гап бундай, – вилоят раҳбари қарияга, аёлга бир-бир кўз ташлаб олди, – Шаймардонни менинг олдимга юборинглар, обкўм озод бўлиб чиққанлар билан бирма-бир суҳбат ўтказяпти экан, деб айтинглар, вақт топиб борсин. Хўпми? Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Хуллас, келишдик-а, ота.

Ҳасан бобо мамнун бош ирғади:

– Барака топинг, болам, дунё тургунча туринг.

– Гапларим маъқул бўлса, энди тезроқ чалоб опчиқинг, Зубайдахон. Томоқлар қақраб кетди.

Зубайда вилоят раҳбарига беадоқ миннатдорлик билан кўз ташлаб қўяркан, илдам ўрнидан турди.

* * *

Улар Қаршига кириб боришганда кун пешиндан оққан эди. Кўчаларда қатнов сийрак. Шаҳар ҳам офтоб тиғи остида беҳол ҳансираб ётарди.

Улар идора остонасида Чўлиевга йўлиқишди. Масъул ходим қўл қовуштириб салом берди.

– Қалай, ука, идорада тинчликми?

– Тинчлик, – деди Чўлиев сўнг айбдор оҳангда қўшиб қўйди, – анови яна келди?

– Ким у «анови»? – ажабланди Ислом Абдуғаниевич.

– Исковичдай исмаланиб юрадиган ишончли вакил бор-ку, шу-да.

Ислом Абдуғаниевич Чўлиевга норизо юзланди.

– Восиқ Асадовични айтяпсизми? Нега сиз иззат-обрўли, ҳукумат одамини бундай ҳақоратлаб тилга

оляпсиз? Тинчликми, иссиқдан эсингиз оғиб қолмадими, ишқилиб?

Чўлиев тирноқ тагидан кир қидириб юрувчи ишончли вакилни вилоят раҳбари сўзсиз ёқтирмайди, деган хаёлда уни шундай масхаралаб тилга олганди. Тўғрироғи, шу баҳона вилоят раҳбарига ўзи кўпроқ ёқмоқчи эди. Бироқ...

Чўлиев ўзига норизо тикилиб турган нигоҳларга бардош беролмай, каловланиб ерга қаради.

– Кечирасиз, Ислом Абдуғаниевич, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

– Восиқ Асадовичнинг вилоятга келиши сизга малол бўлмасин, дўстим. Меҳмонларга ҳамиша ҳурматда бўлинг. У келган бўлса, хизмат юзасидан келган, сизу бизга ёрдам бергани келган, тушундингизми?

– Тушундим...

– Қаранг тағин, қаттиқ хафалашиб юрмайлик, хўпми?

– Хўп...

– Восиқ Асадович ҳозир қаердалар?

– Меҳмонхонада, дам оляптилар.

– Кейинроқ олдимга бошлаб келинг, хўпми?

– Хўп.

XIII

Марказқўмнинг махсус ишончли вакили Восиқ Асадович одатдагидек ғоят жиддий, қаҳрли қиёфада кўриниш бераман, деб шунча уринса ҳам барибир эплаёлмади. Ўзига пешвоз чиққан Ислом Каримовнинг самимий табассуми олдида сохта ниқоби эриб, беихтиёр илжайишга тушди.

– Экин-тикин пайти келгандингиз, кейин негадир жим бўлиб кетдингиз, – деди вилоят раҳбари ишончли

вакилни иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, – бизни жуда соғинтириб юбордингиз. Маслаҳатларингизга кўп муҳтож бўлдик. Бу ёғи ғўза парвариши, мана, йиғим-теримни ҳам бошлаб юбордик. Лекин сиздан дарак бўлмади. Елкама-елка туриб берасиз, деб умид қилгандим. Нега келмай қолдингиз, Восиқ Асадович, ё биздан хафагарчилик ўтдими?

– Йўқ-е, нега... шунчаки... бошқа ишлар билан банд бўлдик, – деб минғирлаб қўйди Болтаев.

Ислом Абдуғаниевич суҳбат давомида пойтахтлик масъул ходимни кўздан кечираркан, ўша баҳордан бери унинг қадди-басти хийла ихчамлашиб, тик-тетик бўлиб қолганини пайқади.

– Кўринишингиз жуда яхши, Восиқ Асадович, қоринлар анча тортилибди, мускуллар ўйноқлаб турибди.

– Ҳа, энди, – деди Болтаев илжайган кўйи ястаниб, – спорт билан фақатгина сиз шуғулланмайсиз-ку, Ислом Абдуғаниевич.

– Ҳа, шундайми... албатта, албатта, спорт яхши нарса, спортга дўст бўлган, менимча бошқаларга ҳам дўст бўла олади.

Болтаев вилоят раҳбари узатган бир пиёла чойни индамай олиб, пуфлай-пуфлай ҳўплади.

Ҳа, у Ислом Абдуғаниевичдан таъсирланиб, Қашқадарёдан қайтгач, уч-тўрт ой бадантарбия билан астойдил шуғулланди. Бокс бўйича таниш бир тренернинг спорт залига кунора боришни канда қилмади. Кунданкунга бутун вужудига таниш бир енгиллик, куч-қувват қуйилиб келаётганини ҳис қиларкан, қувончдан боши осмонга етгудек бўларди. Бунинг учун кимларгадир миннатдорликлар билдиргиси, ташаккурлар айтгиси келарди. Бироқ ҳамма-ҳаммасига асл сабабчи Ислом Каримов бўлганини эса ички бир ғайирлик тан олишга йўл қўймасди.

Мана, ўша одамнинг ҳузурида ўтирибди. Аввалари бу одамдаги ўктамлик, шижоат сирини билолмай юрарди. Энди ҳаммасидан хабардор. Ҳаммасига спорт сабабчи экан. Каримов спортга бежиз бу қадар меҳр қўймаган экан.

– Нега менга тикилиб қолдингиз? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич, ишончли вакилнинг ўзига хаёлчан қараб қолганидан ажабсиниб.

Болтаев бир сесканиб тушди. Илжайди.

– Кечирасиз... хаёл суриб қолибман.

Ўша тундаги Туя тоға билан бўлган учрашувдан сўнг Восиқ Асадович боши сиртмоқда эканини англади. Энди орқага йўл йўқ. Шунинг учун Қашқадарёга боргач, Ислом Каримовнинг обрўсига путур етказиш йўлларини излай бошлади. Бироқ ўйлаб ўйига етолмасди. Хаёллари фитна-найрангларнинг минг бир боши берк кўчасига кириб чиқарди. Қаранг-а! Ё булар бошлаган иш Худога маъқул бўлди ё Болтаевнинг изтироб чекишларига Яратганнинг раҳми келди – мушкулотлар ўзўзидан бирин-кетин ҳал бўла бошлади.

Шанба куни эди. Восиқ Асадович баъзи ҳужжатлар масаласида идорага хийла эрта жўнади. Етиб бориб, машинасини Марказқўм биноси биқинидаги махсус майдончага қўйганида атроф жимжит эди. Махсус майдончада атиги учтагина машина турибди. Ҳойнаҳой, тунги навбатчи ходимларга тегишли бўлса керак.

Болтаев қўл соатига кўз ташлади. Ҳа, ҳали иш вақти бошланишига чорак соат бор. У ҳовлиқмаларча эрта келиб қўйганидан асабийлашиб, машинаси эшигини зарда билан ёпди.

«Вой, намунча, ўтакамни ёрворай дедингиз».

Восиқ Асадович чиннидай жаранглаган, нозу ишвага лиммо-лим сас келган томонга ялт этиб ўгирилди. Ё Раб! Бу нечук хилқат? Тонг фариштасими ё инсон боласи?!

Майдончадан андак нарида, рухсатномалар ҳужраси рўпарасидаги ёғоч ўриндиқда ёш бир жувон Восиқ Асадович томон таманно билан термилиб турарди.

Болтаев беихтиёр ўша ёққа қараб юрди. Жилмайди. Жувон билан бош ирғаб, саломлашган бўлди:

– Кечирасиз, синглим, кўрмай қолибман.

– Ана шунақа-да, – деб баттар тантиқланди жувон, очилиб қолган тиззалари устига калта кўйлагини намойишкорона тортиб-тортиб қўяркан, – бизларни ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким писанд қилмайди. Бирови кабинетидан қувиб чиқаради, бирови масхаралайди, арздодингни эшитадиган одам йўқ.

Восиқ Асадович ўриндиқнинг бир чеккасига ўтирди.

– Қўйинг, куюнманг, синглим. Ҳаммаси яхши бўлади. Келинг, аввал танишайлик.

Танишдилар. Бу жувон Нозима Тошпўлатова эди. Саҳарлаб поезддан тушган экан. Қашқадарё вилояти раҳбари Ислом Каримов устидан юқори раҳбариятга шикоят қилгани келибди. Ҳали барвақт бўлгани учун рухсатномалар бюросининг очилишини кутиб ўтирган экан.

Болтаев аёлнинг оппоқ, лўппи юзларига, қоп-қора қош-кўзларига боқиб бир ҳаяжонланган бўлса, унинг қўш-қўш тилла узукларидан, бўйнидаги бурама олтин занжиридан минг карра ҳаяжонланди. Мурод-мақсадини эшитиб эса тамом карахт қотди.

– Сизга ўзим ёрдам бераман, – деди овози алланечук титраб. – Ҳойнаҳой, ҳали нонушта ҳам қилмаган бўлсангиз керак, юринг, бирор жойда чой-пой ичиб бафуржа гаплашамиз.

Турдилар.

Нозиманинг асл мақсади ўша-ўша – қамоқдаги эрининг муддатига муддат қўштириш, иложи топилса, уни буткул қамоқда чиритиш эди. Қашқадарё вилояти раҳбари ҳузуридан қувиб чиқарилгач, бу жувон баттар таҳли-

кага тушди. Ислом Каримов энди қасдма-қасдига эримни қутқариб юборади, деган хаёлга борди. Шунинг учун отни аввалроқ қамчилашга қарор қилди. Туҳмат, маломатдан иборат шикоят хати ёзиб, Тошкентга жўнади.

Болтаев тушликка уланган нонушта пайти Нозиманинг асл мақсадини эшитиб, бу ишни бажариш нақадар жўнлигидан жойида ўтиролмай қолди. Ахир, хизмат ҳақини чўнтакка уриб, ҳеч кимдан илтимос қилмаса ҳам, ўша маҳбусни муддатидан олдин ҳеч ким озод қилиб юбормайди. Муддат тугашига эса ҳали, эҳ-ҳе, саккиз йил бор. Ундан кейин ҳам тирик чиқиш-чиқмаслиги ёлғиз Худога аён.

Лекин Болтаев сир бой бермай, афт-ангорини тириштирди.

– Нозимахон, сиз айтган ишни бажариш жуда қийин... тўғрироғи, жуда қиммат... Майли, мен ҳаракат қилиб кўраман... тўғрироғи, юз фоиз чиқмайдиган қилиб бераман...

– Қиммат дейсизми? – дея бетоқатланди аёл, – қанча?

Болтаев оппоқ, лўппи бармоқлардаги ёқут кўзли узукларга ўғринча разм солди. Хотинига тегишли бўлган худди шунақасидан иккитасини ўтган йили Туя тоғага узатилган тугунчага қўшиб юборганди. Хотинига уч-тўрт ой ичида тўртта қилиб қайтаришга ваъда берганди. Эҳа, ундан бери қанча вақт ўтиб кетди. Дарғазаб хотин ҳар куни қулоқ-миясини ейди. «Топиб бер, отаонамдан ёдгорлик эди», деб айюҳаннос солади.

– Ҳой, ака, қанча деб сўраяпман? Нега индамайсиз? Иш битиш учун қанча керак, беш мингми, ўн мингми, қанча?

Болтаев худди энсаси қотгандай бош чайқаб қўйди:

– Нозимахон, ҳозир ҳеч ким қоғоз пул олмайди.

Аёл дарров тушунди. Ўз қўлларига киши билмас кўз ташлаб қўйди...

– Яхшиям сизни учратганим, ортиқча оворагарчиликдан қутуладиган бўлдим, – деди Нозима кечки овқат пайти, сўнг тимсоҳтери сумкасидан тўрт-беш варақдан иборат шикоят хатини чиқарди. – Энди манови керакмас, йиртиб ташлай қоламан.

Болтаев чала чайнаган луқмасини базўр ютиб, жувоннинг қўли томон интилди. Ахир, тўрт вараққина бу арзнома у учун тўрт тилла узук баҳосидан ҳам қиммат-роқ эди-да!

– Нозимахон, шошилманг, шикоятни топшириш керак. Бунинг ҳам ишга фойдаси бор.

Аёл анча пайт паришон ўтирди. Болтаев терлаб-пишиб арзномани Марказқўм девонхонасига топширишга даъват этди.

– Шу... шуни беришга ҳеч кўнглим чопмаяпти-да,– деб пичирлади Нозима масъул ходимнинг қийин-қистовларига рози бўларкан.

Кейинги кун эрталаб шикоят хати зарур жойга топширилди. Болтаев Нозимани, ундан тезроқ қутулиш дардида, хийла чиқимдор бўлишига қарамай, аэропортга кузатиб қўйди.

– Бир ой ичида эрингизнинг муддатига муддат қўшилгани ҳақида қоғоз қўлингизда бўлади, – деди Восиқ Асадович хайрлашув чоғи ваъдани қуюқ қилиб.

Сафаролди юз берган бундай омадли учрашув Болтаевни руҳлантириб юборди. Фитна устига фитналар уюштириш оппа-осондай туюлиб қолди. Унинг афт-ангорига яна ўша ёвузона истеҳзо қайтди: «Ҳамма-ҳаммасини янчиб, топтаб ўтаман...»

Устига-устак, Қашқадарёга учиши олдидан Туя тоғанинг хос мулозими тағин бир киши ҳақида маълумот битилган қоғозни Болтаевнинг қўлига тутқазди. У пахта энг кўп етиштириладиган туманлардан бирининг раҳбари – Маъмур Элчибоев экан.

«Агар шу билан келишсак, – дея ўйлаб келди Восиқ Асадович осмону фалакда, – иш анча юришарди».

Мана ҳозир ҳам вилоят раҳбарининг ҳузурида ўтираркан, қандай қилиб ўша Элчибоевни топиш ҳақида, у билан гаплашиб, сўнг ими-жимида қайтиб кетиш ҳақида бош қотирарди.

– Жуда хаёлкаш бўлиб қолибсиз, – деб кулди Ислом Абдуғаниевич, – ярим соатдан бери тинмай гапиряпман, менимча, сиз ҳеч нарса тингламадингиз.

– Узр, уйда озгина муаммолар бор эди. Шунга... бироз... – деб чайналди Болтаев.

– Қанақа муаммо?! Агар мумкин бўлса бемалол айтаверинг, қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

– Раҳмат... бу... шунчаки, оилавий.

– Ҳа, унақа бўлса, узр, – деди Ислом Абдуғаниевич, сўнг тағин мавзуга қайтган бўлди, – хуллас, баҳолиқудрат олиб борган ислоҳотларимиз натижа бергандай, Восиқ Асадович. Далада ҳосил мўл. Машиналар теримга киришди. Насиб бўлса, биринчилардан бўлиб, режани уддалаймиз. Ана ўшанда байрам дастурхонимизнинг тўри сизники, Восиқ Асадович. Ахир, муваффақиятларимизда сизнинг ҳиссангиз жуда катта.

– Йўғ-е... нега энди, – дея ишончсиз минғирлади ишончли вакил.

– Хуллас, минг эшитгандан бир кўрган яхши, деган ҳикмат бор халқда. Қани, марҳамат, далаларимизни би-ир томоша қилинг-чи, Восиқ Асадович.

Болтаев шоша-пиша ўрнидан турди.

– Яна Чўлиев билан борамизми?

– Йўқ, сизга ўзим ҳамроҳлик қиламан.

Болтаев сағринига қамчи теккан қирчанғидай бир қимтиниб қўйди.

XIV

Кутилмаган мусибат Нортожи Эгамовнинг қаддини анча букиб қўйганди. Соч-соқолининг оқи қуюқлашиб, юзларига эрта ажин тушди. Лекин начора: осмон узоқ, ер қаттиқ, минг куйиб-ёнгани билан энди ўғли қайтиб келмайди. Энди иродасига маҳкам таяниб, ўзини қўлга олиб, бошқа фарзандлари камоли учун меҳнат қилиши керак. Эртаю кеч одамлар орасида юриб, хизмат билан машғул бўлиб, ўз-ўзини овутиши, куйган кўнглини совитиши лозим. Шунинг учун ҳам Нортожи ака марҳум ўғлининг қирқини ўтказгач, идорадан уни ҳеч ким безовта қилмаган эса-да, секингина ишга чиқиб кетди. Қолаверса, ғам-қайғу адо этган хотинининг юз-кўзига термилиб ўтиришга ортиқ тобу тоқати йўқ эди.

Мана бугун ҳам у идорага одатдагидек эрта келди. Куни кеча кенгаш тасдиғидан ўтган чизмаларни стол устига ёйиб, хаёлчан кўздан кечира бошлади. Шу пайт ёнгинасидаги телефон устма-уст жиринглаб қолди.

– Аллў, эшитаман, – деди бош архитектор гўшакни қулоғига тутаркан.

– Ассалому алайкум, Нортожи Жўраевич.

Вилоят партия қўмитаси биринчи котиби ёрдамчисининг овозини таниб, Эгамов сергак тортди.

– Ваалайкум ассалом, Воҳиджон, эшитаман сизни.

– Бугун соат ўнда Ислом Абдуғаниевич ҳузурига кираркансиз.

– Хўп.

Бу хабардан Нортожи Эгамов қувониб кетди. Ва, шунинг баробарида, кўнглининг бир чеккасида хижолатпазликка ўхшаш қандайдир туйғу пайдо бўлди.

Хонадони кулфатга йўлиққан ўша куни вилоят раҳбарининг чин оғаларча кўнгил сўраб бориши уни, қариндош-уруғларини, маҳалла-кўйни қаттиқ мутаассир

қилганди. Ислом Абдуғаниевич кейинчалик ҳам яна икки марта азадор хонадонга келди. Нортожи акага, унинг оила аъзоларига таскин бериш ниятида анча пайт суҳбатлашиб ўтирди, моддий-маънавий ёрдам кўрсатди. Бу ташрифларда ҳеч бир расмиятчилик, хўжакўрсинлик сезилмас, кутилмаган мусибатдан вилоят раҳбари ҳам чуқур қайғуда экани шундоққина кўриниб турарди.

– Бу бутун халқимизнинг бошига тушган кулфат, – деди Ислом Абдуғаниевич кетар чоғи Нортожи акани бир чеккага тортиб, – бутун вилоят аҳли сизга қайғудош, ука. Бирор хизмат, бирор зарурат бўлса, ҳеч тортинмай бизга айтаверинг, қўлдан келганича ёрдам берамиз.

Раҳбарнинг самимий сўзларидан, ҳамдардлик қалқиб турган нигоҳларидан таъсирланган Нортожи аканинг кўзларига беихтиёр ёш қуйилиб келди.

Мана, бугун Ислом Абдуғаниевич уни ҳузурига чорлабди! Қандай масала юзасидан чақиртирди экан-а? Ҳойнаҳой, иш юзасидан бўлса керак. Ахир, шаҳар ободончилиги бўйича у кишининг шахсан ўзи бош-қош бўлиб ишлаб чиқилган режа бор. Ҳамма қурилиш, таъмирлаш ишлари шу режага асосан олиб борилмоқда. Балки, бирор камчилик, англашилмовчилик бўлгандир? Балки, бош архитекторнинг мусибатда қолиб ишни кўнгилдагидек олиб боролмаётганидан норозидир?!

Нортожи Эгамов шундай ўйлар оғушида иш столи ёнида тураркан, вилоят раҳбари билан ободончилик масаласида учрашувлари, суҳбатлари лип-лип хаёлидан ўтди.

Йил бошидаги ўша – Қарши шаҳрини кўркамлаштириш борасида сўз борган, вилоят раҳбари бош архитекторни ўртага чиқариб, чиройли мисол билан ўз фикри-

ни фаолларга уқтирган мажлисдан сўнг Нортожи Жўраевич ўн-ўн беш кун бор иқтидорини ишга солиб, ўз режа-лойиҳасини тузди. Сўнг уни раҳбарият муҳокамасига ҳавола этди. Орадан кўп ўтмай Ислом Абдуғаниевич бош архитекторни чақиртирди.

– Режа-лойиҳангиз билан танишиб чиқдим, – деди у Нортожи Жўраевичга хаёлчан кўз ташлаб, – умуман, ёмон эмас, лекин жиддий камчиликлар ҳам етарли.

Раҳбарнинг сўзларини сергаклик билан тинглаётган Эгамов ўзини оқлаш мақсадида ғудраниб қўйди:

– Бу шунчаки... хомаки нусха. Ҳали пишитамиз, Ислом ака.

– Сиз муаммони ҳал қилиш учун тайёр андазалардан фойдаланишга кўпроқ урғу бергансиз. Кўзда тутилган қурилишлар масаласида бутуниттифоқ анъаналаридан чиқиб кетолмагансиз. Балки, буни айнан сизнинг камчилигингиз деб аташ ноўриндир. Чунки бугун бутун мамлакатда, ҳамма соҳаларда ҳам шу касаллик. Бир хил қолипда ишлашга ўрганиб қолганмиз... Мен истардимки, бунақа жўнликдан, тайёрга айёрликдан қочсак, ҳамма соҳада, жумладан, қурилиш, ободончилик масалаларида ҳам ижодкорлик, новаторлик йўлидан борсак...

Эгамов суҳбат давомида вилоят раҳбарининг қурилиш-архитектура соҳасида ҳам чуқур билим соҳиби эканига амин бўлди. Ҳатто миллий архитектура тарихидан билмаганларини унча-мунча ўрганиб олди.

– Мана, менинг ўз қиёфам бор, сизнинг ўз қиёфангиз, – деди Ислом Абдуғаниевич гапида давом этаркан, – одамлар афт-ангоримизга қараб бизни таниб олади, тўғрими? Демак шаҳар-қишлоқларимизнинг ҳам ўзига хос қиёфаси, жозибаси бўлиши керак. Шунга қараб, келиб-кетувчилар «Бу – Қарши», «Бу – Шаҳрисабз», «Бу – Андижон» деб ажратиб олишлари керак. Менимча,

Ўзбекистон шаҳар-қишлоқлари ўз миллий қиёфаси, миллий кўрки билан бошқа жойлардан фарқланиши лозим. Дейлик, Қаршимизни томоша қилиш учун Украинадан меҳмон келса-ю, Новгороддан фарқ қилмайдиган бир шаҳарни кўрса, бунинг қандай аҳамиятли томони бор? Агар баъзи нуқтаи назарлардан баҳоласак, бу биз учун уят эмасми?

Нортожи Эгамов вилоят раҳбарининг фикрларини бош ирғаб тасдиқлаб ўтираркан, у кишининг миллийликка, халқчилликка нозик ишора қилишидан завқланиб жилмайди.

Ўша кунги суҳбат қизғин баҳс-мунозаранинг бошланиши экан. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Ислом Абдуғаниевич вилоятдаги иқтидорли, ёш қурувчи-архитекторларни тўплаб, алоҳида давра суҳбати ўтказди. Уларни ишга ижодкорлик билан ёндашишга, миллий анъаналарга жиддий эътибор беришга даъват этди. Ўша давра суҳбати шу билан якун топдики, вилоят раҳбари ёш қурувчи-архитекторларни гуруҳ-гуруҳга ажратиб Украинага, Болтиқбўйи республикаларига тажриба орттириб келиш учун хизмат сафарига жўнатишга топшириқ берди. Иш пайсалга солинмай, керакли ҳужжатлар шу ернинг ўзидаёқ расмийлаштирила бошлади. Ва уч-тўрт кун ичида ёш мутахассислар белгиланган манзилларга жўнаб кетишди.

Нортожи Эгамов вилоят раҳбарининг ҳузурига кириш учун тараддуд кўраркан, ўша қизғин ва файзли суҳбатлар, учрашувлар хаёлида шу тахлит бир-бир жонланиб ўтди. Кўнглида эса андак хавотир ғимирлаб турарди: «Ишқилиб тинчлик бўлсин-да. Бирор ишнинг расвосини чиқариб қўйган бўлмайлик-да».

* * *

Ислом Абдуғаниевич қабулхона йўлагига чиқиб турган экан.

– Эшитдим, ишга чиқиб кетибсиз, – деди у Эгамовни ичкарига бошлаб кираркан, – лекин... ҳали уч-тўрт кун бемалол дам олиб турсангиз ҳам бўлаверарди.

Эгамов маъюс бош ирғаб қўйди:

– Одамлар орасида бўлай, дегандим...

– Тушунаман, албатта, тўғри қилгансиз.

Улар юзма-юз ўтиришди. Қисқагина ҳол-аҳвол сўрашган бўлдилар.

– Мана, бу – Чортоққа иккита йўлланма, – деди биринчи котиб иш столи устига интилиб гулдор жилдни қўлига оларкан, – оила билан бир-икки кун дам олиб келинглар.

Эгамов анча шошиб қолди, бармоқлари титраган қўйи аранг ғудранди:

– Раҳмат, Ислом ака...

– Яна бир маслаҳатли гап, –деди вилоят раҳбари бироздан сўнг, – шаҳарнинг энг кўркам, кўримли жойига бир монумент-ёдгорлик ўрнатсак. Буни расман «Ватан уруши қурбонлари хотирасига» деб атаймиз. Лекин у аслида шу кеча-кундузда ҳарбий хизмат пайти қурбон бўлаётган жигарларимиз хотираси учун ҳам бўлади. Жойни танладик, ўзимча баъзи чизмалар ҳам қилиб қўйдим. Ҳозир иккимиз бориб, ўша танланган жойни кўрамиз, маслаҳатлашамиз. Мен истардимки, бу хайрли ишга ҳам ўзингиз бош-қош бўлсангиз...

Нортожи аканинг озурда юраги ўртаниб, беихтиёр кўзлари намланди.

XV

Хўппасемиз, ялпоқ юз, митти кўзлари айёрона боқувчи Маъмур Элчибоев ўз ишига пухтагина раҳбарлардан эди. Восиқ Асадович унга ўша куни вилоят раҳбари билан туманларни кезиб юрганда йўлиқди. Пайтини топиб, пойтахтлик одамнинг саломини етказди.

– Ия, у кишини танийсизми? – деди Элчибоев ялпоқ юзлари қувончдан баттар ёйилиб.

– Ҳа.

– У киши бизнинг устоз бўладилар. Партия Олий мактабида ўқиган пайтларимдан бери танишмиз.

Восиқ Асадович анча нарида механизаторлар билан гаплашиб турган Ислом Каримов томон ўғринча кўз ташлаб олиб, сирли шивирлади:

– Эртага кечки пайт учрашайлик. Гаплар бор.

– Бажонидил.

– Обком меҳмонхонасида бўламан. Кечки соат тўққизларда машина юборинг.

– Бўпти, келишдик.

– Қаранг, учрашувни ҳеч ким билмасин.

– Тушундим, ака, дарров тушундим.

Элчибоев чиндан ҳам тушунган экан. Айтилган пайтда меҳмонхона биқинида эски «Москвич» пайдо бўлиб, дарвоза ёнида бетоқат турган Восиқ Асадовични олиб қайтди.

Қоронғилик қуюқ эди. Машинанинг хира фаралари йўлни аранг ёритади. Ҳаммаёқ жимжит. Катта трасса бўлишига қарамай, бирорта машина ўтиб-қайтмайди. Аҳён-аҳён пахта ортилган тележкаларни судраклаган қўйи тракторлар ваҳимали тариллаб, учраб қолади.

Улар хийла йўл босишди. Охири қуюқ тол, гужум билан ўралган ҳовуз ёнига бориб тўхташди.

– Узр, Восиқ ака, – деди хушхандон пешвоз чиққан Элчибоев, – биз бир деҳқон одам, шунақа жойларни яхши кўрамиз.

Восиқ Асадович Қўриқ туман раҳбарининг фаросатига қойил қолди. Овлоқ ва сўлим жой. Дастурхон тўкин. Чопқиллаб хизмат қилиб юрган уч йигитдан бошқа теваракда тирик жон кўринмайди.

Пайдар-пай олинган икки қадаҳдан сўнг гап-гапга қовуша бошлади.

– Шуйтиб чангга беланиб ишлаб ётибмиз, Восиқ ака, – деб қўйди Элчибоев қовурдоқдан оғзига соларкан.

– Каримов жуда қаттиққўл-а? – дея ўсмоқчилади ишончли вакил, – кўп қийнаётган бўлса керак.

Элчибоев мужмал елка учирди:

– Йў-ўғ, нега энди... Шу пайтгача Ислом Абдуғаниевичдан бирор оғиз қўпол гап, дўқ-пўписа эшитганимиз йўқ.

– Лекин ҳамма қўрқади-ку.

– Масалан, мен қўрқмайман. Лекин ҳурмат қиламан.

– Қўрқмаган одам ҳурмат ҳам қилмайди, – дея ўзининг доимий фалсафасини тиқиштирди Восиқ Асадович.

Элчибоев бежирим қадаҳларни тўлғазиб яна арақ қуйди. Айни пайтда у пойтахтлик меҳмон вилоят раҳбарини ёқтирмаслигини англаб етгандай бўлди.

– Тўғри, – дея гап авзойини андак қиялатди у, – Ислом акани ҳар кўрганда тиззаларим қалтираб кетади. Лекин негалигини билолмайман. Мард одамларда шундай салобат бўлади, дегич эди отам раҳматли.

Восиқ Асадович қадаҳни бўшатиб оғзига дуч келган егуликдан тиқди.

– Каримов юқоридагиларни ранжитган. Яқин орада ишдан кетади.

– Йўғ-е?!

– Ҳа. Шунинг учун ундан қўрқиб-писиб юрманг.

Элчибоев бир сипқоришда қадаҳни бўшатди-ю, бироқ газак қилмай паришон туриб қолди.

– Ака яхши ишлаяпти-ку. Масалан, халқ у кишини яхши кўради.

– Бизга яхши ишлаган, халқ севадиган одам керакмас. Марказга ёқадиган одамлар керак. Тушундингизми?

– Ҳа, – деб аранг минғирлади Элчибоев.

Восиқ Асадович шишага ишора қилди:

– Шунинг учун кўп лаллаймай, Марказга ёқишга ҳаракат қилинг.

Яна қадаҳлар тўлғазилди. Хизматчи йигит хуш бўй таратиб турган кабоблардан келтириб дастурхонга қўйди.

– Қани, Восиқ ака, бирор нима айтинг, – деди Элчибоев қадаҳни қўлига олиб, – шугина кабобнинг остида қолиб кетсин.

Бироз ширакайф бўлиб қолган ишончли вакил илжайди:

– Каримов бўшаса унинг курсиси бегона бўлмаслиги учун ичамиз. Қани, сиздай кадрлар омон бўлсин!

Элчибоев ялт этиб меҳмонга кўз ташлади. Қадаҳ сўзини ўзича тушуниб, аллақачон курсига ўтиргандай семиз юзлари хамирдай ёйилиб кулди.

– Тилингизга шакар, ака! Бизни йўқлаб, бизни қўллаб турган устозлар омон бўлишсин!

Ичдилар. Болтаев тагдор ишоралари нишонга текканини пайқаб сурбетларча тиржайди. «Эҳ, Ислом Абдуғаниевич, ўзингизча халқ учун куйиб-ёниб юрибсиз-да. Мана, халқ! Бири пойтахтга шикоят кўтариб чопади, бири озгина мансаб ҳидини олиб, аллақачон сотишга тайёр!»

– Восиқ ака, бизга қандай хизматлар бор, – деб мастона ғудранди Элчибоев, худди пойтахтлик меҳмон-

нинг фикрларини уққандай, – тортинмай айтаверинг, ака. Бизлар ҳамиша тайёр.

– Каримовни тезроқ қулатишга ёрдам керак.

– Қандай қилиб?!

– Оддий, ҳозир тушунтираман. Қани, аввал бир чўқиштирайлик.

Ҳовуз сатҳи дайди шамолдан безовта тўлғаниб қўйди.

XVI

Шаймардон яна Шайман шошқалоққа айланди-қолди. Бамисли товонидан ўт чақнарди йигитнинг. Ҳар куни эрталаб наридан-бери юз-қўлини чайиб, апил-тапил кийинарди-да, ҳали ухлаб ётган ўғилчасининг юзидан ўпиб, сўнг ўзи таърифлагандай, ўпич газагига бир бурда нонни оғзига тиқа-тиқа кўчага отиларди.

Эрининг ҳовлиқма хатти-ҳаракатларини мароқ билан кузатиб турган Зубайданинг юз-кўзларида бахтиёрлик шарпалари кезиб юрарди, уни атай чой-пой ичиб олишга қистар, эрининг бир пайтлардагидек алланималар дея, эътироз билдириб ғудранишидан завқланарди.

Ҳасан бобо-чи, Ҳасан бобо?! Қария ўмганини дадил кўтариб, теваракка мағрур-масрур кўз ташлайдиган, ҳатто баъзан ҳассасини ҳам унутиб қолдириб, қўлларини белида чалиштирган кўйи бардам-бардам одимлайдиган бўлиб қолди. У ўғлининг ўнгланганидан, ишга кирганидан хўб хурсанд эди. Бунга асл сабабчи бўлган инсонни, «обкўмжон»ни кечаю кундуз алқар, намозларида, таомдан сўнгги фотиҳаларда унинг ҳақига дуолар қилар, барибир тилак-илтижолари кам туюлиб, яна озгина-озгина кўзёш ҳам тўкиб олар эди.

Вилоят раҳбари билан бўлган дала шийпонидаги ўша учрашувдан сўнг Ҳасан бобо ҳам, Зубайда ҳам олдидан келганни тишлаб, орқадан келганни тепиб турган Шаймардонга тайинланган гапни етказолмай икки-уч кун саросималаниб юришди. Охири, пайт пойлаб-пайт пойлаб, Шаймардон одатдагидек айвон устунига суяниб, қоронғилик қаърига хомуш тикилган кўйи арзон папиросни тутатиб турган кечаларнинг бирида ёрилишди. Вилоят раҳбари пахта иши бўйича қамалиб, озод бўлиб чиққанларни Қаршига, идорага чақириб бирма-бир суҳбатдан ўтказаётганлигини, эрта-индин Шаймардон Аллаев ҳам қабулга кириши шарт эканини, бу гапларни туман раҳбариятидан жаҳлдор бир масъул ходим келиб, қайта-қайта тайинлаб кетганини айтишди.

Шаймардон папирос қолдиғини бир чеккага чертиб юборди-да, оғиз-бурундан қуюқ дуд қайтариб индамай ичкарига йўналди. Йўнала-йўнала отасига, Зубайдага истеҳзоли, нафратомуз бир кўз ташлаб қўйди.

Қайнота-келин бир-бирларига ноумид тикилган кўйи қолавердилар. Қария оғир хўрсиниб, афсусланганнамо бош чайқади.

Ўша кеча Шаймардоннинг бир азоби минг бўлди. Вилоят раҳбари қамоқдан чиқишга ёрдам берганини рўкач қилиб, ақл ўргатади, коммунизм қурувчисининг ахлоқ меъёрларидан ваъз ўқиб тинкани қуритади, деган хаёлда таъби баттар тирриқ бўлди. Аввалига, бормайман, қўлларидан келганини қилишсин, деган қарорга келди. Кейин эса одатдагидек уйқуси қочиб, ўсиқ соч-соқолларини бетиним қашлаб, тўлғаниб ётган кўйи қароридан қайтди. Назарида, агар айтилган пайти тайинланган жойга бормаса, яна устидан жиноий иш қўзғаб, панжара ортига тиқишадигандек туюлди. Ҳолбуки, Шаймардон ўзини-ўзи ўлдиришга рози эди-ю, бироқ

тағин қамоқ азобини тортишга тобу тоқати йўқ эди. Шу боис ҳам эрталаб куя теккан кигиздек соқолларини чала-ярим қиртишлаб, тоза уст-бошларини кийиб, энг муҳими, отаси узатган ғижим уч сўмликни чўнтагига тиқиб Қаршига равона бўлди.

Вилоят раҳбарининг қабулхонасида одам кўп эди. Шаймардон учинчи ё тўртинчи бўлиб навбатга ёзилишга улгурди. Лекин қабулхона ёнидаги ҳужрада ўтирадиган ёрдамчи йигит навбати келса ҳам уни ичкарига таклиф этмади. Ҳар гал раҳбар ҳузурига кириб чиққанида, кўз қири билан кутаётганлар тўпига қараб бошқа бировларнинг исми-шарифини айтиб, ичкарига киришга ишора қиларди. Шаймардоннинг жаҳли чиқди, бироқ қамоқ азоблари яна эсига тушиб, миқ этмай ўтираверди.

– Аллаев, кириング, – деди ниҳоят ёрдамчи қабулхонада ундан бошқа ҳеч ким қолмаган алламаҳалда.

Шаймардон тараддудланиб ичкарига йўналди. Унга уйидагилар, ҳозиргина қабулда ўтирган кишилар вилоят раҳбарини ўта хушмуомала, маданиятли инсон деб таърифлашганди. Аммо собиқ маҳбус ичкарига бош суқдию юраги шув этиб кетди.

...Кенг-мўл кабинетнинг тўридаги жигарранг стол ортидан сочлари силлиқ таралган, елкалари кенг, баҳувват бир киши ғазаб билан тикилиб туради.

– Кимсан?

– Мен... Аллаев Шаймардон...

– А-ҳа-а, – дея қаҳрли сас чиқаради вилоят раҳбари ўрнидан ирғиб тураркан, – бу сенмисан ўғри-муттаҳам!

– Мен муттаҳам эмасман, – дейди Шаймардон аранг, овози хўрликдан бўғилиб.

Вилоят раҳбари унинг устига бостириб келади.

– Йўқ, сен айнан шундайсан. Озод бўлиб чиққанингга қанча бўлди?

– Уч ой...

– Уч ойдан бери расвоси чиққан хотинга ўхшаб уйингда яшириниб ўтирибсан-ку?! Бир айбинг борки, халққа кўринишдан уяласан. Агар чиндан ҳам тоза, мард эркак бўлганингда, бошингни тик тутиб одамлар орасида юрардинг, меҳнат қилардинг. Бир қарияни, бир муштипар аёлни қон қақшатиб, бекиниб ўтирмасдинг. Йўқ, сен чиндан ҳам ўғри-муттаҳамсан!

Шаймардон лом-мим деёлмай қолади. Гўё миясининг қай бир чеккасида улкан бир чироқ ярқ этиб порладию бутун ҳол-аҳволини ўзига яққол кўрсатгандай бўлади.

«Рост, ҳаммаси рост», – хаёлидан ўтади унинг...

– Ўтир, – деди вилоят раҳбари анча майин овозда.

Шаймардон шоша-пиша стуллардан бирига ўзини ташлади. Ислом Абдуғаниевич у ён-бу ён юриб турарди.

– Ука, биламан, туҳмат-тазйиқлар жуда кўп ҳалол инсонларни тушкунликка туширди, руҳан синдирди. Балки кимлардир шуни истаб, қамақамаларни атай уюштиргандир. Лекин сен эгилиб-букилиб, уларни хурсанд қилма. Ерга урса осмонга сапчи, юрагинг зардобга тўлса ҳам кулиб тур. Шу йўл билан душманларни куйдир, аламда ёндир. Ҳеч қачон чекинма...

Шаймардон аввал андак, сўнг баралла бошини кўтарди. Кўтардию қаршисида юриб турган улкан қояни, қаҳратоннинг қаҳрида, жазираманинг жизғанагида тобланган, ҳеч қачон юксаклигини, улуғворлигини йўқотмаган, метиндек мустаҳкам қояни кўргандек бўлди. Юрагига ҳаяжон қалқиб чиқди.

Туйқус Ислом Абдуғаниевич тўхтади. Шаймардонга кўзларини пирпиратиб, хаёлчан тикилди.

– Тушундингми?

– Тушундим, Ислом ака.

– Мен ҳам тушундим... Аслида бу гаплар ўзимга ҳам тегишли.

Ислом Абдуғаниевич шундай дедию яна анча пайт хаёлчан туриб қолди. Сўнг тағин кулимсираб, Шаймардонга юзланди:

– Ерни яхши кўрасанми? Дала-даштни яхши кўрасанми?

– Ҳа, жонимдан ортиқ кўраман.

– Қашқадарёни-чи?

– Жуда.

– Унда сенга рухсат, ука, вақт топиб, вилоятни бир-икки кун айлан. Қара-чи, сен йўғингда биз бирор нарса қила олибмизми-йўқми, ўз кўзинг билан кўр. Агар сенда фикрлар пайдо бўлса, яна келиб ўзимга айтасан. Хўпми?

– Хўп.

Ўша учрашувдан Шаймардон қушдек енгил бўлиб чиқди. Озодликнинг тотини эндигина ҳис қилди. Бошини баланд кўтариб, ўғилчасига бир ўйинчоқ от сотиб олиб, уйига кириб борди. Лекин у вилоят раҳбари тайинлагандек, бутун Қашқадарёни кезиб чиқишга улгурмади. Биргина Қарши шаҳри нечоғли ўзгариб, янги-янги иморатлар, бозору бекатлар пайдо бўлгани, сўнгги уч-тўрт йил ичида ғалла режаси илк бор ошириб бажарилгани, энг муҳими, одамлардаги руҳий кўтаринкилик, пахта пайкаллари чаман бўлиб ётгани унга ажиб муждалар берарди.

Шаймардон ўқувчилик кезлари тузук-тузук иншолар битарди. Ҳатто мактабида ўтган бир-икки тадбирлар ҳақида туман газетасига мақолалар ҳам ёзиб жўнатганди. Мана, ўша ижодий илҳом, афтидан яна қайтди. Бутун ҳаяжонли кечинмаларини қоғозга туширишга аҳд қилди. Ва оқибатда уч кечаю уч кундуз қалам қитирлатиб, «Қабрдан қайтган одам сўзи» деган мақола битди.

Мақолада янги вилоят раҳбари нафақат Қашқадарёни иқтисодий-ижтимоий таназзулдан, балки халқни ҳам тушкунлик, забунлик ҳолидан қутқарганини ўз ҳаёти мисолида самимий, содда тарзда баён қилиб берди. Ш.Аллаевнинг дил сўзлари орадан бир ҳафта ўтиб, вилоят газетасида чоп этилди.

Шаймардон ўзида йўқ шод эди. Мақола чиққан газетадан уч нусхани қўлтиқлаб, яна вилоят раҳбари қабулхонасида пайдо бўлди. Лекин бу гал ҳам биринчилар қаторида навбатга ёзилган эса-да, ёрдамчи ходим уни одатдагидек ҳамма арзгўйлардан кейин ичкарига йўллади.

Шаймардон ҳаяжон билан эшикдан бош суқди. Ислом Абдуғаниевич кабинет ўртасида қўлларини белига тираб, ёлғондакам қош-қабоқ уйиб турарди. Шаймардон довдираганича салом берди.

– Ҳа, Аллаев, – деди Ислом ака вазмин бош ирғаб алик оларкан, – мақолани ўқидик, барибир, шошқалоқлик қолмабди-да, а?

Шаймардон вилоят раҳбарининг ўзи ҳақида бу қадар кўп билишидан бир ажабланар, бир қувонар эди.

– Шошилмасам, яшашга кеч қоламан-да, Ислом ака, – деди у ийманиб.

Вилоят раҳбари кулимсираб, унинг елкасига қоқиб қўйди. Сўнг иккаласи ёнма-ён ўтириб, мақолани муҳокама қилишди, пахтачиликдаги айрим масалалар юзасидан суҳбатлашишди. Аллаевнинг ўз соҳаси бўйича тўлқинланиб гапиришини, фикрлари тиниқ ва тетик эканлигини Ислом Каримов завқ билан кузатиб ўтирарди.

– Хуллас, гап бундай, ука, – деди ниҳоят Ислом Абдуғаниевич, – масъулларга тайинлаб қўйибман, ҳамма ҳужжатларинг тайёр бўлгач, сен ҳозирча Деҳқонлар уюшмасида котиблик қилиб турасан. Чунки сенинг тажрибанг бизга жуда керак. Даладаги ишлар, экин-

лар парвариши ҳақида менга ахборот бериб турасан. Ёрдамчига ҳам тайинлаб қўяман. Зарур гапинг бўлса, бемалол ёнимга келавер.

Шаймардон Аллаев шошилганидан, ҳаяжонланганидан керакли сўзни тополмай каловланиб қолди. Қувонганидан кўзлари порлаб турарди.

– Раҳмат... Ислом ака.

– Мен ёшларга ишонаман. Шунинг учун уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан, ука. Ана, сенинг бир тенгдошинг, ташкилий бўлимдаги Толиб Носиров, жуда қобилиятли, билимдон ходим. У билан танишиб ол.

Шаймардоннинг Толиб билан танишиши ғалати бўлди. Ўшанда Аллаев ҳужжатларидан хабар олгани вилоят қўмитасига келганди. Идоранинг узун йўлагида эшиклардаги ёзувларга кўз югуртганича ҳовлиқиб бораётган пайт кимнидир туртиб юборди. Қараса, оқсарикдан келган, ораста кийинган қотма бир йигит. У қаршисидаги ҳовлиқмага, туртки зарбидан ерга сочилиб кетган қоғозларига қараб, аччиқланиб турарди.

– Кўзга қараб юришнинг иложи йўқми? – деб пўнғиллади у.

Эндигина кечирим сўрашга чоғланаётган Шаймардоннинг қўпол муомалани кўриб хўрлиги тутди.

– Ўзинг кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими? – деди хезланиб.

– Қоғозларни йиғиштириб бер!

– Керак бўлса, ўзинг йиғиштириб ол!

– Ҳозир постдаги милисаларга айтаман, сени бу ердан тепкилаб чиқариб ташлашади.

– Ўв, ўпкангни бос, мени ким деб ўйлаяпсан?

– Ў-ў, жуда қўрқитиб юбординг-ку.

– Қўрқиш ҳали олдингда, шу ерда ишлайдиган жўрамга айтиб берсам, сени бу идорада умуман ишламайдиган қилиб қўяди, тушундингми?

– Ким экан ўша зўр жўранг, биз ҳам таниб қўяйлик, кўриб қолсак салом бериб юрамиз, – дея истеҳзо қилди тобора ғазабга минаётган йигит.

– Толиб... Носиров Толиб.

– Толиб?!

Муқаррар олишувга хезланиб келаётган йигитнинг юз-кўзларида саросима, ажабланиш аломатлари пайдо бўлди. Унинг қандайдир бўшашиб қолганини ўзича тушунган Аллаев пўписани яна бир карра ошириб қўйди:

– Ҳа, Толиб. Бизнинг жўралигимизни обкўм бува ҳам билади.

Йигит Шаймардонга бош-адоқ ғалати бир қараш қилди-да, чаққонгина энгашиб қоғозларини териб олишга киришди. Аллаев ғолибона илжайиб қўйди. Ва, шунинг баробарида, ўша ғойибдаги дўстининг чиндан ҳам зўрлардан эканлигига имон келтириб, унга қойил қолди.

– Сиз кимсиз? Бу ерга иш билан келганмидингиз?– дея мулойимгина сўради йигит қоғозларини ердан йиғиштириб, қад ростларкан.

– Орготделга ҳужжатларим масаласида келгандим, Аллаев Шаймардонман.

– Тушлик пайти бўлиб қолди, орготделда ҳозир ҳеч ким йўқ, кейинроқ келинг.

– Ия, шундайми? – деди Шаймардон ҳафсаласи пир бўлиб.

– Ҳа, шундай, – деб қўйди йигит қоғозларини қўлтиқлаган кўйи югургилаб кетаркан.

Шаймардон идора ошхонасидан тушлик қилиб, анчадан сўнг яна йўлак бўйлаб тентий бошлади. Ниҳоят, ташкилий бўлимни топди.

– Хўш, хизмат? – деб унга юзланди семиз, сарғиш сочлари чайладай ҳурпайган аёл.

Шаймардон бир амаллаб мақсадини тушунтирди.

– Носировга учрашинг, – деди аёл нариги тарафдаги хонага ишора қилиб.

– Раҳмат.

Шаймардон аёл йўллаган хонага кирдию буткул каловланиб қолди. Чунки унинг қаршисида йўлакда жанжаллашган ўша йигит турарди.

– Келинг, жўра, – деди у илжайганча ўрнидан тураркан.

Шаймардон довдираган кўйи унга яқин борди. Носиров кўришишга қўл узатди ва шарақлаб кулиб юборди. Шаймардон ҳам унга жўр бўлди.

Шу-шу, иккаласи чинакамига дўст тутиниб, ўзаро борди-келди қиладиган бўлиб қолишди.

Мана, Шаймардоннинг енг шимариб тайинланган хизматга киришганига ҳам анча бўлди. Ҳар куни эрталаб бир бўлак нонни оғзига тиқа-тиқа гоҳ дала-даштга, гоҳ Қаршига югургилайди. Оқшом пайти ҳорибчарчаб уйига қайтаркан, юз-кўзида мамнун ифода ўйнайди. Уқубатли кунлар ортда қолганига ич-ичида шукрона айтади.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Юракдаги аланга

I

Бу қиш Қашқадарёга қор қалин тушди. Гўё борлиқ оқликка, покликка бурканди. Йил – ўн икки ой бағрида мўл ҳосил, ризқ-насиба етиштирган она заминни саховатли табиат шу тахлит сийлаган бўлди.

Аммо оддий деҳқонга, чўпон-чўлиққа ором қайда дейсиз?! Қора қишда ҳам дала-даштда куймаланишади, ер тимдалаб, сурув ортида кўкаришади. Хотин-халаж эса таппи тутатиб, ғўзапоя ёқиб тандир қиздиради, рўзғорнинг ўт-оловига қарайди. Қизлар оналарига, ўғиллар оталарига кўмакчи, улар ҳам тирикчилик ташвишини катталардан кам тортмайдилар. Рўзғор машаққатларидан безиб қолган болалар бир овунч, бир ором излаб мактабларга югуришади. Бироқ кўплари шундан ҳам маҳрум: мактабга кийиб боргулик қишки кийими йўқ. Устига-устак, мактаблар ҳам яхши иситилмайди. Газ йўқ, кўмир анқонинг уруғи. Хонадонлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлаверади.

Наҳотки, давлатнинг пахта, ғалла режасини бажарамиз, деб йил – ўн икки ой тиним билмайдиган эл шундай хўрликларга муносиб бўлса?!

Ислом Каримов бундай адолатсизлик билан муроса қилмоқчи эмасди. Халқни рўшноликка олиб чиқиш учун куйиб-пишди. Ислоҳотлар ортидан чопди. Одамлар кўнглида умиду ишонч уйғотишга, уларни руҳлантиришга ҳаракат қилди. Қашқадарё халқи унга эргашди. Ихлос ва иштиёқ билан меҳнат қилди. Оқибатда, кетма-кет учтўрт мавсум ўлда-жўлда бўлиб келаётган режалар уддаланди. Қашқадарёнинг, вилоят раҳбарининг юзи ёруғ бўлди. Бироқ бу ёруғликдан кўпларнинг кўзи қамашди. Ютуқларни кўриб кўрмасликка олишди.

Бундай ғирромлик янги йил бошида Тошкентда ўтган навбатдаги Пленумда ҳам яққол кўринди. Мажлис минбарига мук тушиб, жазава билан қичқираётган ялтоқ амалдорлар бири қўйиб-бири олиб, куракда турмайдиган далилларга асосланиб, тирноқ тагидан кир қидиришга, Қашқадарё раҳбарини бадном қилишга уринишарди.

Сўзга чиққан масъул раҳбарлардан бири Каримовни дабдурустдан манманликда, оддий фуқаролар хоҳиш-истагини назар-писанд қилмасликда айблади. Унинг оғиз кўпиртириб таъкидлашича, Қашқадарё вилояти раҳбари фуқаролар арз-шикоятларига лоқайд ва тўраларча муносабатда бўлар экан.

– Мана, ўзим гувоҳ, – дея масъул ходим виқор билан залга кўз югуртиб чиқди, – Нозима Тошпўлатова исмли жабрдийда аёл Марказкўмга шикоят хати йўллаган. Унинг ёзишича, Каримов аёлнинг чин фуқаролик бурчи, виждон амрига кўра қилган талаб-истаклари устидан кулган. Бу ҳам камдай, аёл кишини ҳақоратлаб кабинетидан қувиб чиқарган.

Ислом Каримов таъна-дашномлар қулоғига бир кириб, бир кирмай эзгин хаёллар исканжасида ўтирар эди.

Кўпдан бери ўзи ҳам гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрган ҳақиқатга бугун тўкис иқрор бўлди: уни чекка вилоятга яхши ният билан юборишмаган! Буларни қолоқ вилоят-

лар қисмати заррача ҳам қизиқтирмайди. Булар учун ҳатто Ўзбекистоннинг келажаги ҳам мутлақо аҳамиятсиз. Юрт ривожи, халқ фаровонлиги ҳақидаги баланд-парвоз гапларнинг барчаси ёлғон, барчаси найранг! Сенинг режаларни уддалашинг, ютуқларни қўлга киритишинг бу ердаги арбобларнинг ҳеч қайсисини қувонтирмайди, ҳеч ким қўлингни қисиб ташаккур айтмайди. Хизмат қилиб, эвазига туҳмат топасан, маломатга қоласан, холос...

Ия, шошма, хафа бўляпсан, шекилли? Жуда нолиб юбормадингми, ишқилиб? Сен, демак, шу тўдадан эътироф эшитиш учун куйиб-пишиб юрган экансан-да?! Номардлар марҳаматига муштоқ экансан-да?! Улуғ мақсадларинг қани? Қани олий орзуларинг? Нимаики қилган бўлсанг, шу юрт, шу эл учун қилдинг-ку?! Бундан қувониш керак эмасми? Бир пайтлар Марказнинг ғашини келтирган, Ўзбекистонни ривожлантириш масалаларига доир тайёрланган режа-лойиҳа Қашқадарёда илк натижаларини берди-ку?! Демак, таҳдид-тазйиқлардан, танқид-танбеҳлардан қўрқмай, ишни шу йўсин давом эттириш, ислоҳотларни кучайтириш лозим. Ахир, ит ҳурар – карвон ўтар, деган нақл бор-ку! Мана бу вайсашларнинг асл моҳияти, шамол қаёқдан эсаётгани маълум, яхшиси буларга эътибор бермаган маъқул. Қашқадарёда бошланган ислоҳотларни бутун Ўзбекистон бўйлаб жорий этиш керак! Бунинг имкони бормикан, кимга суяниш мумкин? Юрт оқсоқоли бўлиб ўтирган инсоннинг ҳол-аҳволи эса кундай равшан – у киши жуда кўнгилчан, тинчгина юришни маъқул кўрадилар, холос. Яхшиси, вилоятлардан халқ учун хизматга шай ҳамфикрлар, ҳаммаслак кишилар топиш зарур. Имкон қадар ёшлар жалб этилса, нур устига нур бўларди.

Ислом Каримов андак бош кўтариб, ўйчан қиёфада секин теварагига кўз югуртирди. Ва... ўзига хайрихоҳ-

лик билан тикилиб турган кўплаб нигоҳларни кўрди. Бунинг ҳаммаси илоҳий бир муждадай туюлиб, кўнгли яна тоғдек кўтарилди.

Ўша уч-тўрт кунлик Тошкент сафаридан Ислом Абдуғаниевич гўё самолётда эмас, янгидан-янги, дадил режалар хаёли қанотида қайтди. Аммо уни Қаршида нохуш бир хабар кутиб турган экан. Вилоят раҳбари аэропортда ўзига пешвоз чиққан Толибнинг алланечук мунғайиб туришиданоқ буни пайқади.

– Нима гап, тинчликми? – деб сўради у машинага ўтираркан.

– Тинчлик, лекин... – деб каловланди Толиб, – Шаймардоннинг отаси қазо қилди.

– Йўғ-е?! Ҳасан бобо... қачон?

– Сиз Тошкентга кетган куни.

Ислом Абдуғаниевич қиш совуғини эндигина ҳис қилгандек қунишиб қолди. Юз-кўзига ғам-ғусса соя ташлади. Атиги икки бор ҳамсуҳбат бўлган қариянинг ўлими ҳақидаги нохуш хабар Тошкентда не бир танқид-танбеҳлар эголмаган бошини эгди.

– Отанинг маъракалари тузук ўтдими, сен ҳам қатнашдингми ўзи?

– Ҳа... Шаймардоннинг ёнида турдим...

Ислом Абдуғаниевич Толибнинг феъл-атворини жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам айни пайтда унинг кўзини олиб қочишидан, тағин ниманидир айтишга ботинолмаётганини сезди.

– Нега чайналасан? Ё, яна бирор гап борми?

– Кафанлик тополмай анча қийналдик. Сурп деган матоҳ на магазинларда, на чайқовчиларда бор. Жуда шошиб қолдик. Изламаган жойимиз қолмади. Охири, биров Самарқандга бориб, олиб келди...

– Ахир ўтган ой Тошкентдан мўл-кўл опкелтирган эдик-ку?!

– Бошқа ерларда бу мато камёб. Шунинг учун кўплар бизнинг вилоятдан ташиб кетишяпти. Сўнг ўзимизга ҳам етмай қоляпти.

Ислом Абдуғаниевич машина ўриндиғига беҳол суяниб, кўзларини юмди.

Етмиш икки томиридан сизиб чиққан изтироб, хўрлик томоғига тош бўлиб ботди. Сўнг аччиқ кўз ёшларига айланди-ю, аммо қароғидан қайнаб чиқишга улгурмади. Юрагига, юрагида лов-лов ёна бошлаган аланга устига томиб, уни баттар ловиллатиб юборди.

Юракдаги аланга! У неча-неча йиллардан бери қалб қўрида чўғ бўлиб яшнаб ётган, гоҳ тутаб димоғини куйдирган, гоҳ қизиб саркаш хаёлларига ҳарорат бахш этган исён туйғуси эди! У Тошкент сафарида лов этиб ёнди, алангаланди. Бу аланга жамият юзига тутилган омонат ниқобни, унга бўлган сароб умид, ишончни куйдириб ташлади. Унинг ёруғида мустабид тузумнинг, зўравон ҳукуматнинг асл башараси, асл мурод-мақсади яна бир карра яққол кўринди.

Бу тузумга, бу қизил империяга ўзбек заминининг конлари, ғалласи, пахтаси, тилласи керак, халқи керак эмас. Халқи ҳамиша қора қавм бўлиб қолиши, улуғ оғалар олдида мангу эгилиб-букилиб туриши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳар хил баҳоналар билан қатағонлар уюштириб, мазлум миллатни қўрқув, ваҳимада ушлаб туриш бу ёвуз ҳукуматнинг азалий ёвуз режасига киритилган. Бу қадимий юртнинг ривожланишига, юксалишига, миллий ўзлигини англашига асло йўл қўйилмайди. Кимки бу хокисор халқнинг қаддини тиклашга, кўз ёшини артиб, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга уринса, у давлат душмани ҳисобланади. Ва у, шак-шубҳасиз, сургун-қувғинга, таҳдид-тазйиққа, керак бўлса, ўлимга маҳкум этилади.

Юракдаги аланга! Унинг ёғдулари замонлар оша мозий қатларини ёритиб турибди. Ана, улуғ Соҳибқирон

Амир Темур! Виқор ва салобат билан мағрур қараб турибди. Ана, унинг ёнида неча-неча авлиё-алломалар, буюк саркардалар! Ҳамма-ҳаммаларининг нигоҳида бу қадимий ўлканинг қадимий шон-шавкатини, қудратини тиклашга хайрихоҳлик, ундов балқиб турибди. Қўрқма, ўғлим, боболар руҳи сенга мададкор, деган нидо қулоқларга элас-элас эшитилмоқда.

Юракдаги аланга! Унинг ёғдулари бугуннинг ғариб ва маҳзун аҳволини рўй-рост кўрсатмоқда. Ўзбек халқи тенглар ичра тенг, қардошлар ичра қардош, дея айюҳаннос солган ёлғон мафкуранинг алдов-найрангларини фош этиб турибди. Ўзи емай ўзгани тўйдирган, ўзи киймай ўзгани кийинтирган, ўз бойликларини бировларга қўшқўллаб тутқазган ва, алалоқибат, ўғри, муттаҳам, деган маломатлар остида қолган ўзбек халқи бугун нажот излаяпти, ўз халоскорини кутяпти.

Мана, қалин қор қоплаган Қашқадарё! Ўзбеклар юртининг катта бир бўлаги. Чор атроф оппоқ! Қор эмас, бу – оппоқ орзулар, ойдин йўлга бошловчи оқ фотиҳа!

Мана, йўл бўйларида яланғоч дов-дарахтлар. Йўқ, улар дов-дарахтлармас, кўкка илтижо билан узалган ўзбекнинг озғин-ориқ, қадоқ қўллари! Ҳа, улар ҳам нола қиляпти, истиқлол, эрк сўраяпти! Бу сўровларга мардона пешвоз чиқиш пайти етди!

Машина ўриндиғига бош қўйиб, олис-олислардан таралаётган соҳир садони тинглаётгандек кўзларини юмиб олган вилоят раҳбарини Толиб ҳам, ҳайдовчи Суюн ака ҳам безовта қилишга ботинолмай, анча пайт туриб қолишди.

– Ислом ака, – деди охири Толиб юрак ютиб, – етиб келдик. Ислом ака...

Вилоят раҳбари секин кўзини очди.

– Етиб келдик, дейсанми? Менимча, йўл энди бошланяпти. Олис, машаққатли йўл...

II

Ўтган Пленумда Қашқадарё вилояти раҳбарининг қаттиқ танқид остига олинишини Восиқ Асадович ҳам қаторларнинг бирида зимдан кузатиб ўтирар, қўйилаётган айблар, асосан, ўз меҳнатининг маҳсули эканини ҳис қилиб турар эди. «Мажлис давомида Ислом Каримов ўзини анча хотиржам ва мағрур тутган бўлса ҳам унинг ичи тутдай тўкилди, руҳан чўкди», деган хулосага келди Болтаев. Ахир, ҳазил гапми, бир йилдаёқ ҳамма соҳаларда жуда яхши кўрсаткичларга эришган, бошқача айтганда, қолоқ бир вилоятда сезиларли ўзгаришлар қилган бўлса-ю, лекин боши маломатдан, танқиддан чиқмаса?! Бу ахир ҳар қандай метин иродали, ўзига ишончи зўр одамни ҳам эмаклатиб ташлайди.

Ўша мажлис Президиумида мамнун чайқалиб ўтирган Анастасовнинг хумдек бошидан ҳам шундай хаёллар кечган экан.

– Яхши, – деди у кейинчалик Болтаев билан учрашганда, – ишларингиз қониқарли. Фаолиятни шу тарзда давом эттираверинг, бу йил ҳам Қашқадарё сизнинг назоратингизда. Партиявий йўлдан оғишаётган, ишда лоқайдлик, сансалорлик каби иллатлардан қутула олмаётган раҳбарларга қарши ана шундай муросасиз курашмоқ лозим. Сермазмун амалий таклифлар билан яна ҳузуримга кирасиз, деган умиддаман.

Анастасовнинг мақтов-эътирофларидан Болтаев у қадар хурсанд бўлмади. Кўнгли ғашланди. «Эвоҳ, бу машмашалар қачон тугаркан», деган ўй бутун шуурини тимдалаб ўтди. Лекин начора, ғишт қолипдан кўчган, ғирром бир ўйин бошлаб қўйилган, энди бу ёғи таваккал, вазифани охиригача бажариш лозим. Ҳарҳолда ёлғиз эмас-ку. Ана, алланималар илинжида куйиб-ёниб юрган

шериклар ҳам бўш келишмаяпти. Биргина Элчибоевнинг гўё билмай йўл қўйган хатоларининг ўзиёқ вилоят раҳбарига сезимли зарба бўлди. Шунақа зарбалардан тағин икки-уч бор берилса, тамом, Каримов гурсиллаб қулайди.

Восиқ Асадович шундай хаёллар оғушида ўз кабинетида ҳужжат қоғозларни саришталаб ўтираркан, туйқус телефон аччиқ-аччиқ жиринглаб қолди.

– Аллё, эшитаман, – деди у виқор билан гўшакни тутиб.

– Алло-о, Болтаеп сизма, алло-о, – шанғиллаган саҳройи бир товуш келди нариги тарафдан.

Восиқ Асадович сергакланиб, беихтиёр гўшакни маҳкамроқ қисди.

– Ҳа, мен.

– Бизни Элчибоеп ака жўнатган. Идорангизнинг биқинида турипмиз. Анови пропуска берадиган жойдамиз.

– Ўша ерда туринг, ҳозир тушаман, – дея гапни калта қилди Восиқ Асадович кўнгли алланимани сезиб.

Ҳа, кўнгли алдамаган экан. Эски қуён тери телпакни бостириб кийган, сийракқош, сийраксоқол, тугмачадеккина кўзлари ўткир боқувчи қария билан ялпоқюз, тўладан келган, қоп-қора бир йигит уни бетоқат кутиб туришарди.

– Нима гап? – деб сўради Болтаев, улар билан йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрашиб овлоқроқ жойга ўтишаркан.

– Дўстингиз Маъмур ака сизга салом айтди, – дея гап бошлади ўзини Тиркаш деб таништирган йигит, – у киши асли бизнинг қишлоқдан-да, Шўрбулоқдан.

– Саломат бўлсин, хўш, бизга қандай хизмат?

Боя ўзини Арзиқул деб таништирган қария бесабрлик билан гапга аралашди:

– Ука, уч-тўрт жилдан бери сарсонмиз. Сизларга арзи-

миз бор. Шу пайтгача бизни ҳеч ким тингламади. Элчибоеп сизга жуборди.

– Хўш-ш, эшитаман.

– Гап бундай…

Гоҳ Арзиқул бова, гоҳ Тиркаш, бири қўйиб-бири олиб тушунтиришларидан маълум бўлдики, уларнинг Шўрбулоқ қишлоғи иккига бўлиниб қолган экан. Ярми Шаҳрисабз туманига, ярми эса Чироқчи туманига қарашли эмиш. Ҳамма бало шундаки, серсув, унумдор экин далалари, яйловлар Шаҳрисабз ҳудудида қолиб кетган. Чироқчиликлар чекига эса тап-тақир даштликдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Аризачилар айнан шу ҳудудда яшашар экан.

– Мақсадимиз қишлоқни бирлаштириш. Нариги тарафдан яйловлардан, серсув далалардан биз ҳам баҳраманд бўлайлик-да, – деб шикоятини тугатди Тиркаш.

– Уч йилдан бери бир Қаршига, бир Тошкентга чопамиз, – деди Арзиқул бова, – натижа жўқ. Вилоятимизга янги раҳбар келган экан, шу кишига учрашамизма, деб ўйланиб юргандик, Элчибоеп, кераги жўқ, барибир фойда бермайди, яхшиси манови одамга учрашинглар, деб сизни айтди. Шуйтиб, Тиркашбой билан Тошканга кеп қолдик.

Восиқ Асадович Қўриқ тумани раҳбари Маъмур Элчибоевнинг айёрлигига, тадбиркорлигига яна бир карра қойил қолди. Худди шундай аризачилар Болтаев учун айни муддао эди.

– Гап бундай, отахон, – деди у қариянинг қўлидаги узундан-узоқ ариза хатига кўз югуртириб чиқаркан, – буни қайта ёзамиз. Ўзим айтиб тураман. Унда вилоятнинг янги раҳбарига ҳам мурожаат қилдик, лекин ҳеч қандай наф бўлмади, бу раҳбар ҳам калондимоғ, ўз манфаатини кўзлаганлар хилидан экан, деб қайд этиб ўтиш керак.

Аризачилар бир-бирига таажжуб билан тикилиб қолишди. Уларнинг афт-ангорида норизолик пайдо бўла бошлаганини пайқаган ҳомий масалани кескинлаштирди:

– Бу аризани шахсан Биринчининг ўзлари кўриб чиқадилар. Ҳалиги айтганларим кўрсатилмаса, жаҳллари қўзиб, «Боринглар, аввал вилоят раҳбарига учрашинглар», дейди. Кейин иш ҳал бўлмай, чўзилгандан-чўзилади.

Тезроқ муаммо бартараф бўлишини истаган чироқчиликлар шартга рози бўлишди.

– Сизларга тўғрисини айтай, – деди Болтаев ариза кўнгилдагидек қайта битилгач, – бу қоғоз ҳам муаммони ҳал қилолмаслиги мумкин.

– Жўғ-е?! Нега? – деди қария ишонқирамай.

– Яна нима қилиш керак, – деди Тиркашбой кўкрак кериб, – айтинг, биз тайёр.

– Албатта, айтаман. Сизлар бир сўзли, мард, қўрқмас одамларсиз, чироқчиликларни яхши биламан, – дея зимдан пишанг берди Болтаев.

Аризачилар бир-бирига ғурурланиб, қараб қўйишди.

– Бизга дангал гап керак, – дея хезланди қария ҳам.

– Мен Марказқўмнинг Қашқадарё бўйича кураториман. У ёққа кўп бораман. Бу гал борганда, албатта, сизларни топиб нима қилиш кераклигини айтаман. Ҳозирча сир… ҳозирча аризани расмий ўрганиб чиқамиз.

Тағин анча пайт маслаҳатлашиб турилгач, гўёки келишиб, аризачилар қайтиб кетишди.

Кўнглида қабиҳ бир режа кўкара бошлаган Болтаев тезроқ Туя тоғани топиш пайига тушди. У билан режани обдон пишитиб, сўнг Анастасовга учрашишга қарор қилди.

Восиқ Асадович Болтаев ариза хатини яна бир карра кўздан кечираркан, юз-кўзида доимгидек истеҳзо ўйнади: «Ҳамма-ҳаммасини янчиб, топтаб ўтаман…»

III

Ислом Абдуғаниевич олдидаги қоғозларни кўздан кечириб, айримларига чизиб-ёзиб ўтирарди. Бўсағада ёрдамчи кўринди.

– Аллаевни чақиртирган эдингиз. Келибди.

– Шунақами... – деди биринчи котиб бир нуқтага хаёлчан тикиларкан. – Бўпти, айтинг, кирсин.

Ана холос, тиқилинч ишлар билан машғул бўлиб андак унутибди. Кеча қишлоқ хўжалиги бўйича ҳужжатларни титкилаб ўтираркан, туйқус Шаймардон Аллаевнинг ерларни шудгорлашга оид ёзма ҳисоботи билан ҳам танишиб чиқиб, уни чақиртирган эди.

Ҳисобот Шаймардоннинг табиатига терс, шошилмай, уқувли мутахассисларга хос, пишиқ-пухта битилибди. Унинг икки ойча аввал ёзиб киритган, йиғим-терим якунлари бўйича хулосаси ҳам худди шундай мукаммал, теран таҳлилларга бой эди. Ислом Абдуғаниевич Деҳқонлар кенгаши котибининг бундай астойдил ишлашидан бир карра қувонган бўлса, унинг камтар-камсуқумлигидан тағин ҳам мамнун бўлди. Ўша илк суҳбатларнинг бирида вилоят раҳбари Шаймардонга вазифа юклар экан, унга исталган пайт ҳузурига кириш имкониятини берган эди. Аммо Аллаев у-бу йиғинларда вилоят раҳбарига яқин келганини ҳисобламаса, ҳамиша қисиниб-қимтиниб юрар, оғзаки айтиш мумкин бўлган ахборотларни ҳам қоғозга тушириб, қишлоқ хўжалик бўлими орқали киргиздириб юборар эди. Кеча Ислом Абдуғаниевич у билан уч-тўрт оғиз суҳбатлашиш, кўнгил сўраш, баъзи масалаларда фикрини билиш истаги пайдо бўлиб, бугунга чақирган эди.

Мана, келибди...

– Мумкинми, Ислом ака? Ассалом...

– Келинг, Аллаев, ўтиринг, – деди вилоят раҳбари яқинроқ стулга ишора қилиб, – Чақиртирмасак, ўзингиздан билиб, олдимизга келмайсиз-а?

Шаймардон синиқ жилмайди.

– Узр, Ислом ака, сизни безовта қилмайлик, деймиз-да.

Шаймардон анча озиб, кўзлари киртайибгина қолган эди. Уни отасининг ўлимидан ҳам кўра, дафн маросимидаги хўрлик қаттиқ таъсирлантирди. Тириклик, ҳаёт мазмуни борасида алланечук файласуфона ўйларга бериладиган, китоблар титкилайдиган одат чиқарди.

– Отахонни ҳам бериб қўйибсизлар, ҳамдардман, ука, – деди Ислом Каримов хомуш бош чайқаб.

– Ҳа, шундай бўлиб қолди...

– Ҳаёт шунақа, ука, ўлим ҳақ. Тирикларга тўзим бersин.

Шаймардон маъюс бош ирғаб қўйди. Вилоят раҳбари бир парча осмон гезариб-бўзариб кўринаётган дераза томон ўйчан тикилганича бир зум жим қолди. Сўнг иш столи устидаги қоғоз тахламлари орасидан бирини қўлига олди.

– Ҳисоботларингиз билан танишиб турибмиз. Менга маъқул, ишга жиддий киришибсиз.

– Қўлимдан келганича... – деб пичирлади Аллаев.

– Қўриқ туманидаги ачинарли аҳвол ҳақида ҳам батафсил ёзибсиз. Эртага шуларни ўз кўзим билан кўриб келмоқчиман. Менимча, сиз ҳаммасини очиқ-ойдин баён қилгансиз-а?

– Ҳа, ҳаммаси рост.

– Қандай шармандалик, – дея афсус билан бош чайқади Ислом Абдуғаниевич, – Пленумда ҳам шу туманни, деб роса таъзиримни беришди. Хабарингиз бор, Қўриқда ҳосил зўр бўлганди. Терим машиналарининг шайлигини ҳам ўз кўзим билан кўрганман, лекин... негадир

йиллик режа бажарилмади. Ҳашарга чиққан талабалар ҳам негадир муносабатдан норози бўлиб гапиришганди... Хўш-ш, сизнинг фикрингиз қандай, Аллаев?

– Менимча, Элчибоев атай шундай бузғунчилик қилди, – деб пичирлади Шаймардон.

– Нега бундай деяпсиз? Асос борми?

– Ҳа, мен ҳаммасини таҳлил қилиб кўрганман, Ислом ака. Бу ҳақда алоҳида ҳисобот ҳам ёзиб қўйганман.

– Яхши, масалани атрофлича ўрганиб кўрамиз ҳали.

Экин-тикинга тараддуд кўриш юзасидан янги кўрсатмалар олгач, Аллаев сидрилибгина чиқиб кетди.

Вилоят раҳбари эзгин хаёллар оғушида қолди.

Ўтган гал пойтахтга борганида у яна насослар масаласини қўзғаб, бир-икки тегишли идораларга кириб кўрди. Аммо нажот ахтарган жойларидан тоғ-тоғ ваъдалару боғ-боғ баҳоналардан бошқа нарса топа олмади. Туйқус Ислом Абдуғаниевичнинг хаёлига Валижонов билан юзма-юз гаплашиш фикри келди. Назарида бу чапдаст «жиян амалдор»нинг қўли менман деган масъул раҳбарларникидан ҳам узун туюлди. Шу боис Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сари юзланди. Аммо вазир ўринбосари Валижоновни учратиб, гаплашиш анча қийин бўлди. Ёрдамчисининг бот-бот такрорлашига қараганда у қай бир қариндошининг маъракасини ўтказгали кетган экан.

– Кеч соат олтиларда келади, – деди ёрдамчи эшилиб.

Ислом Абдуғаниевич ноилож кутди. Ва, ниҳоят, кеч соат саккизларда маъракага кетган Валижонов андак ширакайф ҳолда пайдо бўлди.

– Ў-ў, саҳро бургути! – дея чинқириб Каримовга қучоқ очди у. – Хуш келибсиз! Қандай шамоллар учирди?

Ислом Абдуғаниевич ҳам мулозаматга яраша мулозамат кўрсатиб, амалдор билан кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

Валижоновнинг амалига хос кенг-мўлгина кабинети худди келинчакнинг уйидай қандайдир мушк-атирлар ҳидига бўкканди. Бундай ўткир исларни ёқтирмайдиган Ислом Абдуғаниевич беихтиёр чимирилиб, оғзидан нафас олди. Аммо вазир ўринбосари бунга эътибор бермади.

– Сиз ҳам сезяпсизми, Ислом ака, – деди у чуқур-чуқур нафас олиб яйрар экан, – Дамашқ атрининг ҳиди бу! Қаранг, қандай ажойиб! Аммо-лекин, бу ҳаммаси эмас...

Валижонов моҳир раққосамонанд бармоқларини қарсиллатганича антиқа жиҳозлар билан лиммо-лим ойнаванд сервант ёнига борди.

– Мана буни, – деб мақтанди вазир ўринбосари аллақандай ялтироқ матоҳни қўлига оларкан, – Ливия подшоси Каддафининг ўзлари у ерга сафарга борганимизда менга ҳадя қилган. Зебра суягидан ясалган трубка!

Эсу дарди қандай қилиб амалий ёрдам ундиришда бўлган Каримов олис Африкадан келтирилган буюмга паришон тикилиб жилмайди:

– Ҳа, зўр нарса экан, Ҳалим Юлдашевич.

Вазир ўринбосари чарм қопламали курсига ўтиргачгина туйқус лавозими эсига тушиб қолди, шекилли, бироз сипо тортиб ҳузуридаги кишига савол назари билан қаради.

– Жуда серташвиш кўринасиз, ака, тинчликми?

– Ҳалим Юлдашевич, ўзингизга яхши маълум, қўриқ туманларимизнинг деярли барчаси Амударёдан сув ичади. Ҳозир олтита насосимиз буткул абгор аҳволга келиб қолган. Ҳаммасини алмаштириш зарур. Ёзда бу масалада телефон орқали сиз билан бироз гаплашган ҳам эдик...

– Эсимда, – деб оғир сўлиш олди Валижонов, – гаплашгандик. Аммо-лекин бу жуда оғир муаммо, ака. Ўзим ҳам у ёқ-бу ёққа роса югурдим, акахонлар билан

гаплашдим. Аммо... – Валижонов афсус-надоматлар ила бош чайқади, – ҳеч иложи бўлмаяпти. Хўжайинларнинг қайси бирига харажатли иш ҳақида гапирсангиз, сапчиб ўрнидан туриб кетади. Маблағ йўқ, маблағ.

– Қашқадарё республикадаги энг кўп пахта етиштирадиган вилоятлардан бири-ку?! Наҳотки, унинг эҳтиёжи учун маблағ топилмаса... Қолаверса, ўша ҳудудда яшайдиган миллионга яқин аҳолининг тақдири, тирикчилиги ҳам ана шу насосларга боғлиқ. Инсонлар ҳаёти хавф остида турганида бунга маблағ йўқ, дейиш... билмадим, маънавиятнинг қандай меъёрларига тўғри келади...

– Мен ҳам билмадим, Ислом ака, аммо-лекин, хўжайинларга бирор муаммоли нарса ҳақида гапирсангиз, дарғазаб бўлишади... Ҳа, айтганча, ҳозир асосий маблағлар Оролни қутқариш фондига қаратилган, бу ҳақда сиз ҳам эшитгансиз, албатта.

– Ҳа, эшитганман.

– Яна бир гап, – Валижонов овозга сирли тус берди, – ҳозир Орол муаммосини байроқ қилиб олган аллақандай ёш-ялангларнинг уюшмаси пайдо бўлган. Агар Амударёдан сув тортадиган насосларни янгилаш учун куйиб-пишиб юрганингиз уларнинг қулоғига бориб етгудек бўлса, бошингизга нақ балони сотиб оласиз-а...

Нуфузли бир вазирликнинг нуфузли раҳбари топган баҳонадан Ислом Абдуғаниевичнинг кулгиси қистади. Ва, шунинг баробарида, кўнглига ғашлик инди: «Бу одамдан ҳеч бир наф йўқ».

Каримов қишлоқ хўжалик вазирлигидан тарвузи қўлтиғидан тушиб чиққанида вақт тунги алламаҳал бўлиб қолган эди.

У «чиқмаган жондан умид» қабилида эртаси куни эрталаб яна Анастасовнинг қабулига кирди. Имкон қадар вазиятни батафсил тушунтирган бўлди.

– Мен сизга айтдим-ку, – дея чинқирди Александр Петрович унинг гапларини бетоқатларча чала-ярим эшитиб, – насосларни янгилаш ҳақида ҳали гап-сўз бўлиши мумкин эмас. «Правда»нинг ўтган сонини кўрдингизми? Ташқи ишлар вазирининг ахборотини ўқидингизми-йўқми?...

Иккинчи котиб Ислом Абдуғаниевичга ўқрайиб қаради. Сўнг саволига жавоб ҳам кутмасдан асабий бир тарзда қўл силтаб, ғудрана кетди:

– Биламан, ўқимагансиз, ўқишни ҳам хоҳламагансиз. Сизни давлатимиз тақдиридан кўра, насосларингиз кўпроқ қизиқтиради. Агар ўша мақолани ўқиганингизда, бугунги халқаро аҳвол қанчалар нозиклигини, мамлакат тақдири қил устида турганини билган бўлардингиз. Менинг бошимни аллақандай капитал таъмирлар билан қотириб ўтирмасдингиз. Асосий маблағлар ҳарбий мақсадларимиз учун сарфланаётганини англардингиз.

– Ҳаммасини тушуниб турибман, Александр Петрович, – деди Каримов имкон қадар мулойимлашиб, – лекин мен айтаётган муаммо ҳам жиддий, майда-чуйда эмас. Агар насослар бўлмаса, асосий пахта етиштириладиган қўриқ ерларимизга сув чиқмайди, сув йўқ экан, пахта ҳам йўқ, пахта эса ўша ҳарбий мақсадлар учун ўта зарур хомашё, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Иккинчи котиб Ислом Абдуғаниевичнинг мантиқли эътирозидан завқланди, шекилли, мийиғида кулиб бош чайқади. Бироздан сўнг яна тўнини тескари кийди:

– Менга қаранг, Каримов, масалани жуда чуқур олишни яхши кўрасиз-а... Бўпти, биз ҳам шундай қиламиз. Қани, марҳамат қилиб, жавоб беринг-чи, нега насосларингиз яроқсиз ҳолга келиб қолди?

Сабр косаси тўлган Каримов бу гал кескинроқ гапиришга мажбур бўлди:

– Нега бўларди, капитал таъмир муддати аллақачон ўтиб кетган. Лекин шунга қарамай, насослар кўзда тутилган нормадан икки-уч баробар ортиқ босим билан ишлаяпти. Қолаверса, экологик нохуш вазият, сувнинг ифлослиги ҳам уларнинг тез емирилишига сабаб бўляпти.

– Буларнинг бари бир баҳона, ўртоқ Каримов! Сизлар социалистик мулкка лоқайд муносабатда бўляпсизлар, уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ҳаракат қилмаяпсизлар! Қашқадарёда хўжасизлик, исрофгарчилик, халқ мулкини талон-торож қилиш авжга чиққан, мана сизга насосларни емираётган асосий сабаблар. Тушунтира олдимми?

Ортиқча тортишиб ўтириш бефойда эканини, бари-бир калтак ўзининг бошида синиши тайинлигини англаган Каримов бош ирғаб, жим қолди. Бу сукутни ўзича тушунган Анастасов яна ўдағайлади:

– Хуллас, гап бундай, Ислом Абдуғаниевич, менинг бошимни кўп қотирманг, ана, имконини топсангиз, ўша лаънати насосларингизни янгилаб олинг. Бу масалада бошқа гаплашишни хоҳламайман. Ундан заруррок муаммоларим тиқилиб ётибди. Ва, яна унутманг, насослар билан боғлиқ бирор ишкал чиқадиган бўлса сиз бошингиз билан жавоб берасиз. Саволлар борми?

Каримовнинг сўнгги уриниши ҳам шу тахлит пўписалар билан барбод бўлди...

Мана ҳозир ўша сарсонгарчиликларни ўйларкан, насослар муаммосини ҳал қилиш бундан буён фақат ўзига, ўзининг билим-тафаккурига, жасоратига боғлиқ эканига яна бир карра амин бўлди.

«Москва билан ўзим гаплашаман! – хаёлидан ўтказди Ислом Абдуғаниевич, – майли, мени отишса отиша қолсин. Лекин халқ учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган бу муаммога лоқайд қараб туролмайман».

Қашқадарё вилояти раҳбари шаҳд билан ўрнидан турди.

IV

Пайшанба куни эди. Одатда, ҳар бир йиғинни жўшқин ўтказадиган Ислом Абдуғаниевич мажлис тайинланган туман партия қўмитасининг анжуманлар залига анча хомуш ва паришон кириб борди. Бу ҳолдан мажлис аҳлининг ҳам афт-ангорига алланечук хавотир оралади. Боягина у ер-бу ерда чўғланиб турган қувноқ қийқириқлар, олди-қочди гурунглар ўз-ўзидан тиниб қолди.

Чақирилмаган меҳмондай залнинг орқа ўриндиқларидан бирига омонатгина чўккан Абрай Холёров бугун кўриладиган масала моҳиятидан оз-моз хабардор бўлгани учунми ҳадик ва ҳаяжон ичида бесаранжом ўтирарди.

Мажлис бошланди. Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Вилоят раҳбари ўз сўзи давомида ўтган йили қўриқ туманларда қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапираркан, туйқус Элчибоевни ўрнидан турғазди.

– Маъмурбой, мана февраль ҳам охирлаб қолди, – деди Ислом Каримов салмоқлаб, – сизнинг туманингизда шудгорлаш ишлари охирладими? Экин-тикинга шаймисиз?

Элчибоев ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб берди:

– Шудгорлаш ишлари тугалланган, Ислом ака. Экин-тикинга ҳам тайёрмиз.

Вилоят раҳбари кўз ўнгида сурбетларча қилпиллаётган семиз лошга анча пайт ўйчан тикилиб қолди. Бу бўрон олдидаги сукут эканини пайқаган аҳли мажлис нафасини ичига ютиб, жараённи жимжит кузатарди.

– Маъмурбой, – деди Ислом Абдуғаниевич босиқ, вазмин оҳангда, – агар ҳозир ёлғон гапирмаганингизда,

балки сизга нисбатан фикрим ўзгариб, ўтган йилги қилмишларингиз учун енгилроқ жазо берардим. Афсуски, умидим пучга чиқди. Сиз эгаллаб турган вазифангизга нолойиқсиз. Ҳозироқ залдан чиқиб кетинг.

Элчибоев аввалига ҳангу манг қотди, сўнг нажот сўрагандай теваракка аланг-жаланг қаради, нимадир демоқчи бўлиб лабларини ялади:

– Ислом ака...

– Мен сизга чиқиб кетинг, дедим. Тез орада масалангизни бюрода кўриб чиқамиз. Кўзингизни лўқ қилиб, ёлғон гапирасиз-а. Сиз йил-ўн икки ой оёқ босмайдиган жойларни мен кеча атай айланиб чиқдим, ишлари кўнгилдагидек бўлсин, шубҳаларим бекор бўлиб чиқсин, деб Худодан сўрадим, афсуски... Учинчи, ўттиз иккинчи, биринчи совхозга тегишли ерлар, шудгорлаш нари турсин, ҳатто ҳали ғўзапоялардан ҳам тозаланган эмас.

Зал гувиллаб юборди. Кимдир нафрат билан алланима дея ғудранди, кимдир афсус-надомат чекиб бош чайқади.

Элчибоев довдираган кўйи ташқарига чиқиб кетди.

– Бўлиб ўтган воқеа учун сизлардан узр сўрайман, – деди вилоят раҳбари хомуш қиёфада. – лекин, нима қилай, пичоқ суякка бориб етди. Агар... агар кузатиб юрган бўлсаларингиз, биласизлар, мен жазолаш эмас, тарбиялаш, ўрнак кўрсатиш тарафдориман. Лекин, афсус... бизнинг очиқ кўнгилликни нотўғри тушуниб, уни суиистеъмол қилувчилар ҳам учраб қоларкан. Назаримда, бундай масъул кишилар биз бошлаган ислоҳотларнинг асл моҳиятини ҳали англаб етишмаган. Ўйлайманки, бундай нусхаларга сафимизда жой бўлиши мумкин эмас.

Шундан сўнг мажлис аста-секин яна ўз измига тушиб кетди. Сўзга чиққан туман раҳбарлари жойларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида, бу йилги режалар ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

– Бугунги йиғилишнинг яна бир муҳим масаласи бор, – деди вилоят раҳбари мажлис давомида, – ўтган йил серёғин келгани учун чигит экишни ерларни суғормай амалга оширгандик. Бу кўпгина чўл ҳудудларида яхши натижа бермади. Иссиқ ҳаво, гармсел тупроқ намлигини тез қуритиб ташлади. Бу йил ҳам, мана, ёғингарчилик кўп бўляпти, лекин ўтган галги хатони такрорламаслигимиз керак. Шунинг баробарида, сувни тежаш ҳақида ҳам бош қотиришга тўғри келади. Хў-ўш, кимда қандай таклиф бор? Марҳамат, тортинмай, гапираверинглар.

Залда бир зум ғала-ғовур кўтарилди. Сўнг косонлик машҳур пахтакор раис Ёдгор Зокиров қўл кўтариб, ўрнидан турди.

– Менда бир таклиф бор, Ислом ака.

– Марҳамат, эшитамиз.

– Чигит экишдан аввал ерларни суғоришда зовур сувларидан фойдаланиш мумкин.

– Қалай бўларкан? – деди ўйланиб вилоят раҳбари, – зовур суви жуда шўр-ку...

– Шўрлик даражасини пасайтириш усулларини бизнинг деҳқонлар тузуккина билишади.

Ислом Абдуғаниевич хурсанд бўлиб кетди.

– Жуда яхши. Ўйлайманки, бу усулни қизғанмасдан бошқа туман деҳқонларига ҳам ўргатасизлар.

Залда гурр кулгу кўтарилди.

– Ислом Абдуғаниевич, – дея мурожаат қилди Муборак тумани раҳбари Қодиров, кулги ва ғала-ғовур бир зум тингач, – бизнинг ўттиз олтинчи совхоз масаласини ҳам ҳал қилиб бераман, дегандингиз.

– Ҳа, эсимда. Ўртоқлар, кўпчилигингиз яхши хабардорсиз, бу киши айтган совхоз янги хўжаликларимиздан. Ҳеч иши ўнгланмаяпти. Мен раҳбар бўлиб келгандан бери, адашмасам, бу хўжаликда уч марта директор алмашди.

Лекин натижа йўқ. У ерда сув масаласида, аҳолига шарт-шароит масаласида анчагина муаммолар йиғилиб қолган. Менимча, бу хўжаликни оёққа турғазиш учун ниҳоятда тажрибали, пахта ишини яхши биладиган, одамлар билан тил топиша оладиган муносиб кадр керак. Агар рухсат этсаларингиз мен бир кишини тавсия этмоқчи эдим.

Вилоят раҳбари шундай дея кўз қири билан орқа ўриндиқлардан бирида жонсарак ўтирган Холёровни топиб ишора қилди.

– Абрай ака, илтимос, ўрнингиздан турсангиз, – Холёров шоша-пиша қад ростлади. Вилоят раҳбари мамнун бош ирғаб гапидан давом этди. – Бу кишини, адашмасам, ҳаммаларингиз яхши танийсизлар. Таърифлашга ҳожат йўқ. Ўртоқ Қодиров, – Ислом Абдуғаниевич боягина сўз қотган туман раҳбарига юзланди, – мен мана шу кишини ўша ўнгланмаётган совхозингизга директорликка тавсия этмоқчиман. Сиз нима дейсиз?

– Бажонидил қабул қиламиз, Ислом ака, – деб тавозе қилди Қодиров ўрнидан яна ирғиб тураркан, – фақатгина бу киши рози бўлсалар бўлди.

Залда енгил бир ғала-ғовур кўтарилди. Вилоят раҳбари Холёров томон бош ирғаб жилмайди.

Абрай ака кўз ёшларини аранг тийган кўйи қўлини кўксига қўйиб минғирлади:

– Ишончларингиз учун ҳаммаларингизга раҳмат...

– Абрай ака, – деб мурожаат қилди вилоят раҳбари, – ёнингизга яхши бир агроном ҳам олсангиз, қалай бўларкан?

Зал туйқус жимиб қолди.

– Кўнглимдагидай бўларди-да, Ислом ака, – деди Холёров бўғиқ, титроқ товушда.

Вилоят раҳбари қаторларнинг бирида, Толиб билан ёнма-ён ўтирган Шаймардонга ишора қилди.

– Аллаевни кўпларингиз яхши танийсизлар. Деҳқонлар кенгашининг жонкуярларидан. Қишлоқ хўжалиги бўйича яхши мутахассис.

– Биламиз! Таниймиз! – деган хитоблар эшитилди у ер-бу ердан.

– Абрай ака, шу йигитни синов муддати билан бир ишлатиб кўринг-чи, – деди Ислом Абдуғаниевич, – эти сизга, суяги бизга.

Залда гурр кулгу кўтарилди.

Ўз исми-шарифини эшитгандаёқ дик этиб ўрнидан турган Шаймардон теваракка ҳангу манг алангларди.

– Аллаев, хўжалик ишларига берилиб кетиб, Кенгашимиз котиблигини ташлаб қўймайсиз, деган умиддамиз, – деди Ислом Абдуғаниевич.

Шаймардон шоша-пиша қўлини кўксига қўйди.

V

Бошқарма бошлиғи Қурбон Чориев ҳарсиллаганича вилоят қўмитасига етиб келганида теварак эндигина ёришиб келар, идора сув қуйгандай жимжит эди.

Кириш эшиги ёнида оғзини каппа-каппа очиб эснаётган соқчи милиционер унга уйқусираган кўзларини тикди.

– Келинг, Қурбон ака.

– Катта чақиртирган экан, – деди Чориев ташвишли бир товушда, – тинчликми?

– Билмадим, – деб ғудранди милиционер қайдлар дафтарига эринганнамо кўз ташлаб, – сизни кутиб ўтирибдилар. Тезроқ киринг.

– У киши қачон келдилар?

– Менимча, катта кечаси билан шу ерда бўлди.

Чориев ҳовлиққан қўйи зина томон йўрғалади.

У биринчи котиб эшигини оҳиста тақиллатиб, сўнг

қия очганида Ислом Каримов хона бўйлаб, ўйчан турарди.

– Мумкинми, Ислом Абдуғаниевич?

– Марҳамат, киринг, Қурбон ака.

Чориев биринчи котибнинг юзидаги мамнун ифодани кўриб, кўнгли андак таскин топди: «Хайрият, яхшиликка чақирганга ўхшайди...»

Ислом Абдуғаниевич чиндан ҳам бу тунни кабинетда ўтказган эди. Шом пайти эндигина Қамашига, уруғчилик бўйича ўтказиш мўлжалланган йиғинга отланиб турган пайт туйқус Москвадан қўнғироқ бўлиб қолдию режани ўзгартиришга тўғри келди. Кутилмаган қўнғироқ Ислом Каримовни тунги соат ўн иккида Иттифоқ Давлат план қўмитаси раисининг ўринбосари Алексей Николаевич Иванов билан боғланиш мумкинлиги ҳақида хабар берганди.

– Илтимос, бизнинг қўнғироқни кутиб туринг, – деди жарангдор, жозибали бир овоз.

Ислом Абдуғаниевич қувониб кетди. Ахир у эски таниши – Иванов билан гаплашишга анчадан бери ҳаракат қилиб юрарди-да! Москвага бир-икки сим қоқиб, аммо боғлана олмай хуноб бўлган, ҳатто Алексей Николаевич ҳам мен билан гаплашишни истамаяпти, деган фикрдан кўнгил чўккан эди. Йўқ, афтидан, собиқ касбдош унутмаганга ўхшайди.

Ислом Абдуғаниевич Москвадаги йирик намояндага айтиши зарур бўлган гапларини чамалаб, ҳар эҳтимолга қарши, шошилинчда унутиб қолдирмаслик учун бир қоғозга ёзиб ҳам қўйди. Сўнг ширин орзуларга берилиб, анча пайт ўйга чўмди.

Роппа-роса тунги соат ўн иккида телефон бамисли чинқириб юборди.

– Каримов эшитади, – деди Ислом Абдуғаниевич андак ҳаяжон билан гўшакни қулоғига тутаркан.

Бироздан сўнг нариги тарафдан вазмин, йўғон овоз эшитилди:

– Салом, Ислом Абдуғаниевич!

– Салом, Алексей Николаевич!

– Аввалроқ боғлана олмаганим учун узр...

– Сизни тушунаман, Алексей Николаевич, ҳамиша вақтингиз зиқ.

– Ислом Абдуғаниевич, сиздан хафамиз, – деди Иванов ҳазил оҳангига кўчиб, – сафимизни тарк этиб кетдингиз-а.

– Лекин қалбан доимо сизлар биланман, – деди Каримов ҳам кулиб.

– Буни биламиз.

– Қаердан биласиз? – деб астойдил қизиқиб сўради Каримов.

– Қаердан бўларди, иш юритишингиздан, дўстим. Бизнинг кадрлар юклатилган вазифани худди сизга ўхшаб аълога бажаради. Ишларингизни кузатиб боряпмиз, кўз тегмасин, яхши. Қолоқ вилоятни анча оёққа турғаздингиз.

– Эътибор учун раҳмат сизга, Алексей Николаевич. Қани энди ҳамма мени сиздек тушунса, лекин Тошкентда бошим танқиддан чиқмай турибди.

– Аҳамият берманг уларга, ишингизга холис баҳо берадиганлар Москвада ҳамиша топилади.

– Миннатдорман сиздан, Алексей Николаевич! – деди Каримов бутун вужуди эътирофдан яйраб.

– Қандай муаммолар бор, дўстим?

– Ўзингиз яхши биласиз, Алексей Николаевич, биз энг кўп пахта берадиган вилоятлардан биримиз. Пахтанинг тақдири эса сув билан боғлиқ...

Ислом Каримов вазиятни атрофлича изоҳлаб, сўнг насосларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, уларни янгисига алмаштириш жуда долзарб экани ҳақида гапирди.

– Хуллас, муаммони ҳал қилишда сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз, Алексей Николаевич.

Каримов сўзларини шундай деб якунлади-ю, кўнглига хавотир ўрмалади: «Энди буёғи қандай бўларкан?»

Иванов ўйланиб қолди шекилли, нариги тарафдан анча пайт садо чиқмади. Ниҳоят, гўшакдан таниш, жуда таниш «Та-а-ак» деган чўзинчоқ сас эшитилди. Одатда, Иванов кўнгилли бир қарорга келса, гапини шундай тараддуд билан бошлар эди.

Ислом Абдуғаниевич ҳаяжонланиб беихтиёр гўшакни қаттиқ ғижимлади.

– Сизнинг дилингиздаги хайрли ниятни ҳис қилиб турибман, дўстим, қўлдан келганича ёрдам берамиз. Ҳў-ўш, носоз насослар сони қанча дедингиз? – сўради Иванов.

– Олтита, Алексей Николаевич.

– Гап бундай, дўстим, иккитасини алмаштириб берамиз. Қолганлари учун эҳтиёт қисмлар топиб берамиз, ўзларингиз ремонт қилиб оласизлар.

– Жуда яхши фикр, Алексей Николаевич!

– У ҳолда келишдик. Мен «Уралмаш»га тайинлаб қўяман, одамларингизни юбораверинг. Агар бирор муаммо бўлса, тортинмай, яна ўзимга чиқаверинг. Сизни ёлғизлатиб қўймаймиз.

– Раҳмат, Алексей Николаевич!

Ислом Каримовнинг кўзига олам чароғон кўриниб кетди. Ўз-ўзича жилмайиб, димоғида дуч келган қўшиқни хиргойи қилиб, курсида алламаҳалгача яйраб ўтирди. Сўнг бошқарма бошлиғи Қурбон Чориевнинг уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни ҳеч ким кўтармади. «Айтганча, вақт ярим кечадан ошди-ку, ухлаб ётган бўлишса керак», – хаёлидан ўтказди вилоят раҳбари.

У яна бироз ўйланиб тургач, идора бўйича навбатчига қўнғироқ қилиб, зудлик билан бошқарма бошлиғи Қурбон Чориевни топиб келишни тайинлади.

– Хўп бўлади, Ислом Абдуғаниевич, – деди навбатчи ҳорғин, хира товушда.

Вилоят раҳбари, гоҳ курсига ўтирар, гоҳ хона бўйлаб юрар, хаёлида янги ва янги режа пишитар эди.

Мана, ниҳоят, сийрак сочлари оппоқ, гўштдор юзи салқи Чориев етиб келди.

– Ўтиринг, – деди Ислом Абдуғаниевич унга жой кўрсатиб.

Бошқарма бошлиғи ҳарсиллаган кўйи стулга чўкаркан, вилоят раҳбарига жавдираб термилди.

– Гап бундай, Қурбон ака...

Ислом Абдуғаниевич телефон қўнғироғи ҳақида қисқача айтиб берди. Чориевнинг гўштдор юзига ҳам қувонч югурди.

– Жуда яхши иш бўпти-да, Ислом Абдуғаниевич, – деди у ҳам ҳаяжонланиб.

– Ёнингизга яна икки кишини олиб эртагаёқ Свердловскка учасиз. Совға-салом мўл-кўл бўлсин, майиз, ёнғоқ, туршак дегандай... тушундингиз-а...

Чориев пихиллаб кулди.

– Э-э, бу ёғини қотирамиз, Ислом ака.

Вилоят раҳбари ҳам жилмайди.

VI

Оқ «Волга» кенг трассада кунчиқар томон шиддат билан елиб борарди. Паст-баланд қир-адирлар, сайҳонликлар лип-лип ортда қолмоқда.

Осмон қоп-қора булут билан қопланган. Майдалаб ёмғир ёғмоқда. Толхивичдай матоҳ машина ойнасига биллур зарраларидай қўнган ёмғир томчиларини шошириб-тошириб, у ён-бу ён суриб ташлайди. Лекин бир лаҳза ярқираб кетган ойна яна ғуборланиб қолади.

«Волга» орқа ўриндиғида ўйчан ўтирган Ислом Абдуғаниевичнинг кўнгли ҳам айни чоғ худди шу ойнадай дам-бадам хира тортиб борарди. Хаёллари эса машинадан минг карра тезроқ, гоҳ Чироқчига, гоҳ Тошкент, гоҳ Москва ёққа учади. Ҳувв, тоғлар тепасида чақнаётган чақмоқ бамисли юрагида аксланади.

«Нега?! Нима учун?! Қайси номарднинг фитнаси бу?! Асл мақсади нима, бу қашқирларнинг?»

Мана, чошгоҳдан бери, Чироқчи туман раҳбари шошилинч қўнғироқ қилгандан буён онг-шуурида шу саволлар беаёв чарх уриб юрарди.

Ислом Абдуғаниевич, аввалига, Ороловнинг ҳовлиққан кўйи ғулдирашидан ҳеч нарса тушунмади, сўнг бир-икки танбеҳ эшитган туман раҳбари ўзини андак босиб олиб гапира бошладию кабинетда фитна-фасод бадбўйи анқиди.

Чироқчи туманига қарашли Шўрбулоқ қишлоғидан бир гуруҳ дарғазаб оломон Шаҳрисабз туманига қарашли Шўрбулоқ қишлоғи ҳудудига бостириб кирган эмиш! Айни пайтда колхоз идораси теварагини ўраб олишибди. Мақсад-талаблари бир пайтлар расмий иккига бўлиниб қолган қишлоқни бирлаштириш экан. Худди шу масалани кўриб чиқиш учун Тошкентдан келган комиссия шу пайтда колхоз идорасида ишлаётган эмиш.

– Бўпти, етиб бораман, – деб қўйди вилоят раҳбари босиқлик билан. Аслида эса ич-ичида довул туриб юрагидаги алангани баттар ловуллатган, юз-кўзларида шиддат ёлқинланган эди.

«Қанақа бўлинган қишлоқ? Нега бу ҳақда мен ҳали билмайман? Қанақа комиссия?! Вилоят раҳбарини хабардор қилмасдан, қачон келди улар?! Нималар қилишяпти?»

Ислом Абдуғаниевич шундай ўйлар билан бир зум хаёлчан тургач, вазиятни ойдинроқ қилиш илинжида

Тошкентдаги масъул дўстлардан бирортасига қўнғироқ қилишни чамалади. Аммо шу пайт ҳукумат телефони жазава билан устма-уст жиринглаб қолди.

– Алло-о...

Одатга кўра, вилоят раҳбари ўзини таништиришга улгурмади. Нариги тарафдан Анастасовнинг, ҳатто, телефон симларини ҳам ёриб юборгудек бўкириши эшитилди:

– Ислом Абдуғаниевич?! Сиз кабинетда нима қилиб ўтирибсиз?! Масъулият, жавобгарлик ҳис қиласизми ўзи? Чироқчидаги Шўрбулоқ қишлоғида одамлар бир-бирини бўғизлаяпти, уйларга ўт қўяяпти! Менга қаранг, уч соат ичида масалани бир ёқли қилинг, уч соат муҳлат сизга! Йўқса, Тошкентдан махсус ҳарбий гуруҳ жўнатаман. Кейин керакли жойда ўзингиз жавоб берасиз, уқдингизми?

Анастасов вилоят раҳбарига бир оғиз ҳам гапиришга имкон бермай, телефонни тарақлатиб жойига қўйди. Қичқирикдан ҳали-ҳануз қулоқлари шанғиллаб турган Ислом Абдуғаниевич унинг товушида безовталикдан кўра алланечук тантанавор таҳдид борлигини пайқади. Пайқадию бир зум ташвишли хаёллар қуршовида қолди...

Мана, Шўрбулоқ! Пешинга яқин улар етиб келишди. Ислом Абдуғаниевич йўл-йўлакай эътибор бердики, Чироқчида ҳам анча-мунча ўзгаришлар сезилади. Йўллар тузуккина таъмирланган, гоҳ у, гоҳ бу учраган қишлоқда янги қурилган мактаб ёхуд ҳаммом, маҳалла гузари каби кўркамгина иморатлар кўзга ташланади. Бироқ, мана бу воқеа...

Шўрбулоқ чиндан ҳам безовта эди. Ёш-яланг кўчакўйда тўзғиб юрар, қари-қартанг интиқ кутилган томошага ҳозирлангандай эшиклари ёнида, қулайроқ тепаликка ўрнашиб олганди. Ҳамманинг нигоҳи қишлоқ-

нинг нариги бўлагида жойлашган колхоз идораси томон қадалган.

Бир муддат тинган ёмғир яна оҳиста, эринганнамо ёға бошлади. Намиққан тупроқ иси димоғларга алланечук хуш урилади. Кўкни қоплаб олган гумбаз-гумбаз булутлар, худди бу жанжалли маконлардан тезроқ ўтиб кетишни истагандек шитоб билан кунчиқар томон судраклашиб борарди.

Колхоз идораси ёнида чиндан ҳам эллик-олтмиш чоғли оломон тўпланиб, ғала-ғовур кўтариб турарди.

«Волга» идорага яқин борган пайт Оролов икки нафар милиция ходими ҳамроҳлигида пешвоз чиқди.

– Ислом ака, сизни кутишяпти, – деб ғудранди у довдираган кўйи машина эшигини очаркан, – улар кутилмаганда келиб қолишди.

Ислом Абдуғаниевич индамай машинадан тушди. Колхоз идораси томон юзланиб, чувчувлашаётган оломон орасидаги айрим кишилар шу томон синчков тикилиб туришарди.

Ислом Абдуғаниевич тўппа-тўғри тўпланганлар томон юрмоқчи бўлди, сўнг фикридан қайтди, аввал ичкарига кириб, масала моҳиятини ойдинлаштириш керак, деган қарорга келди.

Вилоят раҳбари идора ичкариси томон юраркан, ўша икки милиционер унинг икки ёнида худди соядек тиркашиб қадам ташлар, барча бало-қазога ўзлари қалқондек, теваракка олазарак кўз югуртиришарди.

Колхоз раисининг кенг-мўл кабинетида кўкимтир тамаки тутуни булутдай сузиб юрарди. Раис курсисида қуюқ, оқ оралаган сочлари орқага таралган, қабоқлари салқи, пўрим кийинган олтмиш ёшлар атрофидаги киши қўр тўкиб ўтирарди. Вилоят раҳбари уни дарров таниди – бу Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Мурод Абилов эди! Унинг ёнида Марказқўмнинг масъул

амалдорларидан бўлмиш, ўсиқ қошлари қайсарларча тиккайган Дониёров жой олганди. Ундан сал пастроқда анча нотаниш, аммо турқларидан курсисидан кўра бурни баланд ходимлардан эканлиги билиниб турган яна икки киши столга бағир бериб ўтирарди.

Шаҳрисабз тумани раҳбари узун столнинг бир чеккасида мук тушган кўйи аллақандай ёзув-чизувга андармон. Шу туман райижроқўми Латипов тавозега тўлибтошиб тик турар, ўтирганларнинг ҳар бир сўзини жонсараклик билан тинглар эди.

Ислом Абдуғаниевич кириб бордию ҳамма ғимирлаб қолди. Вилоят раҳбари махсус комиссия аталмиш меҳмонлар билан кўришиб чиққач, бўш стуллардан бирига ўтирди.

– Хуш келибсизлар бизнинг Қашқадарёга, – деди у бир Абиловга, бир Дониёровга кўз ташлаб.

Абилов товуш чиқаришга ҳам мажоли қолмаган каби бошини оғир-оғир ирғаб қўйди.

– Бойбеков! – Ислом Абдуғаниевичнинг чорловидан Шаҳрисабз тумани ҳокими дик этиб ўрнидан турди.

– Нима гап? Ташқарида қандай тўполон, менга тушунтирсангиз?!

Бойбеков узуқ-юлуқ қилиб, вазиятни шарҳлаган бўлди.

– Хуллас, Чироқчи туманидагилар қишлоқни қўшиб беринглар, деб талаб қилишяпти, – дея тушунтиришини якунлаган бўлди у.

– Нега мен бундай муаммолардан бехабарман? Нега улар менга шикоят қилишмаган? – деди вилоят раҳбари бир Ороловга, бир Бойбековга норизо кўз ташлаб. – Умуман, нега менга махсус комиссия келишини ҳам ҳеч ким айтмаган?

Олдидаги қоғозларга паришон термилиб ўтирган Мурод Абилов оҳиста бош кўтариб, Ислом Абдуғаниевичга ажабланиб қаради.

– Мен булардан бехабарман, дейсизми?

– Ҳа, Мурод ака, тўғриси, ҳали ҳеч нарсани тушунмаяпман ҳам.

Дониёров ғижим қоғозга қинғир-қийшиқ ёзилган ариза хатини суриб қўйди.

– Марҳамат, танишинг.

Ислом Абдуғаниевич шикоят битигини диққат билан кўздан кечириб чиқди.

– Бу менга ғирт туҳмат, – деди анчадан сўнг, – ҳеч ким бундай муаммони кўтариб ёнимга борган эмас.

– Бу ёғи бизга қоронғи, – деб ғудранди Дониёров, – масалани жойида ҳал қилишимиз учун бизларни махсус юборишди.

– Масала ҳал бўлай, деб қолгандир?

– Ҳа, – деди қўрслик билан Абилов, – чегара ҳудудлари ҳозирги ҳолатида сақланиб қолиши керак. Кўрсатма шундай.

Ислом Абдуғаниевич ариза хатига ишора қилди.

– Халқ талаби-чи... менимча, улар ҳақ, нега энди қадимдан бир тану бир жон бўлиб келган қишлоқ расман иккига бўлиниб қолиши керак экан. Қолаверса, бу ерда ёмон бир иллат иси келяпти.

– Қанақа иллат? – дея сергакланди Абилов.

– Уруғ-аймоқчилик, эътибор бериб қарасангиз буни тушуниш қийин эмас, қишлоқнинг бу қисмида бошқа уруғ, нариги томонида бошқа уруғ яшайди.

– Бунинг бизга аҳамияти йўқ, – деб ғудранди Дониёров.

Абилов эса кўзларини катта-катта очиб, сийрак киприкларини пирпиратиб ўрнидан туриб кетди.

– Нималар деяпсиз, Каримов?! Совет кишилари ўртасида уруғ-аймоқчилик нима қилсин? Бунақа эскилик сарқитлари улуғ инқилобнинг илк кунларидаёқ бартараф этилган. Сиз бизни чалғитманг! Сиз ўйламай айтган гапингиз билан бутун байналмилал тарбиямизга чизиқ

тортаяпсиз. Гўё бизни мафкуравий тарбия масаласида ҳеч вақо қилмаганга чиқаряпсиз. Сиз бизни, ҳукумат раҳбарларини ҳақорат қилдингиз!...

– Мурод Юсупович, мен ҳеч кимни ҳақорат қилганим йўқ, мафкуравий тарбия ишларингизга ҳам чизиқ тортмоқчи эмасман. Мен масалага реал ёндашдим, холос. Ахир қачонгача йиғилиб қолган муаммоларни кўриб кўрмасликка оламиз? Қачонгача иллатларни, камчиликларни хаспўшлаймиз? Маддалаган ярани ёриб, малҳам суртиш керак эмасми? Агар вақтида шундай қилинмаса, мадда суякка ўтиб кетиши мумкин, буни шифокорларимиз жуда яхши билади. Биз ҳозир тилга олаётган муаммолар ҳам худди шундай. Уларни яшириб юрмай, вақтида олдини олиб, чигалликларни ечишимиз зарур.

– Жуда доно бўлиб кетибсиз-ку, Ислом Абдуғаниевич, – деб истеҳзо қилди Дониёров.

Каримов қочиримга эътибор бермай бош чайқади.

– Мен халқ талаби ижобий ҳал қилиниши тарафдориман.

– Сиз бир ҳовуч арзгўй билан халқни аралаштирманг, – деди Абилов баттар қовоқ уйиб, – агар жанжалкашларни бир соат ичида тарқатиб юбормасангиз, бу ерга ҳарбий қисм чақиртираман.

Ислом Абдуғаниевич ялт этиб Бойбековга юзланди.

– Сизнинг туманингиз томонидаги аҳолининг фикри қандай? Улар билан ҳам гаплашиб кўриш керак. Дарҳол уларнинг оқсоқолларини бу ерга чақиртиринг.

– Чақиртирдик, Ислом ака, – деди Бойбеков титроқли бир товушда, –тўпланганлар ичида улар ҳам бор.

Вилоят раҳбари шахт билан ўрнидан туриб, эшик томон юзланди.

– Қаёққа? – деб сўради Абилов.

– Қаёққа бўларди, одамлар олдига чиқаман.

Бир чеккада турган Оролов жазава билан эшик йўлини тўсди.

– Ислом ака, йўқ, Ислом ака... кечирасиз, сизни ташқарига қўйиб юборолмайман. Одамлар ғазабланиб турибди.

– Улар сизни тошбўрон қилиб юборишади, – дея луқма ташлади Дониёров.

Ислом Абдуғаниевич елкаси оша унга норизо кўз ташлади.

– Халқ ҳеч қачон бировни ноҳақ тошбўрон қилмайди, лекин айрим одамларнинг қўлидаги тошдан эҳтиёт бўлиш керак.

Вилоят раҳбари шундай дедию дадил қадамлар билан эшик томон юрди. Оролов аввал орқага тисарилди, сўнг беихтиёр бир чеккага сурилди.

Оломон тобора қуюқлашиб борарди. Майда-майда ёғаётган ёмғирда анча-мунча ивиган бўлишса-да, тарқаш, идора теварагини тарк этиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Дарғазаб, нафратомуз қичқириқ-қийқириқлар, узуқ-юлуқ талаб-хитоблар гоҳ у, гоҳ бу ерда тинимсиз жаранглаб турарди.

– Шўрбулоқ қўшилсин!

– Айирмачи раҳбарлар ишдан бўшатилсин!

– Биз фақат адолат истаймиз!

Ислом Абдуғаниевич қийқириқларга қулоқ солганича бир зум оломон қаршисида туриб қолди. Сўнг вазмин, жиддий қиёфада улар томон юрди. Қичқириқлар баногоҳ босилди, Лангартоғмисол салобат билан юзма-юз келаётган кишига тўпланганлар ажабланганнамо тикилган кўйи андак орқага тисарилди.

– Мени танийсизларми? – деб мурожаат қилди Ислом Абдуғаниевич.

Оломон ичида ғала-ғовур кучайди. Ниҳоят, оппоқ соқоли кўксига тушган, дўппи устидан қийиқча ўраб ол-

ган, ҳаракатлари чаққон ва тетик отахон бир қадамча олдинга чиқди.

– Ҳа, таниймиз. Сиз бизнинг обкўм – Ислом Каримов бўласиз. Бутун Қашқадарё халқи сизни ҳурмат қилади, ардоқлайди, буни биламиз, лекин...

– Нима «лекин»? Тортинманг ота, бемалол, баланд овозда гапиринг, бутун халқ суҳбатимизни эшитсин.

– Биз сиздан хафа бўлдик, ҳурматли обкўм...

– Нега?

– Чунки сиздан умидимиз катта эди, лекин арзимизни тингламадингиз.

– Кечирасиз ота, ўзингизни таништирмадингиз.

– Мен шу қишлоқ оқсоқолларидан, Мухтор бобоман.

– Раҳмат... Мухтор бобо, ким, қачон менга мана шу муаммо бўйича шикоят қилиб борган? Хўш, ким, қачон?

– Бир неча марта борганмиз, – деб чувиллади оломон.

– Илтимос... – қўлини баланд кўтарди Ислом Абдуғаниевич тобора оломон қуршовида қоларкан, – саволга оқсоқол сифатида Мухтор бобо жавоб берса, ўйлайманки, у киши сизнинг кўнглингиздагини гапиради.

– Тўғри, тўғри! – деган таъкидлар эшитилди.

Лекин Мухтор бобо анча шаштидан тушиб қолганди.

– Ҳурматли обкўм, – деди у салмоқлаб, – бизнинг вакиллар сизга икки марта учрашган бўлиши керак.

– Отахон, айтинг, ўша вакилларингиз менга яқинроқ келишсин.

Мухтор бобо у ён-бу ён аланглади.

– Арзиқул... Тиркаш қани? – дея кимлардандир сўраган бўлди. Лекин излаган одамлари топилмади. – Боягина биқинимда туришганди-ку, – дея таажжуб билан ғудранди чол. Ғала-ғовур яна кучайди.

– Улар ҳозиргина қочиб кетишди! – дея қичқирди кимдир.

Мухтор бобо афт-ангорига томган ёмғир томчиларини хижолатланиб артди.

– Кечирасиз, ҳурматли обкўм, бунинг тагига етаман ҳали.

– Азиз одамлар! – деб овозини баландлатди Ислом Абдуғаниевич аллақандай кесилган дарахт кундаси устига чиқиб оларкан, – ҳурматли Шўрбулоқ аҳли, менга қулоқ солинг!

Ғала-ғовур тинчиб, кишилар вилоят раҳбари томон тикилишди.

– Аввало, ҳақиқатни билинг, бу муаммо ҳақида шу пайтгача айнан менга ҳеч ким мурожаат қилган эмас. Балки мендан олдинги раҳбарларга айтилгандир. Мен ҳозиргина ичкарида ариза хати билан танишиб чиқдим. Сизлар ҳақсизлар, азиз шўрбулоқликлар!

Теваракни қувноқ, тантанавор қийқириқлар, узун-калта қарсак товушлари босиб кетди. Бу орада анча ботирланиб, идоранинг очиқ деразасидан қараб турган пойтахтлик казо-казолар бир-бирларига ажабланиб кўз ташлашди.

– Шўрбулоқ қишлоғи, шак-шубҳасиз, бирлашиши лозим. Чунки улар илгаридан бир тану бир жон бўлиб келган, – дея гапида давом этди Ислом Абдуғаниевич, – уларни ажратиб ташлаш адолатсизликдан, фитнадан бошқа нарса эмас. Бошқалар қарши бўлган тақдирда ҳам мен сизларнинг муаммоларингизни ҳал қилиб беришни ўз бўйнимга оламан. Керак бўлса, бу масалада Москвагача боришга тайёрман.

Дераза ёнида турган пойтахтлик меҳмонлар жон ҳолатда ўзларини панага тортишди. Ҳаммасининг ранги бўздай оқариб, кўзлари ола-кула бўлиб кетганди.

– Бу ердан тезроқ кетайлик, – деди Мурод Абилов бўғриқиб, – бирор фалокатга йўлиқмасдан тезроқ даф бўлайлик. Каримов ҳаддидан ошяпти. Ҳукумат қарорини бир тийин қилгани етмагандай, бизни фитначига чиқа-

ряпти. Қани, ими-жимида бундай бехосият жойдан жўнаб қолайлик. Кетдик.

Ташқарида ҳануз ёмғир майдалаб ёғарди. Шўрбулоқ аҳли вилоят раҳбарининг ҳар бир сўзини ёмғирга ташна тупроқдай ҳузурланиб тингларди.

– Чироқчиликларни ҳам, шаҳрисабзликларни ҳам жуда яхши биламан. Мард, танти кишилар улар. Менимча, майда-чуйда муаммолар атрофида жанжал кўтариб, тўс-тўполон қилиб юриш улар учун уят. Масалани баҳамжиҳат, тинч-тотув ҳал қилишнинг иложи бор-ку?!

Теварак жимжит. Кимлардир ерга қараган, бировлар ўзаро кўз уриштириб бош ирғаган. Гўё майдамайдалаб ёғаётган ёмғир ҳалигина қайнаб-тошаётган ғазаб-нафратни, адоватни ювиб, вужудларни, кўнгилларни поклаб кетгандай эди.

– Рост айтасиз, обкўм бува, бундайин жанжал бизларга уят, – деди букчайган бир қария чопони барини қоқиб, нари кетаркан.

Яна кимдир чапаничасига қўл силтаб, баралла қичқирди:

– Қани, тарқалдик! Тирикчиликдан қолиб, бу ерда нима қилиб турибмиз?!

Теваракда яна ғала-ғовур кучайди.

– Азизлар! – деб овозини баландлатди Ислом Абдуғаниевич. – Бу муаммо яқин кунлар ичида ҳал бўлади, қишлоқ бирлашади. Мен бунга ваъда бераман. Лекин сизлар ҳам бир нарсага ваъда беринглар. Мана, шу бирлашган улкан Шўрбулоқ қишлоғини обод қилишга, жажжи фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-улғайиши, ўқиб билим олишлари учун ҳаракат қилишга сўз беринглар!

Халқ гувранди:

– Ваъда берамиз!

– Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

– Ислом ака, биз сиз билан... сизга ишонамиз!

– Элга қайишган одамга белимиз қайишган!

Ислом Абдуғаниевич мамнун жилмайиб бош ирғаркан, ёнгинасида турган Мухтор бобонинг елкасидан қучиб қўйди.

Ёмғир, оби ҳаёт шиддат билан қуя бошлади.

VII

Толиб ўзича дунёнинг бир ҳикматини англагандай бўлди: амалдорлик, мансабдорлик бошқа-ю, раҳбарлик бошқа экан. Раҳбар одам амал-мансаб эгаси бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай амал-мансаб эгаси раҳбарлик қила олмас экан. Ахир, ёш бўлишига қарамай, неча-неча амалдору мансабдорларни кўрди. Бир қарасанг, ҳаммаси ҳам биноийидай одам: савлат-сумбат жойида, димоғ-фироғ, кибру ҳаво жойида, лекин, афсус, бир чимдим ҳам салобат йўқ, заррача виқор йўқ. Мана, энди-энди англаяптики, «салобат», «виқор» деганлари ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган илоҳий неъмат экан. Уни гумбаздай қорину уюлган қош-қабоқ эвазига яратиб бўлмас экан. Агарки, етти иқлимни сўраб турган амал-мансабда ўтирсанг-да, хаёлларинг хашаки, мақсадларинг майда-чуйда, орзуларинг осмони паст бўларкан, сен ҳамиша ғарибу ғурабосан, сен ҳамиша одамларда жирканиш, ачиниш уйғотасан, холос.

Салобат ва виқор! Бу илоҳий неъматга эришиш учун, энг аввало, ерда эмас, Олий Орзулар Оламида яшамоқ керак экан! Юрагингда Улуғ Мақсад алангаси ловуллаб, юзингда, кўзингда, сўзингда ёлқинланиб туриши лозим экан! Атрофингдаги лов-лов оловдан қўрқмай ўзинг ҳам олов бўлиб ёнишинг, қоп-қора зулматни ёритишинг, ҳориган-эзилган инсонлар юзига нур, қалбига ҳарорат бағишлашинг зарур экан!

Толиб ҳар гал вилоят раҳбари билан учрашганда, суҳбатлашганда негадир хаёлидан шундай ўйлар кечади. «Бу киши чинакам олов одам», деб қўяди ўзича.

Бугун эрталаб Ислом Абдуғаниевич уни туйқус чақиртирди.

– Ҳозир Шаҳрисабзга бориб келамиз, менга ҳамроҳлик қиласан, –деди биринчи котиб иш столи ёнида аллақандай қоғозларга имзо чекаркан, – Яккабоғда баъзи бир ташкилий масалалар ҳам бор.

Ислом Абдуғаниевич сўнгги ойлар ичида вилоятдаги халқ тарихи, маънавиятига дахлдор ёдгорликларни, қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини қизғин тус олдирганди. Бунинг ҳам ўзи бўлмас экан. Гоҳ Тошкент, гоҳ Москвадаги мутасадди идоралар билан боғланиш, улардан изн олиш, маблағ ундириш учун анчагина овора бўлишга тўғри келарди. Бир ойча аввал Шаҳрисабзда ажойиб бир боғ барпо этилдики, вилоят раҳбари уни Амир Темур номи билан аташ таклифини киритди. Бу эл-улус орасида, матбуотда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ҳойнаҳой бугунги Шаҳрисабз сафари ҳам шундай бир ободончилик ишлари билан боғлиқ бўлса керак.

– Гапнинг очиғи, негадир шу ёққа ҳадеб оёғим тортаверади, – дея йўл-йўлакай кўнглидагини айтди вилоят раҳбари, – кимдир, нимадир чорлагандай бўлаверади.

Улар тўппа-тўғри Оқсарой ёнига боришди. Қизғин бораётган таъмирлаш ишлари билан танишдилар. Ислом Абдуғаниевич маҳобатли бу тарихий ёдгорликдан сира кўз узгиси келмай, масрур ўй-хаёллар оғушида унинг теварагида анча вақт айланиб юрди. Юз-кўзида яратишяшнатиш иштиёқи балқиб турган бу инсоннинг ўзи ҳам, Толибнинг назарида, Оқсарой билан бўйлашиб бораётгандек туюлди.

Улар боғдорчилик масалалари юзасидан Китоб, Яккабоғ туманларида режадаги учрашувларни ўтказиб, пешиндан сўнг яна Қаршига қайтдилар.

Йўл-йўлакай иккисининг суҳбати яна тарих, миллий ўзликка бориб тақалди. Суҳбат давомида Толиб вилоят

раҳбарининг Соҳибқирон Амир Темурга эҳтироми, меҳр-муҳаббати чек-чегарасиз эканлигига яна бир карра амин бўлди. Машина токчасида ётган, ўрта асрлар тарихига оид китоб ҳам гўё унинг иқрорини тасдиқлаб тургандай эди.

– Қанчалар буюк шахс, қанчалар оқилу доно ҳукмдор, – дея эҳтиром билан бот-бот такрорларди Ислом Абдуғаниевич, – шундай улуғ зот авлоди бўлишнинг ўзи ҳам, назаримда, бугун елкамизга тарихий бир вазифа юклаб тургандай...

Вилоят раҳбари нималарни назарда тутаётганини Толиб бироз тусмоллагандай бўлди. Безовта, ёниқ юрак тафтини яқиндан, жуда яқиндан ҳис этди...

Қаршига етиб келишгач, идора биқинида Шаймардонга йўлиқишди. Афтидан, у вилоят раҳбарини кутиб турарди. Оқ «Волга»ни кўрдию қувончдан лаблунжи ёйилган, кўзлари чироқдай порлаган кўйи пешвоз юрди.

– Анови турган Аллаевми, – деди Ислом Каримов машинадан тушаркан. – Бу ерда нима қилиб турибди экан?

Шаймардон гумбурлаган товушда салом берди. Сўнг ҳаяжон билан деди:

– Ислом ака! Толиб! Суюнчи берингизлар, яна ўғилли бўлдим!

– Эҳа, зўр-ку! – деди вилоят раҳбари ҳам қувониб. – Суюнчи, албатта, берамиз. Эл севган, чақмоқдай йигит бўлсин!

Толиб ҳам дўстини самимий табриклади.

– Ислом ака, ўғлимга ўзингиз исм қўйиб берсангиз. Шу ниятда сизларни кутиб тургандим.

Вилоят раҳбари кулди.

– Ҳа-а, шунақами...

– Ислом ака, – деди Толиб қимтиниб, – агар лозим топсангиз... йигитча сизга адаш бўлса...

– Йў-ўқ. – деди вилоят раҳбари бироз ўйланиб тургач. – Йигитчанинг исми «Темур» бўлақолсин!

Шаймардон қувончдан қийқириб юборди:

– Темур! Жуда яхши... Раҳмат сизга, Ислом ака.

– Боргин, тезроқ келинни ҳам менинг номимдан табриклаб қўйгин, – деди вилоят раҳбари, сўнг таклифи ўтмаганидан бироз хижолатланиб турган Толибга юзланди, – сенинг айтганингга келсак... бу масалани сен ўғилли бўлганингда ўйлаб кўрамиз. Хўпми?

Толиб мамнун бош ирғади.

VIII

Бу йил ҳам ғўзаларнинг авжи баланд. Ям-яшил пайкаллар жазирама офтоб нурлари остида солланиб, ям-яшил денгиздек чайқалиб ётибди. Кўсаклари бўлиқ ғўзалар бўйчан, унча-мунча одамнинг белигача кўмади. Бунинг ҳаммаси, шак-шубҳасиз, ишни оқилона ташкил этиб, ислоҳотларга имкон қадар йўл берилганидан эди. Йўқ! Экин-тикин ўз йўлига! Ислом Каримовни қувонтирган, завқлантирган нарса фақат шугина эмас. Шу пайттача халқ кайфиятини, руҳиятини кўтариш, улар юрагида умид, ишонч туйғуларини тирилтириш учун қилинган саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмади! Қашқадарёликларнинг онгида, дунёқарашида ҳам анча ўзгаришлар кузатилар, турмушда, маиший ҳаётда ҳали муаммолар мўл-кўл бўлишига қарамай, учрашув чоғлари одамлар вилоят раҳбарига миллий тарих, миллий анъаналар ҳақида саволлар беришар, Ислом Каримовнинг ҳар бир сўзидан ҳамдардлик, ҳамнафаслик силқиб турган жавобларини ташналик билан эшитишар эди. Ҳойнаҳой, маҳаллаларни газлаштириш, йўлларни таъмирлаш, нафақаларни ошириш каби ташвишлардан ҳам кўра ўта зарур, ўта аҳамиятли масала кун тартибига чиқаётганини, бу ҳам ҳаёт-мамот масаласи эканини улар тобора чуқурроқ анг-

лаб боришарди. Учрашув чоғлари кишиларнинг вилоят раҳбарига шу қадар хайрихоҳлик, умид ва ишонч билан қарашардики, Ислом Каримов бу нигоҳлардан бутун вужудига куч-қувват, шижоат қуйилаётганини, юрагидаги аланга баттар ловуллаётганини, дилидаги мақсад сари янада қатъий интилиш зарурлигини чуқур ва теран ҳис этарди.

«Биз ҳамиша худди шундай бирдам, жипс бўлишимиз керак!», деб ўйларди у ҳаяжонланиб.

Мана, Ислом Каримов ҳозиргина олис туманлардан бирининг далаларидан қайтиб кабинетига кирди. Ёрдамчи иш столи устига қўйиб кетган почтани бирма-бир қўлига олиб, кўз югуртира бошлади. Шу пайт ҳукумат телефони бўғиқ жиринглаб юборди.

– Алло, Каримов эшитади, – деди у гўшакни қулоғига тутаркан.

– Салом, дўстгинам...

Анастасов! Ана холос, кун қаёқдан чиқди?! Товушлар мулойим, муомала бошқача-ку?!

– Эрталабдан овозингизни эшитиб турганимдан хурсандман, – деди вилоят раҳбари бутун вужуди қулоққа айланиб.

– Ислом Абдуғаниевич, Москвадан меҳмонлар келган, эрталабки рейс билан Қаршига учиб боришади. Илтимос, ўзингиз чиройли кутиб олиб...

– Бошқача бўлиши ҳам мумкинмас, хавотирланманг. Кимлар экан улар?

– Бири КПСС Марказқўмидан, алоҳида ишлар бўйича масъул ходим, Александр Козлов, иккинчиси, СССР энергетика вазири Андрей Шевчук. Улар Талимаржон ГРЭС қурилишини кўришмоқчи, бундан ташқари... ўзингизга ҳам юмушлари бордай…

Ислом Абдуғаниевич яна чорак соатча давом этган гап-сўздан сўнг гўшакни жойига қўяркан, таажжубда қолди. Анастасовнинг кутилмаганда ипакдай эшилиши,

ғоят нуфузли саналмиш меҳмонларнинг чекка бир вилоят раҳбарида қандай юмуши бўлиши мумкинлиги уни ўйлантириб қўйганди.

Ҳукумат телефони тағин туйқус жиринглаб қолди. Ислом Абдуғаниевичнинг Министрлар Советидаги қадрдони экан. Улар бироз ҳангомалашиб туришгач:

– Меҳмон кутяпсизми? Тайёрмисиз? – деб қолди Дўст.

– Ҳа, Москвадан келишяпти экан.

Дўст кулди.

– Кечадан бери Анастасов, оёғи куйган товуқдай типирчилаб, ўшаларнинг ёнида юрибди.

– Шунчалар обрўли одамларми улар?

– Ия, нималар деяпсиз? – деди Дўст ажабланганнамо, – наҳотки, таърифларини эшитмаган бўлсангиз... ахир, Иттифоқ бўйича уларнинг гапи гап-ку?! Менман деган биринчилар, райкомлар улар билан ўйлаб муомала қилишади. Қаранг, одатдаги қайсарликларни ташлаб, меҳмонларга яхши муомала қилинг. Нима керак сизга ортиқча бош оғриғи, ортиқча ташвиш...

Ислом Абдуғаниевич мароқли насиҳатлар учун Дўстга кулиб ташаккур билдирди-да, гўшакни қўйди. Сўнг масъул ходимларни кабинетига чорлаб, меҳмонлар ҳақида хабар берди, уларни кутиб олиш учун жиддий тараддуд кўришлари зарурлигини уқтирди.

* * *

Козлов деганлари сийрак сочлари оппоқ, тарашадай озғин бир қария экан. У тандирдек ҳовур уфуриб турган заминга оёқ босдию жазирамадан лоҳасланиб, яна самолётга қайтиб чиққиси келиб қолди.

Андрей Шевчук новча бўй, кўзлари ям-яшил, ўрта яшар киши. Худди унинг энергетика вазири эканини таъкидлагандай сариқ сим янглиғ сочлари ҳурпайиб ту-

рар, симёғоч сингари узун оёқлари тез ва чаққон ҳаракатланар эди.

Москвалик мансабдорларни бошлаб келган ҳамроҳ – Комил исмли дум-думалоқ, тарғилкўз, лаблари қалин йигит ўзини «Министрлар Советида ишлайман», деб таништирди.

Меҳмонлар иззат-икром билан кутиб олинди. Енгил нонушта қилинди. Сўнг Талимаржонга йўл олишди.

Москваликлар ҳар икки дақиқада бири қўйиб, бири олиб, «Ух, жара!..», «Ух, ад!..» дея минғирлаб, безовталаниб қўйишарди.

– Биз шунақа жазирама остида ишлаймиз, – деди Ислом Абдуғаниевич, – пахта деганлари сизлар таъкидлагандай, шунақа «ад»да етиштирилади.

Комил вилоят раҳбарига илтижоли кўз ташлади.

– Ислом ака... керакмас...

– Мановиларнинг ҳалитдан нолишларига қара, – деди вилоят раҳбари ўзбек тилида, – ғижиниб кетяпман. Шунга беихтиёр гапириб юборяпман-да.

– Ух... жара.

– Ух... ад...

Меҳмонлар афт-ангорларига тошиб чиқаётган терни бетиним артиб, бетиним елпинган қўйи ҳануз шу тахлит ғингшир эди.

– Бўпти, озгина сабр қилинглар, – деди Ислом Абдуғаниевич азбаройи меҳмонларнинг ҳолига ачинганидан, – Талимаржонга бориб қайтганимиздан сўнг, сизларни ажойиб, салқин, хушманзара туманга олиб бораман. Маза қилиб дам оласизлар.

– Айнан қаёққа? – деб сўради қизиқсиниб Шевчук.

– Шаҳрисабзга.

– О-о, эшитганман, эшитганман, – деди вазир тамшаниб, сўнг ўзича хиргойи қилган бўлди, – «Зелёний город Шахрисабз».

Бу хиргойи машина олд ўриндиғида чала ўлик бўлиб келаётган Козлов чолни ҳам жонлантириб юборди.

– Шаҳрисабз нафақат гўзал шаҳар, балки ўта қадимий маскан ҳамдир, – деди у орқага қия кўз ташлаб.

Ислом Абдуғаниевич тўлқинланганича гапни илиб кетди:

– У ерда буюк Соҳибқирон Амир Темур ўсиб-улғайган.

– Ҳа, биламан, дунё тарихида ўз ўрни бор буюк шахс, – деди Козлов.

Вилоят раҳбари унинг сийраксоч бошидан ўпиб олишига бир баҳя қолди.

– Александр Игнатьевич, сиз тарихчисиз, шекилли, а?!

– Ҳа, Ўрта Осиё тарихини яхши биламан.

– Э-э, – дея қўл силтади Шевчук – тарих ўз йўлига, у қолиб кетди, энди бугун ҳақида ўйлашимиз керак, – сўнг Каримовнинг елкасига гўёки дўстона қўл ташлаб ҳазил қилган бўлди, – Ўрта Осиё бир пайтлар дунёга буюк шахсларни берган бўлса, бугун пахта, ғалла беряпти, газ, тилла беряпти, тўғрими, ҳарҳолда ҳали ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ислом Абдуғаниевичнинг юзига гуп этиб ҳарорат тепди. Юрак алангасидан кўзлари ёлқинланди. Бироқ ақл дарҳол ҳаммасини тинчлантирди. Ахир, Шевчук аччиқ бўлса-да, бор ҳақиқатни рўй-рост айтганди.

Ислом Абдуғаниевич жазирамада жизғанак бўлиб ётган кенг даштликлар томон кўзини олиб қочаркан, изтироб билан пичирлади:

– Ҳа, тўғри... афсуски, тўғри.

* * *

Москваликлар қурилаётган ГРЭСни кўришдан кўра Талимаржон сув омборида чўмилиш илинжида келганга ўхшайди. Ўзлари бот-бот такрорлагандек, Иттифоқ аҳамиятига молик бу объектни ҳатто ёлчитиб кўздан кечир-

мадилар. Апил-тапил, наридан-бери қурилиш ишлари билан танишган бўлишдию ўзларини дарҳол соя-салқин жойларга уришди. Аллақандай қоғоз-ҳужжатларни беҳафсала титкилашди, айримларига ўзларича қайд-белгилар қилиб, қурилиш бошлиғига қош-қабоқ уйишди.

Ислом Абдуғаниевич бу улкан иншоот қурилишига илгари ҳам уч-тўрт марта келган бўлса-да, айни чоғ пайтдан фойдаланиб, ўзини яна ишчи-қурувчилар, мутахассис муҳандислар даврасига урди. Улар билан суҳбатлашди.

– Сизлар катта, тарихга дахлдор иш қиляпсизлар, – деди у гурунг давомида, – бу ГРЭС ишга тушса, турмушимиз яна ҳам фаровон бўлади. Келажак авлод сизларни миннатдорлик билан эслайди. Қани, энди менга айтинглар, қандай камчиликлар бор? Сизларга қандай ёрдам керак? Мен ҳаммасига тайёрман. Кўнгилларингизда бирор гап бўлса, меҳмонларга эмас, мана, менга айтинглар.

Офтобдан қорайган, озиб-тўзиган ишчилар орасидан сидрилиб елкалари кенг, мўйловдор бригадир андак олдинга чиқди.

– Обкўм бува, ўтган гал келганингизда шарт-шароитлар масаласида баъзи шикоятлар қилгандик. Ўзингиз аралашиб ҳаммасини ҳал қилиб бердингиз, сизга катта раҳмат. Ҳозирча бошқа камчиликлар йўқ.

Вилоят раҳбари кулимсираб, бригадирнинг елкасига қоқиб қўйди.

– Ах... ужас... жара...

– Ух... ад.

Ислом Абдуғаниевич одатдаги ғингшишлардан билдики, москваликлар идорадан чиқишибди. У ишчилар билан тезгина хайрлашди-да, меҳмонлар томон юрди.

ГРЭС қурилиши бошлиғи бу ердан анча олис бўлган овлоқ бир гўшага соя-салқин жой, тўкин дастурхон ҳозирлатиб қўйган экан. Бу муждадан москваликларнинг жони кириб қолди. Дарҳол етиб бордилар.

– Ах, бай-бай, – деди Козлов Қибрай пивосидан ютоқиб-ютоқиб симирар экан, – ҳақиқат бор экан-ку, а!

Маишат чакки бўлмади. Шевчук деганларининг типтиниқ ҳовуздан сира-сира чиққиси йўқ эди.

– Ислом Абдуғаниевич, – деди у бўғзигача сувга кўмилган кўйи пиво ҳўпларкан, – аллақандай тарихий шаҳрингиздан кўра бизга шунақа жойлар хўб ёқади-да. Ҳали бемалол бўп келаман, ўшанда мени балиқ овига, қирғовул овига олиб чиқарсиз-а.

– Бемалол, фақат ўзбек овига келмасангиз бўлди.

Комил вилоят раҳбарига яна илтижоли кўз ташлади.

– Ислом ака, қўйинг, шулар билан ўчакишманг.

Ислом Абдуғаниевич ҳамроҳининг эътирозларини деярли эшитмади. Туйқус ловуллаб кетган юрак алангасини босиб олиш учун зўр бериб уринарди.

* * *

Улар кун пешиндан оққандан сўнг Қаршига қайтишди. Тузуккина еб-ичиб, чўмилиб ҳузурланган меҳмонлар анча-мунча тетикланиб қолгандилар.

– Ислом Абдуғаниевич, сизга бир гап бор, – деди йўл-йўлакай Шевчук сирли пичирлаб, – ёлғиз гаплашамизми ё...

– Менинг бировдан яширадиган сирим йўқ, бемалол гапираверинг, – деди энсаси қотиб вилоят раҳбари.

– Мана шу ГРЭС учун деб биз у ёқда катта миқдордаги қурилиш материалларини расмийлаштирамиз. Сиз «Ҳа, олдик» қабилида ҳужжатларни тасдиқлаб берсангиз, бас, бу ёғини келишиб кетаверамиз.

Ислом Абдуғаниевич ялт этиб вазир томон юзланди.

– Нималар деяпсиз, Андрей Николаевич?! Бизнинг бунақа қинғирликларга сира тоқатимиз йўқ.

– Оббо, авлиёлар-ей, – дея истеҳзо билан кулди Шевчук, – ўзбекларнинг бунақа битимларга суяги йўқ деб билардик-ку, буёғи қандоқ бўлди, а?

Ислом Абдуғаниевич ғазабини аранг босди.

– Сиз ўзбек халқини бундай ҳақорат қилманг. Бу халқ бутун Иттифоқ халқлари қатори меҳнат қиляпти, бу ҳам етмагандай, газини, тилласини узатяпти, лекин ўзи қашшоқ, қўл учида кун кўради. Бағрикенг, танти бўлгани учунгина дарди ичида, бировларга нолиб юришдан андиша қилади.

– Қўйсангиз-чи, Ислом Абдуғаниевич, – деб ижирғанди вазир, – биз ҳарҳолда сиздан кўра яхши биламиз, давлат мулкини талон-торож қилишда ўзбекнинг олдига тушадигани йўқ.

– Шунақами?! – дея беихтиёр қичқириб юборди вилоят раҳбари, сўнг ҳайдовчи томон юзланди. – Суюн ака, илтимос, машинани яқинроқ бирор қишлоқ томон буринг!

Москваликларнинг сурбетларча тиржайишидан тоқати тоқ бўлиб келаётган Суюн акага бу гап айни муддао бўлди. У «Волга»ни чанг-тупроқ кўпчиб ётган қишлоқ йўлларидан бирига буриб юборди.

Жазирама! Бутун борлиқ оқ аланга оғушида дудсиз, унсиз қоврилмоқда. Қизиб ётган сап-сариқ далалар узра эшилиб-эшилиб ҳовур кўтарилади. Машина ортидан кўтарилган қуюқ чанг-тўзон йўл бўйларидаги ёвшанлар, тиканлар устига эриниб, лоҳасланиб тўкилади.

«Волга» пахса девор, лойсувоқ томли овул устидан чиқиб қолди. Афтидан чўлга кўчиб келган тоғликлар қавмидан бўлса керак, бошларига оқ қийиқча ўраган, қоп-қора бир тўп кишилар чала битган иморат олдида куймаланишар эди. Соч-соқоли ўсиқ, ярим яланғоч одам хандақда лой қормоқда. Ёш бир ўспирин қоришмага қўшиш учун қопдаги сомондан олиб сочди. Тағин уч-тўрт эркак ҳам иморат устида ивирсиб турибди.

Улар шундоққина биқинларига шашт билан келиб тўхтаган «Волга»ни кўриб тахтадай қотиб қолишди.

– Мана, қаранг, Андрей Николаевич, – деди вилоят раҳбари очиқ ойна ортига ишора қилиб, – ҳойнаҳой, буларни Миср эҳромини қураётган қуллар деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ! Булар – оғзига кучи етмаганлар «ўғри», «муттаҳам», дея дунёга жар солаётган жафокаш ўзбек халқи! Қани, айтинг, агар улар сизлар ўйлаганчалик бўлганида, шунақанги ибтидоий иморатлар қурармиди, а, қурармиди? Айтинг, ўртоқ вазир!

Қария Козлов олд ўриндиқдан орқа томон кўз ташлади.

– Ислом Абдуғаниевич, қўйинг энди. Узр, биз бироз одатдагидек эркинсирабмиз.

– Кечиринг, илтимос, – деб ғудраниб қўйди Шевчук ҳам.

– Ҳаёт шунақа шекилли, – деди ҳорғин бир товушда Ислом Абдуғаниевич, – ҳолва ҳокимга, калтак етимга.

Қарши томон қайтган машина яна трасса йўлга тушиб елиб кетди. Ўртага оғир жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёллари билан андармон бўлиб қолди.

Улар шаҳарга шомга яқин кириб боришди.

– Биратўла аэропортга чиқақолайлик, – деб ғудранди қария Козлов.

Шевчук ён томон ўгирилиб кулди-да, Ислом Абдуғаниевичнинг қўлини самимий қисиб шивирлади:

– Биз Қаршидан истагимизга эришолмай қайтяпмиз, лекин истаганимиздан минг карра қиммат бўлган нарсага эришиб қайтяпмиз.

Ислом Абдуғаниевич ҳам самимий кулди.

– Ҳали хайрлашмаймиз, сизларни Шаҳрисабзга олиб бормоқчиман.

Қария Козлов бутун гавдаси билан орқага ўгирилди.

– Эрталаб ўша ёққа борамиз, деганингизда ростданам қувондим. Албатта бораман, бир тарихчи сифатида буюк Амир Темур қиёфасини кўз ўнгимда жонлантираман, деб ўйлагандим.

– Ҳали ҳам кеч эмас, Александр Игнатьевич, борамиз, – деди вилоят раҳбари.

Қария Козлов муғамбирона кулди. Сўнг Ислом Абдуғаниевичнинг чеҳрасига синчковлик билан тикиларкан шивирлади:

– Энди Шаҳрисабзга боришнинг сира кераги йўқ. Мен улуғ Соҳибқиронни шундоғам тасаввур қиляпман.

IX

Ислом Абдуғаниевич иш столи устида ётган папкани ўйчан қиёфада яна қўлига олиб разм солди. Бу Жуманазар Байрамов деган кишининг ҳужжатлари йиғмаси эди. У бир неча ойлар аввал Муборак туман партия қўмитасига учинчи котибликка, яъни мафкура бўйича ўринбосарликка тавсия этилганди. Ҳужжатлар ҳаммаси рисоладагидек, номзоднинг тузуккина таржимаи ҳолидан дарак бериб турибди. Бундан ташқари, тағин бир неча нуфузли киши орага тушиб, уни обдон мақтади, ўша ўринга шундан муносиброқ кадр топилмаслиги ҳақида гапиришди. Нафсиламрини айтганда, берилган тавсиялар, ижобий фикрлар Жуманазар Байрамовни мўлжалдаги вазифага тайинлашга етарли асос бўлади. Аммо Ислом Абдуғаниевич, доимий одатига кўра, шошилмади. Номзодни атрофлича ўрганишга киришди.

Бир ойча аввал, чошгоҳ маҳали Муборак газни қайта ишлаш корхонасидан хабарлашиш учун йўлга чиққанида бир учрашув юз берди. Қарши шаҳридан чиқаверишдаги бекатда бир қария жонсарак турган экан. Афтидан, у анчадан бери автобус кутиб толиққан эди.

Суюн ака, шу отахонни ола кетайлик, – деди Ислом Абдуғаниевич, қариянинг аҳволига ачиниб, – адашмасам, у киши билан йўлимиз бир, суҳбатлашиб кетамиз.

«Волга» кичик бир тугунчани қўлтиқлаб олган, бўйин томирлари бўртиб чиққан чолнинг ёнига оҳиста тўхтади.

– Йўл бўлсин, отахон? – деб сўради вилоят раҳбари машина эшигини очиб.

Каттаконларбоп уловни кўриб қария бироз каловланди. Сўнг ҳирқироқ бир товушда деди:

– Муборакка, Хирмонтепа қишлоғигача бораман, болам.

– Йўлимиз бир экан, отахон, ўтиринг, суҳбатлашиб кетамиз.

Қария азбаройи қувонганидан яхшиларни алқай-алқай машинага ўтирди. Айни пайтда, чолнинг «Хирмонтепагача бораман» деган сўзлари қулоқлари остида жарангларкан, Ислом Абдуғаниевич йўловчидан кўпроқ севинди.

«Адашмасам, Байрамов деганлари ҳам шу қишлоқдан эди-я?! Яхши бўлди, ўша номзодимизнинг уруғ-аймоғи ҳақида сўраб суриштираман. Энг холис маълумотни мана шундай отахонлар беради», хаёлидан ўтказди у.

Машина оҳиста жилди.

Ислом Абдуғаниевичнинг тахминлари тўғри чиқди. Қария Байрамовнинг ота-онасидан тортиб, тоғаю аммаларигача яхши танир экан. Улар ҳақида оғзидан бол томиб гапирди. Бундан вилоят раҳбари худди ўз шаънига мақтов эшитаётгандек хурсанд бўлди.

Отахон чорвачилик фермасида ишлаб нафақага чиққан экан. Суҳбат аста-секин чорвачилик мавзусига кўчди. Ислом Абдуғаниевич катта қизиқиш билан қарияни суҳбатга тортди. Унинг тажрибаларидан зарур хулосалар чиқаришга интилди...

– Ислом Абдуғаниевич, сиз чақиртирган Байрамов келди.

Ёрдамчининг овозидан вилоят раҳбарининг хаёли бўлинди.

– Айтинг, кирсин.

Бироздан сўнг хонага Жуманазар Байрамов кирди: қорамағиздан келган, бақувват, қуюқ сочлари ораста та-

ралган, сипо бир йигит. У одоб билан салом бердию пойгакда туриб қолди.

– Келинг, ўтиринг, – деди Ислом Абдуғаниевич унга жой кўрсатиб.

Байрамов ҳаяжонини билдирмасликка тиришган кўйи курсилардан бирига омонатгина чўкди. Ислом Абдуғаниевич уни жиддий бир қиёфада кузатиб турарди.

– Сиз Худога ишонасизми?

Кутилмаган савол туман партия қўмитаси котибининг мафкура бўйича ўринбосарлигига номзодни хийла довдиратиб қўйди. Кенг пешонасига маржон-маржон тер сизиб чиқди.

– Нега индамаяпсиз? Ё саволни тушунмадингизми?

– Тушундим...

– Унда жавоб беринг.

– Ислом Абдуғаниевич, – деди титроқли бир товушда Байрамов, – балки бугунги мафкура нуқтаи назаридан нотўғридир, лекин ростини гапиришга мажбурман. Ҳа, Худога ишонаман. Минг яширсам ҳам барибир кўнглимда бори шу... сиздан яшириб нима қилдим.

Шундай дедию Жуманазар Байрамов кўз остидан секин вилоят раҳбарига назар ташлади. Номзод Ислом Абдуғаниевичнинг жаҳли чиқиб, уни хонадан муқаррар қувиб чиқаришини кутганди. Аммо...

– Намунча қалтирайсиз, – деди вилоят раҳбари мийиғида кулиб, – баракалла сизга, рост сўзларингиздан хурсандман. Билиб қўйинг, эътиқодсиз кишидан на яхши одам, на яхши раҳбар чиқади.

Ислом Абдуғаниевич ҳужжатлар жилди устига алланималарнидир ёзди-да, Байрамовга яна кулиб қаради.

– Бўпти, ишларингизга омад.

X

– Демак, ободончилик борасида анча силжишлар қилибмиз-да, – деди вилоят раҳбари қувониб Нортожи Эгамовнинг ҳисоботини тинглагач, – энди навбатдаги ишлар нималардан иборат?

Нортожи ака қандайдир чизмалар туширилган қоғозни иштиёқ билан ёйди.

– Ислом Абдуғаниевич, бу сизнинг ғояларингиз асосида ишлаб чиққан лойиҳам, Қарши шаҳрини кенгайтириш бўйича...

Биринчи котиб лойиҳани диққат билан кўздан кечира бошлади. Қўйилган махсус белгиларга, рақамларга эътибор берди.

– Демак, лойиҳа бўйича иш юритсак, ён туманнинг Қаршига туташ далаларидан анча жойни шаҳар тасарруфига ўтказишимиз керак бўлади, шундайми?

– Ҳа, шундай, Ислом Абдуғаниевич.

Вилоят раҳбари ўйланиб қолди.

Пахта пайкаллари ҳисобидан одамларга томорқа ажратиб берилгани учун ҳали-ҳануз таъна-дашномлар ёғилиб турибди. Мана, шаҳарни кенгайтиришда ҳам яна шу қалтис йўлдан боришга тўғри келяпти. Ишқилиб, қош қўяман деб кўзга зиён етказиб қўйилмасмикан? Балки бу масалани ҳозирча четга суриб туриш маъқулдир? У ҳолда халқ нима деб ўйлайди, бу ердаги каттаю кичик раҳбарлар қандай хаёлга боради? Жуда шаштингиз баланд эди, нега писиб кетдингиз, демайдими? Ваъдабозга чиқиб қолмайдими? Йў-ўқ, қашқадарёликлар ҳам ноқулай вазиятни тўғри тушунишади. Шунинг учун шаҳарни кенгайтириш масаласида бироз шошилмай турган маъқул. Кўрабила туриб казо-казоларнинг ғашига тегиш мардликка кирмайди-ку?!

– Гап бундай, – деди Ислом Абдуғаниевич бироздан сўнг чизмалардан кўз узиб, – бу масалада... бироз сабр қилиб турсак... мавриди келиб қолар.

Вилоят раҳбарини зимдан, бесаранжом кузатиб ўтирган Нортожи Эгамовнинг туйқус чеҳраси ёришди.

– Рост, ҳозирча шошилмай турганимиз маъқул.

– Сиз ҳам шундай фикрдамисиз? – дея таажжубланиб сўради Каримов.

– Ҳа.

– Нега?

Нортожи Жўраевич изоҳни нимадан бошлашини билмай саросималанди.

– Чунки... чунки, менимча, бу иш юқоридагиларга унчалик ёқмайди. Бусиз ҳам сизни кўп маломат қилиб юришганидан бизнинг ҳам оз-моз хабаримиз бор. Ислом ака, гапнинг очиғи, сизга бирор зиён етиб қолишини мен ҳам, бошқа дўстлар ҳам истамаймиз.

– Раҳмат, дўстим, – деди Ислом Абдуғаниевич хайрихоҳликдан кўнгли ийиб.

Эгамов стол устидаги қоғозларни шошилмай йиғиштириб олди. Сўнг чиқиб кетди.

Эшик ёнида ёрдамчи йигит кўринди.

Вилоят раҳбари унга савол назари билан қаради.

– Чироқчилик Мухтор бобо кирмоқчи, – деди ёрдамчи.

– Бир ўзими?

– Йўқ, ёнида шериклари ҳам бор.

Биринчи котиб бир зум ўйланиб, алланималарни чамалаб тургач имо қилди.

– Майли, кира қолишсин.

Кабинет бўсағасида ўша Шўрбулоқ қишлоғи оқсоқоли Мухтор бобо пайдо бўлди. Унинг ёнида Арзиқул ва Тиркаш аризабозлар алланечук ийманиб, қимтиниб туришарди.

– Ассалому алайкум, ота, – деди Ислом Абдуғаниевич уларга пешвоз юраркан, – қишлоқни бирлаштиришга бирлаштириб, кейин кўриниш бермай кетдингиз. Ё, биздан хафамисиз?

– Йўғ-е, ҳурматли обкўм, сиздан нега хафа бўларканмиз, бутун элимиз дуои жонингизни қилиб ётибди, – деди Мухтор бобо, вилоят раҳбари таклиф этган жойга ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

Ислом Абдуғаниевич оқсоқолнинг ёнидаги шерикларига разм солди.

– Булар ким?

– Ҳурматли обкўм, – деди Мухтор бобо салмоқлаб, – эсингиздами, қишлоқдаги тўполонда бир-икки одамни йўқотиб қўйиб, олдингизда хижолат бўп қолгандим.

– Эсимда, – деб кулди Ислом Абдуғаниевич.

Мухтор бобо ёнидагиларни бир-бир нуқиди.

– Манови гўрсўхталарни излаб қолгандим шунда. Шу иккови талабларимизни сизга етказиши керак эди, лекин...

Мухтор бобо аслида нима бўлганини ҳижжалаб тушунтира кетди.

– Бўпти, – дея оқсоқолнинг тафсилотли ҳикоятини бўлди вилоят раҳбари, – ўтган ишга салавот. Энг муҳими, қишлоқ бирлашди, уруғлар иттифоқ бўлди, менга катта ваъдалар берилди.

Бир пайт Тиркаш аризабоз секин бош кўтарди.

– Ҳурматли обкўм, бизни йўлдан урган одамнинг номини биламиз. Энди тушундик, у одам сизга ҳақиқий душман экан. Шуни айтмоқчимиз.

– Йўқ, асло, – деди Ислом Абдуғаниевич кескин бош чайқаб, – бунинг менга кераги йўқ.

– Нега? – ажабланди Мухтор бобо.

– Агар айтсангиз... мен ҳам бир оддий одамман, ўша одамларни ёмон кўриб қолишим мумкин. Келинглар,

яхшиси, уларни танимай қўя қолай. Ахир менга душман эмас, сизга ўхшаган дўстлар керак.

Чироқчиликлар таажжубланиб бир-бирларига маъноли қараб қолишди.

XI

Қаршининг қоқ киндигида, қоқ туш пайти бўлиб ўтган суҳбатдан Восиқ Асадович Болтаевнинг ўй- хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Марказқўм ишончли вакили тамом бошқа одамга айланиб қолгандай туюлди. Бу ҳол қандай юз берганини идрок этиш учун Восиқ Асадович беадоқ мулоҳазаларга, таҳлилларга бериларди.

Чироқчида уюштирган фитна-фасоддан сўнг анча пайт Қашқадарёда кўринишга юраги дов бермай юрди. Ҳолбуки, ўша Шўрбулоқ жанжали Анастасовга хўб маъқул келди. Шу баҳона Каримовнинг устидан хийла вақт мағзава ағдариб юрди. Қашқадарё эли вилоят раҳбаридан норози, ана, чироқчиликлар ҳатто намойишга чиқиб кетди, ҳаммалари юқоридан адолат, ҳақиқат талаб қиляпти, деб айюҳаннос солди. Афтидан, бақир-чақирларига ўзидан бошқа ҳеч ким қулоқ солмади, шекилли, охири ғингшиб-ғингшиб тинчиди. Лекин барибир Болтаевнинг хизматларидан мамнун эканини изҳор этди. Ҳузурига чорлаб елкасига қоқиб қўйди. Ғудраниб одатдагидек ваъдаларни қуюқ қилди. Ишончли вакилни яна шундай хизмат фаолияти сари зимдан, имо-ишоралар билан ундади. Туя тоға ҳам жим турмади. «Ана, Қашқадарё курсиси бўшашига оз қолди, тағин бир-икки шундай ҳамла қилсак, ҳатто ўша қайсар раҳбарнинг ўзи лавозимини ташлаб қочади», дея ҳирқираб кулди.

Болтаев раҳнамоси ҳузуридан «хўп-хўп»лаб чиқди-ю, аммо бундай беҳуда фидокорликдан жуда-жуда чарчаганини ҳис этди. Аллақандай жирканч нарсани ушлаб ол-

гандай узоқ вақт дили хира тортиб юрди. Одатдагидай ҳар хил баҳоналар билан яна Қашқадарёга боришдан тайсаллади. Устига-устак, ўша кунлари идора биқинида Элчибоев бало-қазодай пайдо бўлди.

– Каримов мени бўшатиб юборди, – деди у ёш гўдакдай ўпкаси тўлиб.

Восиқ Асадович тўнини терс кийди.

– Ёмон ишлагандан кейин бўшатади-да.

– Ахир, сизларни деб...

– Ўзингнинг калланг йўқми?

Элчибоев кўзёшу ёлвориш бефойдалигини сезиб пўписага ўтди:

– Ҳаммасини айтиб бераман.

– Кимга?! Марҳамат, хоҳласанг БМТга шикоят қил, – деди Болтаев пинагини ҳам бузмай.

Элчибоев яна ялинишга тушди:

– Акажон, шарманда бўлдим, илтимос, менга ёрдам беринг.

Восиқ Асадовичнинг унга раҳми келди. Анастасовдан илтимос қилиб, Элчибоевни Самарқанд вилоятининг чекка бир туманига чорвачилик бўйича инструктор этиб жойлаб қўйди. Аммо бу илтимоси ҳали ўзига бало бўлишини билмаган экан. Анастасов яқинда Туя тоға орқали уни яна ҳузурига чорлаб, дабдурустдан ўша кўрсатган ёрдамини роса рўкач қилди. «Дўстингиз Элчибоевни яхшигина қўллаб юбордик-а...» дея ҳазил аралаш сирли кўз қисиб, алланеларгадир шама қилган бўлди.

Восиқ Асадовичнинг жаҳли чиқди. Лекин холис хизмат қилгандим, дея ўзини оқлаб ўтирмади, тўнг бўлиб тураверди.

Анастасов охир-оқибат мақсадга ўтди.

– Каримов бу йил пахта йиғим-теримига ўқувчиларни, талабаларни жалб қилмайман, деб юрганмиш. Бу қандай майнавозчилик?! Ахир бу аҳволда йиллик режа

барбод бўлиб, Ватан олдида, ҳукуматимиз олдида эртаиндин ер чизиб қоламиз-ку?! Йўқ, бунақа ўзбилармонликка йўл қўйиб бўлмайди. Қаршидаги талабалар, биз вилоят раҳбарининг қароридан норозимиз, ота-оналаримиз билан пахта пайкалларида бўлишни истаймиз, раҳнамо партия бизни шундай тарбиялаган, деган шиорлар остида митингми, намойишми, ўтказишлари зарур. Қани, дўстим Болтаев, ташкилотчилик қобилиятингизни яна бир карра кўрсатинг энди...

Восиқ Асадович ортиқ тайсаллай олмади. Кеча эрталаб Қаршига учиб келди. Уни бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги мутасаддилари кутиб олиб, вилоят раҳбарининг ҳузурига бошлаб бордилар. Ислом Абдуғаниевич уни доимгидай самимият, ҳатто соғинч билан кутиб олди. Пахтани сизсиз ундириб-ўстириб, теримга шайлаб қўйдик, дея ҳазиллашган бўлди. Кейин иккиси бирга тушлик қилиб, суҳбатлашдилар. Овқатдан сўнг, қишлоқ хўжалик мутасаддилари яна пайдо бўлишди. Ислом Абдуғаниевич улар ичидан Аллаев деган қандайдир довдирроқ агрономни алоҳида чақириб, унга таништирди. «Қобилиятли мутахассис, сизга шогирдликка лойиқ», деб мақтади. «Зарур пайти у билан бемалол маслаҳатлашишингиз мумкин», деди. Ўзи теримолди шошилинч тадбирлар ўтказиши лозимлигини айтиб, узр сўради.

Восиқ Асадович ўша шошқалоқ ходим билан Косон, Ульянов туманларини айланди. Гўёки пахта ҳосилининг бўлиқлигини, сифатини кўздан кечирган бўлди. Бугун эрталаб Ғузорга бориб келишди. Кейинги мўлжал Қамаши эди. Бир пайт Восиқ Асадович раҳнамолар юклаган вазифа юзасидан режа тузиб олиш учун боши оғриётганини, бироз дам олиш иштиёқи борлигини айтиб, тушлик пайти ҳужрасига қайтиб келди. Ишончли вакил не кўз билан кўрсинки, вилоят раҳбари ҳам меҳмонхона

ҳовлисида экан! Ислом Абдуғаниевич енгил спорт кийимида, бокс билан шуғулланмоқда эди. Дарахт бутоғига осиғлиқ қоп-тиқинни чир айланиб, чаққон, чиройли ҳаракатлар билан дўппосларди. У машғулотга ғоят берилиб кетганидан, шундоққина биқинида пайдо бўлган Болтаевни анча пайтгача пайқамади.

– Э-э, ҳормасинлар, ҳормасинлар, – деб киноя қилди Болтаев.

Ислом Абдуғаниевич ялт этиб ўгирилди. Ишончли вакил қаршисида спорт билан шуғулланиб турганидан бироз ўнғайсизланди.

– Келинг, Восиқ Асадович... бу ҳам бир эрмак-да.

– Илгарилари эрталаб шуғулланардингиз, шекилли?

– Ҳа... эрталабкилари анча толиқтиряпти, қани, кун ярмисида шуғулланиб кўрай-чи, дегандим.

Болтаев таманно билан бориб, қоп-тиқинни турткилаб кўрди. Сўнг Ислом Абдуғаниевичга ўгирилди.

– Бу шўрликни ҳадеб дўппослайверасизми, ё... бошқа бирон муносиб рақиб йўқми?

– Муносиб рақиб узоқда-да, – деб қўйди Ислом Абдуғаниевич тагдор гапга тагдор жавоб беришни истаб.

Болтаев кулди.

– Кўп узоққа тикилманг, кўзга зиёни бор. Яқиндагисини кўраверинг.

– Яқиндагиси мана бу қопдан чидамлироқмикан? – дея вилоят раҳбари ҳам кулди.

Болтаев қизариб-бўзарди.

– Агар синаб кўришни истасангиз, яқиндагиси тайёр.

– Сиз ўзингиз мен билан жанг қилмоқчимисиз? – деб сўради Каримов.

– Ҳа, ўзим олишмоқчиман.

– Лекин, бу спорт...

– Хўш, спорт бўлса, нима қилибди, – дея димоғидан пишқирди Болтаев, – ё мен спортга яроқсизманми?

Ислом Абдуғаниевич кулимсираган кўйи унга яқин келди.

– Яроқлисиз, Восиқ Асадович, яроқлисиз, аммо... биласизми... қандай айтсам экан, сизда спортга ёт қандайдир бир туйғу, бир кайфият бор. Шунинг учун сиз билан майдонга тушгим йўқ.

Болтаев ялт этиб вилоят раҳбарига юзланди. Ногоҳ кўз ўнгида илк устози авар Магомед жонланди.

– Лекин қандай туйғу эканини айтолмайсиз-а, шундайми? – деб тўнғиллади, жаҳлини аранг ичига ютиб.

– Нега энди, – елка учирди Ислом Абдуғаниевич, – бемалол айтишим мумкин.

Болтаевнинг кўзлари учқунланди.

– Илтимос, айтинг.

– Сизда қандайдир нафрат ҳукмрон. Бу спортда ҳам, ҳаётда ҳам ёмон туйғу... одамни ҳалокатга олиб боради, холос.

Болтаев тарашадай қотиб қолди.

Нафрат! Мана ўша ич-ичидан туғёнга келадиган, ўзи бир умр билмайдиган туйғунинг номи! Нафрат! Ҳа, бутун ҳаёти давомида одамлардан нафратланиб яшади. Уларни босиб-янчиб ўтишга ҳаракат қилди ва шуни энг тўғри йўл, деб билди.

Нафрат! У ўша мактаб ҳовлисида, ерпарчин бўлиб ётган пайти тепасида мамнун-масрур илжайиб турган тўдани кўрганида илк бор пайдо бўлганди. У йиллар давомида юрагида барқ уриб ўсди, уни яшашга, ўч олишга ундади. Ҳа, одамлардан ўч олишга даъват этиб келди. Бироқ... бироқ энди аён бўлдики, ўз юрагида, ўз қалб қўрида ўстирган бу туйғу, энг аввало, ўзидан ўч олибди.

– ... Восиқ Асадович, негадир ўйланиб қолдингиз, Восиқ...

– А?!

– Гапларимни умуман эшитмай, негадир тахтадай қотиб қолдингиз... шунга қўрқиб кетдим, – деди Ислом Абдуғаниевич ажабланиб.

– Демак... демак, – дея ғудранди Болтаев, – сиз ҳам... нафратимни сезибсиз-да.

– Балки...

Восиқ Асадович кўзларини ерга қададди. Ўртага оғир бир жимлик чўкди.

– Биласизми...– дея тилга кирди, ниҳоят у, – биласизми, Ислом Абдуғаниевич, ҳали майдонга тушмай туриб, ҳали зарба йўлламай туриб, мени ерга қулатдингиз. Қойилман сизга!

Ислом Абдуғаниевич унинг елкасига дўстона қўл ташлади.

– Қўйинг шу гапларни...

XII

Йил қариди. Қари одам танасини аста-секин ҳарорат тарк этгандек, кунлар дам сайин совий бошлади. Қаҳратон нафасини сезган қарғалар тўдаси тантанавор қағиллаган кўйи кўкни тўлдириб қанот қоқади. Чор атрофда алланечук эзгинлик, маҳзунлик ҳукмрон. Дов-дарахтлар қип-яланғоч, дийдирабгина турибди.

Ҳойнаҳой худди шу йил каби шўролар Иттифоқининг ҳам умри тугаб бораётганга ўхшайди. Мамлакат беомон силкинишлар ичида яшаяпти. Гоҳ у, гоҳ бу ҳудудда халқнинг норозилик намойишлари, тўс-тўполонлар юз бермоқда. Айниқса, Болтиқбўйи, Кавказ республикаларида сўнгги пайтлар бундай шов-шувли воқеалар, Марказий ҳукуматга бўйсунмаслик ҳаракатлари авж олиб кетди. Иттифоқ раҳбарлари таҳлика-ташвиш ичида қолган. Иқтисодий аҳвол ҳам кундан-кунга танглашмоқда. Омборхоналар, дўкон пештоқлари бўм-бўш. Ҳатто оддийгина пахта ёғи ҳам камёб матоҳга айланди. Матбуот шўролар Иттифоқининг, Коммунистик партиянинг шаънига нолойиқ сўзлар айтилган мақолалар билан тўлиб-тошиб

чиқмоқда. Миллатлар ўз қадр-қимматини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга киришдилар. Айтишларича, Тошкентда ҳам шундай ҳаракатлар бошланган, аллақандай уюшмаларми-ей, фирқаларми-ей ташкил этилган эмиш.

Ислом Каримов халқнинг уйғонишидан, эрк сари, ҳақ-ҳуқуқ сари интилишидан ич-ичида хурсанд эди. Аммо баъзи бир енгилтак, калтабин йўлбошчилар миллий туйғу асосида миллий низо чиқаришидан, халқни балоларга гирифтор қилишидан чўчирди. Чунки бундай ҳаракатларга ҳар хил, нохолис одамлар аралашиб қолаётганини, одамларнинг нозик ҳис-туйғуларидан ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганини у пайқарди. Алҳол, бу аҳволга лоқайд томошабин бўлиб туришни истамасди. Шу сабабдан ҳам икки ойча аввал, кузнинг совуқ кунларидан бирида мафкура бўйича масъул Хайриевни ҳузурига чорлади.

– Бизнинг Қаршида ҳам ўзини миллий озодлик учун курашнинг фидойилари, деб юрган чапдастлар борми?

Хайриев бироз каловланиб тургач, ботинмайгина бош ирғади.

– Ҳа.

– Уларнинг лидерларини йиғиб, бир суҳбатлашиб олсам дегандим.

– Яхши фикр, Ислом Абдуғаниевич.

– Фикр сизга маъқул бўлса, шанба куни, кечки соат олтига уларни тўпланг. Суҳбатлашамиз.

– Хўп бўлади, Ислом ака.

Чиндан ҳам шанба куни кичик мажлислар залида нигоҳлари ўйчан ва мағрур, ораста уст-бошли уч йигит ва уятчангина, тўла қоматли бир қиз пайдо бўлди. Уларнинг ранг-рўйига боқиб вилоят раҳбарининг ичи ёришди: «Миллат жонкуяри бўлиш қанчалар яхши?! Уларга қараб негадир қувониб кетдим, қизиқ...»

Залда партия вилоят қўмитасининг мафкура бўйича масъул ходими, тарғибот бўлими бошлиғидан ташқари Носиров, Аллаев ва яна бир неча идоранинг ёш ходимлари ҳам ҳозир бўлишди. Вилоят раҳбари бугунги суҳбат улар учун ҳам ўта зарур бўлгани боис атай чақиртирган эди.

Ислом ака самимий тарзда меҳмонлар билан кўришиб, бирма-бир сўрашиб чиқди. Танишдилар. Лидерларнинг биттаси маҳаллий газета таҳририяти ходими, қолганлари институт талабалари экан.

– Сизларни жуда муҳим ишлар билан банд, деб эшитдим. Бизларни ҳам хабардор қилсаларингиз, балки ёрдамимиз тегиб қолар, – деди вилоят раҳбари кулимсираб.

Афтидан, ҳаммаларига бош-қош бўлса керак, сапчаюз, новчабўй, озғингина мухбир йигит ҳаяжонланиб гап бошлади:

– Ислом ака, ўзингизга маълум, ҳозир Совет давлатининг пойдеворига дарз кетди. Иттифоқдаги деярли ҳамма республикалар мустақилликка интиляпти. Биз ҳам Ўзбекистоннинг озод, суверен давлат бўлишини истаймиз, шу мақсадда курашга бел боғладик.

– Хўп... қандай қилиб курашмоқчилар? Қандай йўллар билан мақсадга эришмоқчилар?

Талабалардан бири ирғиб ўрнидан турди-да, овозга зўр берди:

– Қўзғолон кўтарамиз. Халқни майдонга олиб чиқамиз! Москвага талабнома жўнатамиз!

Бу кескин хулосадан Толиб ҳам, Шаймардон ҳам бир зум ҳангу манг қотди. Гўё лов-лов ёнаётган гулхан қаршисида ўтиргандек ҳар икковининг юз-кўзи тобора ёлқинланиб борарди.

Толиб ёнидаги Аллаевга юзланиб беихтиёр пичирлади:

– Биз чиндан ҳам суверен давлат қура оламиз... Бизда ҳамма имкониятлар бор...

Вилоят раҳбари у томон норизо кўз ташлаб қўйди.

– Ислом ака, ўзингиз бош бўлинг, келинг, курашни бошлайлик! – деди лидер мухбир энтиккан кўйи.

Каримов унга жавоб бермай, хаёлчан қиёфада дераза ёнига борди. Ташқарида қаттиқ шамол эсар, ярим-ялангоч дарахтлар илдизидан қўпорилгудек бўлиб чайқалар, жигартус хазонлар еру кўкда чирпирак-чирпирак айланар эди. Борлиқ қандайдир кирчил, хира бир тусга кирганди.

Вилоят раҳбари ўша хаёлчан алфозда боягина чорлов билан ўрнидан ирғишлаб турган талаба ёнига борди.

– Қўзғолон қиламиз, халқни майдонга олиб чиқамиз, дегин... Сенга буларни ким ўргатди?

– Ўзим, – деб минғирлади талаба вилоят раҳбарининг юзидаги норизо кайфиятдан шашти пасаяркан, – ана, тарих китобларида шунақа-ку...

– Тўғри, шунақа ёзилган, лекин сен билағон айт-чи, қайси қўзғолон, қайси қонли кураш халқ учун наф келтирган, а? Айт-чи?

Талаба гангиди. Гоҳ қуюқ сочларини, гоҳ иягини қашлади.

– Масалан, – деб минғирлади у нажот сўрагандай шериклари томон кўз қирини ташлаб қўяркан, – Совет ҳукумати қонли курашлар эвазига қўлга киритилган-ку.

Ислом Абдуғаниевичнинг юз-кўзига истеҳзо қалқиб чиқди.

– Мисолинг жуда қизиқ бўлди-ку, ука... Ахир ўзларинг совет ҳукумати миллион-миллион одамларнинг, асосан, бегуноҳ, оддий халқнинг қурбон бўлиши, қони тўкилиши эвазига барпо бўлди, деб бақир-чақир қилиб юрибсизлар-ку?! Совет ҳукумати халққа ҳеч нима бермади, деб баралла айтаяпсизлар-ку...

– Ҳа, худди шундай, – дея лидер мухбир шоша-пиша гапга аралашиб кетди. Сўнг ўтирганлар ичидан Аллаев-

ни кўзи билан топиб, у томон ишора қилди. – Масалан, Шаймардон аканинг отаси, раҳматли Ҳасан бобо шу ҳукуматни деб урушда қон кечди, ёшлигини, ҳаётини хазон қилди. Сўнг бир умр далада кетмон чопди, пахта етиштирди. Оқибатда эса... ўша пахтадан тўқиладиган бир парча кафанликка зор бўлиб дунёдан ўтди.

Шаймардоннинг афт-ангорига туйқус ғам-қайғу соя солди. Аламдан, ғазабдан бурун катаклари, лаблари пирпир учди.

– Кўрсатаман, кўрсатиб қўяман уларга! – дея қўлларини мушт қилиб тугди у, – ахир отамни хўрлашди, ҳеч бир гуноҳим бўлмасаям мени қамоқда чиритмоқчи бўлишди, Ислом ака, сиз туфайли ҳаётга қайтган одамман, энди сизнинг ёнингизда туриб, булар билан курашаман.

– Фикринг яхши, лекин муштингни ёйиб юбор, Аллаев. Айтдим-ку, бу масалани мушт, зўравонлик билан ҳеч қачон ҳал қилиб бўлмайди.

Кўзларини пирпиратган кўйи анчадан бери жим турган Толиб ҳам ботинмайгина ўз фикрини айтишга уринди:

– Ислом ака... мана, матбуотдан мишмишлардан кузатиб турибмиз, Болтиқбўйи, Кавказ республикаларида халқ намойиш, митингларга чиқяпти-ку, тўс-тўполонлар уюштиряпти-ку, балки... биз ҳам...

– Эҳ, ёшлар... ёшлар, – деб бош чайқади Ислом Абдуғаниевич, –дарров хулоса ясашга шошиласизлар-а... Тўғри, ўша тарафларда чиндан ҳам шундай ҳол кузатиляпти. Лекин бунинг оқибати вой бўлиши ҳам мумкин...

Вилоят раҳбари тобора тўлқинланаётган эҳтиросларини жиловлаб олиш учун яна ўйга чўмган кўйи дераза ёнига борди. Илтижога шайланган қадоқ қўллардек яланғоч дарахтларга хомуш тикилди.

– Ҳа, яширишга сира ҳожат йўқ, Совет Иттифоқи чуқур сиёсий-иқтисодий таназзулга йўлиқди, – хаёлидан

кечарди Ислом Абдуғаниевичнинг, – Болтиқбўйида, Кавказда чиндан ҳам тўс-тўполонлар бўляпти. Лекин бундай ур-йиқитларнинг ҳеч қандай ўрнак оладиган жойи йўқ. Чунки биз ҳар жиҳатдан бошқача, ўзига хос республикамиз, Марказнинг алоҳида диққат-эътиборидамиз. Улар ер ости, ер усти бойликларига эга ҳудуд сифатида баҳолашади бизни. Бундан ташқари, ташқи дунё сиёсати нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам, Ўзбекистон ғоят аҳамиятли, ғоят муҳим стратегик жой ҳисобланади. Хуллас, бир сўз билан таърифлаганда, биз Марказ учун ҳали-ҳануз ўша Чилва дарахтимиз. Манфаатдорлик нигоҳлари ҳали-ҳануз бизга қадалган.

Демак, олдимизда бизни жуда мураккаб, жуда оғир синов даври кутиб турибди.

Вилоят раҳбарининг анча пайт жим туриб қолганидан ёшлар умидсиз бир кайфиятда бўшашиб қолишди.

– Сиз қандай кураш йўлини маъқул кўрасиз, Ислом ака? – деб сўради лидерлар ичидаги аёл андак ботинмайгина.

– Ақл-заковат йўлини, – деди Ислом Абдуғаниевич ўтирганлар томон вазмин одимлаб, – ҳамма масалани оқиллик, босиқлик билан ҳал қилса бўлади. Тўғри, бунинг учун анча сабр-тоқат қилишга, узоқни кўзлаб, босқичма-босқич иш олиб боришга тўғри келади. Укалар, энг аввало, бир нарсадан огоҳлантириб қўяй, кимки, тўс-тўполон кўтаришга, халқнинг миллий, этник туйғуларини жунбишга келтириб, уни майдонга олиб чиқишга, митингбозликка ҳаракат қилса билимингни, уларнинг асл мақсади мансаб, ҳокимият, бошқа нарса эмас. Юртни севган, уни озодликка, эркка эришишини чин юракдан истаган инсон ҳеч қачон бундай бемаъни, бемантиқ йўлни танламайди. Бу йўл халқнинг қони тўкилишига, минглаб бегуноҳларнинг қурбон бўлишига олиб келади. Демак, бу йўл бизга маъқул келмайди.

Ўтирганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Ислом ака, – деди Толиб, – демак... масалан... айни кунларда қандай вазифа зиммамизда...

Вилоят раҳбари йиғилганларни ўйчан қиёфада кўздан кечириб чиқди.

– Жуда ҳақли савол. Бизнинг айни кундаги вазифамиз аста-секинлик билан халқимизнинг ўзлик туйғуларини уйғотиш. Миллий қадриятларни тиклаш. Бунинг энг мақбул йўли матбуот, адабиёт, телерадио... Халқимиз, аввало, тарихини, миллий анъаналарини яхшилаб ўргансин.

– Тўғри, тўғри, – деб қўйди Шаймардон.

Чақиртирилган озодлик курашчилари эса ўзаро норизо кўз уриштириб олишди. Сўнг оҳиста ўринларидан туришди...

Ислом Абдуғаниевич ўз юраги алангасига исиниб, деразадан ташқарига ўйчан қараб тураркан, ўша манзаралар кўз ўнгидан лип-лип ўтди.

Бир пайт эшик оҳиста очилиб, ёрдамчи ботинмайгина бўй кўрсатди. Биринчи котиб унга савол назари билан қаради.

– Носировни чақиртирган эдингиз... – деди ёрдамчи қўлидаги қайдлар дафтарига кўз ташлаб қўяркан.

– Айтинг, кирсин.

Вилоят раҳбари ҳар йили йигирма-ўттиз чоғли ёш кадрларни марказларга жўнатиб, малака ошириб келишларини йўлга қўйган эди. Бу масалага оид ташкилий ишлар зиммасида бўлган Толиб Носиров ҳафта бошида янги йил учун янги рўйхат тайёрлаганлиги ҳақида ахборот берди.

– Шанба куни эрталаб олдимга кир, маслаҳатлашамиз, – деганди ўшанда вилоят раҳбари ўзининг бўш вақтини чамалаб кўриб.

Мана, тайинланган пайтда ҳозир бўлибди.

– Чекка туманлардан ҳам кўпроқ қўшдингми? – деб

сўради Ислом Абдуғаниевич фаол ходим узатган рўйхатни кўздан кечира бошларкан.

Толиб бош ирғади.

– Ҳа, ҳар бир тумандан иккитадан кадрни рўйхатга қўшдим.

– Қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам билимдон кадрларни кўпайтиришимиз зарур. «Асл деҳқон халқмиз», деб мақтанамиз-у, лекин бугунги малака билан қишлоқ хўжалигини кўтариб бўлмайди.

– Тўғри айтасиз, Ислом Абдуғаниевич.

– Қишлоқ хўжалиги бўйича ёшларни йиғишда ҳалиги Деҳқонлар кенгашимизнинг котиби бор-ку... шошиб-пишиб юрадиган...

– Аллаевми?

– Ҳа... Аллаев Шаймардон, ўша билан фикрлашгин, у бу соҳани ҳар томонлама яхши билади.

– Хўп.

– Яна нимадир демоқчисан, шекилли? – деб сўради биринчи котиб Толибга синчков кўз ташлаб.

Носиров бир эмраниб олди.

– Ҳалиги... Республикамиз раҳбари лавозимдан олинибди-я?!

– Бундан қувонаяпсан, шекилли?

– Йўғ-е, нега, – деб минғирлади Толиб эҳтиёткорлик билан, –шунчаки... ўрнига ким бўларкан...

– Ким бўлса ҳам халқ севган, халқ ихлос қўйган одам бўлиши керак, деб ҳисоблайман мен.

– Ҳа, рост айтдингиз, Ислом ака, ҳозир юртга худди шундай раҳбар керак.

Каримов ходимнинг луқмасини деярли эшитмай иш столи устидаги тахлам-тахлам газета-журналлар томон интилди.

«Раҳбар шунча нарсани қачон ўқиб улгурар экан-а, қойилман», деб ўйлади Толиб у кишининг ҳаракатларини зимдан кузатиб тураркан.

Ислом Абдуғаниевич тахламлар орасидан қалин бир журнални ажратиб олди-да, Носиров томон суриб қўйди.

– Мана бу журналга обунамисан? Қизиқарли, долзарб мавзудаги мақолалар кўп чиқади бунда.

Носиров бу нашрга обуна бўлмаган эди. Лекин кўзи тушган кезлари имкон қадар танишиб чиқарди. Шу боис:

– Ўқиб тураман, – деб қўйди хижолатланиб.

– Алдама, мана бу сонини ҳали кўрганинг ҳам йўқ-ку.

Ислом Абдуғаниевич шундай дея журнални варақлаб, қай бир саҳифасини очди:

– Қара, бу сонида ўттиз еттинчи йилги қатағон ҳақида зўр мақола чиқибди!

Носиров саҳифага қизиқиш билан кўз ташлаган бўлди.

– Биласанми, ўшанда қандай улуғ инсонлар қурбон бўлган, – деди Ислом Абдуғаниевич, – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат... эҳ-ҳе! Уларнинг сони жуда кўп.... Ҳар бирининг ҳаёти бир тарих! Ҳар бирининг фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиқишимиз керак, ҳар бирининг қадр-қимматини тиклашимиз зарур. Бу буюк инсонларни халққа қайта танитиб, номларини абадийлаштириш лозим.

– Ҳақ гапирдингиз, Ислом ака, – деди Толиб раҳбарнинг жўшқин гапларидан таъсирланиб.

– Мана, Республика раҳбари лавозимдан озод қилинганини айтдинг. Унинг ўрнига ким келса ҳам, энг аввало, ҳозиргина мен айтган вазифаларни адо этиши шарт. Чунки, биринчи навбатда, ўз улуғларимизни улуғламай туриб улуғ ишлар бошлай олмаймиз.

Ёш ходим Ислом Абдуғаниевичнинг айтганларини диққат билан тинглар экан, назарида, кенг хона оташин сўзлар ёлқинидан янада ёришиб кетгандай туюлди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Қайтиш

I

Осмон тоқи оқариб тонг отмоқда. Саййид Салоҳиддинхон эшоннинг дуога очилган қўллари гўё шу оқликни ҳовучлаб дунё узра сочмоққа шайлангандай ҳавода хийла вақт муаллақ қотди. Ҳаяжондан енгил титраётган лаблари илтижо ва шукронага лиммо-лим калималарни ихлосу илҳом ила тез-тез пичирларди. Кўзлар юмуқ. Ва лек бу юмуқ қароғлар субҳи содиқ маҳали зоҳир бўлмиш аломатни ҳали-ҳануз аён кўриб турарди.

Сокин ва сирли сукунатга чулғанган муаззам Регистон майдони. Теварак ажиб ёғдулар жилвасидан ёришган. Отаси ва авлиёмонанд нуронийлар соҳир суҳбат қуриб туришибди. Салоҳиддинхон эҳтиром ила салом берди. Валийнамо суҳбатдошлар табассум ила алик олдилар. Ва шу асно Шердор мадрасаси пештоқидан шер тасвири ногоҳ жунбишга келиб, наъра тортган кўйи майдон ўртасига сакради. Сакрадию худди шу тахлит наъра ила бир силтандики, бутун шаҳар узра чирмовуқдек чирмашиб кетган занжир тутумлари парчапарча бўлиб кетди. Занжир парчалари ногоҳ алангага айланди. Аланга ёлқинларидан бутун борлиқ чарақлаб,

чароғон бўлдики, Салоҳиддинхоннинг қароғлари қамашиб, кўзларини ногоҳ юмиб олди. Шу асно отасининг улуғвор овози акс садо янглиғ жаранглади: «Пешвоз чиқинг! Пешвоз чиқинг!»

Салоҳиддинхон кўзларини бот очди. Ё Раббий! Унинг шундоққина рўпарасида буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг жанговар либосини кийган шеркелбат, бургут қарашли бир азамат мағрур турар ва лек... ва лек у инсоннинг қўлида шамшир эмас, билъакс, қалам ва қоғоз ёғдуланиб кўринар эди...

...Ҳа, бу субҳи содиқ уч йил аввал зуҳур бўлмиш ҳолат Саййид Салоҳиддинхон эшон руҳиятида бот такрорланди. Беадоқ ҳаяжон оғушида қолган ҳазрат одатдагидек дарҳол нафл ибодатига киришди. Отасининг субҳи содиқ пайтиданоқ безовталаниб қолганидан хавотирга тушган ўғли Меҳриддин ҳазратнинг ҳужрасига одоб билан бош суқди. Салом бериб, отасидан ҳол-аҳвол сўради.

– Ўғлим, – деди эндигина нафл ибодатини тугатган, бироқ ҳануз жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб ўтирган Салоҳиддинхон, – боқувдаги оқ қўчқорни сўйиб, гўштини эҳсон қилсангиз, қолган гаплар кейин...

Ота фикрини ярим сўздаёқ англаган ўғил тағин тавозе билан чиқиб кетди.

Саййид Салоҳиддинхон бот тафаккурга чулғанди: «Илкида шамшир эмас, қалам тутганининг маъноси недур?!»

Шу асно Ҳазратнинг кўз ўнгида отаси жонланди, ўша қаҳратон тунда айтган башоратлари қулоқлари остида жаранглагандек бўлди:

«...Шерюрак, собит ирода инсонлар бу юртга эрк, истиқлол олиб келгуси... улар қон тўкишни, тажовузкорликни севмайди... оқилу дониш...»

Худди шу хотиралар Саййид Салоҳиддинхонга ул киши тутган қоғозу қалам тимсолини очиқ-равшан

шарҳлаб берди. Ҳазрат англаганларидан мамнун жилмайди.

Бир пайт ҳужрага Меҳриддин ҳаяжон билан бош суқди.

– Ота, сабабини билмадим-у... оқ қўчқор ўзи ўйноқлаб бориб, қонялоққа ётиб олди! Отажон...

Саййид Салоҳиддинхон чеҳраси нурланиб, бош ирғади.

– Сабабини тез орада билиб оласиз, ўғлим...

* * *

Осмон тоқи оқариб тонг отмоқда. Анастасовга бу негадир туби кўриниб қолган май шишасини эслатди. У очиқ балкон айвонида чекиб тураркан, гўё тонгни тағин хиралаштирмоқчи бўлгандай, кўкка бўй чўзиб, оғиз-бурнидан бурқситиб дуд пуркарди.

Александр Петрович бу тунни ҳам безовта ўтказди. Ислом Каримовнинг эл ичида тобора ортиб бораётган иззат-обрўси, шон-шуҳрати унга сира тинчлик бермасди. Жараён шу тахлит давом этса, яқин фурсат ичида Ислом Каримов бутун Ўзбекистоннинг ишонч-ихлосини қозониб, бир имо билан халқни оёққа турғазишга, бир пайтлар уни сургун қилганларнинг ўзларини бир чеккага суриб-супуриб ташлаши тайин эди. Худди шу нарса Анастасовни тобора қўрқув, ваҳимага солар, бу қайсар, фавқулодда довюрак раҳбарни эл эътиборидан қолдириш, ўз измига бўйсундириш дардида фитна ортидан фитналар уюштирарди. Афсуски, барча уринишлар беҳуда, ҳатто бундай найранглар акс таъсир этиб, Ислом Каримовнинг мавқеини янада орттириб юборяпти.

Ўтган йилнинг бошида Анастасовда тузук бир ғоя пайдо бўлди.

Ҳудудий бўлинишдаги тарқоқликка барҳам бериш, маъмурий аппаратларни қисқартириш баҳонасида Ўзбекистондаги кўпгина туман ва вилоятларни, жумладан, Қашқадарёни Бухорога қўшиб юборилса, қандоқ бўларкин?! Қарабсизки, ўз-ўзидан йўқ вилоят раҳбарига айланиб қолган Ислом Каримовни силлиққина четлаштириш мумкин! Ҳолбуки, айни дамда уни лавозимдан бўшатиш нари турсин, ҳатто қаттиқроқ танқид қилиш амримаҳол бўлиб қоляпти. Қашқадарёликлар бу раҳбарни кундан-кунга қаттиқ ҳимоя қилишяпти, отилган ҳар бир тош учун юқоридан жавоб беришларини қатъий сўрашяпти. Агар жараён шу тахлит кетаверса...

Александр Петрович кўнглида туғилган ғояни Москвадаги юксак мартабали амалдорлардан бирига шипшиди. Аммо эвазига яхшигина жеркиш, танбеҳ эшитиб Тошкентга қайтди. Не тонгки, орадан икки-уч ой ўтиб ўша амалдорнинг ўзи худди шу ғоя ташаббускорига айланиб, телевизор орқали Анастасовга, минг-минг анастасовларга ушбу ислоҳот моҳиятини, аҳамиятини соатлаб уқтиришга тушди. Ва Бутуниттифоқ раҳбариятининг эътиборини қозониб, тузуккина унвон эгасига айланди. Шусиз ҳам ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган Александр Петрович соч юлганча қолаверди. Бу ғоя аслида мендан чиққан, дея бировга даъво қилиш – осмонга қараб туфлаш билан баробар, ҳам бадном бўлгани, ҳам амалидан айрилгани қолади, холос. Аммо...

Аммо вазият кутилмаганда эврилди. Ўша ташаббус теварагида тарғибот-ташвиқот, ташкилий ишлар авж олган сайин Ўзбекистон Марказқўмига Бухоро халқидан, Навоий, Самарқанднинг кўпгина туманларидан лайлак қордай мактублар ёғилди.

«...Фақатгина бир шарт билан, бирлашган икки вилоят раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов бўлсагина,

биз юқорининг қўшилиш ҳақидаги таклифига розимиз, акс ҳолда...» – деб ёзарди хат-мактуб эгалари.

Бундай талаб-таклифлар Анастасовни буткул танг аҳволга солиб қўйди. У Иттифоқ ниқоби остидаги ўз империялари дахлсизлигига билиб-билмай нечоғлиқ хавф пайдо қилишганини чуқур англаб етди. Ва фуқаролар мактубларини хуржунга тиқиб, яна Москвага учди. Бу гал Бутуниттифоқнинг олий мақомдаги амалдорларидан бирининг ҳузурига кириб вазиятни тушунтирди.

– Бу қандай аҳмоқона ислоҳот?! – дея бўкирди олиймақом амалдор, – қайси тўнкадан чиққан фикр бу?! Нима, Каримовга ўз қўлларинг билан Бухоро амирлигини тиклаб бермоқчимисанлар?!

Анастасов ғоя ўғрисига зимдан ишора қилиб юбориб, ўзича ўч олди. Кўнгли андак таскин топди. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди. Сиёсий вазият вилоятлар қўшилуви масаласини номигагина бўлса ҳам кўриб чиқилиши зарурлигини тақозо этарди. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрида шошилинч йиғилиш ўтказадиган бўлишди. Анастасов яна ўт ичида қолди. У Ислом Абдуғаниевич вилоятлар бирлашувини шак-шубҳасиз қўллаб-қувватлайди, керак бўлса, халққа қутқу солиб, ўз мавқеидан фойдаланиб, бирлашган улкан ўлка раҳбарига айланиб олади, деган шубҳа-гумонлар исканжасида игна еган итдек типирчиларди. Танг аҳволдан чиқиш учун чоралар изларди. Ниҳоят, бир илинж учқуни милт этди. Бухоро йиғинидан сал аввал Тошкентга келган Каримовни бир кулиб, бир ҳазиллашиб чеккага тортди. Ислом Абдуғаниевич тулкидай эшилиб, товусдай товланаётган бу тўранинг меҳрибончиликларидан ажабланиб турди. Анастасов унинг жуда қаттиқ ишлаётганини, бундай кадрлар мамлакат учун ғоят бебаҳо эканини, шу боис уларнинг соғлиғига, маиший ҳаётига ҳамиша ғамхўрлик қилиш бурчи эканини айтиб, Каримовнинг қўлига Кавказда

дам олиб келиш учун йўлланма тутқазди. Ислом Абдуғаниевич кутилмаган меҳрибончиликдан ажабланса-да, Анастасовнинг таклифини қабул қилмади.

– Ҳозир дам олишга сира вақт йўқ, Александр Петрович, – деди кулиб, – сиз юклаган топшириқларнинг ўзи ҳам бизни кечаю кундуз ишлашга ундайди.

Найранги иш бермаганидан Анастасовнинг таъби тирриқ бўлди. Аммо бўш келмади.

– У ҳолда Қозон шаҳридаги қишлоқ хўжалик ходимлари йиғинига бориб келасиз, – деди қош-қобоқ уюб. – У ерда Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш масаласи юзасидан мажлис бўлади.

Ислом Каримов мамнун бош ирғади:

– Бу топшириғингизни бажараман. Чунки айнан биз учун фойдали мажлис экан. Албатта, бораман.

Анастасов Москвадаги раҳбарият билан келишиб, Бухоро йиғинини Каримов айнан Қозонга кетган кунларнинг бирига мўлжаллади. Ва шундай ҳам бўлди.

Аммо йиғин энди қизғин муҳокамага кирган бир маҳал мажлислар залига вазмин қадамлар билан Ислом Каримов кириб келди! Йиғин аҳли уни тўлқинланиб кутиб олди. Анастасов ўтирган жойида тахтадай қотиб қолган, афт-ангоридан реза-реза тер чиқарди.

«Тамом! Каримов ниятига етди! Ҳозир у вилоят бирлашуви давр зарурати экани ҳақида гапириб, ҳаммани ишонтиради, охир-оқибат, халқ хоҳиш-истагига кўра, улкан ўлка раҳбарига айланади!» дея изтироб билан ўйларди у қалт-қалт титраб.

Аммо... воажаб! Тушими ё ўнги?! Сўзга чиққан Ислом Каримов вилоятларни бирлаштириш чуқур ўйланмай, ғоят шошмашошарлик билан қилинган қарор, деди. Сўнг бундай ислоҳот мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида нечоғлиқ парокандалик, тушкунлик олиб келишини илмий-амалий далил-рақамлар билан

тушунтириб берди. Бундай беистиқбол қарорга қўшила олмаслигини билдирди.

Зал сув қуйгандай жимжит. Москвадан, Тошкентдан келган барча казо-казолар ҳангу манг, ҳаққоний, ҳаётий сўзларга қарши ҳеч бир жўяли эътироз билдира олишмади. Сўнг... йиғилиш якунланди. Вилоятларни бирлаштириш васвасаси барҳам топди.

Ўша мажлис, ўша қисқача нутқ Ислом Каримовнинг обрўсини, шон-шуҳратини нафақат дўстлари, балки душманлари орасида ҳам ошириб юборди. Москвадан келган казо-казолар ҳам Ислом Каримовнинг холис ва ҳалол раҳбар эканлигига, уни ҳеч қандай мансаб-мартаба қизиқтирмаслигига яна бир карра амин бўлдилар.

Александр Петрович яна ўт ичида қолди. Энди у империя тақдиридан кўра ўз қисмати учун қайғура бошлади. Негадир, Каримов уни муқаррар маҳв этадигандай туюлар, тунларни таҳлика ичида ўтказар эди. Шу боис теварагини қуршаган қўрғонни мустаҳкамлаш илинжида оқсоқоллик курсисида ўтирган илимтиқ феъл, жонсарак жон Хўжа Хўжаевични ҳар хил баҳона, ҳар хил найранглар қўллаб, Москвага бўзчининг мокисидай қатнайвериб, ниҳоят лавозимидан бўшаттирди. Унинг ўрнига исми-шарифи рафиқ бўлишига нишон берувчи бир амалдорни топиб ўтказишди. Афсуски, бу ҳам бетутим, ҳатто ўз соясидан чўчиб салом берувчи бир дардисар экан. Анастасовнинг бунга ҳам ишончи йўқ. Шу сабаб ҳам безовта! Ўйлаб ўйига етолмайди, аниқ бир қарорга келолмайди. Тунлари тўлғониб бош қотиради. «Бирор арзигулик чора-тадбир топмасимдан тонг отиб қўймасин-да», дея ич-ичида илтижолар қилади. Бироқ муқаррар ёруғликни ким ҳам тўса оларди?!

Мана, яна шундай беором кечалардан бири кечди. Осмон тоқи оқариб тонг отмоқда. Анастасов эса тажанг. Ахир, ҳали муаммоларга ечим топа олгани йўқ.

У чалкаш хаёллар оғушида устма-уст чекаркан, кўкка тумшуқ чўзиб оғиз-бурнидан бурқситиб дуд пуркади.

Аммо бундан ўз димоғи ачишди, холос.

* * *

Осмон тоқи оқариб тонг отмоқда. Узоқ-узоқларга узалиб кетган сув сатҳи ғира-шира ёруғликда кумушдек товланиб, жимирлабгина турибди. Оғир техникаларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи шовқин-сурони, одамларнинг ташвишли қийқириқлари ниҳоят аста-секин тина бошлади. Хавф ортда қолди. Уч кун аввал бу ерда ваҳима, таҳлика ҳукмрон эди. Тинимсиз ёмғир, жала ёғиб, тоғ томондан қутуриб сел келди. Қуруқсой ҳавзаси, Қалқама сув омбори тўлиб-тошиб кетди. Ҳатто ғоят мустаҳкам ҳисобланмиш дамбанинг у ер-бу еридан сув сизиб чиқа бошлади. Чироқчи тумани раҳбари Ороловнинг кўзи пешонасига битиб қолган – нима қилишини билмайди. Ўзича кўрган чора-тадбирларидан кўнгли тўлмаяпти. Уст-боши шилта-шалаббо ҳолда ўз ходимлари билан жонсарак югургилаб юрибди.

Бир пайт ивиган қора қоғоздек катта йўл тарафдан биринчи котибга тегишли оқ «Волга», унинг ортидан тизилиб келаётган яна бир неча машина кўринди.

– Ислом аканинг ўзлари келяпти! – деди Оролов ёнидагиларга, унинг товуши хавотир ва илинждан титраб чиқди.

Машиналар карвони дамбага яқин жойга келиб тўхтади. Оролов ўз гуруҳи билан раҳбарларга пешвоз юрди.

Ёмғир ҳануз шиддат билан ёғарди. Ҳатто йўл сатҳи бўйлаб ҳам лойқа жилғачалар ёйилиб оқиб борар, у ер-бу ерда кўлмаклар пайдо бўлган эди.

Оқ «Волга»нинг орқа эшиги очилиб, ундан Ислом Каримов тушди: эгнида сув ўтмас калта камзул, оёғида резина этик, юз-кўзлари тўла хавотир.

– Вазият қандай? – деб сўради у қисқагина саломаликдан сўнг Ороловга саволчан тикилиб, – мен тайинлаган чора-тадбирларга киришдингизми?

Чироқчи тумани раҳбари кафт орти билан юзларидан сизаётган томчиларни артиб олди.

– Вазият хийла оғир, Ислом ака. Лангар томондан ҳали ҳам тошқин келяпти. ПМК одамлари шу ерда. Ана, қум тўлдирилган қопларни дамба устига олиб чиқишяпти. Масъул ходимларимиз қишлоқларга чиқиб кетишган. Ҳадемай бу ерга ҳашарчиларни йиғамиз.

Оролов узуқ-юлуқ ахборот бераётган пайт бошқа уловлардан келиб, шоша-пиша тушган амалдорлар ҳам биринчи котиб ёнида тизилишди.

– Бойбеков, сизнинг ҳашарчиларингиз қачон етиб келишади? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич ёнидаги Шаҳрисабз тумани раҳбарига юзланиб.

– Келишяпти! Яна ўн-ўн беш минут ичида шу ерда бўлишади.

– Яхши, – деди биринчи котиб, сўнг теваракидаги масъул ходимларни бир-бир кўздан кечириб чиқаркан қўшимча қилди, – Сизларга аввал ҳам айтганман, огоҳлантирганман, бундан буён ўз муаммомизни ўзимиз ҳал қилишимиз лозим. Гапим тушунарли-а...

Ислом Каримов жалага қоришиб, дамба томон шахт билан юриб кетди. Бошқалар ҳам гувиллаб унга эргашди.

Кеча кечқурун Оролов Қалқамадаги қалтис вазият ҳақида ташвишли хабар етказган маҳал вилоят раҳбари бир дунё муаммоларга кўмилиб, эндигина Отқудуқдаги чўпонлар отаридан қайтган эди.

У ердаги қўй-қўзилар сурувига қандайдир касаллик тарқалган эмиш! Бир отардан кунора ўн-ўн беш қўй нобуд бўла бошлабди! Серёғин келган кўкламдан кўнгиллари кўкариб, кўзлари чарақлаб қолган чорвадорларнинг

ҳайити кўпга чўзилмай ғамга ботиб, таҳликага тушиб қолишган экан.

Бу нохуш хабар қулоғига чалинган Ислом Каримов дарҳол Отқудуққа жўнади. Эндигина вилоят чорвачилигини ҳам оёққа турғиздим, туёқ сонини оширдим, деганда, бу не кўргилик?!

Вилоят раҳбари отарларнинг бирига масъул раҳбарларни йиғиб, вазиятни таҳлил қилишди. Шошилинч чора-тадбирлар юзасидан кўрсатмалар берди.

У кечга яқин Қаршига қайтаркан, эртага Муборак даштларидаги отарлардан ҳам хабарлашиб келишни дилига тугиб қўйди. Аммо...

Чироқчидаги танг аҳвол Ислом Абдуғаниевични бесаранжом қилиб қўйди. У оғир хаёллар исканжасида гоҳ иш столи ортида маъюс ўтирар, гоҳ хона бўйлаб бетоқат юрар эди.

Ҳаёт нақадар сирли, нақадар ҳикматга бой! Куни кеча қурғоқчиликдан азият чекиб юрилганди, бугун эса серёғинликдан ташвиш туғилиб турибди. Инсон на унисига, на бунисига чидайди. Агар бирор кимсадан иссиқни ёқтирасанми ё совуқни дея сўралса, у шак-шуҳбасиз, салқин маъқул эканини айтади. Ҳаммасининг меъёри яхши, деб тағин ўзича донишмандлик ҳам қилиб қўяди. Лекин инсоннинг ўзи ҳеч қачон меъёрга риоя қилмайди. У ҳамиша қўлини олдга чўзиб яна ва яна талаб қилаверади. Оқибатда меъёр бузилади. Меъёр, бу – тириклик посангиси! Уни доим мувозанатда ушлаш лозим. Ҳойнаҳой, йилнинг гоҳ қуруқ, гоҳ серёғин келиши ҳам табиат мувозанатининг бузилганидан дарак беради. Инсон табиатга нисбатан шафқатсизлик кўрсатяпти! Унинг бойликлари, неъматлари очкўзларча талон-торож қилинмоқда. Ўрмонларнинг кесилиши, далаларнинг шўрланиши оқибатида табиатнинг азалий қонунияти бузиляпти. «Чўлларни бўстон қиламиз», деб инсон бор бўстонидан

ажралиб қолаётганини сезмай ҳам қоляпти. Ҳойнаҳой, табиат ҳам зўравонликларга қарши зўравонлик билан жавоб беришга шай! Мана, уч кундан бери тинимсиз ёмғир ёғиб, тоғлардан сел келмоқда, ана, Қалқама сув омбори ҳам тўлиб-тошибди! Агар... агар фалокат рўй бериб... сув омборига бир бало бўлса, Қашқадарёнинг ярим аҳолиси тошқин тагида қолиб кетади-я?! Йўқ, йўқ! Буни ҳатто хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас. Бундай хавф-хатарни зудлик билан бартараф этиш зарур! Хўш, ишни нимадан бошлаш керак? Тошкентга қўнғироқ қилиб ёрдам сўрасинми? Ё бошқа чораси топилармикан? Йўқ, ҳарҳолда юқоридаги раҳбарлар билан гаплашган маъқул. Барибир, истаса-истамаса вазият ҳақида ахборот беришга тўғри келади.

Шундай алғов-далғов ўйлар қуршовида хона ўртасида турган Ислом Каримов ҳукумат телефони томон интилди. Бироқ шу кез шаҳар телефони жиринглаб қолди.

– Алло, эшитаман, – деди биринчи котиб ҳорғин товушда.

Отқудуқда қолган чорвачилик бўйича масъул ходим экан. У кўрилган чора-тадбирлар натижасида чорванинг аҳволи анча ўнглангани ҳақида қувониб, ахборот бера бошлади.

– Энг муҳими, касаллик сабаблари аниқланди! Бунга қарши дори-дармонлар ҳам ҳозирча етарли... – деди тўлқинланиб масъул ходим.

Қизиқ, уч-тўрт соат илгари Ислом Каримов учун чорвани асраб қолишдан муҳимроқ масала йўқдек эди. Ҳозир эса муқаррар хатар олдида бу нарсалар майда-чуйда кўриниб, ўша куйиб-пишишлари ўзига ҳам эриш туюла бошлади. Инсонлар тақдири қил устида турган бир пайтда аллақандай қўй-қўзиларнинг қайғусини чекиб ўтириш, бу ҳақда гаплашиш кўнглида кечирилмас гуноҳ ҳиссини уйғотди. Шу боис ҳам ҳаяжонланиб

ҳисобот бераётган раҳбарни жеркиб ташлагиси келди. Бироқ ўзини бир амаллаб қўлга олди.

– Мен эртага Муборакка боролмайман, – деди биринчи котиб масъул ходимнинг шошқин гапларини бўлиб, – Чироқчида муаммо чиқиб қолди.

– Мен ҳам эшитдим, Ислом Абдуғаниевич, жуда чатоқ бўпти, ишқилиб тоғлардаги чорвага зарар етказмадимикан...

Вилоят раҳбари жаҳл билан гўшакни тарақлатиб жойига қўйди.

«Биров ўламан деса, бу куламан дейдиганлардан, шекилли, шундай танг пайтда сенинг чорвангга бало борми...» – дея хаёлидан кечирди у, бошини сарак-сарак қилганича.

Шу пайт ҳукумат телефони яна устма-уст жиринглаб қолди. Ислом Абдуғаниевич бир сесканиб тушди: «Тошкентдагилар ҳам аҳволдан хабар топганга ўхшайди!»

– Алло, Каримов эшитади, – деди у гўшакни қулоғига тутиб.

У тарафдан Анастасовнинг асабий овози эшитилди:

– Ислом Абдуғаниевич, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси сизга ҳам, менга ҳам баб-баравар тегишли, буни инкор этмасангиз керак, албатта.

– Ҳа, шундай, Александр Петрович.

– Унда инсон инсонга дўст эканлиги ҳақида, ўзаро ҳамжиҳатлик, бировлар дардига шерик бўлишлик ҳақида кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйибди...

– Ҳа, шундай...

– Шундай бўлса, нега унга амал қилмаяпсиз?

Ислом Абдуғаниевич суҳбатдошнинг нимага шама қилаётганини англаб ололмай, бир зум жим қолди. Бу сукутни ўзича тушунган Анастасов баттар шанғиллади:

– Чернобил ҳалокатидан жабр кўрган дўстларимизга ёрдам жамғармаси тузганимизни унутиб қўйдингизми? Бу ҳақда каттаю кичик мажлисларда миллион марта гапиряпмиз. Ё нотўғрими?

– Тўғри, Александр Петрович.

– Тўғри бўлса, сизнинг ҳимматингиз қани?! Шу пайтгача Қашқадарёдан бир тийин ҳам келиб тушмади.

– Александр Петрович, ўтган гал анчагина жўнатдик-ку?! Яна йиғиняпмиз. Албатта, бошига кулфат тушганларга беғараз ёрдам кўрсатиш бурчимиз.

– Қачон?!

–Тез кунларда, Александр Петрович. Узр, биз ҳам бу ерда бироз ташвишларга кўмилиб қолдик.

– Яна қанақа ташвиш? Йиғлаб борганнинг олдига доим шунақа ҳўнграб чиқасиз-а, Ислом Абдуғаниевич.

Вилоят раҳбари пайтдан фойдаланиб, Чироқчидаги танг вазият юзасидан ахборот берди.

– Вилоят ярим аҳолисининг ҳаёти хавф остида, Александр Петрович, – деди куюниб у, – бизга сизлардан шошилинч ёрдам керак! Ўзимиз эплашимиз қийин. Дамба ёрилиб кетиши мумкин...

Катта раҳбардан анча пайт садо чиқмади.

– Кўп ваҳима қилманг, Ислом Абдуғаниевич, – деди у ниҳоят чуқур бир тин олиб. – Дамба ёрилиб кетади дейсиз-а... Чернобилга ўхшаш фалокатлардан асрасин, қолганлари майда-чуйда. Қолаверса, Тошкентдан ёрдам юбориш, эшагидан тушови қимматга тушгандай бир гап, буни би-ир ўйлаб кўриш керак... Ҳа, майли мен бу ердаги масъул ўртоқлар билан маслаҳатлашиб кўрай-чи, бирор натижа бўлса, сизга яна қўнғироқ қиламан... Айтганча, ҳар хил баҳоналарга зўр бермай, ёрдам жамғармаси ҳақида ҳам қайғуриш зарур. Қаранг, олтинларни қўриқлаб ётганлар тўғрисида тағин бир мақола чиқиб кетмасин матбуотда.

Алоқа узилди. Анастасовнинг нималарга шама қилганини англаган Ислом Каримов қўлидаги гўшакка хомуш тикилиб қолди.

Ҳа, яқинда нуфузли газеталарнинг бирида яна бир мақола босилиб чиқди. Номи ҳам ваҳимали. Қора кўзойнак таққан мухбирнинг ўзбек халқига яна бир хуружи бу! Эй Худо, қачон тугаркан бундай маломатлар?! Хўрлик, ҳақоратларнинг чеки борми-йўқми? Бировга қазиётган чоҳга бир кун келиб уларнинг ўзлари тушмасмикан?

Ислом Абдуғаниевич оғир сўлиш олиб, соатига кўз ташлади. Вақт алламаҳал бўлган эди. Тошкентдан бошқа қўнғироқ бўлмади. Вилоят раҳбари пойтахтдан умидини узиб, Чироқчидаги аҳволни ўнглаш юзасидан шошилинч режа тайёрлашга киришди. Бир пайт ҳукумат телефони яна аччиқ-аччиқ жиринглаб қолди.

– Наҳотки, ёрдам?! – хаёлидан ярақлаб ўтди Ислом Каримовнинг, – ғамхўр дўстлар кўп, яхшиликдан умид узмаслик керак».

Вилоят раҳбари чаққонлик билан гўшакни кўтарди.

– Алло, Каримов эшитади...

Нариги тарафдан аввалига пишқириқ, хириллаш қулоққа чалинди. Сўнг кимнингдир уйқусираган товуши эшитилди.

– Бу мен, Тагирифман... Сизнинг дастингиздан уйқум ҳам ҳаром бўлди...

Ислом Абдуғаниевич Марказқўмдаги масъул амалдорлардан бўлмиш Тагировни аранг таниди. Унинг пўнғиллаб айтган гапларидан эса ҳангу манг бўлиб қолди. Тагировнинг нолишича, Анастасов унинг уйига қўнғироқ қилиб роса ўшқирибди. Қашқадарёнинг биринчи котиби устларингдан шикоят қилди, унга ёрдам беришдан бош тортибсанлар, дебди.

– Ислом Абдуғаниевич, нима гап ўзи? – Тагиров нолишлари сўнгида шундай деб эринибгина сўради.

Каримов унинг олдида ўзини оқлаб ўтиришни эп кўрмай, истар-истамас Чироқчидаги нохуш вазият ҳақида гапирди.

– Ёрдам берасизларми, деган умидда эдим, – дея ҳар эҳтимолга қарши қўшиб қўйди у гап давомида.

– Ислом Абдуғаниевич, сизга йўллашимиз мумкин бўлган қурилиш-ремонт ташкилотларининг ҳаммасида ҳозир текширув ишлари кетяпти. Махсус гуруҳ ишлаяпти. Шунинг учун биздан хафа бўлманг. Ишонаманки, муаммони ўзингиз ҳал қила оласиз. Хайр.

Ислом Абдуғаниевич ҳорғин бир тарзда гўшакни жойига қўйди.

Мана сенга ғамхўрлик, мана сенга ҳамдардлик! Ёрдам ўрнига туҳмат, ғийбат, одамларни бир-бирига қайраш, гиж-гижлаш! Халқни хўрлаш, топташ бундан ортиқ бўладими? Одамда меъёр йўқ, деб нолиймиз, табиатда мувозанат бузилгани ҳақида куюниб гапирамиз, жамиятда-чи? Жамиятда меъёр-мувозанат бузилмаганми? Тилларда бот-бот айланадиган тенглик, адолат каби сўзлар амалда ҳам борми? Кимларнингдир бошига тушган кулфатдан куюниш, бошқаларникини майда-чуйда ҳисоблаш керакми? Шунинг ўзи ҳам Анастасовларнинг қабиҳ ниятини очиқ-ойдин кўрсатмайдими?

Ислом Абдуғаниевич кўнглидан кечаётган ҳислар залваридан эгилиб-букилиб, қўлларини манглайига тираган кўйи курсисида анча пайт беҳол ўтириб қолди...

Мана ҳозир ҳам баланд дамба устида ёмғиру шамолга қоришиб, асов денгиздай кўпириб, мавжланаётган улкан сув ҳавзасига юзма-юз тураркан, кўнглида шундай туғёнли ўйлар кечарди. Гўё ўзини бемаврид тошқин билан эмас, аллақандай душман тўдалар билан курашга чоғларди.

Бу орада дамба ёнига ғала-ғовур билан анчагина хашарчилар йиғилди. Қаршидан, Шаҳрисабздан йўл-

га чиққан, устларига экскаватор ортган улкан юк машиналари, тракторлар, самосваллар лой, шилта-шалаббога беланиб етиб келишди. Баҳайбат «Камаз»лар одамларнинг, уловларнинг ишлашига қулай бўлиши учун ёмғирдан ивиб, кўпчиб ётган ерларга тош-шағал тўкарди.

– Ислом ака, тўғриси, жуда қўрқиб кетяпман. Дамбанинг бардош бериб туришига кўзим етмаяпти, – дея зорланди Оролов вилоят раҳбарига гирдикапалак бўларкан.

Ислом Каримов унга норизо кўз ташлаб қўйди. Сўнг ҳашарчилар шоша-пиша тайёрлаган палатка ичига кирди.

– Гап бундай, – деди Ислом Абдуғаниевич ортидан кирган раҳбарларга юзланиб, – ишни боя гаплашиб олганимиздек давом эттирамиз. Энг аввало, кунботар томондан қўшимча сув йўли очишимиз лозим. Кабаевнинг ташкилоти бу ишга киришди. Бойбеков, ўзингиз буни назорат қилиб, ҳар соатда менга ахборот бериб туринг. Чироқчига қарашли ПМК дамбани мустаҳкамлашда давом этсин. Уларга яна йигирмата ҳашарчини бириктириб беринг, Оролов. Эртага эрталаб бу ерга яна Яккабоғ ва Қамашидан ҳашарчилар келишади. Одамлар чарчаб қолишмасин, ишни, қандайдир сменалими... йўлга қўйиш зарур. Эрпўлатов, бу сизнинг назоратингизда. Ҳашарчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам сизнинг бўйнингизда, маҳаллий раҳбар сифатида Оролов сизга ёрдам беради. Аҳмедов, сизнинг китоблик ҳашарчиларингиз йўлга тўкилаётган шағалларни ёйиш билан шуғулланишсин, агар бирорта машина лойга ботиб қолса, бошқаларига ҳам халақит бера бошлайди, шунинг учун бунинг олдини аввалдан олиш керак. Хуллас, дўстлар, умумвилоят ҳашаримиз бошланди. Ўйлайманки, ҳамма виждонан,

ўз ишини билиб бажаради, ортиқча бош оғриққа йўл қўймайди.

Бироздан сўнг керакли кўрсатмаларни олган раҳбарлар ўз юмушлари бўйича тарқалишди. Наридан-бери қурилган палатка ичида ёлғиз қолган Ислом Абдуғаниевич ўриндиқ ўрнида ётқизиб қўйилган дарахт ғўласи устига ўйчан чўкди.

Шу пайт палатка ёнидан гурунглашган кўйи ўтиб кетаётган, елкасига белкурагини ташлаб олган оқсоқоллардан бирининг гаплари қулоғига чалинди:

– Одамларга «Обкўм бова шу ерда» дегандик, тамом, ҳамма зарур юмушини ҳам ташлаб шу ёққа отланди. Биров «Шу инсонни бир кўрайлик» деса, бири «У киши катта бошларини кичик қилиб, мушкулимизни осон этиш учун келса-ю, биз четда турамизми, бу уят-ку», деб дарров қўлига кетмонини олди.

Ислом Абдуғаниевич оқсоқолнинг соддагина эътирофидан завқланиб, беихтиёр жилмайди.

Ёмғир ҳануз шиғалаб ёғарди. Сув ҳавзаси усти кўмкўк туман билан қопланган. Туман ортидан баланд тоғқоялар ғира-шира кўзга ташланади. Оғир техникалар гулдиросидан, одамларнинг гоҳ серзарда, гоҳ қувноқ ғала-ғовуридан, белкуракларнинг шақир-шуқуридан чор атроф ларзага келарди.

* * *

Осмон тоқи оқариб тонг отиб келмоқда. Бу оппоқ тонг Восиқ Асадович Болтаев жасади устига ёпилган оппоқ кафан бўлди. Уни мажақланиб кетган машинаси кабинасида қонига беланиб ётган ҳолда топишганда шаҳар ҳали тун зулмати оғушида эди. ДАН ходимлари асфальт йўлда қолган ғилдирак изларидан аниқлаган бўлдики, Болтаевнинг «Жигули»си баҳайбат юк

машинасига урилган. Алҳол, бу мудҳиш воқеа маълуму машҳур «Чаман» чойхонаси яқинида содир бўлгани боис, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари ҳам ортиқча тергов-текширув ишлари олиб боришга ботина олмадилар. Хулоса тез ва соз расмийлаштирилди: бахтсиз ҳодиса.

Шаҳар гунг ва соқов эди. Ҳолбуки, бу сарғиш «Жигули» тунги соат ўн иккилар атрофида «Чаман» чойхонаси биқинида турганини кўрганлар бор. Ҳатто машина эгасининг чойхона ичкарисида кимларгадир бақириб-чақирганини, «Берганларимни қайтаринг, илтимос» дея тағин аллакимга ёлворганини эшитганлар бор. «Энди менга ҳеч қандай амал-мансаб керакмас, оддий агроном бўлиб ишламоқчиман», дея унинг титраб-қақшаганларига гувоҳ бўлганлар бор. Бироқ, минг афсуски, шаҳар гунг ва соқов эди.

Бир умр бахт излаб, охир-оқибат, бахтсиз ҳодисага йўлиққан бир инсон қайғусидан осмон сочи оқариб кетди. Хўрсина-хўрсина тонг ота бошлади.

II

Қуёш чарақлаб чиқди. Ниҳоят, тошқин бўйсуниб, лойқаланган сув сатҳи пасая борди. Ҳолдан тойган одамлар каловланар, уйқусираб эснашар эди. Ҳатто техника товушлари ҳам алланечук ҳорғин, пасайиб қолди.

Ороловнинг ҳам буткул тинкаси қуриганди, аранг оёқда турарди. Чунки қоядай қад кериб ҳануз ишга бош-қош бўлиб турган, одамларни яна озгина чидаб беришга ундаётган, руҳлантирувчи сўзлар билан далда бўлаётган вилоят раҳбаридан уяларди. Унинг назарида тошқин дамба мустаҳкамлигидан эмас, Ислом Абдуғаниевичнинг иродасидан, матонатидан ҳайиқиб бўйсунгандай бўлди

Иш суръати пасайдию ҳашарчилар вилоят раҳбарининг теварагига йиғилишиб олишди. Ислом Абдуғаниевич ҳам улар билан суҳбатлашиб чарчамас, ҳазилҳузул, латифабозлик авжига чиқарди.

– Оролов, – дея бир пайт ёнига Чироқчи туман раҳбарини чақирди Ислом Каримов, – дамба мустаҳкамланди, қўшимча канал қурдик, хавф-хатар бартараф қилинди, хўш, энди-чи?!

Оролов хижолатли бош қашлаб, елка учириб қўйди. Вилоят раҳбари кулимсираб, ҳашарчиларга юзланди.

– Хў-ўш, энди нима қиламиз?

– Уй-уйига, капа тўйига, – деди ёш йигит кетмонини қўлига олиб.

– Йў-ўқ, – деб бош чайқади Ислом Абдуғаниевич, – ҳали уйга қайтиш йўқ, – сўнг яна Ороловга юзланди, – ахир, ота-боболардан қолган удум бор-ку, омон-омонлик бўлган жойда қон чиқариб, худойи қилинади, тўғрими?

– Тўғри, – деб ғудранди туман раҳбари.

Ҳашарчилар Ислом Абдуғаниевич нимага ишора қилганини илғаб қийқириб, қарсак чалиб юбордилар.

– Тўғри бўлса, – деди вилоят раҳбари кулиб, – нега ҳалигача бу ерда мудраб ўтирибсиз, тараддуд кўрмайсизми?! Ҳашарчилар маҳтал.

Оролов каловланиб, дамбадан пастга эна бошлади.

Шу пайт катта йўл ёқасига эски «УАЗ» машинаси келиб тўхтади-да, ундан икки киши тушиб, ҳашарчилар томон юрди.

Ҳамма уларни кузатиб турарди. Яқин орада қиртишланмаган соқол-мўйловидан, ўсиқ қошу қирра бурунларидан ҳар иккиси ҳам тоғлик экани сезилиб турган кишилар дамба устига чаққонгина чиқиб келишди.

– Ассалом...

– Ҳормангизлар...

Ҳашарчилар алик олишди. Ислом Абдуғаниевич икковлонга пешвоз чиқди.

– Хуш кўрдик, меҳмонлар, марҳамат.

– Сиз бу ерда оқсоқолмисиз? – деб сўради улардан бири вилоят раҳбарининг эгнидаги лой сачраган камзулга, оёғидаги этигига бир-бир кўз ташлаб.

Ислом Абдуғаниевич кулимсираб бош ирғади:

– Ҳа, шундай десак ҳам бўлаверади.

– Биз Ғилондан келдик.

– Ғилондан?! – беихтиёр гапга аралашди Оролов олис тоғ қишлоғининг номини эшитиб, ажабланаркан.

– Ҳа, Ғилондан, пиримиз Салоҳиддинхон эшон бобо сизларга ҳашарлик бериб юбориб эдилар, шуни опкелдик.

– Ҳашарлик?! – дея баттар ажабланди Оролов.

Ислом Абдуғаниевич қизиқсиниб сўради:

– У киши бу ерда ҳашар бўлганини қаердан билибди?

Ғилонликлар ўзаро мамнун-масрур кўз уриштириб олишди.

– Пиримиз валийлардан, у кишига аён бўлади.

– Тўғри, тўғри, – дея шоша-пиша тасдиқлади Оролов, – эшитганман, Ғилонда шундай тақводор ҳазрат борлар.

Ислом Абдуғаниевич ажиб ҳислар оғушида қолди. Айни пайтда эҳтиром билан тилга олинаётган отахоннинг кароматидан ҳам кўра, унинг олис бир овулда туриб ташвиш гирдобида қолган одамлар қайғусини қилаётгани вилоят раҳбарини ҳаяжонлантириб юборганди.

* * *

Ҳаяжон тобора кўпириб-тошиб ўша тақводор, элга елкадош ҳазрат билан учрашиш иштиёқга айланди.

Ахир шунча ташвиш тортиб, қўчқор қурбонлик килиб ҳашарчиларга юбортирган инсонга, ҳеч қурса, раҳмат айтиб қўйиш керак-ку!

Ислом Абдуғаниевич қўй ёғи, қўй гўштидан тайёрланган лаззатли шўрвадан ҳузурланиб тановул қилгач, йўлга отланди. Иш либосида, оддий ишчилар ичида камтаргина юрган бу одамнинг вилоят раҳбари эканини билиб, ғилонликлар минг бир хижолатда каловланиб қолдилар. Тағин бу киши уларнинг эски «УАЗ»ида Ғилонга бормоқчи?!

Йўқ, Ислом Абдуғаниевич кўп ўтмай, улар билан кетиш фикридан қайтди. Чунки у содда, самимий тоғ йигитларини ортиқ хижолатга қўйишни истамади. Қолаверса, йўл-йўлакай яна кўпгина сув ҳавзаларини, тошқин юз бериши мумкин бўлган дарё тевараклари ни кўздан кечиришни мақсад қилганди.

– Ҳашарлик учун катта раҳмат сизларга, – деди вилоят раҳбари Оролов ҳамроҳлигида ғилонликларни машина ёнигача кузатиб қўяркан. – Энди сизлар аста-секин тоққа кетаверингизлар. Мен ортларингиздан етиб оламан. Мабодо, мендан аввал борсаларингиз, Ҳазратга чуқур ҳурматимизни, саломимизни етказинглар. Насиб бўлса, учрашиб қолармиз.

Ҳалигина вилоят раҳбарини қандай қилиб эски машинамизга ўтқазарканмиз, деган ўйда хижолат чекаётган ғилонликлар, ногоҳ у кишининг улар билан бормаслигини билиб, энди маъюсланиб қолдилар.

III

Ғилон! Баланд тоғлар орасидаги сўлим қишлоқ. Қашқадарёнинг энг гўзал, энг файзли гўшаларидан бири. Унга биллурдек товланиб, кўпириб оқувчи дарё бўйлаб илон изи, эгри-бугри йўл билан борилади.

Улар ўтирган машина қуюқ ёнғоқзор муюлишидан ўтгандан сўнг, ям-яшил боғ-роғлар орасидаги Ғилоннинг илк иморатлари кўрина бошлади.

– Илтимос, шу ерда тўхтайлик, – деди Ислом Абдуғаниевич, у ён-бу ённи таърифлаб келаётган ҳамроҳи, Шаҳрисабз тумани раҳбари Бойбековни ажабланти-риб. – Бу ёғига ёлғиз яёв боргим келяпти.

– Ислом ака, ахир... – эътироз билдиришга оғиз жуфтлади Қурбон Зафаров, Шаҳрисабздаги энг йирик боғдорчилик хўжаликларидан бирининг раиси.

Вилоят раҳбари худди ниманидир ҳуркитиб юборишдан чўчигандай қўл силкиб, оҳиста пичирлади:

– Илтимос... сизлар шу атрофда кутиб турасизлар. Агар зарурат бўлса чақиртираман.

Машина тўхтади. Ҳамроҳлар Ислом Абдуғаниевичнинг алланечук сирли пичирлашларидан, нигоҳларидаги ажиб синоатдан баттар ажабланганча қолавердилар.

Ислом Абдуғаниевич ўзини алланечук сархуш, шунинг баробарида, қушдек енгил ҳис қиларди. Буни аввал мусаффо тоғ ҳавосига йўйди. Лекин бу ҳиссиёт, дамба бўйига ғилонликлар келиб, Саййид Салоҳиддинхон ҳақида гапиргандаёқ пайдо бўлганини англадию ўз-ўзидан ажабланиб қўйди.

Ҳа, уни тобора қандайдир ғалати, ҳузурбахш туйғулар қамраб олмоқда эди. Негадир ёлғиз, танҳо қолишини хоҳларди. Шу боис ҳам ҳамроҳларини қолдиришга мажбур бўлди.

Воажаб! Ислом Абдуғаниевич қишлоққа кириб, Саййид Салоҳиддинхон билан учрашишга ошиқарди-ю, бироқ... негадир оёқлари у ёққа тортмасди. Қуюқ дов-дарахтлар қуршовидаги тепаликдан пастга эниш, тағин бир тепаликка бироз чиқиб, яна пастга шўнғиш негадир руҳиятига малол келарди. Ислом Абдуғаниевичнинг руҳияти айни пайтда юксакликка,

фақат юксакликка интиларди. Ич-ичида туғён урган туйғулар гўё толмас қанотдай парвозга, фақат парвозга ундарди!

Охири, ортиқ бардоши қолмади. Ислом Абдуғаниевич шундоққина кунчиқар тарафга, харсангтошлар қабариб ётган тоғ томонга тирмашди. Майда шағаллар оёқлари остидан шовуллаб тўкилди. Ёнбағирларда ўсган буталар унга хайрихоҳларча эгилиб-букилаётгандек, барра ўт-ўланлар пойандозликка ошиқаётгандек туюларди.

Ислом Абдуғаниевич тошдан-тошга оёқ қўйиб, буталар поясидан тутиб, тобора юксала борди. Қизиқ, қанчалар баландласа, шу қадар енгил тортар, бутун вужудида куч-қувват кўпириб, фикрлари тиниқлашарди.

Ногоҳ кўз ўнгида бир ҳовуч нур жилваланди. Воажаб, нур баҳайбат қўш арчанинг қуюқ сояси остидан таралаётгани ғалати эди. Ислом Абдуғаниевич ҳайрату ҳаяжон оғушида ўша томон юрди. Қўш арчага яқин бордию ногоҳ кўз ўнгида мўъжиза рўй берди. Бир ҳовуч нур бош-адоқ оппоқ либосдаги отахонга айланди.

«Саййид Салоҳиддинхон!» – хаёлидан ўтказди Ислом Абдуғаниевич. – У киши бу ерда экан-да, шунинг учун бир куч мени шу ёққа тортган...»

Отахон супадай силлиқ тош устидан туриб, ўзи томон илдам одимлаётган кишга пешвоз юрди.

– Ассалому алайкум, ҳазрат! – дея эҳтиром ила қўлини кўксига қўйди Ислом Абдуғаниевич отахонга яқин бораркан.

Саййид Салоҳиддинхон мамнун бош ирғаб алик олди.

– Хуш келибсиз, болам.

– Мен... – дея ўзини таништиришга оғиз жуфтлади Ислом Абдуғаниевич.

Ҳазрат майин табассум билан оҳиста бош чайқади.

– Ҳожати йўқ, болам. Мен сизни жуда яхши танийман. Мен кўп йиллардан бери сизни шу ерда кутиб ўтираман. Мана, Яратганнинг иноятн билан учрашдик.

– Мен ҳам сизни кўришни истагандим, Ҳазрат.

– Сиз исмингиз жисмингизга мос, кўнглига улуғ ният туккан инсонсиз. Лекин мақсадга элтувчи йўл машаққатларга тўла, ўта қалтис, хавф-хатарли, қўрқмайсизми?

– Ўша сиз билган ниятларим амалга ошмай қолишидан қўрқаман, Ҳазрат, ўзимга бирор зиён-заҳмат етишидан эмас.

– Шундай жавоб беришингизни билардим, болам. Лекин сиз асло чўчиманг, ахир, сиз халқнинг ишончини, ихлосини қозондингиз. Улуғ авлиёи киромлар сизнинг ҳақингизга дуо қилишган. Сиз ҳозир чекаётган машаққатлар зинҳор-базинҳор беҳуда кетмагай, болам. Манглайингизда зафар битикларини кўряпман.

Ислом Абдуғаниевич Ҳазрат билан суҳбатлашаркан, негадир теварагига қарашга чўчирди. Назарида, улар баланд тоғ устида эмас, ердан буткул узилиб, юксак-юксакларда аллақандай мусаффо бўшлиқ ичида туришгандек туюлди.

– Ҳазрат, қўлимдан тутсангиз, – дея секин пичирлади Ислом Абдуғаниевич, боши сархуш айланиб, йиқилиб тушишдан чўчиркан.

Саййид Салоҳиддинхон оҳиста илкини узатди. Бармоқлар туташувидан Ислом Абдуғаниевичнинг бутун вужуди қизиб кетди.

IV

Қашқадарёда бу йил ғалла эрта етилди. Ҳали баҳор адоқламай туриб, бўлиқ бошоқли экинзорлар бош эгиб, сап-сариқ денгиздай мавжланди.

Ғўзанинг ҳам авжи баланд. Насиб бўлса, бу йил ҳам пахта хирмони сарбаланд уюлади.

Аммо бундай илиқ муждалар Ислом Каримов кўнглида кейинги пайтлар қувончдан кўра кўпроқ маъюслик уйғотар, хаёлида бот-бот бир рақам чарх урарди: 33 тийин!

Ўзбек деҳқони ҳар бир килограмм пахта толаси учун охир-оқибат кўрадиган фойдаси атиги шунча экан. Марказ гўё марҳамат кўрсатиб, уни бир ярим сўмдан харид қиляпмиз дейди-ю, аслида, солиқ-молиқларни тўлагач, деҳқоннинг қўлида бор-йўғи 33 тийин қолади! Бу куппа-кундузги талончиликдан бошқа нарса эмаску?! Ҳолбуки, ана шу толадан Марказдаги фабрикаларда, ҳеч қурса, тўрт-беш дона эркаклар кўйлаги тайёрланади. Ҳар бир кўйлакнинг нархи қирқ-қирқ беш сўм! Ўша ордонадан бир дона сотиб оламан, деган пахтакор киссасидан яна қанча қўшимча харажат қилиши керак?! Умри дала-даштда ўтадиган бечора деҳқон ўша қўшимча даромадни қайдан олади.? Нари борса, уйида уч-тўрт бош мол боқиши мумкин, холос...

«Эҳ, менинг шўрлик халқим! – ўртаниб ўйларди Ислом Каримов кенг пахта пайкалларидан бирининг ёқасида хаёлчан тураркан, – қачон ўз ҳақингга ўзинг эгалик қиласан? Қачон қаддинг тик, бошинг мағрур бўлади? Наҳотки бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмаса?! Наҳотки сенинг кўз ёшларингни артиб, бошингни силай олмасак?»

Ислом Каримов ғамгин қиёфада атрофга кўз югуртирди.

Қия келиб қолган қуёш ловуллаб, тобора теваракни қиздирмоқда. Анчагина бўй чўзиб қолган ғўза ниҳоллари енгил эпкиндан оҳиста чайқалади. Қайлардадир пайкалга ишлов бериб юрган трактор товуши элас-элас қулоққа чалинади.

Бир пайт катта йўл бўйида турган оқ «Волга» ёнига «Москвич» машинаси келиб тўхтади. Ундан икки қора тушди. Оралиқ анчагина бўлишига қарамай, Ислом Абдуғаниевич уларни танигандай бўлди.

«Бири Носиров, бири ҳалиги... агроном, шекилли... Улар бу ерда нима қилиб юришибди?» – деб ўйлади вилоят раҳбари таажжубланиб, сўнг ўша ёққа қараб юрди.

Адашмаган экан. Чиндан ҳам йўл ёқасида Толиб билан Шаймардон саросималаниб, вилоят раҳбари томон жонсарак кўз тикиб туришарди.

Анча яқин бориб қолган Ислом Абдуғаниевич уларга имлади.

– Қани, бу ёққа келинглар-чи.

Йигитлар бамисли пойгачилардай ариқдан баббаравар ҳатлаб ўтишди-да, вилоят раҳбари томон йўрғалашди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсизлар? – деб сўради Ислом Абдуғаниевич йигитлар ҳансираган кўйи салом бериб кўришишгач. – Менда ишларинг борми?

– Иккинчи совхоздаги тажриба участкасини кўриб келяпмиз, – деди Шаймардон ҳаяжондан андак дудуқланиб, – Деҳқонлар кенгашининг ҳисоботини тайёрламоқчи эдим.

– Ўзингнинг совхозингда ишлар қалай, Холёровни яна қон босими безовта қилмаяптими?

– Абрай аканинг ҳозир касал бўлишга вақти йўқ. Далага чайла тикиб олиб, ғўза парваришини ўзи назорат қилиб турибди.

Вилоят раҳбари Толибга юзланди.

– Сен нима қилиб юрибсан? Ё идорада ишинг йўқми?

– Мен... – деди Толиб ҳам ҳаяжонланиб, – Аллаев тажриба участкасидаги ёш агрономни мақтаганди. Уни

ҳам ҳалиги... Марказга ўқишга борувчилар рўйхатига қўшиш учун...

– Тушунарли.

Ислом Абдуғаниевич хаёлчан қиёфада пайкал бўйлаб юриб кетди. Ёшлар ҳам қўл қовуштирган кўйи вилоят раҳбарининг ортидан одимлаб боришарди.

– Толиб, – деди Ислом Каримов алланима ҳақидадир пичирлаша бошлаган ёшларнинг эътиборини ўзига қаратиб, – Тошкентдан бир-икки мутахассисни чақириб, Деҳқонободга борганимиз эсингдами?

– Эсимда, мутахассислар роса ўн кун текширув олиб борганди. Ўша атрофда жуда кўп фойдали қазилмалар борлигини аниқлашганди.

– Шуларни ўзлаштирса бўладими, йўқми?

– Бўлса керак... бўлади.

– Бунинг учун, энг аввало нима қилиш керак?

Толиб бир зум ўйланиб турди-да:

– Темирйўл ўтказиш керак, – деди вилоят раҳбарининг бир пайтлар айтганини эслаб.

– Темирйўл ўтказсак, конларни ўзлаштирсак, бундан бизга фойда борми, йўқми?

– Фойда бўлса керак... – деди Толиб иккиланганнамо.

– Шунақами? Мана, масалан, «Шўртангаз»ни ёки «Муборакгаз»ни ол. Бутун Иттифоққа катта миқдорда маҳсулот беради. Лекин ўзимизнинг қишлоқларимиз, шаҳарларимиз ҳали-ҳануз ғўзапоя ёқади. Газга зор. Буни қанақа тушунса бўлади?

Толиб мужмал елка қисиб қўяқолди. Ислом Абдуғаниевич бир ўзига, бир дўстига анграйганча кўз ташлаётган Шаймардоннинг тиззасига ишора қилди.

– Хўш, Аллаев, мана бу шимингни неча пулга олгансан?

– Жуда қиммат, – деб мақтанди Шаймардон, – бир таниш чайқовчидан олганман.

– Неча пулга олгансан?

Шаймардон қийнала-қийнала эслади-да, шимининг нархини айтди.

– Шунақа сифатли кийим-кечакларни ўзимизда, масалан, Қаршида ишлаб чиқарса бўлмайдими? Ахир пахтани биз етиштирсак, биз уни тозалаб толага айлантирсак, фақат фабрика очиб, аввал ип-газлама тайёрлаш, сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш қоляпти, холос. Хўш, шуларни амалга оширсак бўладими?

– Бўлади, бўлади, Ислом ака, – дея ҳовлиқди Шаймардон, – буни тезроқ қилиш керак, эртагаёқ киришиш керак.

– Қандай қилиб? Хўш, тартиби қанақа?

– Тошкентга, Москвага таклиф киритамиз.

– Нима, шу пайтгача уларнинг шунақа қилиш мумкинлигига ақллари етмаганми? Билишмайдими?

Шаймардон ҳам мужмал елка қисиб қўяқолди.

– Укалар, – деди Ислом Абдуғаниевич чуқур тин олиб, – биз ҳозир орзу қилаётган нарса «саноат» дейилади, тўғрими? Саноат бор жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Лекин баъзи хўжайинлар бизда бунақа ривожланиш бўлишини исташармикан, балки уларга шунчаки бир хомашё базаси сифатида керакдирмиз...

Шу пайт ҳайдовчи Суюн ака ҳовлиққанча чопиб келди.

– Ислом ака, сизни рацияда сўрашяпти!

Вилоят раҳбари сергакланиб, машина томон илдам юриб кетди.

– Суюн ака, нима гап, тинчликмикан? – деб сўради Толиб ёнларида саросималаниб қолган ҳайдовчидан.

Суюн ака ғамгин пичирлади:

– Сизлар эшитмадиларингизми? Фарғонада катта тўс-тўполон бошланибди! Месхети турклари билан ўз-

беклар уришишяпти экан! Уйларга ўт қўйиб, бир-бирларига қурол билан ҳужум қилишяпти эмиш.

Толиб ва Шаймардон ҳангу манг қотиб қолишди.

Шу пайт Ислом Абдуғаниевич ҳайдовчини имлаб чақирди.

– Суюн ака, тезроқ келинг!

Карахт турган икковлон ҳам ҳайдовчи ортидан югургилашди.

– Тезроқ машинани қўзғанг, зудлик билан етиб боришимиз керак, – дея Суюн акани қистади вилоят раҳбари улар ҳансираганча яқинлашишгач. Сўнг икковлонга юзланди: – Боя айтганларим сизларга уйга вазифа. Қани бир ўйлаб кўринглар-чи, ўша муаммоларни ҳал этиш учун нима қилмоғимиз керак. Мен Тошкентдан қайтиб, сизлар билан алоҳида гаплашаман.

«Волга» шитоб билан қўзғалди.

Йигитлар бир-бирига таажжубланиб тикилишди.

– Масаланинг ечимини сиз биласизми? – деб сўради Шаймардон.

Толиб аввалига мужмал елка қисиб қўйди, сўнг туйқус муҳим нарса эсига тушгандай жилмайди:

– Оз-моз англагандай бўляпман... Ислом ака: «Ўзбекистон мустақил давлат бўлсагина ўша ишларни амалга ошириш мумкин» демоқчи бўлдилар, менимча.

– Менимча ҳам шундай, – деди тўлқинланиб Шаймардон.

V

Туйқус устма-уст жиринглаган телефон Анастасовни чўчитиб юборди.

– Алло, эшитаман, – деди у юрак ютиб ўзини таништираркан.

Нариги тарафдан жарангдор тиниқ товуш таралди:

– Сиз билан КПСС Бош котиби...

Анастасовнинг тиззалари қалтираб, аъзои баданини совуқ тер қоплади. Гўшакни маҳкам сиқимлаган қўйи дағ-дағ титрарди.

– Алло, Анастасов?

– Эшитаман, ўртоқ Бош котиб!

– Фарғонада нима гаплар?!

Александр Петрович овози қалтираб, узуқ-юлуқ ахборот берди.

– Нега бу кундан-кунга кучаймоқда? Буни қандай тушуниш мумкин? Кимлар оловга ёғ сепяпти?! Нега жимсан?

– Ҳурматли Бош котиб... – дея Александр Петрович тағин узуқ-юлуқ гап бошлади.

– Менга қара, Анастасов, – унинг гапини кескин бўлди Бош котиб, – сен бизнинг ўша ердаги вакилимиз бўлатуриб, бундай тўс-тўполонга қандай йўл қўйиб ўтирибсан?! Наҳотки, вазиятни англаб етолмаяпсан. Ахир, бу давлат илдизига болта уриш-ку! Менга қара, Анастасов...

– Эшитаман, ўртоқ Бош котиб...

– Анови оқсоқолни дарҳол у ердан йўқотиш керак. Ўрнига халқни орасидан эргаштира оладиган, мана бу тўс-тўполонни бостира оладиган одам керак. Нима дейсан, борми шунақа кадрлардан?

– Ҳурматли Бош котиб...

– Бу ердаги ўртоқлар Ислом Каримов номзодига тўхталишяпти. У заковатли, халқни ортидан эргаштира оладиган раҳбар, дейишяпти.

– Ҳурматли Бош котиб...

– Хуллас, Анастасов, гапни қисқа қил, дарҳол Ислом Каримов билан Москвага учиб келинглар. Тезроқ оловни ўчиришимиз керак.

Алоқа узилдию Анастасов жойига шилқ этиб тушди.

«Москвадагилар ақлдан озибди, – ўйлади у изтироб билан, – ахир, Каримов ёлғиз ўзининг ақл-заковати билан улуғ давлатимиз учун минг-миллион жангарилардан хавфлироқ-ку?! Наҳотки, шуни тушунишмаса?! Тўғри, бутун Ўзбекистон халқини ортидан эргаштира олади. Лекин эргаштириб қаёққа олиб боради, деган савол туғилмайдими?! Каримов Ўзбекистонни мустақилликка бошлаб боради! Буни бошқалар билмаса ҳам, мана, мен биламан! Ахир, бу қайсар раҳбар билан уч йилдан бери курашаман! Лекин, очиқ гап, бундай довюрак одамни ҳали ҳеч қачон учратмаганман».

Анастасов гандираклаган кўйи ўрнидан турди. Аллакимларга қўнғироқ қилмоқчи бўлди-ю, тағин беҳафсала қўл силтади.

«Лекин қойилман, Ислом Абдуғаниевич, – дея хаёлан хитоб қилди у беихтиёр бошини сараклатиб, – сиз мени енгдингиз. Метиндай матонатингиз, ўткир заковатингиз билан ғолиб келдингиз. Йўқ, мен эмас, биз мағлуб бўлдик....»

Александр Петрович баланд курсисига беҳол суяниб қолди.

VI

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистонга раҳбар этиб тайинлангани ҳақидаги хабар Қашқадарёга тез тарқалди. Кимдир телевизордан кўриб, кимдир радиодан тинглаган, тағин биров газетадан ўқиб билган. Маҳаллаю гузарларда ҳам дув-дув гап. Ишхонаю чойхоналарда шунинг гурунги.

Ана, Косон бозорининг кунда-шундалари савдони ҳам унутиб, давра қуриб олишган.

– Энди нима қиламиз? – дейди кимдир ошкора ташвишланиб, –вилоятнинг янги раҳбари у кишининг ўрнини босармикан? Ислом аканинг ишларини давом эттира олармикан?

– Ишқилиб бошимизни силайдиган одам бўлсин-да, – дея ташвишга шерик бўлади яна бир қария.

Кўзларидан ўт чақнаб турган ёш бир йигит гапга аралашди:

– Ислом ака энди бутун Ўзбекистонни гуллатади!

– Рост, – дея йигитни қўллаб-қувватлади бозорга кириб қолган бир зиёлинамо киши, – кеча Тошкентда ўтказган Пленумини телевизорда кўрмадиларингизми? Ислом Каримов шундай дадил гапларни гапирдики, унча-мунча текинхўр амалдорлар писиб қолишди. Халқнинг дилидаги дардни айтди. Мен адолатсизлик билан ҳеч қачон муроса қилмайман, деди. Ўзиям кинодан қизиқарли мажлис бўлди.

– Яна қайтариб кўрсатмасмикан-а? – деди биринчи гап бошлаган киши.

– Билмадим. Балки, кўрсатар.

Ташвишманд қария суҳбатдошларга бир-бир жонсарак кўз ташлади.

– У киши энди вилоятимизга келмайдими? Бир кўришиб раҳмат айтиб қўйсам дегандим. Кетганларини ҳам билмай қолибмиз.

– Республика танг аҳволга тушиб қолгани учун Ислом Каримовни дарҳол чақириб олишди, – деди ўша зиёли киши тўлқинланиб, – бу инсоннинг кучини, қобилиятини, ҳатто, Москвадагилар ҳам тан олган. Кўрдиларингизми, Фарғонадаги жанжални қандай тез тинчитди? Ҳа, айтганча, Ислом ака эртанми, индинми, яна Қаршига келиб кетадилар. Эски иш жойи билан хайрлашиш дегандай...

– Ишқилиб, халқнинг бахтига у киши ҳамиша соғсаломат бўлсин, – деди қария эмраниб.

Бошқалар ҳам уни баб-баравар қўллаб-қувватлашди:
– Айтганингиз келсин!

* * *

Толиб Носиров бугун эрталабдан бери бесаранжом: Тошкентдан Ислом Абдуғаниевич учиб келяпти! У киши билан кўришиб бўлармикан?! Ё секин аэропортга чиқса-чи, сал кўзга ташланадиган жойга турса-чи? Йўқ, яхшиси, шу ерда кутиб турган маъқул.

Толиб шундай жонсарак хаёллар оғушида гоҳ у, гоҳ бу юмушга чопқиллаб юраркан экан, лоп этиб ёдига Шаймардон тушиб қолди.

Нега кўринмаяпти у? Ислом Абдуғаниевичнинг келишидан хабардор эди-ку? «Эрталаб идора ёнида бўламан», деганди-ку қўнғироқлашганда. Шундай тиғиз пайт қаерларда ҳовлиқиб юрибдийкан? Эртароқ келиб мундоқ бир маслаҳатлашмайдими?!

Шу пайт марказий кўчадан идора томон улкан юк машинаси вазмин бурилиб, тисиллаганича тўхтади. Ҳайдовчига алланима дедию кабинадан Шаймардон сакраб тушди. Муҳим бир вазифани қойиллатиб қўйгандай лаб-лунжи мамнуниятдан ёйилиб кетган.

Толиб дўстини кўрдию ҳангу манг қотиб қолди. «Тағин нима балони бошлаб юрибди, бу Шаймардон шошқалоқ?!»

– Ҳа, Носирип, нега менга анграйиб қолдингиз? – деди Шаймардон яқин келиб, манглай терларини артаркан.

– Юк машина бошлаб келибсизми, нега?

– Нега бўларди, Ислом аканинг кўч-кўронини юклаймиз-да, – деди Шаймардон хушхандон илжайиб, – қўрқманг, сизни безовта қилмайман, ҳозир пединститутдан беш-олти талаба келади, тайинлаб қўйибман.

Толиб теваракка бир аланг-жаланг қилдию жон ҳолатда шивирлади:

– Тезроқ йўқотинг бу машинани, Аллаев! Ислом ака эшитса, икковимиздан ҳам хафа бўлади.

– Нега?!

– Эй шошқалоқ жинни. У кишининг юк машинага лойиқ нарсаси борми, ахир?! Бор-йўқ мулки беш-олти боғлам китоб, бир тугун кийим-бош-ку, ахир! Нари борса, «Волга»нинг багажига жой бўлади улар. Тезроқ йўқотинг анови баҳайбат машинани.

Шаймардон ҳам эндигина ақли киргандай дўнг пешонасига шапатилади.

– Эҳ, бу калланинг ишламаганига қаранг-а... мундоғ ўйлаб ҳам кўрмабман-а. Хўп, ҳозир хатони тўғрилаймиз.

Аллаев ҳовлиққан кўйи яна юк машинаси томон лўкиллаб кетди. Толиб мийиғида кулганича бош чайқаб қўйди.

* * *

Уч йил! Балки у мангулик, боқийлик олдида ҳеч гап эмасдир, балки у абадиятнинг энг кичик заррачасини ҳам ташкил қилмас, бироқ инсон астойдил истаса худди шу арзимас фурсат ичида мангуликка дахлдор, абадиятга татигулик неларнидир амалга ошириши мумкин экан. Алҳол, мангулик, абадият ўз-ўзича ҳеч қандай маъно-мазмунга, жозиба ёхуд маза-матрага эга эмас, шунчаки, бетиним айланиб ётган чархи дун, холос. Олий хилқат саналмиш инсон ақл-заковати, тафаккури шарофатидан яратилган шаҳару кентлар, муҳташам обидалар, асару битиклар боқийликка маъно-моҳият, ҳусну жозиба, улуғворлик, маҳобат бағишлайди. Йиллару асрлар, даврлар оша авлодлар кетидан авлодлар

бундай бунёдкорлик мўъжизаларидан ҳайрату ҳаяжонга чулғанар экан, мангуликнинг мангулигига мангулик қўшилади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай хаёллар оғушида самолёт салонида ўтираркан, юрагига енгил бир ғусса, маҳзунлик сизиб кираётганини пайқаб қолди. Ахир, осон гапми, не бир жўшқин кечинмаларига, гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли кунларига гувоҳ бўлган вилоятни бугун тарк этди. Ўзига нари-бериси уч йил ҳамдард, ҳамнафас бўлган жамоа билан хайрлашди.

Ислом Абдуғаниевич алланечук ўртаниб, бир нуқтага тикилиб қолди. Кўнгли ҳануз маҳзун ҳисларга чулғанган эди.

Уч йил! Унинг шунча умри Қашқадарёда кечди. Йўқ, бу гап унчалик тўғри эмас. Уч йил у Қашқадарёда яшади. Ҳа, яшади! Нақадар гўзал сўз-а, «яшади»?! «Яшнади», «яшнатди» деган сўзларга ажабтовур уйғун. Бу бежиз эмас, яшамоқ моҳиятан «яшнамоқ», «яшнатмоқ» демакдир.

Уч йил! Бу вақт ичида у ҳаёт билан чинакамига юзлашди. Гоҳ у билан қўл бериб хушхандон кўришди, гоҳ бел олишиб жўмардларча курашди. Қизиқ, бу кураш уни толиқтирмади, тинкасини қуритмади. Аксинча, заковатига, тафаккурига ажабтовур туртки берди. Тириклик, Мангулик ҳақида, Инсон ва унинг умри маъноси ҳақида тонг шудринги каби тиниқ, покиза фикрлар, туйғулар пайдо қилди. Бу кечинмаларни бир-икки оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Бу фикрлар, бу туйғулар биллур доналари янглиғ қоғозга тўкилсам, дейди. Ҳар бир сатридан, ҳар бир саҳифасидан ҳарорат, жозиба уфуриб турган фалсафий, ижтимоий-сиёсий мазмундаги мўъжаз бир асар бўлсам, дейди.

Қизиқ, енг шимариб ижодга киришса, кўнгли кўзгусида жонланиб турган ўша асарини ярата олармикан?!

Шундай масъулиятли, нозикдан-нозик юмушни эплай олармикан?! Нафсиламрини айтганда, баъзи бобларнинг қораламалари тайёр, аҳён-аҳёнда тунлари ёлғиз қолганида ёзув дафтарига тушириб қўйибди. Лекин, бу ҳали етарли эмас.

Ислом Абдуғаниевич ўриндиқ тирсагига таяниб, кафтига ияк тираб ўтираркан, бутун вужудига алланечук ҳаяжон, ҳадик югурди. Ўзини кўп ўйлантирган муаммолар, масалалар ечими, фикрлар хаёлида чарх уриб ўтдию ажиб илҳом завқидан қорачиғлари ёлқинланиб, бармоқларига хуш бир титроқ инди.

Йўқ! Иккиланишга, журъатсизликка ҳеч бир ўрин йўқ! Неча йиллардан бери кўнглида ёмбидай ярақлаган фикрлар, туйғулар албатта қоғозга тўкилиши лозим. Ахир бу кечинмалар, энг аввало, юрт учун, чигал муаммолар гирдобида қолган, чор атрофдан жонсарак нажот излаётган жафокаш халқ учун хизмат қилиши лозим. Ахир, замон, давр ғоят тез ўзгаряпти. Бугунги тамойиллар, бугунги тушунчалар эртага тўғри келмай қоляпти. Дунё лангарини йўқотган кемадай чайқалиб турибди. Чайқалаётган дунёни фақат фикр қутқара олади! Ҳа, нажот фақат фикрда!

Мана, бундан буён, у – Ўзбекистон раҳбари. Ўзбекистон нафақат Иттифоқнинг, балки дунё иқтисодий-сиёсий ҳаётида нақадар аҳамиятли эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Демакки, дунёда кечаётган эврилишлар, гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли воқеалар унга таъсир этмасдан қолмайди. Бу жафокаш юртни XXI аср бўсағасида нелар кутиб турибди. Уни истиқболга элтувчи йўллар равонми, порлоқми? Кескин эврилишлар, дунёвий чайқалишлар пайти ўткир муаммоларга қандай, нечоғлиқ ёндашув мақсадга мувофиқ? Халқаро таҳдид, экологик хатарлар билан қандай курашмоқ лозим бўлади? Йўқ! Бу саволлар моҳиятига кўра, ўта мураккаб, ўта

чигал ҳисобланса-да, лекин уларга ечим бор! Уларни ақл-заковат билан бартараф этиш йўллари мавжуд!

Худди шу масалаларни у, албатта, режасидаги асарида батафсил ёритади!

«Албатта, албатта, ўз асаримни ёзаман. Менинг ҳали халқимга, элимга айтар гапларим кўп!» – дея хаёлан хитоб қилди Ислом Каримов.

Шу пайт сертабассум стюардесса салонга юзланди:

– Биз Тошкент шаҳри устидамиз!

Ислом Абдуғаниевич Каримов иллюминатордан ташқарига секин кўз ташлади. Чарақлаган қуёш худди улар билан бирга ерга қўнаётгандек эди.

Биринчи китоб тамом

МУНДАРИЖА

Буюк шахс ҳақида роман 3
Муқаддима: илоҳий мужда 11

Биринчи қисм
Сургун 27

Иккинчи қисм
Серташвиш кунлар 95

Учинчи қисм
Юракдаги аланга 275

Тўртинчи қисм
Қайтиш 345

Адабиий-бадиий нашр

ЛУҚМОН БЎРИХОН

ОЛОВ ТУТГАН ОДАМ

Роман

Биринчи китоб

Муҳаррир: Гулноз Мўминова
Бадиий муҳаррир: Баҳриддин Бозоров
Рассомлар: Суҳроб Туйчиев, Фаррух Аширов
Техник муҳаррир: Дилмурод Жалилов
Мусаҳҳиҳ: Маъмура Зохидова

Босишга рухсат этилди 05.07.2018й. Бичими 84x108 1/32.
Босма табоғи 20,1. Шартли босма табоғи 13,4.
Адади 3 000 нусха. Буюртма №531.
Баҳоси келишилган нархда.
“Университет” нашриёти. Тошкент, Талабалар шаҳарчаси,
ЎзМУ маъмурий биноси. Лицензия AI № 187, 10.05.2011й. берилган.
"КОЛОРПАК" МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент, Элбек кўч., 8-уй.

27.000 czn.

ЛУҚМОН БЎРИХОН
(Бўриев Луқмон Каримович)

1965 йилда Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги УзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. «Жазирамадаги одамлар», «Темирйул ёхуд титраётган тоғ» номли романлари, «Хизр курган йигит», «Тун қаъридаги шуъла», «Қуёш ҳали ботмаган» каби қиссалар ва ҳикоялардан иборат тупламлари чоп этилган. Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Шуҳрат» медали (2007 й.), «Узбекистон Республикасида хизмат курсатган маданият ходими» фахрий унвони (2012 й.) билан тақдирланган.